

# ЁШЛК



Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
союзининг  
органи

(90)  
Июнь

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал


1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош редактор:  
Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул секретарь),  
Олим ОТАХОНОВ,  
Азим СУЮН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
(бош редактор ўринбосари).

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти

**АМЕРИКАЛИК  
ЎЗБЕКЛАР****Ўзбекистон халқ шоири  
Эркин Воҳидов билан суҳбат**

*Эркин Воҳидов номи Ўзбекистонда каттаю кичика яхши таниш. Шеърятгимизнинг байроқдорларидан бири, республика Болалар фонди правлениесининг раиси, «Ешлик» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси, жаҳонгашта ижодкор... Яқиндагина Америка сафаридан қайтиб келганлигини эшитган эдим. Редакция топшириғи билан Эркин аканинг Хувайдо кўчасидаги мўғжазгина ва ораста ҳовлисига ошиқдим. Эшикни хонадон соҳибининг ўзи очди. Ранглари бир оз синиққан, аммо ўша тийран нигоҳ, майин шарқона лутф...*

— Сафардан қайтиб тўғри касалхонага тушдим, — дейди хиёл табассум билан Эркин ака менинг ажабланганлигимни сезиб, — ўт пуфагини тошлари билан олдиришга тўғри келди. Бу дард мени бир неча йилдан бери қийнаб келарди. Америка сафари чоғида ҳам текширтириб кўрдим. Улар ҳам шу касалликни тасдиқлаб, тезда операция қилиш лозимлигини айтишди. Америкалик ўзбеклар ўша ерда операция қилдиришни, барча харажатларни ўзлари кўтаришларини, бир ҳафтада соғайиб чиқишимни айтишса ҳам кўнмадим. Ҳамма томонини ўйларкан киши. Ҳар қалай, ўз уйим, ўлан-тўшагим деган гаплар бор.

Кўкрак хирургияси институти шифокорлари мени бу дарддан халос этишди.

— Америка — «сеҳрли диёр», капиталистик дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири, бир неча асрлик демократик анъаналарга эга. Сиз бу мамлакат билан иккинчи бор танишдингиз. Ўтган вақт мобайнида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини сездингиз? Мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёни у ерда қандай баҳоланяпти?

— Бу сафар Америкага «Тошкент дарвозалари» хужжатли фильмини суратга олиш учун борган эдик. Шаҳримиз, республикамизнинг халқаро алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм сценарийсини мен ёган эдим. Унинг яратувчилари — режиссёр Хайрулла Жўраев, оператор Қаҳрамон Ҳасановлар билан бирга бордик. 2 февралдан 2 мартгача Сиэтл, Вашингтон, Нью-Йорк шаҳарлари билан танишдик. Ҳамма жойда суратга олиш учун барча шароитларни яратиб беришди. Америкалик ўзбеклар қўлларидан келган ёрдамларини аямадилар.

Америка чиндан ҳам жозибали мамлакат. У ўзининг бойлиги ва эркин бозори билан жаҳондаги миллионлаб кишиларни жалб этади. Магазинлар пештахталарида деярли бутун дунёдан борган молларни кўрасиз. Бу борада ҳеч қанақа чеклаш йўқ. Одамлар ҳам истаган жойига боради, яшайди, ўзаро мулоқотда бўлади. Назаримда, ана шу эркин алоқалар ва рақобат юксак тараққиёт воситаси бўлган. Очигини айтганда, ўртача америкаликнинг турмуш даражаси биздаги шундай кишилар даражасидан бир неча баравар юқори. Масалан, у ойлик маошига энгил автомашина ёки ўнлаб магнитофон сотиб олиши мумкин. Кийимлар ҳам нисбатан арзон. Аммо уй-жой, медицина хизмати қиммат. Техниканинг энг янги ютуқлари ҳар бир хонадонга кириб борган. Симсиз ва хотирали телефонлар, микротўлқинли ўчоқлар, видеомагнитофон, компьютер... Нью-Йоркдан телефон орқали Тошкент билан гаплашиш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. Уйдагилар эшитиб ҳайрон қолишди: ниҳоятда аниқ, худди қўшни хонадан гаплашаётгандек. Медицина даражаси ҳам ниҳоятда юксак.

Америкаликларда ишбилармонлик, эгалик туйғуси ниҳоятда кучли. Улар бирор дақиқаларини бекорга кетказмайдилар. Ўша ерда яшаётган ўзбекларга ҳам бу туйғу ўтган. Чунки ялқовлик ёки бепарволик билан ички рақобатга дош бериш мумкин эмас. Ҳар бир корхона, ширкат, дўкон ўз маҳсулотини сифатлироқ, арзонроқ қилишга, хизмат маданиятини юксалтиришга интилади. Чунки харидор қанча кўп бўлса, шунча яхши. Дўконга кирган бирор одам эътибордан четда қолмайди. Сиэтл шаҳрида бир китоб дўконига кирдик. Сотувчи қиз ниманидир ёзиб ўтирган экан. Шериклар билан кириб борганимизда у ишини тезда тугатиб, ёнимизга келди ва узр сўраб, қандай китоб зарурлигини суриштирди. Анча излаб бу китобни тополмади. Шунда у телефон номерини қолдиришни, топганидан сўнг ўзи хабар беришини айтди. Бундай муомалани, эътиборни ҳар қадамда учратасиз.

Бу мамлакатда кўрганларимни хаёлан ўзимизнинг воқелик билан солиштираман. Барча иллат хўжасизликда эканлигини пайқайман. Етиштирган ғалламизнинг 30 фойизи йўлда йўқолар экан. Биз шунча донни АҚШ ва Канададан сотиб оламиз. Кемаларимиз бир неча минг километрни бўш босиб ўтиб, ғалла олиб кетишини ўз кўзим билан кўрганман. Чунки бу ерда деярли ҳеч нарсаимизни сотиб олиш-

майди. Маҳсулотларимизнинг сифати ниҳоятда паст. Биз иш учун америкача жонкуярликни, ички интизомни ўрганишимиз керак. «Ҳамма нарса инсон учун» деган ширorni оғизда эмас, амалда жорий этишга интилишимиз зарур.

Америкаликларнинг Совет Иттифоқига, совет кишиларига муносабати тубдан ўзгариб борапти. Улардаги адоват ва гумон туйғуси дўстлик, ишонч, самимият билан алмашмоқда. Бунга кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги қайта қуриш ва ошкоралик жараёни сабаб бўляпти. М. С. Горбачев номи бу ерда ниҳоятда машҳур. Қўлимга «Тайм» журналининг ўтган йилги сони тушиб қолди. Унда совет раҳбари йилнинг энг яхши давлат арбоби деб эътироф этилганлиги ёзилган. Айни пайтда унинг болаликдаги ва оилавий суратлари чоп этилган. Чунки америкаликлар давлат арбобига ҳам инсон деб қарайдилар, унинг оиласи, қуршаган муҳити, феъл-атвори, ҳатто қандай ичимликни ва таомни хуш кўришигача билишга қизиқадилар. Бу бежиз эмас. Ахир халқ сайлаган раҳбарлар оқибатда мамлакат тақдирини ҳал қилдилар, бу ишда эса улар табиатидаги энг нозик икки-чакирлар ҳам аҳамиятлидир.

— Эркин ака, америкалик ўзбеклар ҳақида гапирдингиз. Яқин-яқингача биз уларни сотқинлар, ватангадолар деб атардик. Аслида улар кимлар? Океан ортига қандай бориб қолишган?

— Америкалик ўзбеклар тўғрисида батафсил ҳикоя қиладиган бўлсам бир неча китоблик роман бўлади. Негаки, сўнгги эллик-олтмиш йил мобайнида қисмат қуони турли эл-элатлар аро туз-насибасини сочган ва ниҳоят олис уммон ортини макон этган етти-саккиз юз оиланинг ҳар бири ўз мураккаб шажарасига, тарихига эга. Уларнинг жуда кўплари Афғонистонда, Туркияда, Сауд Арабистонида ва бошқа мамлакатларда туғилиб ўсганлар. Она юрт Ўзбекистонни фақат суратларда, киноларда кўрганлар, у ҳақда газета ва китоблардан ўқиб, ватандан борган кишиларнинг суҳбатларини эшитиб билганлар. Шунинг учун ҳам Нью-Йорк ҳамда Вашингтонда кечган икки ҳафтаимизнинг бирор куни ва бирор соатида биз ёлғиз қолмадик. Кундузги ишларимиз ватандошлар ҳамроҳлигида, оқшомги дам олишларимиз турли оилаларда, кўпчилик йиғилган меҳмондорчиликларда ўтди. Биз олиб борган совғаларнинг энг табарруғи Ўзбекистон манзаралари, ўзбек санъаткорлари суратга олинган кинофильмлар бўлди, магнит лентасига ёзилган шеърлар ва қўшиқлар бўлди.

Суҳбатларда мен шунга амин бўлдимки, хорижда яшаётган ҳар бир ўзбекнинг қониди ўз ватани меҳри жўш уриб турибди. Ўзбекистонлик йигит-қизлар мени кечирсинлар, — биз гоҳи юртимизда яшаб туриб унинг қадрини билмаймиз, — мен кўриб суҳбатлашган ватандошларнинг Ўзбекистонга муҳабати бизларникидан ўн чандон ортиқ десам лоф бўлмас. Одатда киндик қони тўкилган жойни Ватан дейдилар. Лекин Сурияда туғилган, ё Марокашда дунёга келган, ё Истамбулда кўз очган ўзбек учун барибир Ватан — бу Ўзбекистондир.

Америкалик ўзбекларнинг кўпчилиги йигирманчи, ўттинчи йилларда ўнг-терсига қарамай қулоқ қилиш, зўрлик билан коллективлаштириш замонидан жон сақлаб Афғонистон ёки Шарқий Туркистонга кетиб қолган юртдошларимизнинг фарзандлари ёки набираларидир.

Бугун биз тарихимизнинг ўша чигал тугунларини ёзиб ўрганар эканмиз, сталинча қаттол сиёсатни

қоралаймиз ва бинобарин ўша пайтда ватанни тарк этганлар бегуноҳ жабрдийдалар бўлиб чиқадиладар. Ахир ватандан қочиб улгурмаганлар кейинча «ёт унсурлар» сифатида сургун қилиндиладар, отилдиладар, қолганлари ўттиз еттинчи йили «троцкийчилар», «бухаринчилар», «халқ душманлари» тамғаси билан йўқ қилиндиладар. Нью-Йоркда тўқсон саккиз ёшли мўйсафид, асли марғилонлик одам яшайди. Ўттиз саккиз қарра ҳожи бўлган бу қарияни билган кексалар «бу одам энг камида 120 га кирган, ёшини яширади» дейдиладар. Бу гапда жон борга ўхшайди. У киши Николай подшо замонида қўйчи бой бўлган. У қўйчибонлари билан Олатов оша Хитойга қўй қайдаб борган, йўл-йўлакай семиртириб Қашқар бозорида пуллаган ва Хитойдан мато ҳамда буюмлар олиб қайтган. «Йўлдош Охунбобоев Марғилонда менинг қўлимда батрак бўлган» дейди. «Қайси йилларда?» деб сўрайман. «Эсимда йўқ, валлоҳи аълам 1914 йилмикин, 1915 йилмикин...» деб ерга қараб тасбиҳ ўгириб ўтиради... Ичимда ҳисоблайман: Йўлдош ота тирик бўлса, 104 га кирган бўларди. Демак, бу одам дарҳақиқат 120 га борган бўлса ажаб эмас. Лекин кўринишига қараб нари борса 70—75 ёшларда дейиш мумкин. Соч, мўйловлар қоп-қора (бўятган бўлиши мумкин). Ўзи серҳаракат, хотираси бутун, беш вақт намозни қанда қилмайди. Лекин ўта мутаассиб эмас, жиндек-жиндек «нўш этиб» ҳам турадиладар. Умрининг кўп қисми Туркияда ўтган. Шунинг учун сўзлашув тилида турк сўзлари кўп учрайди. Ўзбекистондан 1923 йилда Қашқарга кетган ва кўп Шарқ мамлакатларида яшаб, охири Истамбулда муқим бўлган. Америкага ўн-ўн икки йиллар чамаси муқаддам кўчиб келган.

Яна бир тақдир. Вашингтонда Абдулла Чигатой исми олтмиш уч ёшли киши яшайди. Сизлар у кишининг товушини «Америка овози» радиостанцияси орқали эшитгансиз. Аслида Тошкентнинг Чигатой маҳалласидан. Уч ёшлик чоғида оиласи билан Афғонистонга кўчиб кетишган. Болалик йиллари у ерда, ўсмирлик, йигитлик даври Туркияда кечган. Турк қизига уйланиб, фарзандлик бўлганлар. Қизларининг исми Ўзнур (Ўзбек нури). Йигирма йилдан буён Америкада истиқомат қиладилар. Ўтган йили Америка информатика кўргазмаси иштирокчилари қаторида Тошкентга келиб, қариндошлари билан топишдиладар.

Американинг тижорат соҳибларидан бўлган Абдулрауф Мақсудийнинг, Камол Вобоқурбоннинг, Акбарўжа ота ва унинг фарзанди Абдулла Хўжанинг ва бошқа мен ҳамсуҳбат бўлган ўнлаб ўзбекларнинг бир-бирига ўхшамайдиган, ҳар бири алоҳида қисса бўладиган тақдирлари бор.

Америкалик ўзбекларнинг кексаю ёши она тилимизни, урф-одатларимизни сақлаб қолишган. Оилада албатта ўзбек тилида гаплашиш ёзилмаган қонун ҳисобланади. Шунинг учун хорижда туғилган учинчи, тўртинчи авлод вакиллари ҳам ўзбек тилида равон гаплашадиладар. Мен Акбарўжа отанинг набиралари — беш ёшли София ва уч ёшли Бобур билан сўзлашдим. Уларнинг тили ўзбекча чиққанидан қувондим.

Олис қитъада яшаётган ватандошларимиз беистисно фақат юртдошлар билан қиз олиб, қиз берадиладар. Агар Америкада муносиб жуфт топилмаса, Афғонистон, Туркия, Арабистондан қиз қидирадиладар. Шунинг учун ҳам улар наслини сақлаб қолганлар. Албатта бу кўпгина мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Ўн беш-йигирма минг чақиримдан

қиз олиш ё қиз беришнинг ўзи бўлмайди. Лекин ҳаётий зарурат, қонга сингган туйғу шунга мажбур қилади. «Қани, — дейман кўнглимда — Совет Иттифоқи ва Америка ўртасида дарвозалар кенгроқ очилса-ю, борди-келдимиз кўпайиб, юртдошлар ўртасида қудачилик ҳам бошланиб кетса...»

— Жуда долзарб масалани тилга олдингиз. Жаҳондаги тараққий қилган мамлакатларда, шу жумладан, Оврўподаги социалистик мамлакатларда ҳам ўзаро алоқалар ҳеч бир тўсиқсиз амалга оширилади. Яъни чет элга чиқмоқчи бўлган одам хорижий паспортга муҳр босдириб, истаганча пулини алмаштириб ўтиб кетаверади. Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида ва 1973 йилда Совет Иттифоқи томонидан тасдиқланган граждан ва сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги Халқаро битимда кишиларнинг эркин сафар қилиш ҳамда истиқоматгоҳ танлаш ҳуқуқи қайд этилган. Аммо бизда шундай бир тасаввур борки, гўё чегараларни очсак, кўпчилик чет элга қочиб кетади, деб ўйлаймиз.

— Мутлақо асоссиз шубҳа. Қолаверса, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Кўнгли кўчган одам ёлчи-тиб ишламайди. Бизга ўз ватани, халқига садоқатли, ўзга жаннатни эмас, балки ўз юртида жаннат бўлишини истаган, шу эзгу мақсад учун курашга ҳозир фидойилар керак. Шундагина қайта қуриш режалари тезроқ амалга ошади. Бугунги кунда мамлакатлараро эркин алоқаларни йўлга қўймасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Оғзи берк идишда ҳатто сув ҳам бузилади. Назаримда, сталинизм даврида ва турғунлик йилларида миямизга қоқилган занглаган миҳдан қутулолганимиз йўқ. У доимо ҳаракатларимизни чегаралаб туради. Ўзимиз ҳам, айрим раҳбарларимиз ҳам трамвайга ўхшаб қолганмиз — белгиланган издан чиқолмаймиз, фақат маълум йўлдан олдинга — орқага юраверамиз. Ваҳоланки, доҳиймиз В. И. Ленин марксизм-ленинизмни қотиб қолган таълимотга айлантириб қўймасликни, у ҳаракат учун қўлланма эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бугунги воқеликни, халқаро иқлим юмшаганлигини, ўзаро душманлик туйғуси йўқолиб бораётганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Турли мамлакатлар халқлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, демакки, ер юзида тинчликни таъминлашга хизмат қилиши ўз-ўзидан равшан.

Афсуски, бизда чет элга чиқувчилар учун бирталай сунъий тўсиқлар мавжуд. Ҳужжат расмийлаштиришнинг ўзи ойлаб вақтингизни олади. Бир неча нусхадаги анкета саволларини ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Китоб ёзиб чарчамаган қўлим анкеталар ёзиб чарчайди. «Миллатингиз нима?»! Хўш, миллатимнинг чет элга бориш-бормаслигимга нима алоқаси бор? Молдаван бўлсам нимаю гуржи ёки ненец бўлсам нима? «Ўзингиз ёки қариндошларингиз асирликда бўлмаганми?» Ахир уруш тугаганига 45 йил бўл-япти, асирлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин ва унинг чет эл сафарига нима алоқаси бор? «Чет элда қариндошларингиз борми?» Худо хайрингни бер-гур, қариндошим билан нима ишинг бор, бўлса нима қилипти? Менинг 40 йил илгари ўлиб кетган отам ва онам қаерда, қачон туғилганлиги, нима иш билан шуғулланганлиги кимга, нима учун керак? Ёки беш яшар қизимнинг қайси боғчада таълим олаётганлиги «тегишли органлар» учун шунчалар зарурми? 18 нусхадаги суратим қайси раҳбарнинг альбоми учун керак? Хуллас, буларнинг ҳаммаси инсонни таҳқирлайди, унинг бебаҳо вақтини ўғирлайди.

Яқинда матбуотда ўқиб қолдим. 1925 йилгача хорижга чиқиш йўллари очиқ бўлган экан. Уша пайтда бошқа мамлакатларга бориб ўқиш, тижорат ишларини амалга ошириш ёки саёҳат қилиш оддий иш бўлган. Дарвоқе, ҳозирги америкалик ўзбекларнинг ота-боболари, асосан, ўша йилларда хорижга кетганлар. Аммо кейинчалик мамлакат атрофида «темир тўсиқлар» яратишга киришилган. Ташқи дунёдан бутунлай ажралиб, қанча нарса йўқотганлигимизни энди сезяпти.

Сурияда бўлган бир воқеа ёдимга келади. Бу мамлакатдаги марокки сафарим ниҳоясига етгач, қаламқаш дўстлар билан хайрлашув оқшомида менга сўз бериб қолишди. Тўсатдан миямга анкетанинг кулгили саволлари келиб қолса бўладими? «Сафарга келиш чоғида, — деб гап бошладим мен, — анкета тўлғазгандим. Ундаги «Чет элда қариндошларингиз борми?». «Асирликда бўлганмисиз?» деган саволларга «йўқ» деб жавоб берган эдим. Эндиги сафар бу саволларга «ҳа» деб жавоб бераман. Чунки сиздек самимий дўст ва қариндошлар орттирдим. Шеърятингиз, жозибали санъатингиз эса мени асир этди». Гарчи нутқим қарсақлар билан кутиб олинган бўлсада, расмий ҳамроҳларимдан танбеҳ эшитдим. Гўё мамлакатимизнинг ички сирини фош қилган эмишман.

Мамлакатимиздан чет элларга борадиган одамларнинг моддий аҳволи ҳам ниҳоятда ночор. Улар амалда сариқ чақа билан чиқарилади. Бировни меҳмон қилолмайди, тузукроқ нарса ололмайди. Ахир етарлича пул алмаштириб берилса, улар бирданига капиталистга айланиб қолмайди-ку! Аксинча, мамлакатимизнинг обрўйи кўтарилади. Ҳозир эса чет элга борган туристларимиз арзон тамадди тайёрлайдиган «Макдональд» ошхоналарию нархи туширилган, ўтмас матолар сотиладиган «Кеймарк» магазинларини қидирадилар. Сафарда айтилган ҳазил бадихалардан бири:

Қуртга ўн кунлик даҳа,  
тут барг беринг,  
Бизга «Макдональд» билан  
«Кеймарк» беринг.

Қайта қуриш туфайли халқаро алоқаларимиз тобора кенгаймоқда. Юқорида тилга олинган камчиликлар ҳам тез орада тугатилишига умид қиламиз. Социализм ўзининг энг инсонпарвар, озод жамият деган номига муносиб бўлиши керак.

— Яна америкалик ўзбекларга қайтсак. Уларнинг юртимиз билан алоқаси узилиб қолмаслиги учун нималар қилишимиз зарур, деб ўйлайсиз?

— Ўзбеклар Америкада уммондаги бир қатрага ўхшайди. Биргина Нью-Йоркда аҳоли кечаси 8 миллион, кундузи 14 миллион бўлар экан. Чунки кўпчилик одам шаҳарга атрофдан қатнаб ишлар экан. Ана шу улкан денгизда етти-саккиз юз оила ўзбек нима деган гап?, Шундай шароитда ҳам улар ўз тили, урф-одатларини йўқотмаганига тасанно айтмай иложингиз йўқ. Албатта улар лаҳжасида инглиз, турк, афғон тилларининг таъсири сезилади. Ўзбекларнинг кейинги авлодлари урф-одатлардан узоқлашиб қолиши мумкин, Шу сабабли ўзаро алоқаларни зудлик билан кенгайтириш зарур. «Ватан» жамияти, чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти, қолаверса, «Ешлик» журнали бу ишга бош қўшишлари керак. Америкалик ўзбекларнинг она юртга келиб кетишларига имкон яратиш, уларнинг фарзанд-

ларини мактаблар, олий ўқув юртларига ўқишга таклиф этишимиз лозим. Бу фикрни ватандошлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Уша ерлик ўзбеклардан Камол Бобоқурбоннинг ўғли 18 ёшли Ўрхун билан ўзбек тилида гаплашдим. У Ўзбекистонга келиб ўқиш нияти борлигини айтди. Мен уни ва отасини ишонтириб айтдимки, агарда у Тошкентга келиб ўқийдиган бўлса, менинг уйимда, фарзандларим қаторида яшаб туриб ўқиши мумкин. Ҳозир эса араб ва лотин алифбосида ўзбек тили дарсликларини чоп этиб, уларга жўнатсак, айни муддао бўларди.

Ниҳоят, биз уларга душманлик кўзи билан қарашдан воз кечишимиз керак. Америкадаги суҳбатлар пайтида ўша ерлик ўзбеклардан бири яқинда Тошкентда бўлганлигини, аммо Марғилонга қариндошларини кўришга қўйишмаганини афсусланиб гапирди. Бир неча ўн минг километрлик масофани босиб ўтган, она тупроқ соғинчидан озурда жон изтиробларини ҳис қилайлик, ахир!

— Эркин ака, сафар таассуротлари, ватандан олисдаги ҳамюртлар билан мулоқотлар янги асарларга туртки берган бўлса керак. Канадага сафарингиз якунида битилган «Канада туркуми»даги шеърларингиз ҳамон ёдимизда. Янги туркуми қачон ўқиймиз?

— Чиндан ҳам ҳозир Америка ҳақидаги шеърлар устида иш олиб боряпман. У битганидан кейин «Ешлик» мухлислари эътиборига ҳавола қилиш ниятим бор.

Нью-Йорк шаҳрида биз бир ўзбек хонадониди меҳмон бўлиб ўлтирганимизда гапдан гап чиқиб мана шу улкан шаҳарнинг ўртасида ўзбек ҳунармандлиги ашёлари сотиладиган бир дўкон очилса, деган фикр ўртага тушиб қолди. Кимдир туркманнинг гилами ҳам бўлса, деди, биров қирғизнинг оқ қалпоғини эслатди. Шундай қилиб, бу дўконнинг номини «Туркистон бозори» деб аташ кўпчиликка мақбул бўлди. Яқинда Нью-Йоркдан мактуб олдим. Уша даврада қатнашган шоир Учқун Эргаш менга саломнома билан «Туркистон бозори» деган шеър ёзиб юборибди. Мен унга жавобан қуйидаги мухаммасни ёзиб жўнатдим.

## Туркистон бозори

Бир дўкон қурмоқ керакким,  
Мақсади сотмоқ эмас,  
Икки ойда бой бўлай деб  
Элни алдатмоқ эмас.

Эргаш УЧҚУН,  
Америкалик ўзбек шоири

Бир бозор орзу қилурмиз,  
Номи «Туркистон» бўлур,  
Машрику Мағриб элида  
Шухрати дoston бўлур,  
Ул бозор ичра бари  
Аҳли жаҳон меҳмон бўлур,  
Бунда ўзбек, туркману  
Қирғиз, қозоқ мезбон бўлур,  
Бир томошо қилган одам  
Лол бўлур, ҳайрон бўлур.

Ул Бродвей кўчасида,  
Ё Бруклен ёнида,  
Шуъбаси Лондон, Парижнинг  
Марказий майдонида,  
Гар насиб этса кезармиз

Деҳли Туркистонида,  
Тол таги чойхона-ю  
Чойхона дастурхонида  
Бобур орзу айлаган  
Қовун ва ширмой нон бўлур.

Не бўлур пештахталарда?  
Шоҳи, атлас, беқасам,  
Чуст пичоқ бергай, Бухоро —  
Атласу, туркман — гилам,  
Оқ момиқ қирғизча қалпоқ,  
Тожикий зар дўппи ҳам,  
Жун чопон оқмуллача,  
Жон роҳати, силлик, шинам,  
Барча тилларда Навоий  
Шеърдан девон бўлур.

Келса ким ҳинддир, хитойдир  
Яхши ниятлар билан,  
Бир пиёла чой тутармиз  
Хуш назокатлар билан,  
Бир-бирова боқмас эллар  
Кин, адоватлар билан,  
Бор масалким, ҳам зиёрат,  
Ҳам тижоратлар билан  
Иншооллоҳ бормоғу  
Келмоқ яна осон бўлур.

Не ажаб, биз бошласак,  
Улғайса кундан кун бозор,  
Ёнимизга «Кавказ»у  
«Болтиқ» келиб турса қатор,  
Оқса Хадсон ёнида  
Тошқин Дунай ҳам мавжкор,  
Бу жаҳонда бахтиёр ким?  
Бағри кенглар бахтиёр,  
Асли бозормас мурод,  
Дийдор учун имкон бўлур.

Бу ният чиндир,  
Деманглар, шоирона бир хаёл.  
Икки улкан юрт учун  
Бундоқ бозордан не малол?  
Манфаат аввалда дўстлик,  
Сўнг рақобатдир ҳалол,  
Шеър у санъат аҳлига йўқ  
Куй, қўшиқдан ўзга мол,  
Бизга ҳам ул гўшада  
Чорпою айвон бўлур.

Бир мухаммас битди Эркин  
Шоир Учқунга жавоб,  
Биз ният қилдик, бу ният  
Эзгудир, олижаноб,  
Ҳар замон шоир нидоси  
Олам аҳлига хитоб,  
Бу жаҳон бозорида  
Элу элатлар беҳисоб,  
Турфа гуллардан у шояд  
Бир бутун бўстон бўлур.

Сухбатни Н. МУҲАММАДИЕВ ёзиб олди.



Ойдин Ҳожиева

## ЭШИТ ЯНГРАЁТТАН ВИҚДОН КЎНГИРОғИНИ

\* \* \*  
Унга жондан кечмоқ осон,  
Лекин дарддан кечмоқ қийин.  
Дард қўрғошин ўқдир ахир,  
Мардлар унга очар қўйин.  
Шомлар офтоб билан ботур,  
Тунлар тикан узра ётур,  
Тонг отаркан майин, руҳбахш —  
Ул дардини ҳам уйғотур.  
Бу қутлуғ дард, бу ўтлуғ дард,  
Қисмат аро топуғлуқ дард...  
Дард меҳмондир, тана — қўрғон,  
Деганлари асли ёлғон:  
Шоир — ватан дардин Ёқут  
Тож ўрнида кийган Ҳоқон!

\* \* \*

Сўз — ибодатхонанинг Шоҳ қўнғироғи,  
Шамол эсса — жаранглайди,  
Жаранглайди учса капалак,  
Ғимирласа ҳатто ўргимчак  
Қўнғироқ жар солар оламга.  
Исирғалар Сўзнинг қулоғида.  
Хол-холлари бор оёғида,  
Қўлларида зангуласи бор,  
Похунлари бор бармоғида  
Раққосадир Сўз,  
У даврада тушса жаранглаб,  
Қоматга келтирар қулоқни,  
Қар қилади қалдироқни.  
Киндик момонг  
Оқ сут соққан қулоғингга,  
Навойидан фардлар айтган  
Азончи чол қулоғингга,  
Бешигингга яллаци қўнғироқлар  
Жаннат товушин қуйган қулоғингга.

Отлар кишнади, юлдузлар тўкилди —  
қўнғироқ,  
Ёмғирлар шариллаб ёғди — қўнғироқ,  
Ўғир туйди онанг, биларзуги жангиллаб,  
Шовуллаб тўкилди хиргойи — қўнғироқ!  
Алпомишнинг етмиш ботмон  
Қиличи жаранглаб ялтирар.  
Қоронғу уйда қоплон —  
Тегирмон гулдирар.

Ҳаёт — сирли қўнғироқ,  
Қўнғироқ тилига тушун, тийрагим!  
Ҳасратнинг тилидир у,  
Мозийнинг тилидир у.  
Қара, қўнғироқнинг тиллари тошдан,  
Келбати тошдан,  
Қулоқ бер, қўзим,  
Симоб қўймаганми қулоғингга Ғафлат,  
Эшит янграётган Виждон Қўнғироғини...

\* \* \*

Дарёлар адашди, юрар йўлидан,  
Ёмғирлар адашди, қорлар адашди.  
Ўрдак билан ғози учди қўлидан,  
Тақдири чалкашиб, ёрлар адашди.  
Итнинг ялоғига солдилар сомон,  
Отнинг охурига солдилар суяк.  
Товуқлар курк бўлиб излади макон,  
Тулкининг ғорига қўйдилар мойак.  
Меҳроблар бузилди, молхона бўлди,  
Китоблар кўмилди қабристонларга.  
Маролу жайронмас, ўрмонлар тўлди  
Хонасаллот бўлган аристонларга.  
Ёлғон-жодугарнинг сочларин ўриб,  
Қўймади Кенжа қиз устунга боғлаб.  
Эгасиз боғларда қаҳқаҳа уриб,  
Изғийди жодугар ҳақ дилин доғлаб.

Кенжа қиз — Ҳақиқат олмаси қўлда,  
Ҳамон хавотирда кечиргай умр.  
Рост мерос тахтига чиқмаган Элда,  
Ёлғоннинг бетига қайдадир кўмир?

\* \* \*

Чиқиб қолди йўлимдан Хизр,  
«Тилагингни тила» — деди ул...  
Билагида қайнаганда куч,  
Отам унга келган экан дуч.  
Тилмоч отам, қорни оч отам  
Тиламаган тилло бир ҳовуч...  
Эсга келмай на зару зевар,  
У бир этак фарзанд сўрабди.  
Ўн беш гўдак — ўн бешта шаҳар,  
Қўрғон бўлиб гирдин ўрабди...  
Мен не сўрай, нашаванд асрим,  
Қурум босган ўпкаларингга?  
Париларнинг нураган қасри —  
Денгизларнинг кўлкаларига?

Боғларимга пишиқчилик, ёз,  
Ҳаволарга анбар сўрайин.  
Ҳовузларга ўрдак билан ғоз,  
Қирларга гул чамбар сўрайин.

Яйловларга тулпорлар сўрай  
Ғиркўк билан Ғирот зотидан.  
Ерга соғлом баҳорлар тилай  
Заҳри қотил чиқсин ёдидан!

Тилсим калит сўрайин кўҳна  
Минорларнинг хатин уқмоққа.  
Юрагимнинг томирин яна  
Уланг, дейин, пилик-чақмоққа.

Асрларнинг токчаларида  
Мудраб ётган эркин тилайин  
Хотиротнинг нуқчаларида  
Дарвозаси беркни тилайин.

Пўлат ҳасса, чориқ сўрайин  
Йўқотмишлар изига тушсам.  
Эгов сўрай, ёруғ сўрайин  
Зиндонларнинг ҳибсига тушсам.

Қирқ йил юриб ғорда, баногоҳ  
Нурга элтар туйнук сўрайин.  
Мен нон эмас, умр эмас, йўқ  
Икки дарди буюк сўрайин.

Бир ўтинчим: мунис дил беринг,  
Ғурур беринг ҳар бир боламга!  
Бир ўтинчим, узун тил беринг  
Ўзбекистон деган онамга!





# Оқар дарё

Икки йил ўтиб қишлоққа борганимда жияним уйланиб, кампир энамиз аллақачон келини билан «сан-ман»га борган экан. Шундан юраги тўлиб турган эканми, мени кўриб суюнганидан кўзёши қилиб олиб, ўтқазгани жой тополмай қолди. Кампир мен туғилганимда киндигимни кесиб, энагалик қилган экан, шу боис ўз онамдай кўриб, вақт-бевақт ҳолидан хабар олиб турар эдим. Ниятим ўша куниеқ шаҳарга қайтиш эди. Лекин кампир: «Бир кеча меҳмон бўлиб кетсанг ҳеч нарса қилмас, ош-сув қилмасдан ҳеч қаёққа юбормайман», деб туриб олди. Кампирнинг раъйини қайтаришга кўнглим бўлмай, қолишга розилик бердим.

— Не-не орзу-ҳаваслар билан келин қилган эдим, — ҳасратини тўка бошлади энамиз, — кўнглимдагидай чиқмади. Қишлоқ қизи шаҳарга келин бўлиб тушса, бинойдай рўзгор тутиб кетади. Шаҳарлик қишлоқнинг расм-русмига чидай олмайди. Мана, менинг келиним эрталабдан лозимсиз ишга кетади. Қирқ марта айтдим: ҳов, келин, қишлоқнинг оғзи ёмонлари бор, кулади, ҳеч бўлмаса чиллангиз чиққунча шу зормандани кийиб ишга боринг, деб. Нуқул кулиб: «Сиз тушунмайсиз», дейди. Етмишни қоралаб мен тушунмай, мушдай ҳолингда сан тушунадиган бўлиб қолибсан-да. Ўзинг нега ҳали ҳам уйланмай юрибсан? Ё қиз камми?..

— Келинингизга ўхшаганидан топсангиз, эртагаёқ тўй-да, — дедим кулиб. Ҳазилим энамизга оғир ботди шекилли, бирпас жим бўлиб қолди.

Ҳадемай кеч кириб, қишлоқни подадан қайтган молларнинг мўраши, одамларнинг бақариқ-чақариғи тутиб кетди.

— Ана, молларимиз ҳам келиб қолди, — деди энамиз боши билан дарвоза томонга ишора қилганича.

Мен ўша томонга ўгирилиб қарадим: ҳовлига кираверишда жунларини оппоқ чанг қоплаган икки сигир ва келин турарди. Кулгим қистаб, энамизга кўз қиримни

ташладим, у сир бой бермай, «ё пирим!» дея молларига қараш учун ўрнидан турди. Келин энамиз нолиганчалик бетгачопар эмас, аксинча, уятчан, истараси иссиқ, кўҳликкина жувон эди. Мен билан тортинибгина сўрашиб, уйига кириб



Шодиқул Ҳамроев

# Оёриқ мошқорлар

HIQOYALAR

ҳам ўзгариб кетибди, аввалги шўхликларидан асар ҳам йўқ, оилали кишиларга хос ўйчан бўлиб қолибди. Олдин биз бир-биримизга «сен» деб мурожаат этар эдик. Шу тобда биз «сиз»лашни ҳам билмай «сизлар» деб гаплаша бошладик. Бу нарса иккаламизга ҳам ноқулай туюлар эди. Охири мен кулиб, Зокир, олдингидай «сен»лаб гапиравер, дедим. У қизарибгина бошини силкиб қўйди. Кўп ўтмай катта сопол лаганда палов келтирилди. Дастурхон тўрида гинахонлигини ташлаб, яйрабгина ўтирган энамиз ўғли билан келинига мени тунаб қолишга кўндирганини гапириб берди. «Мени кўрмай қочиб қолмоқчи эканлар-да!» — деди гинахонлик билан Зокир.

Энамиз ҳаммамизнинг исмимизни бирма-бир тилга олиб: «Қани, паловга қаранглар», — деди. Олдинма-кетин паловга қўл чўздик.

— Сен Аҳмадни танирмидинг? — деб сўради ошни еб, чойга ўтганимизда Зокир.

— Кайси Аҳмад? Анавими, ни-

кетди ва бир зумда рўзгор кийимда қайтиб чиқиш ишга уннаб кетди. Ҳовли юзасига шилтиқ қилиб сув сепди, супурди, кейин ошхона томонга ўтиб кетди. Қишлоққа тун чўка бошлаганда менга жиян саналмиш Зокир ишдан қайтди. Зокир



майди? — дедим бирор нохуш хабар эшитишдан чўчиб.

— Ҳа, ўша. Бугун пода энэр маҳали қайтиб келибди, — деди Зокир.

— Вой, Роҳиланинг ўғли келибдими?! Роҳила шўрлик кутавериб соя бўлиб қолувди. Бир жойга айтгани бор экан, беармон ўладиган бўлди, — деди энамиз севиниб.

Аҳмад... Мен уни жуда яхши танир эдим. Қишлоқдаги мен тенгиларнинг болалиги Аҳмаднинг босган қадами билан қоришиб кетган эди. Ҳаётнинг оддий талабига кўра катталар орасида ҳам, ёшлар ўртасида ҳам ҳеч ким томонидан сайлаб қўйилмаган йўлбошчи бўлади. Қишлоқдаги болаларни Аҳмад йўлга солиб турарди. Тик қоматли, қорачадан келган, гапга чечан, жангари бу бола бошқа болаларга нисбатан кўп нарсаларни билар, тез-тез шаҳарга кинога тушиб, қишлоқдагиларни ҳафталаб оғзига қаратиб юрар эди. У отасиз, ўз эркида ўсган, ёлғиз онаси билан турар эди.

Аҳмад... ўша йили ёзнинг ўрталаригача қишлоқда турдим. Кунимиз қишлоқнинг ёнгинасидан оқадиган дарёда ўтар эди. Иссиқ кунлар бошланиши билан қишлоқ болалари сидқидилдан чўмилишга қулай жой излашга тушишади. Боши-адоғи кўринмайдиган дарёда фақат битта чўмилиш жойи бўлади. Ўша йили ёзда жарлик остидаги ёйилмада чўмилар эдик. Чўмилишга қулай бўлгани учун бу ерга қўшни қишлоқ болалари ҳам ёпирилиб келишар эди. Икки қишлоқ боласининг мурасиси бир жойдан чиқмас, ҳар икки томон ёйилмага ўзича ҳокимлик қилишни истар, шу боис чўмилишдан кўра кўпроқ уруш-жанжалдан бошимиз чиқмас эди. Аҳмаддан қўшни қишлоқ болалари ҳам чўчишар, у билан бирга борганимизда беҳавотир чўмилар эдик.

Аҳмад бошчилигидаги бир гуруҳ болалар бригада даласида ишлаб, кечаси дала шийпониди ухлашар эди. Тунлари қишлоқнинг хўжайини ҳисобланган болалар кўнгиллари тусаган ишни қилишар эди.

Ўша оқшом уйда мен, Зокир ва энамиз овқатланиб ўтирган эдик, ногоҳ кўчадан хўштак товуши эшитилди.

— Мен шийпонга кетдим, — деб Зокир ўрнидан турди ва менга «кетдик» дегандай кўзини қисиб ишора қилди. Энамизнинг жаврашига қарамай Зокирнинг ортидан мен ҳам кўчага чиқдим. Болалар

эски отхона олдида тўпланишган экан.

— Бугун қаёққа борамиз? — деди тўпланган болаларга юзланиб Аҳмад.

— Қаюм буванинг ҳаятида хандалак сарғайиб қолган эмиш, бир тузини кўрмаймизми? — деди Шароф бақалоқ. У болаларнинг маслаҳатчиси эди. Оғзимиз сув очиб, Шароф бақалоқнинг тақлифига жон-жон деб рози бўлдик. Аҳмад Бойқобилни қоп олиб келиш учун жўнатди.

Қаюм буванинг боғи қишлоқдан чиқаверишда ўнг томонда бўлиб, атрофи баланд девор билан ўралган, пардагирларига қора дўланининг тикани лой билан бостирилган эди. Боққа бизни Аҳмад тўғри йўлдан бошлаб кирди. Қоронғида хом-пишиқ аралаш бир қоп хандалак узиб боғдан чиқдик-да, дарё бўйига жўнадик. Хандалакларни ўртага қўйиб, давра солиб ўтирдик.

— Пўчоғини дарёга ташланглар, оқиб кетсин. Эртага Қаюм бува из олиб келса, балога қолиб юрмайлик, — деди Аҳмад.

Хандалак кўплигидан бир тишлаб-тишламай дарёга улоқтирар эдик. Кетиш олдидан Аҳмад ерга тушган хандалак уруғи ва пўчоқларини битталаб тердириб, дарёга ташлаттирдик. Сўнг қишлоқнинг жингузарларидан шарпадай ўтиб, шийпонга келдик. Хонанинг бир бурчагида Ориф донг қотиб ухлаб ётар эди. У юраги заифлигидан тунда болаларга қўшилиб изғимас, кундузлари далада ишлаб, кечаси шийпонда ухлаш шарт бўлгани учун шом тушиши биланоқ шамдай қотар эди. У бизнинг хонага кирганимизни сезмади, биз ҳам унга эътибор қилмай ўрнимизга чўзилдик. Фақат остонада турган Аҳмад чўзилиб ётишимизга илжайиб қараб турди-да:

— Ҳозир чироқни ўчиришим билан лўла уриш бошланади. Тайёрланинглари! Бир. Икки-и... У-уч! — деди ва «чиқ» этиб чироқни ўчирди. Аҳмад ҳар кунги одатига кўра болалар устидан юриб, тўрдаги жойига борди ва ўзи биринчи бўлиб ўйинни бошлаб берди. Зиндондай қоронғи хонада биров бировни кўрмас, ҳамма лўласини дуч келган томонга отар эди.

Лўлаларнинг увадаси чиқиб кетгунча бир-биримизни саваладик.

— Вой, энангни... кўзимга урдинг! — Шароф бақалоқнинг йиғламсираган овози эшитилиши билан ўйин тўхтади.

— Ўйинни сиққанга чиқарган, чидамасанг ўйнамагин эди, — деб

қичқирди зардали овозда Аҳмад. Хонага сукунат чўкди. Биз ўрнимизда бемажол чўзилиб ётар эдик. Кўзимиз аста-секин қоронғуликка кўникди. Анча вақт ўтди, кўплар ухлаб қолишди. Сукунати яна Шароф бақалоқнинг хириллаган товуши бузди: — Аҳмад, давай, Орифни «велесапид» қиламиз...

— Эй, бўлмади. Юраги чатоқ, тагин бир нима бўлиб қолмасин, — деди Аҳмад истамайгина.

— Ўтган кунни сен йўнғинда уни «велесапид» қилган эдик, роса томоша бўлди. Ўзи шундан бошқасига ярамас экан, қара, қотиб ухлаб ётибди... — деди Шароф бақалоқ унга «ҳаво» бериб.

Аҳмад ёстиқдан бошини кўтарганича бир оз иккиланиб турди-да, кейин эмаллаб Ориф ётган бурчакка ўтди, уни ухлаган-ухламаганлигини билиш учун юзига тикилди. Кейин оёқ сарисига келиб, кўрпанинг четини қатлаб қўйди. Орифнинг таёкдай ингичка оёқлари кўринди. Аҳмад кўлидаги газета парчасини Орифнинг панжаларига қистириб гугурт чақди ва ўзи эмаллаб ўрнига ётиб олди. Ёнаётган қоғоз аланганиб, хона ёришиб кетди. Биз тирсагимизга суяниб, нафасимизни ичимизга ютганча томошани кутиб ётар эдик. Уйқу—ярим ўлим, дейишади. Ориф «ва-а-а!» дея қичқирган асно жонҳолатда оёқларини типирчилатди, ёстиқдан сапчиб бошини кўтарди ва панжалари орасидаги оловга кўрқув, даҳшат аралаш бирпас боқиб турди-да, «шилқ» этиб ўзини орқага ташладию тинчиб қолди. Бизнинг кулгимиз хонани ларзага келтирди. Лекин панжалар орасида ҳамон қоғознинг хирагина ёнаётганига қарамасдан, Орифнинг қимирламай ётишини кўриб бирдан кулишдан тўхтадик. Хонага оғир, кўрқинчли жимлик чўкди. Анча вақтдан кейин Аҳмад кўрқа-писа ўрнидан туриб, Орифнинг ёнига борди ва уни пайпаслаб кўриб:

— Бир нарса бўлганга ўхшайди, дўхтир чақириш керак, — деди ваҳимали овозда. Юзимиздан ранг қочди, югуриб ташқарига чиқдик. Доктор келганда фурсат ўтган эди. У Орифнинг қўлини ушлаб кўрди, қовоқларини йириб, кўзига тикилди ва «тамом бўпти», деди бўшашиб.

Шундан сўнг югур-югур бошланди. Аҳмад ўша заҳотиёқ Орифнинг уйдагиларидан кўрқиб қаёққадир қочиб кетибди. Биз икки ойга яқин шаҳарга, судга қатнаб юрдик. Ораимиздан фақат Аҳмадгина саккиз йилга қамалиб кетди...

— Ҳа, намуноча ўйга толдинг, чойдан ичиб ўтирсанг-чи, — деди энамиз менга синчковлик билан тикилиб. Мен тубига шама чўккан пилёга қўл чўздим.

— Ҳукумат, — дея насиҳатомуз сўзлай кетди энамиз, — одамлар ёмонлик қилсин, касал бўлсин, деб дўхтирхона, қамоқхона очиб қўйгани йўқ. Бандасининг пешонасига нималар ёзилмаган, дейсиз. Мана Аҳмад... Ўлган ўлиб кетди, тирикларнинг жонига тўзим берсин. Қамоқхона мадраса эмас-ку, мулла бўлиб келсанг...

Дастурхонга фотиҳа ўқиблиб, йиғиштирилгач, Зокир билан иккаламиз Аҳмадни кўриб келиш учун кўзгалдик.

Улкан қайрағоч остидаги тахта сўрида Аҳмад ёнбошлаб ётибди, қаршисида онаси энгагини кафтига тираб букчайган кўйи унга термулиб ўтирибди. Аҳмад билан бағир бериб кўришдик. Она шўрлик бизни кўриб суюнганидан кўз ёш қилиб олди-да, дастурхон тузашга киришди. Аҳмад ўзгарибди, бўйи бир оз чўзилиб, мисдай қизарибди, фақат қотмалиги ўша-ўша. Саккиз йилда кўрган-кечирганлари кўзига чўккан каби ғамгин-ғамгин тикилади. У билан суҳбатимиз қовушмади. Соғлигини сўрашдан нарига ўтмадик. Қамоқдан чиқиб келган одамдан нимани ҳам сўраш мумкин?! Унинг ўзи ҳам бирор жўяли гап айтмади. Бизнинг гапларимизга бошини қимирлатиб, худди масхаралаётгандай кулиб тураверди. Кичкина чинни чойнакка бир қўти чой ташлаб, устидан онаси човгумда келтирган қайноқ сувни қўйди ва чойнакчани сочиқ билан ўраб, устига пиёлани тўнтарди. Бизнинг ҳайрон бўлиб тикилаётганимизни кўриб, кўзини маънодор қисиб қўйди. Биз рухсат сўраб, кетишга шайландик. Ортимиздан кўчага кузатиб чиққан Аҳмад Зокирни четроққа тортиб, паст овозда:

— Қишлоқда «дори»дан топиладими? — деб сўради.

— Қанақа дори, тушунмадим, очикроқ гапиринг, — деди Зокир. У Зокирнинг соддалигидан кулиб қўйди-да:

— Наҳаши, кўкнорими деяпман, — деди.

— Билмадим, унақанги нарсалардан хабарим йўқ, — деди Зокир.

Шу пайт кўчанинг нариги бошидан маст кишининг сўкиниб ўкиргани эшитилди:

— Қўйвор деяпман санга. Қамалиб келдим, энди ҳаммаси ўтиб кетди, деб ўйлар. Хато қиладим,

хато... Барибир укамни хунини олам... Қўйвор, қаёққа судраяпсан!...

Ёнидаги ҳамроҳи уни муўюлишга тортиб кетса-да, анчагача бўралаб сўкиниши эшитилиб турди. Бу — Орифнинг акаси Маҳмуд эди. Гап ўзига тегишли эканлигини сезган Аҳмад титраб кетди. Шунда ҳам босиқлик билан:

— Яна ортага қайтишга тўғри келади, — деди хунук кулиб ва биз билан совуққина хайрлашиб ҳовлисига кириб кетди...

Чироқлар бирин-кетин ўчиб, қишлоқ тун қаърига чўкиб боряпти. Ойсиз осмонда юлдузлар чарақлаб ётибди. Зокир билан иккимиз жимгина ҳовлига кириб келдик. Энамиз супада пишиллаб ухлаб ётибди. Ҳовли четидаги уйнинг чироғи ўчмаган, келин Зокирни кутяпти. Энамиз менга супа ёнидаги сим каравотга жой солиб қўйган экан. Ўрнотмага чўзилиб, алламаҳалгача осмонга термулиб ётдим. Ажабо, энамиз нега мени тунаб қолишга қистади экан? Бу оиланинг мундоқ оғирини энгил қилмаган бўлсам, ўтидан кириб, кулидан чиқмасам. Шунчаки бир киндигимни кесган доя. Жиндай суҳбатлашдик, тўрттовлон бир лаган ош едик. Эрталаб туриб ҳайё ҳайт деганча жўнаб кетаман. Бу ерларга тагин қачон келаман? Мен келганда ким бор бўлади, ким йўқ...

Кўз ўнгимда ёйилмада чўмилганларимиз, тунда ҳандалак ўғирлаб еганларимиз бир-бир ўта бошлади. Бу қадим дунёда жуда қадимдан, минг йиллардан бери яшаётгандек эдим. Абадийлик — бор гап. Мана шу дарё минг йиллардан бери оқиб ётибди. Мана шу юлдузлар минг йиллардан бери порлаб турибди. Ориф ҳам ўлмаган. У қайдадир дарё шовуллашини тинглаган кўйи фалакка термулиб ётибди. Фақат кўзларидаги кўрқув, даҳшат ўрнини таажжуб, ҳайрат эгаллаган. У бу қадим дунё сирларини англамоқчи бўлгандек таажжуб, ҳайрат билан юлдузларга боқиб ётибди.

Кўзларимда юлдузлар жимирлаб кетди. Икки чеккамдан икки томчи ёш ёстиққа оқиб тушди. Юрагимда боқий ва устувор бир туйғу уйғонмоқда эди.

## Ажрим

Ёзининг жазирама иссиғи ўтиб, бу қишлоққа ҳам кузнинг намчил ҳавоси кириб келган кунларнинг бирида худди эгизаклардай бир-

бирига ўхшаш, муртлари энди сабза урган ўн тўққиз ёшлардаги шу ерлик икки ўспирин сафар халталарини елкага осиб йўлга отлашиди. Улар олис манзилни кўзлаган сайёҳлардай сафарга пухта ҳозирланишган, бўздан тикилган халталари йўлда асқотадиган нарсалар билан лиқ тўла, қўлларида астари мўйнали қишлоқ камзул ва белларидаги белбоғда дами ўткир чархланган ойболта осиглиқ эди. Ўспиринларни марҳум оналарининг сўнгги васияти йўлга бошлаган. Улар отланишдан аввал бор ҳақиқатни яна бир карра билиш ва фотиҳа олиш учун қишлоқ оқсоқолининг ҳовлисига киришди.

Сокин юзини оппоқ соқоли янада улуғвор тутиб турувчи ўрта бўйли оқсоқол ўспиринларнинг афти-ангорига бир зум ҳайрон тикилиб қолди, сўнг уларнинг ниятини сўзсиз фаҳмлаб етди шекилли, киприги пир-пир учиб маъносиз тортиди.

— Биз, — деди ўспиринлардан бири, — ўйлай-ўйлай ахийри ана уни... излаб топишга аҳд қилдик. Сиздан яна бир карра сўрамоқчимиз: у тирикми, тоғда юргани ростми?! Оқсоқол ўспиринлардан кўзини олиб қочди. Унғайсизланди. — У тирик, — деди бир ордан сўнг паст овозда, — менимча тоғда юргани ҳам тўғри бўлса керак. Лекин агар ожиз гидроким алдамаса, у белидан қуввати кетгач — қазо вақти яқинлашганини сезса, ўз оёғи билан қайтиб келиши керак! Сизларга маслаҳатим — уни шу ерда кутганларинг маъқул.

— Йўқ! — дейишди ўспиринлар бирин-кетин қатъий овозда, сўнг улардан бири: — Кутишга бошқа сабр-тоқатимиз қолмади. Оналаримиз умр бўйи бизнинг юзимизга тик қараёлмай, дардларини ичига ютиб дунёдан ўтишди. Энди биз уни излаб топишимиз шарт! — деди кескин.

Оқсоқол уларни йўлдан қайтаришга ожиз эканлигини сезиб жим қолди.

— Йўл олдидан бизга оқ фотиҳа берсангиз, — дейишди ўспиринлар.

— Барчасига яратганнинг ўзи гувоҳ. Ўғилларим, шу йўлни ихтиёр этибсизларми, сафарларинг беҳатар, имонларинг бутун бўлсин, омин! — Оқсоқол юзига фотиҳа тортди. Ўспиринлар ҳам ўз навбатида калима қайтариб, фотиҳа ўқишди. Сўнгра чол уларни қишлоқнинг қуёш чиқиш тарафидаги тупроқли йўл бошига кузатиб чиқди.

— Биз, — дея огоҳлантиришди

ўспиринлар, — тоғда унинг ўлигини ё тиригини топмагунимизча қишлоққа қайтмаймиз!

Шундан сўнг улар ҳув олисда кўзга хира ташланиб турувчи сарбаланд тоғлар томон илдам юриб кетишди. Оқсоқол, саҳро ўртасида ўсган ёлғиз дарахтдай, йўл бошида ўйчан туриб қолди.

Қарияларнинг хотирлашича, сўнгги очарчилик йилидан буён ҳеч ким қишлоқдан мангу бош олиб кетмаган ва бу ерга ҳам четдан бирор кимса келиб муқим яшаб қолмаган экан.

— Қишлоғимиз тупроғининг сеҳри бор, — дейди қариялар ғурур билан. — Киндик қони шу ерда тўкилган киши дунёнинг нариги четидан бўлса ҳам албатта қайтиб келади. Ҳатто шу тупроқни лаънатлаб қарғишга учраган анави чол ҳам шунча йил тоғ-тошда улоқиб юра-юра ахийри қайтди. Шуки бу ернинг меҳрини умри сўнгида англаб етибдими, демак, тупроғимизнинг таърифига сўз йўқ...

Хуфтон маҳали икки ўспирин кетган тупроқ йўлдан бешта қўйни олдига солиб ҳайдаганича чол қишлоққа кириб келди. Унинг эғнида куя кемираверганидан ғалвирак ҳолга келган қора чакмон, оёғида эски этикнинг қўнжидан тикилган йиртиқ чорик, кўпдан буён устара ва сув тегмаган соч-соқоли кирга ботиб, патакдай гижим бўлиб ётарди. Унинг нурсиз кўзларида ваҳм, қўрқув қалққан, шу тобда бошига калтак келиб тушадигандай бўйини ичига тортиб, атрофга олазарга қараб борарди. Чол қўйларининг бошини буриб қишлоқнинг энг чети, кунботаридаги эгасиз ҳувиллаб ётган хароба ҳовлига кирди. Ҳовли кимсасиз, уй остонасигача ёввойи ўт-ўлан босиб, дайди ит-мушукларнинг маконига айланган эди. Чол худди адашиб бегона ҳовлига кириб қолган каби ўртада ҳайкалдай қотиб турар, у ердаги ўт-ўланларга, зах уфунати анқиб турган уйга, том устида дам-бадам югуриб ўтаётган дайди мушукларга ажабсиниб, эътибор билан тикиларкан, буларнинг бари қандайдир илоҳий куч макри билан ўзини хўрлаётгандай, масхаралаётгандай туюлди. Шунда у ўзини одамлардан нақадар узоқ, ёлғиз ва ожиз ҳис қилди. Тош кўнгли ўксиди, кўзлари намланди. Чол қишлоққа қайтишдан аввал кишиларнинг ҳар қандай таъна-маломат, жирканиш, ҳатто қаҳр-ғазабларига ҳам ломим демай чидаб, бўйин эгиб туришга ич-ичидан рози бўлган, буларнинг эвазига, майли, қишлоқ-



дошларим мана шу бобомерос ҳовлимда оёқ узатиб бандаликни бажо келтиришимга рози бўлишса, деган қарорга келди.

Орадан икки кун ўтди. Одамлар на чолга, на ҳовлисига назар қилишди. Қишлоқ одатдагидай тинч эди. «Наҳотки мени унутишган бўлса...»

У ўзининг бойқуш қўнмас ҳовлисида яшаб қолди. Чол қишлоқ чеккасидаги тепаликда беш қўйини ўтлатиб кунларини ўтказар, одамларнинг тўй-маърака, азасига яқин йўламасди.

Йўлнинг икки ёқасидаги кенг дашт саратоннинг иссиғида куйиб жизғанақ бўлиб кетган, энди салпал экин эсиб турса-да, бари бир қўнгилини ғашлантларди. Икки ўспирин бу файзсиз далага ўгирилиб ҳам қарамай тинимсиз одимлашарди.

— Насиб бўлса, — деди ўспиринлардан бири, — эртага шомга яқин тоққа етиб борамиз.

Ҳамроҳи елкасидаги сафар халтасини бир силкиб яхшироқ осиб олди-да, хиёл туриб:

— Кечаси мўлроқ йўл боссак, эртага чошгоҳга қолмай етамиз, — деди.

— У итни топган заҳотимиз шу ойболта билан қийма-қийма қилиб чопиб ташлайман, — деди ўспиринлардан бири тишини ғижирлатиб.

Ҳамроҳи чуқур хўрсиниб қўйди, кейин ҳазин овозда деди:

— Онам ўлими олдидан менга ҳамма гапни айтиб берган эди. Унинг сўзларига ишонаман, демак менинг бундай... туғилишимда онамнинг гуноҳи борми? Бечора онам...

Шермат ярим тунда қора байталини шошиб эгарларди. Сўнг бир неча дақиқа муқаддам тепалик остидаги Ажинағорда маст уйқуда ётганда қўлга туширган қочоқ Ризони туя жунидан тўқилган арғамчи билан қайтадан белидан боғлаб, отга минди. Шермат арғамчининг бир учини эгарқошга ўтказиб, ёлларини силкитиб депсиниб турган байталга қамчи тортиди.

Ойсиз тун шунчалик қуюқ эдики, эгарда ғўддайиб ўтирган Шермат ўн қадам орқада ўзини уёқдан-бўёққа ташлаб, сўкиниб келаётган Ризони базўр илғар эди. Ризо тош ёки бутага илкис қоқиниб кетиб йиқилар, ўша заҳоти бақириб сўкинганча тағин ўрнидан туриб кетар, бўлмаса танаси мана бу чарфир тошлар устида тимдаланиб хароб бўларди. Шундай бўлса-да,

у зора раҳми келиб қолар деган умидда Шерматга ёлвора бошлади:

— Шермат, бир ариқдан сув ичиб катта бўлганмиз, шунинг ҳаққи, қўйиб юбор!

«Сенга уч кун муҳлат, агар ўша қишлоғингдаги урушдан қочиб юрган қочоқни тутиб келтирмасанг, ўрнига ўзинг жўнайсан!» Шермат, уч кун бурун шоп мўйловли бошлиқ жаҳл билан айтган бу сўзларни хаёлидан ўтказди ва Ризога қарамай истеҳзоли кулиб қўйди.

— Нега индамайсан, ахир, ўзинг ҳам урушга боришни хохламайсан-ку? — деди Ризо йиғлоқи овозда.

— Йўлини қилиб, — дея ғўлдирди Шермат, — қонуний қолганман. Сенга ўхшаб қочиб юрган им йўқ, мелисада ишлаяпман. Сен ҳам олдинроқ ҳаракатингни қилсанг бўларди, энди кеч...

— Сендан нима кетади, Шермат, қўйиб юбор, барибир хўжайинларинг билмайди-ку?! Бу яхшилигинг эвазига ўша ўзинг ҳавас қилган улоқчи саманимни текинга бераман!

— Ҳозир сени қўйиб юборсам, эртага ўрнингга ўзим урушга кетишим керак.

— Онам ўлим тўшагида ётибди, хабаринг бор, яқинда хотиним олти ойлик гўдагидан айрилди... Қўйиб юбор!

— ...  
— Болалигинг ҳам шундай баттол эдинг, Шермат! Агар ўша хўжайинларинг, онангни кўкрагини кесиб кел, деса ҳам сен тоймайсан, баттол!..

Байталнинг сағрисида устма-уст аччиқ қамчи тушди, арғамчи силтаб тортиди. Ризо йиқилиб қолишдан қўрқиб, ҳансираганча от ортидан чопиб борарди.

Улар анча вақтгача бир-бирларига сўз қотмай жим кетишди. Тун қўйнида фақат отнинг пишқириб нафас олгани эшитиларди.

— Шермат, — яна ёлвора бошлади Ризо, — сўнги бор онам, хотинимни бир қўриб қолай... Видолашай ҳечқурса...

— ...  
— Эшитяпсанми, ҳовлимга бирров кириб чиқай, балки менга бу ёқларга қайтиш бошқа насиб этмас.

— ...  
— Нега индамайсан, ахир сен ҳам одам боласан-ку?! — Ризо ортиқ ўзини тутиб туролмади, ўкириб йиғлаганича ерга юзтубан йиқилди. Байтал уни йигирма қадамча судраб борди, сўнг Шермат жиловни тортиди ва эгарга ярим ён-

бош ўтирди-да ерда чўзилиб ётган Ризога: — Тур ўрнингдан! — деб амр қилди.

Ризо тиззаларига таяниб, итоат-корона имиллаб кўзғалди.

— Шўни эсингда тут, — деди Шермат дағдаға билан, — ўлигингни бўлса ҳам бари бир мелисахонага судраб бораман!

Улар тонг-сахарда шаҳарга, атрофи темир панжара билан ўралган милиция идорасига кириб келишди. Шермат Ризони арқондан бўшатиб, навбатчига топширди, ўзи отни ёнғоқ дарахти шохига боғлаб, ҳовли ўртасидаги ғиштин бино ичкарисига кириб кетди. У қора чарм қопланган ярим очик эшикдан букчайиб бошини ичкарига суқди.

— Хўжайин, — деди жилмайиб, — ана, тутиб келдим.

— Яхши, — дўриллаган овоз эшитилди ичкаридан, — бу хизматинг эвазига навбатчи уч кило буғдой беради. Энди, келгуси ҳафтагача қўшни қишлоғингдаги анави икки қочоқни ҳам тутиб келтирасан. Йўқса, ўша эски шарт. Жавоб сенга, кетавер!

Шермат индаёлмай қолди, хўрсиниб «хўп», дея бошини ичкаридан тортиди ва эшикни эҳтиёткорлик билан секин ёпиб қўйди. Чиқиб уч кило буғдойни хуржуннинг кўзига жойлади, отни ўз эркида ҳайдаб чошгоҳга яқин қишлоққа етиб келди. У итдай чарчаган эди, отни сайсхонага боғлабоқ уйига кириб чўзилди. Осмонда юлдузлар кўри-наётган маҳал у уйқудан кўз очди. Юз-кўлини ювгач, доим ўзи туғмасак деб сўкувчи бадқовоқ хотини пиширган таомни иштаҳа билан еди, кейин аччиқ чойни симириб хаёлга берилди..

— Уша мудҳиш тун, — деди ўспирин, — лаънат тамғасидай онам хотирасида бир умр муҳрланиб қолган экан. Онам ўша кеч бетоб ётган бувимнинг уйида эмас, ўзининг келинлик уйида ёлғиз ўтирган экан. Тунда отамни... келса керак деб ўйлаган экан. Вақт алламаҳал бўлганида ҳовлида қадам товуши эшитилибди...

Шермат девордан ошиб ҳовлига тушди ва оёқ учида юрганча бурчакдаги уй олдига келди, эшикни секин тақиллатди.

— Ким у? Сизмисиз Ризо ака? — Ичкаридан аёл кишининг хавотир аралаш илҳақ овози эшитилди ва эшик зулфи «ширқ» этиб пастга тушди. Шермат шартта ўзини ичкарига урди ва ортидан эшикни беркитди.

— Вой-дод, кимсиз? Одамлар, ёрдам бе... — деб чинқирди аёл ва шу заҳотиёқ тинчиб қолди. Шермат қўллари билан уни кекирдагидан бўғиб турарди.

— Агар яна «финг» деган овоз чиқарсанг, итдай чавақлаб ташлайман, — деди Шермат ҳансираб ва аёлнинг тақимиға тегиб турган сочлари билан қайта бўғиб уй тўрига судради...

— Онам ўшанда номусга чидай олмай ўзини ўлдирмоқчи бўлган, — деди ўспирин. — Бироқ ҳушсиз ётган бувимни ўйлаб, пича сабр қилган. Шундан сўнг у махлуқ уч-тўрт марта тунда уйимизга бос-тириб кирган... Орадан бир йил ўтиб мен туғилган эканман... Уч ёшга тўлгунимча онам мени одамларнинг кўзидан панада-оғилхонага яшириб юрган.

— Менинг ҳам томирларимда, — деди ҳамроҳи, — ўша итнинг қонлари оқмоқда. Буни неча марта гаплашяпмиз ўзи. Ҳа, отам.. ўзинг биласан, урушнинг биринчи куниёқ кўнгилли бўлиб жангга кетган. Уйда ёлғиз қолган онамнинг тақдири худди сенинг онангикидай мудҳиш кечганини ҳам яхши биласан...

Очарчиликнинг иккинчи йили одамлар қабристондаги — гўрлар устида ўсган буғдойларни ҳам тери олишди. Қаҳатчилик кучини кўрсатаверди: ҳамон кишиларнинг лаблари гезариб, силласи қуриб, ҳеч қурса қоринни алдаш учун бирор егулик излашарди.

Кечки таомдан сўнг Шермат одатдагидай ёлғиз ўзи меҳмонхонада ёнбошлаб ўтирган эди. Шу пайт меҳмонхона томида кимдир дукур-дукур қадам ташлаб юргандай бўлди. Шермат сапчиб ўрнидан турди, ялангоёқ ҳолича ҳовлига чиқиб, том устига қаради: қандайдир қора гавда куймаланарди.

— Ким у, бемаҳалда том устида юрган? Қани пастга туш! — дўқурди Шермат.

Бошига эрининг чопонини ёпинган, йигирма беш ёшлардаги жувон том лабиға келиб кўриниш берди. Шермат уни дарров таниди: кўнгилли бўлиб урушга кетган Мансурнинг хушрўй хотини.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан бу ерда? — деди Шермат сал жаҳлдан тушиб.

— Томингизнинг устида бешолти дона буғдой ўсган экан. Мен ўлгур шун... — деди аёл қўлидаги маҳкам сиқиб ушлаб турган бошоқни кўрсатиб.

— Пастга туш!

Жувон дағ-дағ титраб, нарвон пиллапояларига ёпишиб ерга тушди. Шермат унинг озгин қоматиға, ҳуркак, тим қора кўзларига ютиниб тикилди.

— Уйингда кимлар бор? — сўради у жувондан.

— Болам... — деди аёл титраб. — Отаси урушга кетгандан бери касал, шунинг қорниға егулик бўлармикан деб... Қарайдиганимиз бўлмасам...

— Ҳа, буғдой керак дегин?

Жувоннинг ҳадиги босилди, юзига қон югурди, синиқ жилмайиб «ҳа» дея бош ирғади.

— Сен уйингга боравер, бир оздан сўнг ўзим олиб бораман, — деди Шермат ва эснаганча уйига кириб кетди.

Шерматнинг ғамлаб қўйган бир сандиқ буғдойи бор эди. У шундан белидаги белбоғиға тўлдириб олди ва мушукюриш қилиб ташқарига чиқди...

— У мараз, — деди ўспирин, — ўша очарчилик йиллари қишлоқнинг ягона ҳукмдори экан. Кўнглиға келган номаъқулчиликни қилиб юраверган. Қишлоқда у билан ёқалашадиган бирорта эркак киши қолмаган, ҳамма урушга кетган экан. Айтишларича, у фақат ўз жонини омон сақлаб қолиш учун эллиқдан ортиқ кишини ҳақ-ноҳақ мелисаға тутиб берган экан. Уруш тугаб, тирик қолганлар қишлоққа қайта бошлаганда у одамларнинг қаҳр-ғазабидан кўрқиб қочиб кетган...

Хоҳиш-истағу ҳирсга эрк бериб қўйган Шермат урушни бундай тугайди деб сира ўйламаган эди. Унинг назарида уруш деганлари туби йўқ ўпқонга ўхшар, унга тушган киши қайтиб чиқмаслиги керак эди. «Уруш тугабди» деган хабарни қишлоқда биринчи бўлиб Шермат мелисахонада эшитди. У ердан калтаклангандай шалпайиб чиқди. Байталиға ўтириб аёвсиз қамчи босди, қуюндай қишлоқ томон елиб кетди. Қари байтал ҳансираб чопиб борар, эгарда букчайиб ўтирган Шермат отнинг қадами секинлашганини сезган заҳоти яна қамчига зўр берарди.

«Мен сенинг жонингни омон сақлаб қолишни бўйнимга ололмайман. Ўзим ҳам буйруқни бажарган одамман. Қилган гуноҳларинг учун қишлоқдошларинг олдида ўзинг жавоб бер. Тамом!» Шермат хўжайинининг бояги айтган сўзларини ичида ғижиниб эслаб, тупуриб борарди. «Кета-

ман, — дея пичирлади у, — бўлмасам ҳолим хароб. Елкамнинг чуқури кўрсин шу қишлоқни...»

Шерматнинг қишлоқдан бош олиб кетганини ҳеч ким сезмай қолди. Кетишдан олдин у тун бўйи шунча йилги хизматлари эвазига жамғарган икки сандиқ буғдойни печда куйдириб кетди.

— Отам... — деди ўспирин, — ўнг қўлидан айрилиб урушдан қайтган. У менинг туғилганимни билса ҳам онамга бир оғиз ортиқча сўз айтмабди. Фақат: «Мен ўша итти топиб бўғизлаб ташламасам, эркак эмасман», деб ҳовлидан чиқиб кетибди. Одамларнинг айтишича, отам... уни тополмаган, сўнг алаmidан ўз жонига қасд қилган экан. Раҳматли онам ўлими олдидан менга шуларни гапириб берган эди.

— Топсак, — деди ҳамроҳи, — мана шу ойболта билан чопиб ташлаймиз... — У қаҳрини яширолмай, дам-бадам шу гапини қайтарарди.

Ўспиринлар йўлда онда-сонда учраган қишлоқларда бир зумгина сув ичиш учун тўхтаб, яна одимлашарди.

Кузнинг ўрталаридаёқ бошланган совуқ бўлажак қишнинг авзойини маълум қилди. Ерга қор тушиб, қишлоқда аёз бошланганида одамлар лаҳча чўғ тўла танча атрофидан жилмай қўйишди. Ҳаммадан ҳам чолга қийин бўлди. Ҳовлисида ёқай деса бир тутам ўтин чўп йўқлигидан у музхона уйида «куф-куф»лаб нафаси билан қўлларини иситиб, ит азобини бошидан кечирарди. Бунинг устига, бешта қўйи ҳам оч, қишлоққа хас-хашак йўқ эди. Чол қуёш чиққан пайтда қўйлар ҳаром қотмаслиги учун қор кечиб янтоқ излар эди.

Бундай кунларда қишлоқ оқсоқоли ҳам ҳаловатини йўқотган, тунлари мижжа қоқмай, икки ўспиринни ўйларди. «Бу ит эмган Шермат қишлоққа қайтиб келди. Бундан беҳабар бечора болалар тоғтошда уни излаб саргардон бўлиб юришибди. Худойим, болаларни соғ омон ўз паноҳингда асрагин», дея нола қиларди.

Ана шундай совуқ кунларнинг бири эди. Тунда ҳид олган бир гала оч бўри қишлоққа, тўғри чолнинг ҳовлисиға бостириб кирди. Чол мудраётган эди. Тушида қора матоға ўралган киши унинг соғ қолган ягона жаф тишини суғуриб олаётган эмиш. Чол алаҳсираб уйғониб кетди ва ташқарида қўйларнинг бўғиқ маърагани, «дукур-дукур» туёқ товушини эшитди. У ялангоёқ

ҳолда югуриб айвонга чиқди. Кутурган бўрилар беш қўйни ҳовлида қувлар, жониворлар жон ҳалпида у ёқдан-буёққа қочишарди. Чол нима қиларини билмай ҳай-ҳайлаб бақирди. Бўрилардан бири ўралашиб юрган чолга ҳамла қилиб ерга ағанатди. Чол кучдан қолаёзган экан, қаттиқроқ бақиролмади ҳам, инграниб ётган жойида уни бўрилар осонгина қип-қизил қонга бўяшди. Эгнидаги қўйлакишони бурда-бурда йиртилиб, қорга кўмилганча қимир этмай қолгандагина йиртқишлар узоқлашишди, сўнг бурчақда қотиб турган қўйларга ташланишди...

Чол ўлмаган экан, кўп ўтмай тагин инграб кўзини очди, лўқиллаб оғриётган бошини кўтарди,

атрофига бемажол тикилди: сал нарида бўғизланган қўйларнинг чала-ярим лоши дўмпайиб ётар, қор қип-қизил қонга бўялган эди. Чолнинг хўрлиги келди, ерга бошини қўйиб, унсиз йиғлай бошлади. Кейин кўнглида: «Яна бир неча мударат қорда шу алфозда ётсам, музлаб ўлишим тайин», деган ўй кечди. У танидаги мадорини тўплаб, оёққа турмоқчи бўлди, лекин қурби етмай, юзтубан йиқилди. Бари бир жон ширин, бошини яна кўтариб, йигирма қадамча наридаги уйига қаради. «Уй остонасигача етиб олсам, бас...» ўйлади у ва инграб эмаклай бошлади.

Азонда оқсоқолни икки ўспирин уйқудан уйғотди. Оқсоқол кўзига

ёш олиб, ўспиринларни бағрига босди, кейин ёдига чол тушиб, безовталаниб қолди.

— Биз ҳозиргина қишлоққа кириб келдик, — дейишди ўспиринлар, — тоғда бир чўпон бизга анавини кузнинг бошларида қўйини олдига солиб туғилиб-ўсган қишлоғига кетди, деди. Ҳозир қаерда у?

— Изғиринда роса таъзирларингни ебсизлар, мана, танчада лаҳча..

— Ҳозир қаерда у? — қичқириб юборди ўспирин. — Узининг эски ҳовлисидами?!

Улар оқсоқолнинг жавобини ҳам кутмай, халта ва эгнидаги камзулларини ечиб бир четга улоқтиришди, белларидаги ойболтани чопишга шай тутиб кўчага отилишди.



**ҒШЛИК**

# „Кичик Вера“ НИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Сарлавҳани ўқиб, гап кино хусусида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Кино, албатта, мураккаб санъат, мен у ҳақда оддий томошабин сифатида фикр юритмоқчиман. Яқинда пойтахт ва областлар кинотеатрларида «Кичик Вера» ҳамда «Менинг исми Арлекино» номли бадиий фильмлар намойиш этилди. Томошабинлар ўртасида мазкур фильмлар турғидирган турли баҳс-мунозаралар ҳалигача тингани йўқ.

Фикримни очиқ айтсам, бу картиналар бизнинг руҳиятимизга, урф-одатимизга ва миллий анъаналаримизга мутлақо ёт, айниқса, ўсмирларимизнинг маънавий дунёсига фақат салбий таъсир кўрсатадиган санъат асарларидир. Балки баъзи киношунос олимлар, режиссёрлар мени маънавий қашшоқликда айблаб, фикримни инкор этишлари мумкин. Мен улар билан исталган кинотеатрда шундай синов ўтказишим мумкин: Айтайлик, «Кичик Вера» ёки «Менинг исми Арлекино» фильмлари бир кун тўлалигича, иккинчи кун эса «бепарда» кадрлари қирқиб ташланган ҳолда намойиш қилинса ва бу тажриба бир ҳафта давом эттирилса. Кўпчилик ёшларнинг бу фильмларни нима мақсадда кўриши ўз-ўзидан маълум бўлади.

Мен асло кино санъатига қарши эмасман. Фақат унинг хонадонимизга, тўғрироғи, ётоқхонамизга кириб, ёшлар, ўсмирлар кўзи ўнгида устимиздан кўрпани, юзимиздан ҳаёни юлқиб ташлашига қаршиман, холос. Ахир қайси ўзбек хонадониди эрхотин ўрталаридаги интим муносабат фарзандларга кўз-кўз этилади? Қайси ота-она шунга ўхшаш воқеани болалари билан ёнма-ён туриб, эглари сесканмай томоша қилади?! Балки бошқа миллат вакиллари учун бу одадий ҳол ҳисобланар. Аммо ўзбеклар учун ўз-ўзини ҳақоратлашдан бошқа нарса эмас.

Менинг назаримда, хўжалик ҳисобига ўтган киностудиялар кўпроқ пул тўплаш мақсадида шов-шувларга сабаб бўладиган, ижтимоий аҳамияти, юки енгил, арзимас воқеаларга «порнографик хамирттуруш» аралаштириб юбораётганга ўхшайди.

Савол турғилади: нега С. Бондарчук, А. Тарковский, Т. Абуладзе яратган фильмлар беҳаё кадрлардан холи, ёки улар бундай «сир»дан беҳабар бўлишганми? «Порнографик хамирттуруш» сиз ҳам умуминсоний қимматга эга умрбоқий фильмлар яратса бўлади-ку, ахир.

«Кичик Вера» ва «Менинг исми Арлекино» фильмида қатнашган

актриса қизлар яқинда марказий матбуотда берган интервьюларида кинога олиш пайтидаги муносабатлар чинакамга бўлганини беҳаёларча тан олишди ва оилалари борлигини, эрлари эса бунга сира қарши эмаслигини мағрурлик билан таъкидлашди...

Булар менинг шахсий фикрларим, албатта. Сиз-чи, ҳурматли ўқувчилар. «Кичик Вера»ларнинг катта ишларига нима дейсиз?

**С. Бекжонов,**  
Коммунистик  
райони.



**Низомиддин Маҳмудов,***Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитети  
идеология комиссиясининг тил  
муаммоларини ўрганиш ишчи  
группаси аъзоси, профессор***ТИЛ МАВҚЕИ-****ЭЛ МАВҚЕИ**

Ўзбек тилининг тараққий этиб боришини, унинг ҳар томонлама камолотини давлат миқёсида таъминлаш, яъни ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш республикаимиз аҳолисининг диққат марказида турган фавқуллодда масалалардан биридир. Бу муаммонинг ижобий ҳал қилиниши ҳозирги шароитда энг оқилона йўл бўлиши шубҳасиз. Яна шу ҳам аниқки, ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши республикаимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари тилларининг мавқеи ва тараққиётига сира тўсиқ бўлмайди, аксинча, бу тилларнинг янада ривож топиб бориши учун кўмаклашади. Бир тил қадрининг ошиши бошқа тилларга ҳам ҳурматни таъминлайди. Тилни чинакамига эъзозлаш халқлар қадрига етиш, комил дўстлик ришталарини мустақамлаш демакдир.

Кейинги пайтларда «Ўзбек тили инқирозга юз тутмоқда», «Она тилимиз ҳалоқат ёқасига келиб қолган» қабилидаги гаплар ҳам қулоққа чалинмоқда. Лекин Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, О. Еқубов, П. Қодиров, А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Матжон каби қатор сўз усталари яратган, яратаётган дилбар асарлар, уларнинг тили бу қарашни маълум даражада инкор этади. Албатта, адолат юзасидан айтиш керакки, тилимиз имкони бор жойларда ривож ва сайқал топиб борган бўлса-да, унинг иш кўриш ва фаолият доираси ўта чегараланиб қолган эди. Ҳа, ўзбек тилининг қадри жуда тушиб кетди. Биргина унинг расмий-иш услуби олиб кўрилса ҳам, шунга амин бўлиш мумкин. 20-йилларда рус тилидан андоза олиш туфайли шамоийл топган «Ушбу справка берилди шул ҳақдаким, ҳақиқатан ҳам бул ўртоқ шул жойда яшаб туради» тарзидаги ноўзбекча маълумотномалар ҳамон ёзиб келинмоқда. Ўзбек тилининг шираси, гўзаллиги, жозибаси, назаримда, бадий адабиётдагина сақланиб қолган. Айни чоқда, унинг уй-рўзгор тилига айланиб қолганлигини таассуф билан таъкидлаш керак.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муайян шарт-шароитлар яратишни тақозо этади, албатта. Бу жабҳадаги муҳим ишлардан бири ўзбек тилини ўқитишни яхшилашдир.

Бугунги кунга келиб, она тилини ўқитишда муҳим борада талай муаммолар йиғилиб қолганлиги, камчиликлар беҳисоб эканлиги аён бўлмоқда. Она тилини ўқитишни янада яхши йўлга қўйиш ҳаётий заруратга айланди. Тилга муҳаббат, унинг қонуниятларини чуқур билиш ва ҳурмат қилиш ахлоқий-маънавий «гигиена»га риоя қилишнинг бош кўрсаткичи. Том маънодаги миллийлик ва интернационализм, ватанпарварлик туйғусининг ибтидоси ҳам асли шундан бошланади. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «биз ўз тилимизни, ўз Ватанимизни севамир».

Она тилини, унинг қонун-қоидаларини яхши билмаслик бошқа тилларни муваффақиятли ўрганишга ҳам халақит беради. Шунга қарамаздан, турғунлик даврида интерна-

ционал тарбия, рус тилини ўрганиш ва бошқа масалалар юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Аммо, афсуски, она тилининг ролига етарли эътибор қилинмади. Шунинг оқибатида мазкур тадбирлар самараси кўнгилдагидек бўлмаганлиги бугун ҳаммага равшан.

Она тилига муҳаббат болаликдан шаклланади. Болада сўзни ҳис этиш малакасини таркиб топтиришда мактабнинг, яъни ўзбек тилини ўқитишнинг аҳамияти беқиёс. Мактаб бу вазифани қандай бажармоқда? Афсуски, кўнгилдагидек эмас. Биргина савод масаласининг ўзиёқ аҳвол нечоғлик ташвишли эканлигини аңглатади. Шунинг учун ҳам зудлик билан «Ўзбек тили» дарсликлари ва программаларини такомиллаштириш лозим. Энг аввало, программаларда материалларнинг берилиш тартибини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги ҳолатида такрорийлик устунлик қилиб тургани сезилади. Грамматика ўқитиш ижодий фикрлаш, фикрни лўнда ва чиройли ифодалаш, равон оғзаки нутқ малакаларини ҳосил қилиш мақсадига бўйсундирилса, балки дарслар зерикарли чиқишига барҳам берилар?!

«Ўзбек тили» дарслиги ҳар қандай услуб ва сўз сакталигидан холи бўлмоғи, ўқувчида сўзга онгли ва эстетик муносабат ҳиссини тарбияламоғи керак. Лекин, афсуски, ҳозирги дарсликларнинг тили жуда гализ, ночор. Кўринадикки, дарслик ва программалар ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга муҳтож. Собиқ Маориф министрлиги томонидан эълон қилинган ўзбек тили дарсликлари конкурсининг тезроқ якунланишига эришиш зарур. Эҳтимол, ана шу конкурсу якунлари бу соҳадаги ишларимизнинг бир қадар яхшиланишига кўмак берар.

Ҳозирги ёшларимизда (нафақат ёшларимизда!) тил маданиятининг ачинарли аҳволда эканлигининг сабабларидан яна бири юқори синфларда ўзбек тили фанининг ўқитилмаслиғидир. Бир пайтлар 9-синфга она тили дарси киритилган эди. «Стилистика» дарслиги яратилиб, нашр ҳам қилинди. Аммо дарслик чиқishi билан 9-синф программасидан бу фан чиқариб ташланди. Юқори синфларда ўзбек тили дарсларини тиклашнинг аллақачонлар вақти етган деб ҳисоблайман. Мактаб ўқувчилари учун турли ўқиш китоблари яратиш, уларда тил билан боғлиқ килма-хил, қизиқарли масалаларни оммабоп тарзда ёритиб бериш бугунги кунда жуда зарур. Тилнинг пайдо бўлиши, унинг тараққий этиб бориши, бойиш йўллари, бошқа тиллар билан, масалан, араб, форс, рус тиллари билан алоқаси каби масалалар ёритилган китобчалар ўқувчиларни лоқайд қолдирмайди, айни чоқда, уларнинг умуммаданий савиясини оширишга, тилларга, миллатларга ҳурмат билан қараш ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади. Ҳозирча эса тил бўйича ўқувчиларнинг дарсликдан бошқа китоблари йўқ. Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг ҳам шундай китобларга эҳтиёж сезишлари шубҳасиз. Бундай характердаги китоблар рус тили бўйича юзлаб чиқарилган.

Ҳозир олий мактабларда тилнинг ўқитилиши ҳам замон талабидан орқада. Педагогика институтларини битириб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси дипломини олаётган ёшларнинг аксарияти назария ва методика билан яхши қуролланган эмас. Улар тилшуносликнинг бугунги проблемаларини яхши тасаввур қила олмайдилар. Чунки, масалан, синтаксис бундан қарийб 30 йил олдин яратилган дарслик асосида ўқитилади. Тўғри, бу дарслик 1987 йилда учинчи марта қайта нашр қилинди, лекин унда тилшуносликнинг кейинги ютуқлари акс этмаган. Ўзбек тилшунос-

лиги кейинги йилларда ривожланиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Бир қанча лингвистик ҳодисалар ўзбек тилининг ўз материалдан келиб чиққан ҳолда янгича талқин қилинди. Аммо мазкур назарий янгиликлар, олий филологик таълим системасига эътибор қилиб киритилмади. Бу, табиийки, бўлажак тил мутахассисларининг умумназарий савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу маънода олий мактаб ўқитувчиларининг қачонлардир ёқлаган диссертацияларини студентларга махсус курс сифатида ўқишлари амалиётдан воз кечиш, бундай курсларда тилшуносликнинг бугунги проблемалари билан студентларни таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун олий мактабнинг академия институтлари, хусусан, Тил ва адабиёт институти билан алоқасини яхшилаш, бу институтдаги етакчи олимларни ана шу йшга жалб қилиш фойдалидир.

Рус тили грамматикасидан нусха кўчириш, ундаги грамматик қоидаларни ўзбек тилига механик равишда олиб ўтиш тилшуносликда, ўзбек тилини ўқитишда жуда кўп нотўғри талқинларга олиб келган. Рус тили материалдан келиб чиқиб айтилган фикрларни ўзбек тили фактларига асосан татбиқ этиш ҳозиргача дарсликларда давом этиб келмоқдаки, буни оқлаб бўлмайди. Бу тилга материалистик ёндашув принципига мутлақо зиддир. Биргина мисол келтираман: «бу ерда» сўз бирикмаси ҳозиргача барча дарсликларда (ҳатто илмий ишларда ҳам) ўрин равиши, яъни бир сўз деб ўргатилади. Ушбу сўз бирикмасининг битта сўз эмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки «бу ерда», «бу жойга», «у ўринда», «шу жойдан» ва ҳ. к. тарзида компонентларни алмаштириш бемалол мумкин. Нега унга ҳозиргача бир сўз сифатида қараб келинди? Бу русчадан нусха олиш оқибати: рус тилидаги «здесь» сўзи ҳақиқатан ўрин равиши, лекин уни ўзбекчага таржима қилса, бир сўз эмас, балки сўз бирикмаси ҳосил бўлади. Демак, ўзбек тилида «здесь»га эквивалент бўлган ўрин равиши йўқ, бу тилининг қашшоқлигини эмас, ўзинга хослигини кўрсатади. Афсуски, дарсликларимизда бундай нуқсонлар анчагина, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин мақсад бу эмас. Мақсад — ҳозирги ҳолатдан қутулиш чораларини кўплашиб излаш, топиш. Дастлабки вазифа — олий мактаблар учун ҳам ўзбек тили дарсликларини яратиш бўйича конкурс эълон қилиш, деб ўйлайман.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Ўзбек тили ва адабиёти факультетлари (педагогика институтларининг)да «Ҳозирги ўзбек адабий тили» назарий курси учун 550 соат ажратилган, рус тили учун эса 500 соат ва бунга қўшимча равишда яна 400 соат, жами 900 соат ажратилган. Соатлар нисбати, кўриниб турганидай, мантиқли эмас.

Яқинда бўлиб ўтган халқ таълими ходимларининг Вуниттифоқ съездида таълимни гуманитарлаштириш ва бунда ижтимоий фанларнинг роли алоҳида таъкидланди. Бу зарур ишда ҳам она тилининг ўрни муҳимдир. Ҳозир аксар кишиларнинг саводхонлик даражасини қониқарли дейиш қийин. Шунинг учун республикамиздаги ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган барча ўқув юрларида, қисқа ҳажмда бўлса-да, она тилини ўқитиш лозим.

Ҳозирги ўзбек графикасини такомиллаштириш ҳам кун тартибдаги масалалардан биридир. Бу соҳада ҳам муайян ишлар қилина бошланди.

Эски ўзбек графикаси ҳақида ҳам ҳар хил таклифлар айтимокда. Энг маъқул ва адолатли йўл эски ўзбек ёзуви (араб ёзуви)ни мактабларда ва гуманитар профили олий ўқув юрларида алоҳида предмет сифатида ўқитишни жорий қилишдир. Бу, ҳеч шубҳасиз, маданий-маънавий камолотимиз учун жуда зарур, бунга тўғри тушунмоқ ҳам биримизнинг гражданлик бурчимиздир.

Халқлар, миллатларнинг ўзаро яқинлашувида, улар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишида тил билишнинг аҳамияти бекиёс. Бу азалий ва абадий ҳақиқат минг йиллардан буён халқлар қалбидан жой олган. Машҳур совет ёзувчиси Василь Биков шундай дейди: «Менимча, бизнинг давримизда бошқа миллат маданиятига муносабат жамият маънавий етуклигининг асосий белгиларидан биридир» («Известия», 1988 й., 8 октябрь).

Бизда миллий-рус икки тиллиги анча ривожланган.

Лекин рус-ўзбек икки тиллиги мутлақо талаб даражасида эмас. СССР Фанлар академиясининг академиги Г. Л. Смирнов айтади: «Биз шундай мамлакатда яшаймиз-ки, унда икки тиллик ҳар бир граждан учун эҳтиёжга айланмоғи лозим. Миллий республикада яшовчи рус киши шу республиканинг тилини рус бўлмаган киши рус тилини билганидай билиши керак» («Правда», 1988 й., 30 декабрь). Академик Н. И. Бухарин совет ёзувчиларининг Вуниттифоқ I съездида (1934 йил) қилган докладада ўзбек ва тожик тилларини билмаслиги, шунинг учун Ўзбекистон ва Тожикистонда яратилган поэзия ҳақида фикр айта олмаслигини афсус билан айтиб, «уларни ўрганишга тўғри келади, бу ҳам, шубҳасиз, жуда зўр иш бўлади», деган эди.

Ўзбек бўлмаган кишиларга ўзбек тилини ўргатиш ўзбек тилига давлат мақоми бериладиган бўлса, қанчалик муҳим эканлиги равшан. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш катта. Бу ишда камчиликлар жуда кўп.

Рус мактабларида ўзбек тили учун ажратилган соатлар кам, уларда бу тил 3-синфдан бошлаб ўқитилади ва бунга жами 540 соат ажратилган. Ўзбек мактабларида рус тили 1-синфдан бошлаб ўқитилади, бунга 1560 соат ажратилган. Маълумки, мактабларда рус ва чет тиллари гуруҳчаларга, яъни бир синф иккига бўлинган ҳолда ўқитилади. Аммо бу қоида ўзбек тили предметига татбиқ этилмайди. Бир синфда 30—40 ўқувчи бўлиши ҳисобга олинса, тил ўргатиш қай даражада бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Албатта, тезлик билан мактабларда ўзбек тили дарсларини синфни иккига бўлиб ўтишни жорий қилиш керак. Бугунги кун талаблари ана шунга тақозо этади.

Рус мактабларида ўзбек тилига муносабат кўнгилдагидай эмас. Бу предмет иккинчи даражали, ҳатто умуман кераксиз предмет сифатида қаралаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай муносабат ўқувчиларда ўзбек тилига бўлган озми-кўпми қизиқишнинг мутлақо сўндириб юбориши таъин. Очиги, мактаб маъмурияти, жойлардаги халқ таълими органлари раҳбарларининг бу фанга бўлган лоқайд, совуқ муносабатини тубдан ўзгартирмасдан, тафаккурни қайта қурмасдан бу муҳим ва масъулиятли ишда ижобий натижага эришиб бўлмайди. Оқибатда ҳар қандай тадбир қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташлашни мақсадга мувофиқ деб биламан. Педагогика институтларининг кўпчилигида рус гуруҳларда ўзбек тили ўқитилади. Унга ажратилган соатлар ҳам ҳар хил. Масалан, Низомий номи педагогика институтида 180 соат, илгари 240 соат бўлган. Аммо бу тил ўргатиш учун мутлақо етарли эмас. Барча студентлар ўзбек тилининг мактабда яхши ўқитилмаганидан нолишади. Шу ўринда мен студентларни ҳақ деб биламан. Рус мактабларида ўзбек тили дарс соатлари миқдорини (ҳозир ҳафтада 2 соат атрофида) кескин оширишни ва ўзбек мактабларидаги рус тили дарслари каби 1-синфдан бошлаб кераклигини ҳозирги давр тақозо этади. Ҳамонки, тил интернационал тарбиянинг қудратли қуролларидан бири экан, бундай қуролни боланинг жуда ёшлигидан бошламоқ мантиқлидир.

Айни пайтда фақат педагогика институтларида ёки университетлардагина эмас, балки республикамиздаги барча институтларда, ўқув юрларида (ихтисосидан қатъи назар) рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишнинг жорий этилиши жуда зарур. Ахир, ўзбек тилини билмайдиган, аммо қишлоқ жойларида ишлайдиган медининг, инженернинг, ирригаторнинг, маданият ходими ва бошқа мутахассисларнинг қандай фаолият кўрсатишини тасаввур этиб кўрин. Ҳозир ўзбек тилини ўргатадиган хилма-хил курслар ташкил этилмоқда. Буни маъқулламоқ керак.

Рус ўқувчилари ва студентлари учун мўлжалланган дарсликлар (ўзбек тили бўйича)нинг сифати ва савияси тоқат қилиб бўлмайдиган даражада. Бу ҳақда кўп ёзилапти. Ташкилот шайридаги 149-мактабнинг ўқитувчилари яхши бир таклифни ўртага ташладилар. Ўзбек тили дарслигини икки китобга бўлиш керак: ўзбек тили дарслиги ва ўзбек адабиёти дарслиги. «Ҳозирги дарсликда Алишер Навоий ҳақидаги ахборот бор-йўғи ярим бетлик ҳолос», дейди улар. («Пионер Востока», 1988 й., 19 ноябрь).

Олий ўқув юрлари студентлари учун чиқарилган ўзбек тили дарслиги ҳам ўз олдига қўйилган вазифани удалай олмайди. Жумлалар, текстлар жуда оғир, ғализ, услубий



жиҳатдан яроқсиз. Материалларнинг берилиши оғзаки ҳамда ёзма нутқ малакасини ҳосил қилишга қаратилган эмас, грамматик материал керагидан ортиқ берилган. Тематик лексикага эътибор йўқ ҳисоби. Унда тилимиз жозибаси, жанри, оҳанги мутлақо акс этган эмас.

Республикада бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишларини осонлаштирадиган қўлланма ва бошқа материаллари етарли деб бўлмайди. Бир-икки сўзлашув китоби ва мустақил ўрганувчилар учун қўлланмадан ташқари ҳеч нарса йўқ ҳисоби. Бошқа тилларда жуда кўплаб ва хилма-хил расмий лугатлар, турли ўйинлар асосида тил ўргатишга бағишланган қўлланмалар, маълумотномалар нашр этилган бўлишига қарамадан, ўзбек тилида бундай типдаги бирорта китоб чиқарилган эмас. Шу ўринда ўтмишдаги бир илҳомий фактни эсласликнинг иложи йўқ. Инқилобдан олдин, ундан кейин, то 30—40-йилларга қадар ўзбек тилини жуда кўплаб ўзбек бўлмаган кишилар томонидан ўрганилишига ёрдам берувчи китоблар нашр қилинган. Мисол тариқасида В. П. Наливкин, Е. Д. Поливанов ва бошқаларнинг китобларини кўрсатиш мумкин. Инқилобдан аввалги даврларда руслар томонидан ўзбек тилининг кенг ўрганилишининг объектив ва субъектив сабаблари ҳозир тушунарли. 1893 йилнинг 20 декабрида ташкил қилинган «Ташкентское реальное училище»да ўзбек тилини ўқитиш ўқув программасига киритилган эди. Шу билим юртининг ўқитувчиси М. С. Андреев «Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище» (1899), бошқа бир ўқитувчи Л. А. Зимин эса «Учебник сартовского языка, основанный на натуральном методе» (2-нашри, Тошкент, 1914) деган қўлланмалар тузган эди. 1902 йилда Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими томонидан «Руслар учун пулли кечки сарт ва форс тиллари курслари» ташкил этилган бўлиб, ўзбек тилидан П. Е. Кузнецов дарс берган. В. П. Наливкиннинг «Руководство к практическому изучению сартовского языка» (Тошкент, 1899) номли китоби асосий дарслик вазифасини ўтаган.

Туркистон ўлкасининг ўша даврдаги маъмурияти томонидан ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларни ўрганиш ҳар тарафлама рағбатлантирилган. Туркистон генерал-губернаторининг 1905 йил декабридаги хатида, жумладан, шундай дейилган эди: «1. Маъмуриятнинг барча амалдорларига, то уезд бошлиқларига қадар, маҳаллий тилларни ўрганиш топширилсин... 7. Рағбатлантирувчи чора сифатида маҳаллий тилни ўрганганлиги учун уларнинг маошига қўшимча ҳақ тайин қилинсин».

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин кўп ишлар қилинди. Аммо кейинги қарийб 40 йил ичида бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўқитиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Фақат рус тилини ўрганишгина зўр бериб тарғиб қилинди, ўзаро узвий боғлиқ бўлган бу ишнинг иккинчи томони, яъни ўзбек тилини ўрганиш «эсдан чиқариб қўйилди».

Мамнуният билан айтиш лозимки, бугунги ошкоралик шарофати, партияизмининг устивор сиёсати боис бу ишга алоҳида эътибор қилиниб, тил муаммоларида муҳим ва мураккаб масалалар одилона ҳал этилмоқда. Ҳар бир халқ ўз тилини мукамал билмоғи, бошқа халқлар тилларига ҳурмат билан ёндашмоғи лозим. Бу, шубҳасиз, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди. Ахир, тил мавқеи — эл мавқеи. Шунинг учун ўзбек тилини ўқитиш соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш филологлардан, қолаверса, барча зиёлиларимиздан алоҳида сафарбарликни талаб этади.

**Қоришқул** — бўри.

**Бибишак** — майда мунчоқдан тўқиб, бўйинга тақиладиган безак.

**Кармак** — чармни қизартириш ва пишитиш учун ўрик илдизидан олинадиган пўстлоқ.

**Қоганоқ** — янги туққан қўй ва эчки сутидан юпка пардага солиб, ўчоқда пиширилган таом.

**Чибич** — бир ёшида туққан улоқ.

**Тусоқ** — икки ёшли урғочи қўй.

**Дўсбойи** — қоракўли қўй.

**Бойири** — ўзидан чиққан мол.

**Мўкки** — чармдан тикилган оёқ буюми.

**Қироғой** — кўзи ва умоқ солинадиган чуқур ўра.

**Бозор БЕРДИЕВ,**  
**Дехқонобод райони**  
**Улуғбек номидаги мактаб**

**Гўбдик** — меш; хўппа семиз.

**Увуқ** — чангроқни ўтовнинг таёқлари, яъни қовурғаси билан беркитувчи таёқчалар.

**Эрганақ** — ўтовнинг «қовурғаси».

**Иярчанг** — эркак ё аёл тақдир тақозоси билан бошқатдан оила курса, олдинги турмушдан туғилган фарзанд янги маконда «иярчанг» дейилган.

**Туйман** — 5—6 ой муддатга сақлашга мўлжалланган гўшт. Бу чала қовурилиб, ёғи билан сопол хумга солиб қўйилади.

**Чиркай** — от пашшаси (майда бўлади).

**Чимолай** — митти пиёзчали майса; пиёзчалари навбахор табиатининг тансиқ неъматлари сифатида истеъмол қилинади.

**Овулик** — жамоат жойига кийиб чиқиладиган энгил-бош.

**Дўнай** — ишбоши, даврабоши.

**Қилов** — мол тилининг яллиғланиши (касаллик).

**Аранжал** — касалванд, яроқсиз.

**Гавара** — бешик ёпинчиғи.

**Улуғбек ХОНИМҚУЛОВ,**  
**Сирдарё области, Комсомол райони**

**Қумри** — ғўмбра — ҳовуз пайнови.

**Қумри** (қумғон) — кўп сув ичувчи киши.

**Иқ** — панароқ, иссиқроқ жой.

**Иқтирим** (биқтирим) — ёғин-сочин, қаттиқ шамол, бўрдан пана жой.

**Иғиб кетди** — яширинди, қўрқди; иққа бекинди.

**Дирагида бор** — баданида бор, туғма қобилиятли; ўтирак.

**Гидирмоқ** — кутиб турмоқ.

**Олақароқ** — терлаб туриб ечинганда шамоллаб қолиш.

**Иланг** — бирор тус касалликнинг кенг тарқалиши; эпидемия.

**Талжа** (юрақ талжа) — қувват, мадор.

**Қирҳовут** — Чуа-Жўш — Нурота шеваларидан тўпловчи:  
**Урол УРОЗОВ**

**Будук** — бурни битган, пўнғиллаб гапирувчи.

**Дўғиш** — йиқилиб, суриниб, кўзига қарамадан юрадиган одам.

**Гўммик** — қорни катта, паст бўйли.

**Учча** — оёқнинг сон қисми.

**Бўрбой** — болдир.

**Ғўлин** — ўрик туршаги.

**Кўнарғи** — қатиқ ивтиш учун сутга солинадиган бир қошиқ сузма қатиқ.

**Шовшамоқ** — куйиниб гапирмоқ; қарғамоқ.

**Мулмоқ** — кўзи илинмоқ

**Лука** — биратўла, кўтара, ҳаммасини.

**Бойсун районидаги тоғли Лайлаган қишлоғи шевасидан тўпловчи: Собир ОТАМУРОДОВ**

**Мақсуд Бекжон**

1961 йилда Янгибозор районида туғилган. Москвадаги М. Горький номи Адабиёт институтини тугатган. Ҳозир Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида муҳаррир. Унинг сценарийси асосида «Дардни яширсанг...» ҳужжатли фильми суратга олинган. «Умид таҳсили», «Мўътадил ранглар» шеърӣ китобларининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

\* \* \*

Шеър ёзмоқчи бўлсанг,  
Қўлингга луғатни олгин-да, аввал  
Сўзларни излаб топ шубҳадан холи.  
Агар юзга яқин сўз топа олсанг,  
Излаб топа олсанг  
Ҳар хил шубҳалардан холи юзга яқин сўз,  
Демак, сен омадли шоирсан, ука,  
Демак, сен шеър ёзишинг мумкин —  
Шубҳа-гумонлардан холи битта шеър.

II

«Худо» деган сўзни эшитиб,  
Қўрқувдан  
Зир титрар  
Иблислар.

III

— Бу нима, биродар?  
— Билмайман...  
— Худога шукр-ки, мен ҳам билмайман.  
Биладиган кишилар қайгадир кетишди  
Бош олиб...

# Сени фикрларга Ўйнаб кетаман

## Учликлар

1

Кек сақлама, дўстим, кек ҳам шаробдир,  
Шаробдай кучланар у ҳам кун сайин,  
Кекни шароб каби сақлама узоқ.

2

Шоирни масҳара қилар,  
Ўз дунёқарашининг қафасида ўтирган  
Одамсимон маймун.

3

Айтгим келган сўзларни  
Адаштириб келаман ўзга диёрларга —  
Мени топа олмас сўзларим.

4

Сариқ чақа бор киссангда...  
Энди шу сариқ чақага арзигулик  
Режа ҳам туз.



## Кулгили шеър

Кулишса кулишсин —  
Бизларга нима?  
Асли кулгу бўлиб яшаш ҳам бир бахт,  
Сен, жоним, «одамлар кўради», дема,  
Бизни ҳеч ким кўрмас шахт кўзни юмсақ.

Булуллар ҳақида мен сенга жоним,  
Умр ва ундаги фасллар ҳақда,  
Коинот ҳақида гапирай ёниб,  
Ундаги юз минг хил сир-асрор ҳақда...

Сен эса тинглагин, сира чўчимай  
Кулгуга қолишдан, гўл кўринмоқдан.  
Тинглагин, тинглагин, эсли тўтидай  
Кейин шу гаплар-ла ўзимга мақтан...

# Тохир Малик

## АЛВИДО, БОЛАЛИК

Қисса

### Муқаддима

Қуёш қаердадир тоғ ортидан, қаердадир чўл адоғидан, қаердадир асрий музлар орасидан бош кўтарди. Қаердадир дарахт кокиллари йўнаб, биллурий булоқ сувларига тўйиб олгач, хонадонларга мўралайди. Қаердадир қуриб-қақшаб ётган тиканларни, чанқоқ қум барханларини ялаб ўтиб, одамлар яшайдиган ерларга ошиқади. Қаердадир асрий музликлар орасида паноҳ тополмай, одамзодга дуч келишдан умидини узиб тезроқ кўз юмишга ошиқади.

Баҳор ҳам шундай. У илиқ шабада нафасида, қалдирғоч қанотида, турналар солган аргимчоқда кириб келиб, ташна кўнгилларга тириклик сувини беради.

Қуёшнинг тонгдаги, айниқса, баҳор тонгидаги кўркини кўриш барчага ҳам насиб этавермайди.

«Қуёш ҳаммага баравар нур сочади» дейдилар. Ҳақ гап. Бироқ унинг нуридан ҳамма ҳам бир хилда баҳраманд бўлавермайди.

Тиканли сим, темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги қуёш кўнгилга озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикин? Тиканли симлар билан ўралган ҳовлига ҳам баҳор киради, бу ердаги дарахтлар куртаги ҳам кўз очади, сурхчалар барг чиқаради. Аммо баҳор гашти тиканли симларни ошиб бу ерга ўта олармикин?

Озодлик сўзини бу ерда нондай азиз кўришади.

Бу ерда ойлар саналади, кунлар, соатлар саналади.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни озодликка яқинлаштиради.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни исканжага олади, ўйламай босилган қадамларини лаънатлаб яшашади.

Бу ер — болалар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси. Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жиноятчилар жазо муддатларини шу ерда ўтайдилар. Бу ерга автомат тарзда очилиб ёпиладиган темир эшиклардан кирилади. Бир хил кийим кийган, кўзларда мунг, баъзан алам яширинган болалар янги одамни дарров илғашади. Иккинчи марта борганингизда сиз ҳақингиздаги маълумотдан дарак топган бўлишади.

Мен бу колонияга беш йил аввал бир келган эдим. Мана энди, ёзилиб, яқунланай деб қолган асар баҳонасида яна йўлга тушдим. Бу ердагиларнинг барчаси ҳам суҳбатдош бўлавермайди. Айримлари гаплашади, баъ-

зилари эса нигоҳини бир нуқтага тикиб тураверади. Табиатан шундайми улар ё терговчиларнинг сўроқларидан кейин шунақа бўлиб қолишганми? Балки терговда очилмай қолган сирларини бой бериб қўймаслик учун тиллари тиш ҳатламас? Билмадим. Билолмадим. Ҳар ҳолда улар менга жумбоқ бўлиб қолишган. Тарбияланаётганларнинг айримларини сиртдан танийман. Бири «тўполон қилма», «чекма», деб тергагани учун қўшни кампирни ўроқ билан чопиб ташлаган. Ана, ҳув крандан сув ичаётган бола — кампирнинг... қотили. Кичкина бола эканида ўша аёл уни кўтариб суйган, эркалаган, боғидаги мевалар билан сийлаган. Оқибатда эса... бир гапи учун қонга беланган. Ҳозир бу бола ўроқ кўтариб кампирга ташланганини эсладимми ё биринчи марта наша чекканинимми?

Анави дарахтга суяниб турган рангпар бола катта ўғриларга қўшилган. Катта ўғриликлар бўлаётган дамда балки у шу ҳолда — дарахтга суяниб пойлоқчилик қилгандир? Балки ҳозир унинг кўз олдига орқа кураги остига пичоқ санчилган қоровул келгандир? Ахир қоровулни у гапга солиб, чалғитиб турган эди, унинг кўз олдига санчишди пичоқни! Бу даҳшат исканжасидан у узоқ йиллар қутула олмаса керак.

Ҳамроҳим — капитанни телефонда йўқлаб қолишибди. Қийғос гуллаган олма остига қўйилган ўриндикда ёлғиз қолдим. Худди шуни пойлаб тургандай бир бола яқинлашиб салом берди:

— Ёзувчимисиз, шу ростми?— деди қизиқишини яширмай.— Китобингиз кутубхонамизда бор экан. Лекин ҳали ўқимадим. Энди биз ҳақимизда фельетон ёзасизми?

— Фельетон? Ким айтди?

— Ҳамма айтяпти.

— Фельетон нималигини биласанми ўзинг?

— Қамалганлар ҳақида ёзилади-да.

— Йўқ, бу гапинг нотўғри. Фельетон бировни фош қилиш, ундан кулиш учун ёзилади. Сизларни фош қилиб бўлишган. Аҳволингиздан кулиш эса инсофдан эмас. Сенга ўхшаган боланинг аҳволини бир китоб қилмоқчиман. Шуни ўқиган бола ёмон йўлга киришдан ўзини тияр деган ниятим бор.

— У болангиз нима қилган экан?

— Одам ўлдирган.

— Иши чатоқ экан, кўп ўтиради.

— Узинг-чи?

Бола жиноят кодекси моддасини айтди. Кейин айё-  
рона кулимсираб қўшиб қўйди:

— Мендақаларни қадим замонда девор тагига бос-  
тиришган экан.

— Ёки тошбўрон қилишган,— деб мен ҳам қўшимча  
қилдим.— Ҳаммасини билар экансан, нимага кирдинг  
бу номаъқул йўлга?

У гарданини қашиган бўлиб кулимсиради:

— Узим ҳам билмайман. Бир аҳмоқ бўлдим—да. Ҳо-  
зир эсим кирган. Аслида... мени қамашмаса ҳам бўлар-  
ди. Айбимга тушундим, бошқа қилмайман бу ишни.  
Манави каллакесарлар билан юришим яхшими?

Унинг хулосаси қизиқ эди. Бир жиҳатдан қарасангиз,  
у ҳақ — айбини тушуниб етди. Бу ерда ушлаб туришдан  
маъно йўқ. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор:  
озодликка чиқиб, яна шундай вазиятга дуч келса ўзини  
ушлаб тура оладими? Яна гангиб, эсини йўқотиб, жиноят  
кўчасига кирмайдими? Ахир бу ердаги болалар ичида  
иккинчи марта қамалганлар оз эмас-ку?

— Бу ер жонингга тегдими?— деб сўрадим ундан.

— Гапингиз қизиқ-ку?— деди у ажабланиб.— Маза  
қилиб ўйнаб-куладиган даврингда ўтириш... алам қил-  
майдими?

— Алам қилади... лекин сен ва сенга ўхшаганлар  
дастидан жабр чекканлар-чи? Сен-ку, бу йил бўлмаса  
кейинги йиллар озодликка чиқасан, ўйнаб-куласан.  
Лекин бахти яримта ўша қиз-чи? У бир умр азоб чек-  
майдими? Улдирилган одамлар-чи? Улар ҳам ёшми-  
қарими, ўйнаб-кулиш истагида бўлганлар-ку? Мана  
шуларни ўйламайсанларми, виждонларинг қийналмай-  
дими?

Бола жим қолди. Мен жавоб кутдим. У бир оздан  
кейин тилга кирди:

— Бунақа гапларни кўп эшитамиз. Сиз ҳам насиҳатни  
яхши кўрар экансиз. Мен сиздан бошқа нарсани сўра-  
моқчи эдим.

У менга «сўрайверайми», деган маънода савол назари  
билан қаради.

— Сўрайвер.

— Мен бошимдан ўтганини китоб қилиб ёзмоқчиман.  
Бўлармикин?

Бундай гапни кутмаган эдим, шу боис гангиб қолдим.

— Китоб?... Шундай дедиму ажабланишим уни  
камситиб, ранжитиб қўйиши мумкинлигини англаб гап-  
ни маромга солдим.— Ёзишинг мумкин, албатта. Ле-  
кин... ёзишдан аввал аниқ мақсадни белгилаб олиш  
керак.

— Мақсадим бор. Ҳали айтдингиз-ку, бошқалар кир-  
масин бу кўчага, деб. Ҳаётим билан танишган мендақа-  
ларнинг кўзи очилармикин?

— Мақсадинг яхши. Ёзавер. Керак бўлса, ёрдам  
берай.

— Ёзишни билмайман. Хат ёзишни ҳам шу ерда ўр-  
гандим. Китоб ёзиш қийиндир?

Бу ишнинг масъулияти, машаққатини тушунтирганим  
билан англаб етиши қийин эди. Бу иш жуда оғир, десам,  
боланинг шашти ҳам қайтиши мумкин. Нима дейишни  
билмай турганимда унинг ўзи жонимга аро кирди.

— Бу ерга яна келсангиз янги китобингизни олволот-  
майсизми? Уқиб, ўшанга ўхшатиб ёзардим.

— Ҳали битмаган-да у...— шундай дедиму хаёлимга  
келган фикрдан кўнглим ёришди. — Яхши, битган қис-  
мини сенга ўқиб бераман. Баҳонада фикрингни била-  
ман. Аммо келишиб олайлик: ёққан-ёқмаганини очик  
билдирасан. Ҳа, айтмоқчи, исминг нима?

У айтди, кейин қўшиб қўйди:

— Китобингизга мени ҳам қўшсангиз, фақат ўзгар-

тириб ёзинг: одамлардан уяламан.

— Нима деймиз?

— Аҳбор дея қолинг.

Шунга келишдик.

Орадан ўн беш кун ўтди. Унинг олдига эртага бора-  
ман. Биринчи ўқувчи, биринчи танқидчи билан учра-  
шишга тайёрланыпман. Ёзганларимни қайта кўряпман.  
Қани, Аҳбор нима деркин?

## Уйқусиз тун

### ёхуд қотиллардан бирининг тундаги руҳий кечинмалари ҳақида ҳикоя

Асрорни онаси туртиб уйғотди:

— Ёмон туш кўрдингми, мунча бақирмасанг?

Асрор индамади. Уйқули кўзларини чирт юмиб олди.

— Ёнбошлаб ёт, босинқирабсан...

Онаси шундай деб чиқиб кетди. Асрор кўзини очди.  
Бу тушими? Йўқ, туш эмас. Кеча ўз кўзи билан кўрган-  
ларни. Шунчаки кўрган бўлганида қошки эди... Ўзи ҳам  
урди уни. Тепди, ёмон тепди. Бечора дод деб юборди.  
Ким эди у? Асрор танимади. Ҳозир бир нарсанигина  
билади — сигарет берганида ортиқча машмаша йўқ  
эди. Хасислиги бошини еди унинг.

Энди нима бўлади?

Асрор даҳанини ёстиққа тираганича мук тушиб ётди.  
Ҳозир милиция уларни қидираётгандир? «Йўқ, ҳали  
қидирмайди,— деб ўйлади,— у одам сувга чўкиб кетди.  
Неча кунда чиқаркин юзага? Ана ўшандан кейин бош-  
лашади қидиришни. У одамнинг оиласи милицияга  
арз қилса-чи? Улар воқеани билишмайди. «Йўқолиб қол-  
ди» дейишади. Унинг ҳеч кими йўқдир балки... Унда  
яхши... Сув тагида балчиқ босиб қолиб кетса яна яхши...»  
Шу фикр келиб, Асрор бир оз энгил тортди.

Ҳозир у пивохонадан сархуш чиққан, кейин болалар  
орасида коптокдай тепилган, мурдаси сувга ташлаб  
юборилган одамни эмас, ўз тақдирини ўйларди. Мили-  
ция... Унинг ортидан қамоқ... Шу фикрнинг ўзиёқ уни  
ғиппа бўғиб оларди.

Кўзини юмди. Ўша одамнинг нигоҳлари... Хиёл қизар-  
ган кўзлари унга тикилиб турибди. «Мен сенга нима  
ёмонлик қилдим?», деб сўраяпти. Асрор аниқ эслайди:  
қорнига тепган пайтида у одам шундай қарагандай бўл-  
ди. Қизиқ, Асрор нимага бу нигоҳни эслайпти? Нимага  
у одамнинг кўзлари кўриняпти? Ахир қоронги эди,  
кўзларини кўрмаган эди-ку? У одам пичоқ чиқарди,  
Салимнинг сонига урди. «Ҳа, ҳа, бўлди, ҳамма айб ўзи-  
да, пичоқ чиқармаганида тегмас эдик. Шуни ҳамма  
болалар қайтарса, бизга бало ҳам урмайди». Асрор бу  
фикрдан энгил тортиб, қақдинни ростлади. «Шу гап  
болаларнинг хаёлига келармикин,— деб ўйлади у,—  
ё айтиб чиқсаммикин? Биронтасини милиция кузатаёт-  
ган бўлса-чи? Қамар ўтириб чиққан. Уни кузатишлари  
мумкин. Салим ҳам шуниқанда. Ярасига қарашганмикин?  
Қамар қарармикин?»

Қамариддиннинг яхши-ёмонлигини Асрор шу пайтга-  
ча аниқ билмайди. Бир қарасанг — хўроз — ўртоғини  
деб ўтга тушишдан ҳам тап тортмайди. Бир қарасанг —  
ёвуз — ўзиникиларни ҳам аямайди. Шунданми, барча

ундан қўрқади. Асрор бундан мустасно эмас. Қамариддин ўл деса, ўлади, тирил деса, тирилади. Аввал қўрқанидан шундай қиларди. Энди кўникиб қолган. Осмонда куёш нур сочаётганини кўриб ажабланмагани каби, Қамариддинга қулдай тобе эканига ҳам ҳайрон бўлмайди. Ҳа, Қамариддин уларга хожа, улар эса қул эди. Аммо бирортасининг хаёлига: «Мен қулман» ёки «нимма учун мен қулман» деган фикр келмас эди. Уларнинг назарида Қамариддин хожа эмас, балки валлакат, айримларига эса васий эди.

Ҳозир ҳам Асрор унинг яхши ёмон томонларини ўйламади. Шунчаки «Салимга қарармикин?» деган фикр хаёлини бир ёритиб ўтди, холос.

Асрорнинг кўкраги қизиби, ўрнидан турди-да, ошхонага чиқди. Муздек сувдан симириб кўнгли ором топди. Кейин айвонга ўтди. Ҳозиргина сув ичиб энгил тортгандай бўлган эди. Дам ўтмай яна кўкраги қизиби, нафас олиши оғирлашди. Деразани очди. Кўчани тўзитаётган шамол димоғига чанг уфурди. У бешинчи қаватдан паства қаради. Шундоққина дераза остидаги кафтдек ерга беш туп гилос экиб, боғ қилиб қўйишган. Сал нарида гаражлари. Отаси тунда икки-уч марта шу ердан туриб хабар олади. Дадасининг бу ишини дастлаб кўрганида Асрор «бирова машинани олиб қочмоқчи бўлса, шу бешинчи қаватдан ўзларини ташласалар керак», деб ўйлаган эди. Ҳозир нимагадир шу гап эсига тушди. «Агар милиция билиб қолиб уйга қидириб келса, ўзимни шу ердан ташлайман. Қамалиб юргунча бирданига ўлганим яхши». Бу фикр миясига урилдию товонигача зириллаб кетди. Пешонасидан муздек тер чиқди. Қўрқиб кетганидан дарҳол деразани ёпди. «Жинни бўлибманми, нимага ташларканман, нимага мени қамаркан,— деб ўзига ўзи тасалли бера бошлади,— мен ўлдирибманми уни, тепган бўлсам битта тепдим. Салимга пичоқ урганидан кейин тепдим...»

Ўлдузли осмонни бир четдан «ямлаб» келаётган булутлар тўқнашиб яшин чақнади. Унинг нури балкон деразаларидан ўтиб, гуллар туширилган деворга урилди. Асрорнинг назарида осмонда чақмоқ чақнамади, балки ўша одамнинг кўзлари ёнди. Нур ҳам ўша кўзлардан чақнади. «Мен қотилимни излаб эдим, топдим», дея шу бешинчи қават балконига отилди. Момақалди роқ гумбурлади. Асрорнинг назарида эса ўша одам наъра тортди. «Қаранг, қотилимни топдим», дея шаҳар аҳлини уйғотмоқчи бўлди.

Асрор орқасига тисарилиб, ошхонага қайтди. Айвон эшигини қаттиқ ёпди. Крандан сув оқизиб юзини тутди. Орқада шарпа сезиб, сапчиб тушди. Қараса — онаси. Синчков назарини қадаб турибди.

— Сенга нима бўлди?— деди у, Асрорнинг сочини силаб.

Асрор онасидан кўзини олиб қочди. Кейин бир ютини:

— Уйқум келмаяпти,— деди.

— Чарчагансан. Кечаги тўйда ухлатишмабди, эшитдим. Кириб ёт, уйқунг келмаса, сана. Юзгачами, минггачами санайвер. Ухлаганингни билмай қоласан.

Асрор онасига қараб олди. «Онамнинг содалликлари ҳам яхши», деб ўйлади-да, туриб хонасига кирди.

«Уриниб қоляпти, болам бояқиш,— деб ўйлади Маъсума унинг изидан қараб,— тўйга юбормай десам, бўлмаса, борса, бу аҳвол. Эрта-индин ҳаво юришиб кетса, тўй яна кўпади. Боламга яна жавр. Бормаса отасига жавр. Топган-тутганлари шуларга-да ахир, кўтариб кетармиди. Яхши ҳамки Асрорим бунга тушунади. Тушунгани учун индамайди. Яна бир-икки йил... кейин ўзи ҳам йўлга кириб кетади».

Маъсума ўйлай-ўйлай охири «кейин йўлга кириб кета-

ди» деган фикр билан овунарди. Шунда биров «қайси йўлга киради?» деб сўраса дафъатан жавоб бера олмайди. Хўш, қайси йўлга киради? Отасининг йўлига — санъатгами, ёки ота-онадан пинхон тутаётгани — Қамариддиннинг йўлигами? Еки кул босган умиди — илм йўлигами? Бунга на Маъсума, на Асрорнинг ўзи билади.

Асрор худди эртақдагидай уч йўлга рўбарў келиб қолган. Бир йўлнинг бошида оқ шайтон турибди. «Пул топиб, ақл топмаган одамлар кўп экан, шу йўлга кир. Маишат ичида яшайсан. Одамлар бошингдан пул сочишади, аммо истаган йўриқларига солишади. Ит бўл дейишса — вовуллайсан, мушук бўл дейишса — миёвлайсан. Хуллас, ҳамма хўрликка чидайсан. Бу ҳам етмагандек, охири кулиб: «Раҳмат, акажон», дея таъзим ҳам қиласан. Аммо бу билан ишинг бўлмасин. Пулини олсанг, бас!» Бу оқ шайтон дадасига ўхшаган қиёфада Асрорнинг тушларига ҳам киради. У бирор марта дадасига тик қарамагани сабабли шайтон кўзига кўринганда чўчийди.

Иккинчи йўлда қора шайтон туради. «Йигитнинг йўли шу йўл,— дейди у,— бировга эгилмайсан, сенга қуллуқ қилишади. Сендан қўрқишади. Нимани истасанг — шунга эгасан. Озодсан, энг муҳими ҳам шу!» Қора шайтон Қамариддин бўлиб кўринганда чўчимади. Нимагадир отасидан кўра кўпроқ уни ёқтиради. Суяги бузуқ, кўзи гилай бўлса ҳам, шу йигит Асрорга истарали кўринади.

Учинчи йўл бошида ҳеч ким йўқ. Кўча ҳам ғира-шира қоронғулик ичида. Тўғри, бу қоронғуликда баъзан муаллими Маҳкам ака кўриниб қолади. Ўзи ёш, аммо сочлари текис оқарган бу олим уни имлайди. «Бир умр азобга маҳкум этилганларгина олим бўлишади,— дейди у.— Олим дам олиш нима, дабдабали ҳаёт нима — билмайди. Бир умр ишлайди, кечаю кундуз тиним билмайди. Бойвачалар ундан кулишади, амалдорлар кўрагидан итарди, ноқобиллар ҳазар қилади. У эса ҳаммасига чидаб, чумолидай ишлайверади. Унинг меҳнати мевасидан ўша бойвачалар, амалдорлар, ноқобиллар ҳам баҳам кўришади. Бир умрлик меҳнат азобидан, талаш-тортишишлардан қўрқмаган одам кирсин бу йўлга...»

Асрор булардан қўрқмас эди, кирарди. Нолимасди ҳам. Фақат аввал оқ шайтон, сўнг қора шайтон учради унга. Мана ҳозир икки шайтон қулига айланган бола кўзларини чирт юмиб бирдан юзгача, юздан минггача санаб ётибди. Санагани фойда бердими ё уйқусизлик энгдими, ухлаб қолди.

Тушида шаҳар безовта эмиш. Милиционерлар елиб-югуришармиш. Уларни ўша одамнинг ўзи бошлаб юрганмиш. Нуқул: «Қотил қани?!» деб бақирармиш. Асрор эса уни кўрган сайин: «Тирик экан-ку!» деб хурсанд таажжубланармиш. Милиционерлар унинг уйи томон бурилишганмиш. Бешинчи қаватга чиқиб, қўнғироқ тугмасини босганмиш...

Асрор соатнинг асабий жирингидан сапчиб туриб кетди. Кейин соатнинг тугмасини босиб, овозини ўчирди-да, бошини кўрпага буркаб олди. Совқотган одамдай баданига энгил титроқ турди.

— Уйғондингми, болагинам,— деди онаси эшикни қия очиб.

«Бормайман мактабига,— деб ўйлади Асрор,— ҳеч қаёққа чиқмайман». «Ўйда ётиб олганимдан шубҳаланишса-чи?» деган фикр хаёлига келиб бошини кўтарди. Кейин, «мунча қўрқаман, ахир уни мен ўлдирганим йўқ-ку!» деб ўзига ўзи тасалли берганича ўрнидан турди. «Мен ўлдирганим йўқ деб қайта-қайта такрорлади. Ўзини шунга ишонтирмоқчи бўлди. Бу ружий муолажа таъсир этдими, сал энгил тортди.

Томоғидан ҳеч нарса ўтмас ҳам, ўзини мажбурлаб нонушта қилди. Кўчага чиқди. Чиқди-ю, беихтиёр атрофга аланглаб олди. Бурчакдаги уй қаршисида Дилфуза уни пойлаётган эди. Улар ҳар куни шу ерда учрашиб, бирга мактабга кетишарди. Дилфуза уни жиламайиб қарши оларди. Ҳозир маҳзун бир аҳволда. «У ҳам ухламаганга ўхшайди», деб ўйлади Асрор. Бош ирғаб саломлашишди. Худди уришиб қолгандай индамасдан юришди.

— Энди нима бўлади?— деди Дилфуза паст овозда.

Асрор унга бир қараб олди, аммо жавоб қайтармади.

— Шомил бошламагандайди...

— Шомил бошламади, нимага ўзи пичоқ чиқарди?— деди Асрор жаҳл билан.— Сен... кеча у ерда йўқ эдинг, билдингми?

— Сиз-чи?— Дилфуза Асрорни билагидан ушлаб тўхтатди.— Сиз-чи?

— Мен... билмадим...

— Сиз ҳам йўқ эдингиз. Бирга... кинода эдик. Гувоҳларим бор.

— Гувоҳ?

— Ҳа, дадамга кинода эдик, деганман. Тасдиқлашлари мумкин.

Асрор жавоб қайтаришга улгурмади. Орқадан кимдир қақриб қолди. Икковлари баравар тўхтаб, қарашди. Ўттиз қадамча нарида синфдошлари Зоир югуриб келаётган экан.

— Кеча Туроб билан борувдик, уйингда йўқ экансан, ойинг айтдиларми борганимизни?— деб сўради у етиб келган.

— Кеча... кинода эдик,— Асрор шундай деб беихтиёр Дилфузага қаради. Дилфуза кўз ишораси билан унинг гапини маъқуллади.— Нимага борувдинглар?

— Опаси эрга тегяпти-ку. Йигирма биринчида зиёфати экан. Бир қизитиб берасан.

— Йигирма биринчи... шанбами? Билмадим. Дадам тўй олиб қўйган бўлишлари мумкин.

— Агар Туробнинг бошида ташвишлар бўлмаганида сенга ялинмасдик. Ўзинг хўп дегандинг-ку?

— Хўп деганман, лекин беғим кунлари бўлсин-да. Жума, шанба, якшанба банд бўламиз.

— Пулини берсак-чи?

— Ким беради?

— Ишинг бўлмасин. Даданга айт, пулини тўлаймиз.

Зоир шундай дегаҳ, худди дарсдан кечикаётгандай югуриб кетди. Унинг аччиқланганини, бирга юришдан ор қилганини Асрор ҳам, Дилфуза ҳам сезди. Сезса-да, бир-бирига бу ҳақда сўз очишмади. Чунки одамгарчилик ҳақида баҳслашадиган кайфиятда эмасдилар. Ҳозир уларнинг хаёли бир нарса — кечаги мудҳиш воқеа билан банд эди.

Кинохонага яқинлашишганда Асрор қатор тераклар томонга ўғринча қараб қўйди. Қамариддиннинг ўтирадиган ери шу жой. Ўтган йили худди шу ерда, худди шу пайтда Қамариддин уни қақирган эди. Асрор Қамариддинни ҳам, унинг атрофидагиларни ҳам сиртдан танирди. Бир неча ой муқаддам қамоқдан чиққан Қамариддиннинг, шерикларининг ёмон болалар эканини ҳам биларди. Қамариддин қақирганида кўнгли ниманидир сезиб, оёғидан мадор кетди. Бормай қочиб кетсам-чи, деб ҳам ўйлади. Аммо қочиб қаёққа ҳам борарди. Беш-олти соатдан кейин яна шу ердан ўтади. Эртага ҳам, индинга ҳам... Ноилож борди.

— Кеча тўйда яхши тушдимми?— деди Қамариддин ишшайиб. Ушанда унинг ишшайганда кўринувчи сўйлоқ тишлари ҳам, ғилай кўзи ҳам Асрорга даҳшатли кўринган эди. Нима деб жавоб қайтаришни билмай, индамай турганди. Қамариддин эса унинг елкасига қўлини қўйиб,

юмшоқ оҳангда, аммо қатъий буйруқ қилган эди:

— Ширинкомадан чўзиш керак. Биздан қочма. Мен билан бўлсанг, биров чертмайди сени. Бўлмасанг ўзингга қийин.

Дадаси Асрорга пул бермасди. Асрор онасидан олган овқат пулига қаноат қиларди. Ушанда ҳам чўнтагида арзимаган тангалар бор эди. Қамариддин унинг бошини силаб туриб мазах қилди. Ушанда Асрор тўйга борганда кистирилган пуллардан беркитиб қолиб унга келтириб бериши лозимлигини ўқди.

Бора-бора Асрорнинг ўзи ҳам Қамариддиннинг «ишончини оқлаб», шу ерда ўтирадиган бўлди. Қамариддин эса нима учундир пул сўрамай қўйди.

Ҳозир уларнинг жойи бўш. Ҳеч ким йўқ. «Ҳаммаси ин-инида биқиниб ётибди,— деб ўйлади Асрор,— мактабга келганим яхши бўлди».

Мактаб кўчасига бурилишганда Асрор қадамни тезлатди.

— Секинроқ борарсан,— деди Дилфузага қараб.

— Бугун кўришамизми?— деди Дилфуза синиқ овозда.

— Билмайман.

Дилфуза саккизинчида ўқийди. Асрор билан бирга мактабга келиб-кейтиши, танаффусларда гаплашиб туриши айрим ўқувчи, ҳатто ўқитувчиларда нотўғри фикр уйғотган, кераксиз миш-мишларга сабаб бўлган, оқибатда синф раҳбари қизни тартибга қақирган эди. Асрор кеча «тарбиявий соат» натижаларини Дилфузанинг ўзидан эшитди. Мактабга етмай ажрашишларига сабаб шу эди. Энди уларни бирга кўрмаганлари маъқул.

Ҳозирча улар мактабга боратурсинлар. Биз уларни ўз ташвишлари, хаёллари майлига ташлаб қўяйлик-да, бу ердан уч қақирим наридаги район милициясига боғрайлик. У ерда биз қутилмаган учрашувга дуч келаемиз.

## Милицияга етиб келган хабар

ёхуд пенсияга  
чиқишни мўлжаллаб турган  
жиноят-қидирув бўлими  
инспекторининг аризасини  
қайтариб олгани ҳақида ҳикоя

Майор Мақсуд Солиев ярим тунда операцияни якунлаб, уч ойдан бери изма-из қувиб келаётган ўғрибошини қўлга олгач, уйга қайтган эди. Кеч ётганига қарамай, одатча эрта турди. Нонушта пайти хотинига қараб:

— Иш битди. Ваъда бўйича бугун аризамга қўл қўйишади. Ана энди қарилик гаштини сураемиз,— деди.

— Сиз-а?..— деди хотини киноя билан,— уйда ўтира олармикинсиз?

— Бу гапинг ҳам тўғри, енгилроқ бир ишга кираман.

Майор бугун ишга шошилмас ҳам бўларди. Лекин тарки одат амри маҳол деганларидай, чой ича туриб ҳам соатига бир-икки қараб қўйди. Хотини буни сезиб енгил уф тортди.

— Борақолинг ишингизга. Яна дунёни ўғри босиб кетмасин,— деб кесатди. Мақсуд Солиев бундай кесатикларга, хотини эса унинг ҳамиила шошиб туришига кўникиб қолган. Агар у ишга шошилмас, уйда ўтирса, хотинига кесатиклар учун ваз қолмайди. Ана шунда иккови чекишни ташлаган кашандадай гарангсиз қолса кераг-ов... Шубҳасиз, собиқ майор ишини қўмсайди.

Хотин эса гап билан узиб-узиб олишини. То янгича бошланажак сокин ҳаётга кўниккунларича қийналишлари аниқ.

Тунлари жиноятчини қувишлар, аёзли кунларда дилдираб йўл пойлашлар, олишувлар... ҳаммаси тушда кўргандай ўтади-кетди. Ҳамма қатори шомда телевизор кўради, ҳамма қатори ётиб ухлайди. Елиб-югурмайди. Ишга кирса кирар, бўлмаса чойхонада чойхўрлик қилиб юраверади-да.

Аслида пенсияга ўтган йили чиқиши керак эди. Аввал ўзи пайсалга солди. Ишдан кетса жони узилиб қолади-гандай бўлаверди. Кейин юраги санчиб, нафаси қисилавергач, ариза берди, жиноят қидирув бўлим бошлиғи анча оёқ тиради. Осонликча бўшатмасликларини майор биларди. Бошлиқ ёш, шошқалоқроқ. Жиноятчиларни тез қўлга тушириб шуҳратга буркансаю юқорироқ кўтарилса. Билакда куч бор, ғайрат бор, аммо Мақсуд Солиевдаги тажриба, ақл унда йўқ. Шундай бўлгач, осонгина пенсияга узатиб қолармиди? Бундан уч ой аввал майорнинг аҳди қатъийлигини билгач, кўнди. Бироқ бир шарт қўйди. «Кечаги ўғирликни ўзингиз очасиз», деб туриб олди. Ўғирларнинг иш усули майорга таниш эди: бир аёл эшикни тақиллатади, қолганлар пойлаб туради. Эшик очилгач, бостириб киришади. Мана шу оддий усул, кўп ақл талаб этмайдиган ўғирлик майорни уч ой гангитди. Ниҳоят, кеча ишга яқун ясади. Бугун ваъда бўйича, аризага имзо чекилади.

Нонушта пайтида Мақсуд Солиевнинг дили равшан эди. Кўчага чиқиб ишхонага яқинлашгани сайин кўнгли хиралашиб бораверди. Ҳозир бошлиқ ҳузурига киради. Имзо чекилади. Тамом! Уттиз йиллик меҳнатига шу зайлда яқун ясалади. Балки бошқармадан фахрий ёрлик беришар, балки мажлис қақриб, тантанали равишда кузатишар. Майор буларни ўйлаб қайғурмайди. Унинг қайғуси бошқа — ўттиз йил умрини берган иш билан видолашишда.

Милиция биноси кўрингач, оёқлари юришдан бош тортаётгандай туюлди. «Ишқилиб бошлиқ жойида бўлмасин», «Ишқилиб бошлиқ кўнмасин», деган хаёллар вужудини қамраб олди.

Ичкарига кириши билан навбатчи милиционер: «Бошлиқ йўқлапти, тез кириш», дегач, тарвузи қўлтиғидан тушди. «Тамом, иш пишибди. Бошлиқ кўнибди. Ҳозир мен билан хайрлашишади».

Подполковникнинг хонасида бўлим бошлиғи билан яна бир нотаниш киши бор эди. Мақсуд Солиев киргач, подполковник ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди:

— Табриклайман. Раҳмат сизга,— деди у майорни икки елкасидан қучиб. Кейин жойига бориб ўтирди-да, нотаниш кишини таништирди:

— Ўртоқ Имомалиев бизга бир хабар етказдилар. Кеча шом қоронғусида беш-олти безори бир одамни калтаклаб, кейин сувга ташлаб юборибди.

Бу хабар майорнинг ғужғон хаёлларини бир зумда тарқатиб сергак торттирди. У беихтиёр равишда, бир зумнинг ўзида, пенсияга чиқаётган одам либосини итқитиб, жиноят-қидирув бўлимининг тажрибали инспектори қиёфасига қайтди. У сарсари хаёлларини унутиб:

— Қаерда?— деб сўради.

— «Чехра» деган пивоҳона бор-ку, ўшандан юз метрча нарида. Анҳор бўйида уришди.

— Безориларни танийсизми?

— Йўқ.

— Жабрланган одамни-чи?

— Ҳеч қайсини танимайман. Пиво ичиб ўтириб кўзим тушди. Аввал уришди. Одам йиқилганда тепишди. Кейин бир нималар қилишди. Кўзим илғамади. Кейин... одам ўлган бўлса керак, сувга отишди.

Икки ёноғи қип-қизил бу одам Мақсуд Солиевнинг кўзига ёмон кўриниб кетди.

— Индамай ўтиравердингизми пиво ичиб, ёрдамга бормадингизми?

— Кечирасиз,— деди Имомалиев ўрнидан туриб,— безориларга зарба бериш — сизнинг ишингиз. Мен бурчимни адо этдим — сизга хабар қилдим.

— Шунга ҳам шукр, катта раҳмат сизга.— Подполковник шундай деб ўрнидан турди-да, унга қўл узатди.— Керак бўлсангиз яна безовта қиламиз.

Имомалиев чиқишга шайланганда майор уни гапга тутди:

— Безорилар неча киши эди?

— Беш-олтита дедим-ку?

— Аниқроқ билмайсизми? Ёши-чи, ёшларми ё катталарми?

— Билмадим, ғира-ширада ажратиб бўлмади. Гавдасига қараганда болалар эди.

— Сиздан илтимос, кўрганларингизни бошқаларга айтмай туринг.

Имомалиев ҳўп деб чиқиб кетгач, подполковник Мақсуд Солиевга айёрона қараб олди.

— Нима қиламиз? Прокурорни огоҳлантирдик. Ғаввосларни қақирдик.

— Ҳозирча шов-шув кўтармай туриш керак. Улдирилганини билдирмай турайлик.

Подполковник майорнинг мақсадини тушунди: қотиллар ҳозир ин-инига кириб кетган. Жиноий иш қўзғалганини билишса ҳали-бери чиқишмайди. Шунчаки бахтсиз ҳодиса, дейилса, уларнинг юзага чиқиши тезлашади. Мана шуларни назарда тутиб, подполковник унинг таклифига рози бўлди.

— Шу иш билан ўзингиз шуғулланмайсизми? Мана, бўлим бошлиғи рози бу таклифга.

Бу гапдан майор гангиди. Бу ерга киришида мақсад бошқа эди. Гап тескари томонга айланиб кетди-ку. «Бўлим мудир розимиш,— деб ўйлади майор,— бу таклиф унинг ўзидан чиққандир, ҳойнаҳой, ҳа, айёр бола!»

— Мен... нима десам экан?

— Хоҳланг — таклиф ўрнида қабул қилинг, хоҳланг — буйруқ.

— Мен... ариза бериб қўйган эдим.

Подполковник столи устидаги бир варақ қоғозни олиб унга узатди.

— Манг, олиб қўйинг. Ҳали эрта сизга. Энди кучга тўлиб, етилган пайтингизда кетмоқчимисиз?

— Саломатлигим...— Мақсуд Солиев гапини охирига етказа олмади. Подполковник уни шарт кесди:

— Шу ишни охиригача етказинг-чи, кейин гаплашамиз.

Мақсуд Солиев йўқ деб туриб олиши, каттароқ бошлиқларга мурожаат қилиши ҳам мумкин эди. Лекин ҳақ гапга кўчилса, ҳозирги таклиф унга ёқди. Шунинг учун аризага қўл узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳатто чиқар маҳалида «яхши бўлди» деган фикр дилига равшанлик олиб кирди.

Даҳлизда Имомалиевга дуч келиб тўхтади.

— Ўртоқ майор, улар орасида бир қиз ҳам бор эди. Четда турувди.

— Индамай турувдими?

— Ҳа, у уришга қўшилмади, четда эди.

— Мен бу маънода сўрамадим, қиз қичқирмадими, ёрдамга қақирмадими?

— Йўқ, қичқирса эшитардим.

— Эртага тонгги соат олтида пивоҳона ёнига кела оласизми?

— Зарур бўлса келаман.



Расмни Х. Лутфуллаев ишлаган



— Раҳмат сизга, яна бирон нима эсингизга тушиб қолса, телефон қилинг,— Мақсуд Солиев шундай деб унга таширф қоғози узатди.

«Шунисига ҳам шуқр деймиз,— деб ўйлади у нари кетган Имомалиевнинг орқасидан қараб.— Кўрган экан, югуриб бормайдим, одам тўпламайдим. Озгина ҳаракати билан бир бечорани ўлимдан сақлаб қоларди. Пивохонада бошқалар ҳам кўришган жанжални. Лекин бирон-бир инсоф эгаси топилмаган — биронтаси ҳам ўрнidan қўзғалмаган. Тағин ҳам бунда инсоф бор экан, хабар қилди. Бошқалар-чи? Қўрқоқми? Лоқайд? Улар ўша одамнинг ўлимида ўзларини айбдор ҳис қилармикинлар? «Мен ўртага тушсам, тирик қоларди», деб виждонлари азоб берармикин?»

Мақсуд Солиев ўттиз йиллик иши давомида одамларнинг турфа хилини кўрди. У тажрибасига суянган ҳолда бир нарсага амин бўлди: жамият учун жиноятчидан кўра лоқайд одам хавфлироқ! Жиноятчи жабрини тортади, балки тўғри йўлни топиб олади. Лоқайд одам эса янги-янги жиноятларни кўрганида ҳам кўз юмиб кетаверади. Бунинг учун уни ҳеч ким айбламайди. Лоқайдлик деган дард бўлмаганида қанчадан-қанча одам жиноят жари ёқасида тўхтаиб қолинарди. Мақсуд Солиев мана шу ҳол билан сира муроса қила олмайди.

Мақсуд Солиев хонасига кириб, балоғатга етмаганлар билан иш олиб борувчи бўлимга қўнғироқ қилиб, пивохона атрофини назорат қилувчи инспекторни топди.

— Рўйхатингизда турувчи барча ўсмирлар ҳақидаги маълумотни олиб келинг,— деб илтимос қилди. Унинг ишни ўсмирлардан бошлашига фақат Имомалиевнинг маълумоти эмас, балки кўп йиллик тажрибаси сабаб эди. Бир кишига тўда бўлиб ҳужум қилинса, кўп ҳолда улар орасида ўсмирлар учрарди. Калаванинг учини топаш ҳам айнан шулардан бошланарди. Дастлабки жиноят қўрқуви уларни фош қилиб қўярди...

Майор телефондаги гапини тугатмай хонага бўлим бошлиғи ёш йигит билан кириб келди.

— Укамизни қанотингизга олинг. Талъат Шоумаров. Иккинчи курсда ўқир эканлар. Практикантлар. Афғонистонда хизмат қилган эканлар. Куч етарли. Аммо билим билан тажриба йўқ.

Бўлим бошлиғи шошилиб турган экан, чиқиб кетди. Майор Талъат билан суҳбатлашиб, унинг оиласи, ҳарбийдаги хизматини сўраб билди. Кейин бошланажак ишни маълум қилди.

— Бир режам бор, сиз шуни амалга оширишда ёрдам берасиз. Ҳозирча сиз студент эмас, бекорчисиз. Пивони яхши кўрасизми? Ичмасангиз ҳам пивохона атрофида ўралашишга тўғри келади. Оқшом сиз билан ўша ерда учрашамиз. Сиз мени танимайсиз, мен сизни.

Улар шу қарорга келиб хайрлашдилар.

Майор оқшом уйига ўтиб кийимларини алмаштириб чиқди-да, пивохона томон йўл олди.

Биз майор билан пивохонада ҳали учрашамиз. У оқшомга қадар майда-чуйда ишлари билан овора бўлиб туратурсин. Унга қадар мактабга қайтайлик. Асрорнинг ҳолидан бир хабар олайлик.

## Кеча қаерда эдик? ёхуд ҳар эҳтимолга қарши топилган баҳоналар ҳақида ҳикоя

Биринчи соатдаги дарсда Асрор ўз майлига, ўз хаёлларига банди бўлиб ўтирди. Унга ҳеч ким халал бер-

мади. Алжабр муаллимаси — эллиқдан ошган, беҳад семиз аёл Асрор борлиги сабабли шу синфга киришга юраги безиллаб туради. Асрор буни билади. Баъзан муаллимага ачинади, баъзан ундан аччиқланади. «Ўттиз йилдан бери даққи бўлиб кетган. Математика оламидаги оддий янгиликларни билмаганидан кейин пенсиясига қаноат қилиб ўтиравермайди? Қўлланмадаги минг йиллик назарияни қайтаргани-қайтарган...» Муаллима ҳам ўзининг «эскириб» қолганини сезарди. Баъзан усталик қилмоқчи бўлиб, дарс ўтишни Асрорга юқлар, Асрор аввалига бундан қувонар ҳам эди. Бир-икки шундай тажрибадан кейин Асрор муаллиманинг мақсадини пайқаб қолиб, унинг таклифини рад этадиган бўлди. Ундан ташқари, болаларда билим пойдевори омонат, Асрор қўрмоқчи бўлган иморатга дош беролмас эди. Ҳарҳолда математиклар тайёрлайдиган махсус мактаб билан оддий мактаб билими ўртасида хитой девори бўлмаган тақдирда ҳам, каттагина фарқ мавжуд. Асрор дарс ўтишга хоҳиш билдирмай қўйгач, муаллима ундан чўчиб қолди. Хоразмийнинг илмий мероси, Бернуллининг қобилияти ҳақида соатлаб ҳикоя қилувчи ўқувчидан чўчиса арзирди. Муаллима дарс ўтатуриб дамбадам Асрорга қарайди. Бирон-бир савол бериб қолмаса гўрга эди, деб хавотирланади. Бугун ҳам шундай бўлди. Бироқ Асрор бунга эътибор бермади.

Иккинчи соат — жуғрофия. Асрор шу дарсда муаллиманинг қаҳр ўқиға дуч келишини сезган эди. Ўттиз бешларга бориб қолган, озғин, сержаҳл бу аёлдан ҳамма безиллар эди. У ҳали-ҳануз турмуш қурмаганми ё эрдан чиққанми, болалар билишмайди. Уларга бир нарса аниқ — муаллима ёлғиз. Шу ёлғизлигидан бўлса керак, серзарда, сержаҳл. Бир куни Асрор ундан жаҳли чиқиб: «Бу хотиннинг сочидан то оёғидаги тирноғигача заҳар», деган эди. Шу аёл Дилфузанинг синфига раҳбар. Дилфузани «Асрор билан юрма», деб шу сиқувга олган. Кеча дарсдан кейин Дилфуза кинотеатр олдида Асрорни кутиб турган экан. Асрорни кўрдию йиғламоқдан бери бўлиб илмий мудир хонасидаги машамшани айтиб берди. «Давлат бизга фалон сўм сарфлармиш, биз эса санқиб юрганмишмиз. Уғил бола билан юришга эртамиш. Вой тавба, ўғил бола билан бирга ўқигандан кейин танаффусда ҳам гаплашиб бўлмайди? Уйга бирга кетиб бўлмайди? Ичи қозон куясидан ҳам қора-да унинг. Ўзи биров билан юрмайди, шунга бизни кўролмайди».

Асрор қизнинг гапларини эшитиб ҳайрон бўлди. Уларнинг кўнглига шунақа қора фикр келган экан, нима учун қизни қийнашади? Нима учун унинг ўзига ҳеч нима дейишмайди? Агар ёмон ниятда юришган бўлса, айбдор қиз эмас, аввало бола бўлмайди? Шу саволга Асрор тез жавоб топди. У — аълочи, мактаб фахри, математика, физика, кимё олимпиадаларида биринчи ўринни олиб берган. Бадий ҳаваскорларнинг иши Асрорсиз битмайди. Энг муҳими, у — олтин нишонга даъвогарлардан бири! Унга гард юқиши мумкин эмас. Дилфузага эса мумкин. Ўқиши ўрта. (Балки бу йил саккизинчини битириши билан бирон билим юртига жўнатиш ҳаракатига тушиб қолишар?) Энг муҳими — у болалар уйда тарбия кўриб келган. Онаси вафот этиб, отаси аварияга учраб ётиб қолгач, у синглиси ва укаси билан икки йил болалар уйда яшади. Сал улғайгач, отаси «менга қарсин», деб уни уйига олиб келди. Шундай экан, нима ёмонлик чиқса шу «бевош» қиздан чиқади. Асрор синф раҳбари билан илмий мудирнинг хулосасини айнан тўғри пайқаган эди.

Асрор тахмин қилганидай муаллима биринчи бўлиб уни йўқлади.

— Хўш, Мирисаев, Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи бозорга қарамлиги нималарда яққол кўри-  
ниб турар экан?

Муаллиманинг кинояси Асрорга оғир ботди. Қўпол гапириб юбормаслик учун лабини тишлаб, индамади. Муаллима дераза ортида чайқалаётган дарахт шох-ларига қараб ўтирарди. Уқувчисидан садо чиқаверма-  
гач, ҳануз кўзини ташқарига тиккан ҳолда сўради:

— Ўртоқ Мирисаев, қулоғимиз сизда. Транспорт шаҳобчалари конфигурациясидан кўринармиди?

Аччиқни аччиқ, заҳарни заҳар кесади деганларидай, Асрор чидаб туролмай, ўзи билмаган ҳолда киноя би-  
лан жавоб қайтарди:

— Ўртоқ Аъзамхонова, бахтсизликни қарангки, мен Лотин Америкаси мамлакатларининг ташқи бозорга қарамлиги билан қизиқиб кўрмабман.

— Шунақами?— муаллима шундай деб унга ўгирил-  
ди. Лаблари пирпираб кетди,— унда нимага қизиқдин-  
гиз, ўртоқ Мирисаев?

— Ички бозорга қизиқибман, ўртоқ Аъзамхонова.

Киноя ўйини довулдан дарак берарди. Шу сабабли Асрорнинг гапига пиқ этиб кулган қизни болаларнинг ўзлари туртиб, тинчитишди. Муаллима синфдаги аҳ-  
волга эътибор қилмади. Ҳозир у учун муҳими — Асрор. Қотмадан келган, қора киприклари қизларникидай узун, кўзларидан ақллилиги сезилиб турган бу мўмин бола-  
нинг шу қадар беадаблиги уни лол қолдирган, йўқ, лол қолдирган десак юмшоқ гапирган бўламиз, уни дар-  
ғазаблик минорасига чиқариб қўйган эди. Муаллима кечаги «тарбиявий соат»дан Асрорнинг хабар топганини билди. У арининг уясини кавлаб қўйганини сезди. Се-  
зишга сезди-ю, аммо вақт ўтди. Ўйинни ўзи бошлади. Эвини қилиб, ютиб чиқмаса, болалар олдида обрўйи сариқ чақа бўлади.

— Яхши,— у бармоқларидаги титроқни яшириш учун мушт қилиб тугиб олди.— Унда ички бозорда аҳвол қандай экан?

Асрор унга тик қарамоқчи эди, эплолмади. Муалли-  
манинг гезарган лабларидаги титроқни кўрдию кўзини олиб қочди. Аввалги шаштидан асар ҳам қолмади.

— Ёмон экан,— деди боягидан пастроқ овозда,— ай-  
ниқса, паттачилари ёмон экан. Ақли етмаган ишларга аралашавераркан. Сен бу билан сотма, сен нарёғда савдо қил, деб ғалва кўтаравераркан.

Болалар буни ҳазил деб тушуниб, кулишди. Аммо ўқ нишонга теккан эди. Муаллима титраб кетди. Асрор томон бир қадам қўйди-ю, яна тўхтади. Уқувчисининг бу қадар бадахлоқлиги ундаги ғазаб дарёсини тошириб юборган эди.

— Сиз чарчабсиз, дам олинг ё даволанинг,— деди муаллима сўнги сўзга урғу бериб.

— Биз кеча яхши дам олганмиз. Бир эмас, иккита кино кўрдик. Бор чарчоғимиз чиқиб кетди,— Асрор шундай дейишга деди-ю, «кинони дуруст айтдим» деб ўзидан-ўзи мамнун бўлди.

— Сизга рухсат, сиз... бўшсиз,— муаллима шундай деб эшикни кўрсатди. Унинг бошқа иложи йўқ эди — ўйиннинг мағлубият билан яқунланиши аниқ бўлиб қолган эди.

Асрор маданиятли киборлар каби бош эгиб таъзим қилди:

— Завучининг хонасида кўришгунча хайр,— деб чиқиб кетди. Синфда кулгу кўтарилди. Муаллима болаларнинг бу гапларни оддий майнавозчилик деб билганларидан бир томони қувонди. Агар улар Асрор айтган гаплар-  
нинг мағзини чақишса борми... Бозордаги паттачига тенглаштириб қўйди-я... Шу фикр миясига яна тўқмоқ-  
дай урилиб, Алининг аламини Валидан олди — столга

мушт уриб, «жим!» деб бақирди.

Асрор қилиб қўйган ишининг яхшими-ёмон эканини билмай, гангиган бир аҳволда даҳлизда аста-аста юриб борарди. Унга кечаги фожиянинг ўзи етарли эди. Нима қиларди ўқитувчи билан ўчакишиб... Бирдан Асрорнинг фикри ёришиб кетди: тўғри қилди ўқитувчини ҳақорат-  
лаб. Ахир кечаги ғалвага аралашшига бош сабабчи ўша-ку. Асрор кеча дарсдан кейин уйига бориб дам олмоқчи эди. Туни билан маст-аласт бойваччалар хиз-  
матида бўлиш уни анча ҳоритган эди. Қамар билан учрашиш, унга қўшилиб санқиб юриш режаси йўқ эди. Кинохона яқинидан ўтаётиб қараса — Дилфуза ўшалар билан турибди. Эси йўқ қизчага у ерда нима бор экан, деб яқинлашиб, илмий мудар хонасидаги машмашадан хабар топди. Қамариддинга учраган бола осонликча кетарканми. Шу-шу уларга илашиб оқшомга қадар юра-  
верди. Кейин Қамариддин пивохонага бирров кириб чиққач, анҳор ёқасида ўтиришди. Кейин бир одам пиво-  
хонадан чиқди. Сигаретлари қолмаган экан. Шомил билан Салим унинг йўлини тўсишди. У одам «кутиб турибсанларми, ҳаромилар», деб сўқди. Шунда Шо-  
мил у одамни бир урди. У одам эса болани калла қилиб учириб юборди. Салим сергакроқ экан, сакраб туриб тепди. У одам эса пичоқ чиқаришга улгуриб Салимнинг сонини тилиб юборди. Шундан кейин ҳамма-  
лари ёпирилишди. Асрор бўлган воқеани бир-бир эс-  
лаб, муаллима бош сабабчи деган қарорга келди.

У ҳовлига чиқаверишда комсоргга тўқнаш келди. Педагогика институтида сиртдан ўқийдиган бу йигит Асрорнинг назарида сал ҳовлиқмароқ эди. Ишининг тайини йўқ, аммо гап деса қоп-қоп топиб берувчи бу йигитга Асрорнинг хуши йўқ, шу сабабли комсоргнинг жамоат ишларига тортишга уринишлари зое кетарди.

— Асрорбек, яхши бўлди учратганим. Райкомсомол планни тасдиқлади. Эртага ўтказамиз.

— Нимани?— деб ажабланди Асрор.

— Ие, эсингдан чиқдимми? «Хоразмий — кибернетика отаси» деган кеча ўтказамиз деб келишган эдик-ку?

Асрор пешонасини тириштирди. Асрорнинг синфда дарс ўтиб, Хоразмий ҳақида гапирганини эшитган ком-  
сорг ҳовлиқиб келиб уни саволга тутган эди.

— Ростданми?— деб сўрагани у ўшанда худди том-  
дан тараша тушгандай қилиб.

— Нимани сўраяпсиз?— деб ҳайрон бўлган эди Асрор.

— Хоразмийни-да, кибернетикани яратгани ростми?

— Эшитмаганмидингиз? Ҳозир алгебра дейиладиган алжабр фанини тартибга келтириб, кибернетика асо-  
ларини яратган.

— Қачон?

— Минг йилдан ошди,— Асрор: «Бу одам чиндан жоҳилми ё лақиллатяптими», деб қараб қўйиб, шундай қўшимча қилган эди:— Кибернетиканинг алгоритм, алгоритм деган иборалари Хоразмий шарафига қўйил-  
ган. Европаликлар ал Горезми деб юриб, бориб-бориб алгоритмга айланиб кетган.

— Уни қара-я! Бойлик-ку, бу! Унга бағишлаб кеча ўтказамиз. Сен докладчисан. Мен райкомнинг рухса-  
тини олиб бераман.

— ... Бу суҳбат Асрорнинг хаёлидан кўтарилган эди. Комсорг эса унутмаган экан.

— Докладинг эрталабгача тайёр бўлсин. Райкомдаги-  
лар Коперник, Ломоносовни ҳам қўшинлар дейишяпти. Докладингга қўшиб қўй, хўпми?

— Уларнинг кибернетикага нима алоқаси бор?

— Ҳа энди райком айтганидан кейин қўшиб қўя-  
вер-да. Докладингни олдин бизга кўрсатасан, комитет-  
да кўриб чиқамиз.

— Комитетдагилар Хоразмийни билишадими? — деди Асрор, унинг гапидан ғаши келиб.

— Билса-билмаса доклад кўриб чиқилиши шарт. Айниқса, ҳозирги кунда ҳар бир доклад сиёсий жиҳатдан пухта бўлиши зарур.

— Мен бунга эпполмайман. Гапирадиган бўлсам шу пайтгача Хоразмийни билмаганларинг учун танқид қиламан. Коперник билан Хоразмийнинг фарқига боролмайдиган райкомингизни ҳам айтаман. Буёқда ҳали Форобий турибди. Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи...

— Тўхта, тўхта, буларни билмаслигимизга комсомол комитети айбдорми, нимага танқид қиларкансан?

— Ҳамма айбдор. Буларни билмай туриб яхши билим олиб бўлмайди.

— Сен бу гапларингни қўй. Доклад қиласанми?

— Йўқ, қўлимдан келмайди.

— Унда комитетда ўзингни муҳокама қиламиз.

— Қандай қилиб? Ахир мен ҳали комсомолга аъзо эмасман-ку?

— Йўғ-э, нимага ўтмадинг?

— Ҳали қабул қилганингиз йўқ, — Асрор шундай деб истеҳзо билан кулди-да, унинг ёнидан ўтиб, ҳовлига чиқди. Бақатераклар орасига қўйилган ўриндиққа бориб ўтирди. Шамол терак барглари беаёв юлиб олмоқчи бўлади. Пастдаги гулзор оралаб атиргулларга хиралик қилади. Қирқ йилдан бери чарчамай турган барабанчи пионер ҳайкали атрофида чанг тўзитади. Барабан чўплари ўн йиллар аввал синиб кетган, ҳар йили қумуш рангга бўялувчи бола нигоҳини узоқ уфққа тикканича шамолнинг қилиғига писанд қилмайди. Шу ерга ўрнатилгандан бери неча бўронни, дўл, ёмғирни кўрмади бу ҳайкал. Ҳашаки шамол нима деган гап унинг кўрганлари олиди.

Танаффусга кўнғироқ чалинган, Асрор синфга кирсамми, кирсамми, ё уйга кетворсаммикин, деб иккиланди. Энди туриб юрган пайтда шошилиб келаётган синфдоши Отауллани кўриб, тўхтади. Сочи жингалак, ўзига оро бериб юришни яхши кўрадиган Отаулла ўзини Асрорга яқин тутарди. Ҳозир шошилиб келиши ҳам шундан.

— Нима қилиб қўйдинг, босс, — деди у Асрорни елкасига туртиб, — қилиғингни бошқа ўқитувчига қилмайсанми? Бу география, бу йил охири марта киради. Баҳо аттестатга кетади-я! Шунга ўчакишасанми?

— Нима қилти, — деди Асрор елка қисиб. Унда ҳозир бу ҳақда гаплашиш истаги йўқ, шу сабабли гапни қисқа қилмоқчи эди, аксинча бўлиб, Отаулланинг гап халтасини очишга сабаб туғдириб берди.

— Босс, бу нима деганинг? Институтда ҳисобга олишди ўрточа баҳони.

— Институтга кирсам, ўшанинг баҳосисиз ҳам кираман.

— Ҳа, сенга гапириш осон. Калланг бор. Аммо... хафа бўлма-ю, сен учун кеңирим сўраб қўйдим.

— Хафамасман, бердим сенга ўша «беш»ни.

— Э, «беш» керакмас, «тўрт» ҳам тешиб чиқмайди. Менга шунинг географияси керак эканми? Менга Бразилия иқтисодининг нима зарурлиги бор? Узи функцияларининг максимум нуқтаси, минимум нуқтаси деганларнинг манави еримга келиб қолди, — Отаулла шундай деб кўрсаткич бармоғини бўғзига бигиз қилди. — Лекин иложим йўқ. Аттестатни яхшилаб, нархозга бормасам, баткам калламни олади. Мен аттестатни яхшиласам бас, қолгани баткамнинг иши. Баткамни биласан-ку, босс?

Унинг отасини, икки қаватли дўкон мудирини ким билмас экан. Уқувчилар ҳам, муаллимлар ҳам яхши билишади.

— Менга нима учун дийдиё қилиб қолдинг? — деди Асрор унинг мақсадига тушунмай. — Мени уришгани келдингми ё бошқа дардинг борми?

— Вей, босс, сенга гап ёқмайдиган бўлиб қолибди. Мен сени география билан яраштираман. Сен кампирингга айтиб қўй, мени кўп қийнамасин. Тенглама-теоремаларига барибир ақлим етмайди. Менинг келажигим тайин: қарра жадвални билсам бўлгани, нима қилади бошимни қотириб.

— Бўпти, айтаман.

Бошқа пайт, бошқа кайфият бўлганида Асрор Отауллани аямай, бу очиқ савдоси учун айтадиганини айттарди. Ҳозир бир ижирғаниб қўйди-ю, гапни чувалаштирмади. Унинг осонлик билан кўнганига Отаулла севинди.

— Маладессан-да, босс, кетворган боласан. Эртага йигирма бешни бераман.

— Қанақа йигирма беш?

— Тўйга... сен айтудингми?

Асрорнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. «Айтганини қилибди-да охири, менга пул йиғиб беришмоқчимми?! Вой, бойваччалар-эй!..» У тез-тез юриб кетди. Синфга кириб Зоирни ёқасидан олмоқчи эди. Етиб боргунча дарсга кўнғироқ чалинди. Асрор китоб-дафтарини кўтариб чиқиб кетишга ҳам улгурмади.

Адабиёт ўқитувчиси журнални стол устига қўйди-да, думалоқ кўзойнагини бурни учига кўндириб, синфга разм солди.

— Демак, гап бундай: ўттизинчи йиллар адабиётини ўрганишни кечиктирамиз. Райондан топшириқ бўлди, бугун сиз бизга «Бахтли болалик» деган мавзуда эркин иншо ёзиб берасиз.

— Ҳамма ёзадими?

— Бу нима деганлари бўлди, Зоирли бўтам, сизга алоҳида таклиф лозимми ё?

— Иншони эркин деяписиз-ку?

— Номи шунақа-да, бўтам. Қани, қоғоз олиб, иш бошланглар. Вақт кетмасин.

— Самад ака, биз болаликдан ўтдик-ку, нимасини ёзамиз?

— Ҳали ўтиб бўлганимизча йўқ, Зоирли бўтам, энди ўтяпмиз. Қилаётган ишингизга ўзингиз тўғри баҳо бера олган онингиздан бошлаб болалигингиз билан видолашасиз. Ҳа, ҳа, айнан видолашасиз. Болалик қайтмас бўлиб кетади. Болалик сизнинг хотирангизга кўчади. Вақти келиб, бу хотира виждон азобига солади, вақти келиб нималарнидир кўмсашга мажбур қилади. Хуллас, сизни ҳар кўйга солади. У билан видолашишга ошиқманг. Болалик — ҳаётнинг асал палласи, ундан кўпроқ баҳраманд бўлишга интилинг. Асалдан кейин турли аччиқликларга дуч келасиз.

— Самад ака, шуларни ёзсак-чи? «Бахтли болалик» эмас, «Алвидо, болалик» десак-чи?

— Бўтам, кўп ақлли боласиз-ку, бироқ баъзи вақтларда калтафаҳмлиқ қилиб қўясиз. Тушунинг, «Бахтли болалик» менга эмас, райОНОга керак. Шу боис мен билан тортишманг. Ишни бошланг.

Болаларни сизлаб, юмшоқ гапирувчи бу одам кўпинча ўз ишини ўзи қийинлаштирарди. Болалар уни бўшанг билиб, баравар тортишишдан тап тортишмасди. Баъзан бутун дарс тортишув билан ўтарди. Китоб ўқишни жонидан ҳам яхши кўрадиган Зоир кўпинча баҳс бошлаб қоларди.

Самад ака бугунги баҳсга барҳам бериш учун дераза олдида борди-да, қўлини орқасига қилиб, ҳовлига тикилиб олди.

Синфда шивир-шивир, қоғозлар шитири бошланди. Асрор дафтар орасидан икки варақ ийртиб олиб «Бахтли болалик» деб ёзди-да, ўйга толди:

«Зоир тўғри айтди. Иншо эркин бўлганидан кейин ҳаммани мажбур қилишнинг нима кераги бор? Ҳамма ўзини бахтли деб ҳисоблайдими? Ана, Туроб, акасининг жасадини Афғонистондан олиб келишди. Онаси бунга чидамай жинни бўлиб қолди. Ҳозир жиннихонада. Етти бола отасининг ўзига қолган. «Мен бахтлиман...» деб бошлайдими иншосини. Манзура-чи? Отаси кетиб қолган. Онаси иккови туради. У нима деб ёзади? Отауллага ҳам қийин. «Мен бахтлиман, чунки отамнинг пули кўп», дея олмайди. Аслида-ку, улар пулнинг кўплигини бахт деб билишади. Лекин очиқ айта олишмайди. Пул денгиз бўлиб мавжланади уларнинг уйида, бироқ ўзлари хоҳлаганча ишлата олишмайди. Бу бахтми ё бахтсизлик? Ҳарҳолда нима деб ёзаркин у бойвачча? Бунақа гапларга Зоир уста, қотириб ташлайди. Умуман, бахтли бола у. Ота-онаси инженер, уйда ўзию синглиси. Газетага хабар ёзади. Нима истаса шунга эришади. Эргаш-чи? Отаси аравакаш. Дарс тугаши билан сомонбозорга югуради. Шунга ёзадими? Агар Дилфузаларга ҳам шу мавзу берилса, у нимани ёзади. Икки оёғи қирқиб ташланган отасининг инжиқликлари, онасиз қолишнинг нақадар бахтсизлик эканини баён қиладими? Хўш, ўзим-чи? Ўзим нимани ёзай — кечаги воқеаними ё отам билан тўйма-тўй юришимними? Отамнинг ўйинчи хотинга суйкалишиними? Минг лаънат!» Асрор хаёлига келган фикрдан титраб, ўзини тутолмай қолди. Ручкани стол устига тақ этиб урди. Ўзига тикилган нигоҳларни туйиб, бошини эгди. Ич-ичидан нимадир қизиб, кўкрагини ёндирди. У синфда ўтира олмаслигини сезиб, шарт ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

Эшикни ёпа туриб, «Босс касал бўп қопти» деган овозни эшитди.

Асрор ҳеч нарсага қарамай, кўчага чиқди. Кинотеатр қаршисидан ўтатуриб яна ўша жойларга қаради. Не кўз билан кўрсинки, Қамариддин сигарет тутатиб ўтирибди. Ёнида икки югурдаги. Қамариддин Асрорни кўриб имлади.

— Кеча қаерда эдинг? — деди у, Асрор етиб келгач.

— Кинодайдим.

— Во, профессор бу, кўрдингларми? Башкаси ишлайди. Сен кеча мени кўрганинг йўқ, демак. Қаёқдан ҳам кўрадинг? Кеча мен йўлда эдим. Андижондан келдим бугун эрталаб. Поезддан энди тушиб турибман. Мана билетим, — у шундай деб кўкрак чўнтагидан поезд билетини олиб кўрсатди. «Демак, эрталаб вокзалга борган, билетни ўша ерда кимдандир сўраб олган ё ўмарган. Иши пишиқ бунинг», деб ўйлади Асрор.

— Демак, гап бундай, братишка, ҳамма қаердалигини яхши билади. Кеча ҳеч қандай воқеа юз бермади. Бугун сабантўй.

— Менинг вақтим йўқ.

— Узинг биласан. Билиб қўй: башкангни йўқотма. Узинга қийин. Мени ҳеч қандай қармоқ илинтира олмайди. Сен мактабда профессор бўлсанг, мен уёқда... — Қамариддин панжаларини панжара қилиб кўрсатди, — академик бўлиб келганман. Омон қоламан десанг, мендан узоқлашма.

— Салимнинг ярасини боғладингми?

— Салимнинг иши беш, ундан хавотир олма. Сен фақат кўрқмасанг бас, бу ёғи о,кей бўлади.

Қамариддиннинг гапидан кейин Асрор ўйланиб қолди. «Ҳозир бу ердан кетиб қаёққа ҳам борардим. Уйга қайтсам ҳисоб беришим керак. Бир ўзим шаҳарда санқиб юраманми?» Шу фикрга келиб, Қамариддиннинг ёнидан жой олди.

Энди уларни шу ерда ҳоли қолдирайлик-да, майор Мақсуд Солиев билан учрашайлик. Тажрибали изқувар режаси билан танишайлик.

## Ашөвий далил ёхуд мурданинг сувдан чиқариб олиниши ҳақида ҳикоя

Пивохонада одам кўп. Пиво ҳиди, сигарет тутунидан нафас қайтади. Отни эртарақ қамчилаганлар столлар атрофида, кечроқ қолганлар дуч келган ерда тик турганча нафс балосининг кўнглини овлаш билан банд. Талъат шундайгина кондиционер яқинидаги столдан жой олган. Стол усти шишага тўлган.

Мақсуд Солиев ичкари кириб тезгина атрофга кўз югуртирди. Талъатда нигоҳини тўхтатмади. Ёнидагиларга гап уқтираётган Талъат ҳам Солиевни кўриб кўрмаганга олди. «Нималарни гапиратибди экан, ҳаммани ўзига қаратиб олибди-ку? Ё «қамоқда кўрган-кечирганлари»ними?»

Пештахта атрофида одам йўқлигидан билдики, пиво йўқ. Шундай бўлса ҳам сотувчига яқинлашиб, пиво сўради.

— Пиво соп бўлди, окам, буёғини тортиб қўйишган. Эртага вахлироқ келас, — деди юзлари бўғриқиб қизариб турган йигитча. Нариди пул санаётган ёши каттароқ киши Солиевга бир қараб олдию ишини хотиржам давом эттирди.

— Зоримиз бор, зўримиз йўқ, илож қанча, — деди Мақсуд Солиев нари кетаркан. Эшик оғзида тарбияси бузилган ўсмирлар билан ишловчи инспекторни кўриб кўзини олиб қочди. Ёш лейтенант йигит бунинг маънисига етмай майор билан сўрашди. Яхшики, кафтини чаккасига олиб келмади. Энди индамай чиқиб кетиш мумкин эмас. Қайтиш керак. Айб майорнинг ўзида, Талъатни огоҳлантирибди-ю, кундузи тарбияси бузилган ўсмирларнинг ҳужжатларини олиб келган лейтенантга бу ҳақда ҳеч нима демабди.

Мақсуд Солиев лейтенантни қўлтиғидан олди.

— Менинг кимлигимни бу ердагиларнинг билмагани дуруст эди, — деди у. — Бўлар иш бўлди. Пивохона хўжайинига сўзингиз ўтадимиз?

— Ўтганда қандоқ. Ҳозир айтаман. Сизни юрфақдаги домлам деб сўяқоламан.

Лейтенант сотувчи томон борди-да, каттасига нимадир деб шипшиди. Катта йигитчага гапирмади ҳисоб. Кишибилмас имо қилиб қўйди. Йигитча шошилганча пештахта ортидан чиқиб, бурчакда устига шишалар териб қўйилган столни бўшатди-да, артиб, кирроқ бўлса ҳам дастурхон ёзди. Ичкаридан иккита стул олиб чиқиб қўйгач, қуллуқ қилганча майорга жой кўрсатди.

Пивохона каттасига лейтенант яна бир нарса дегач, ўтирмай чиқиб кетди. Катта эса тўрт шиша пивони келтириб қўйди-да, майор билан қўшқўллаб сўрашди.

— Танимасни сийламас дейдилар. Сизга ўхшаган ҳурматли акахонларга олиб қўймасак, уялиб қоламиз. Қани, олсинлар, — у шундай деб бир пайтлар оппоқ бўлган ҳалати чўнтагидан иккита қурут чиқариб қўйди. Майор чўнтагидан пул олмоқчи эди, «қаттиқ хафа бўлишини» айтиб, қуллуқ қила-қила жойига қайтди.

«Бу илтифотлар кўрқув натижасими ёинки «арзимас бир илтимос»нинг муқаддимасими? — деб ўйлади майор унинг изидан қараб. — Бугун тўртта пиво қўйди, Эртага менга тўртта керак бўлиб қолса, қирқта қўяди. Даста-даста пулларни тахлаб бир учини кўрсатади-да, ўша илтимосни айтади. Карра жадвалдан бошқасини билмайдиган шу думбул ўёли ё укасининг «юрфақда

ўқишга иштиёқи баланд»лигини билдиради. Чиндан домла бўлсам нима қиламан — кўнаман. Кўнмайдиганлари ҳам борми? Бор бўлса билимсиз, иқтидорсиз, туйғусиз студентлар қаёқдан ёғиляпти? Домлаларга бу билимсизлар икки томонлама фойда: ҳам киришда ишлаб олишади, ҳам беш йил ўқув давомида соғин сиғирдек соғишади. Билимли боладан уларга нима наф бор? Отасининг пулига ўқиётган болада инсоф, виждон деган нарса қолармикин? Уқишни битиргунча порохўрлик, юлғичлик йўлларини тўла-тўқис эгаллаб олмай-дими? Жиноят кўпайяпти, деймиз, қаёқдан пайдо бўляпти бу нухсалар, деймиз. Ахир уларни ўзимиз шундай тарбия қиляпмиз-ку? Акасининг пул эвазига ўқиётганини кўрган ука мактабда дуруст тарбия, билим олади, деб ким кафолат беради?»

Майорнинг хаёлидан шу гаплар ўтиб, пиво ичгиси ҳам келмай қолди. Лекин ичишга мажбур. Катта қараб-қараб қўйяпти. Мақсуд Солиев стаканга пиводан қўйиб симирди.

«Бу аҳволда жиноятни камайтириб ҳам, олдани олиб ҳам бўлмайди,— деб ўйида давом этди майор.— Кечаги марҳумни ҳам, қотилларни ҳам бу ердагиларнинг кўпи кўрган, аммо сўрасанг, без бўлиб туриб олишади. Баъзилари кўрққанларидан айтишмайди, айримларининг сарсон бўлишга тоқатлари йўқ. Қизиқ... агар ҳозир турсам-да, ўртоқлар, кеча беш-олти безори бир одамни ўлдириб кетибди, милиция уларни қидирмайди ҳам, топмайди ҳам, десам нима қилишаркин? О, ғалаён кўтарворишар! «Нимага тутмайсиз, тутишга мажбурсиз, бу сизнинг вазифангиз...» деб даъво қилишади. Бизга ёрдам беришни истамаган одам эртага ўша безорилар қўлига тушиб қолса-чи? Кўринг томошани...»

Майор беихтиёр Талъат ўтирган томонга кўз ташлади. Талъат ҳам у томон қараб-қараб қўйиб гапирарди. Бир маҳал ўрнидан турди-ю, тўғри майорга қараб юрди.

— Амаки, бир ўзингизга тўртта пиво кўплик қилар, иккитасини менга сотинг,— деб уч сўм узатди. Кейин тусини ўзгартирмаган ҳолда қўшиб қўйди:— Танишиб олдим, кунда-шундалар экан.

— Учтасини олақол, ичмайман,— майор шундай деб шишаларни суриб қўйди-да, Талъат узатган пулни олди.

Талъат узоқлашиши билан пивохона эгаси югуриб келди:

— Нима бўлди, домлажон?

— Кўнгли тортиб қолибди. Менга кўплик қилади. Сотиб юборақолдим,— майор шундай деб унга пулни узатди. У индамай олиб, чўнтагига солди.— Сиз хижолат чекманг,— деди майор юмшоқ оҳангда,— мен шунчаки чанқоқ босдига кирган эдим. Сизни ҳам уринтирдим, узр.

— Қизиқмисиз, домлажон, сиз туя сўйиб чорласак ҳам келмайдиган одамсиз, бир кеп қопсиз.— Катта «мен ҳозир» деди-да, ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай иккита шишани газетага ўраб олиб чиқиб стол устига ётқизиб қўйди.— Уйда оёқни узатиб ётиб бир хумордан чиқасиз. Бу ерда манавилар олдида иштаҳа ҳам бўғилиб кетади.

Майор унга миннатдорлик билдирди-да, Талъатга имо қилиб сўради:

— Бу йигит кўп ичадими дейман, ғалва-палва кўтармасайди?

— Уни билмайман, бугун пайдо бўлиб қолди. Аммо шериклари ғалва чиқаришмайди. Молдай ичишади-ю, аммо индамай кетишади.

— Мижозларингизни билар экансиз-да.

— Касбимиз шу-да.

— Ишқилиб тинч кетишса бас, замон оғир ҳозир. Сизга ҳам гап тегиб қолиши мумкин.

— Тинч кетишади. Биз томонларда ғалва йўқ. Икки йилдан бери шу ердаман, бир марта ҳам ғалва чиқмади.

Майор яна миннатдорлик билдирди-да, ташқари томон юрди. Катта уни кўчага қадар кузатиб, қўшқўллаб хайрлашди.

— Эртадан кейин бир келинг, домлажон. Чимкентникидан олиб келиб қўяман. Биласиз-а, ҳозир энг зўри шу — Чимкентники. Оғайнилар бир-икки яшик бериб туришади. Сизга ўхшаган акахонларга деб олиб қоламиз.

«Демак, Чимкент пивосидан бошлаб кейин арман коньягига, балки французларнинг «Наполеон»ига ўтсак керак. Ишимиз беш-ку», деб ўйлади майор ғижиниб. У анҳор ёқалаб юрди. Пивохонадан юз қадамча узоқлашгач, орқасига ўгирилди. Ичкарида ўтирганларга бемалол кўринадиган ер. Эртага тонгда Имомалиев жойни аниқроқ кўрсатиши мумкин. Майор симёғочга яқинлашиб тепага қаради: лампочка синдирилган. «Қачон синдирилган, кечами ё анча бўлганми? Ким билади буни? Ҳеч ким. Фақат экспертиза аниқлаб бериши мумкин... Демак, қоронғи бўлган... Йўқ, кеча ойдин эди-ку? Қотиллик барвақт содир бўлган. Пивохона қоронғи тушгунча ишламас. Талъат сўраб билса яхши эди...»

Мана шу оҳиста оқаётган лойқа сув остида бир одам ётибди. Унинг гуноҳи нима эди? Нима учун беш-олти безори уни коптоқ қилиб тепди? Уларни ваҳшийликка нима даъват этди. Унда аламлари бор эдими? Ёки шунчаки йўлтўсарлик қилишганми? Йўқ, йўлтўсарлик бўлса, бир-икки уриб тарқалишарди. Ўлдириб сувга ташлашга бошқа муҳимроқ сабаб керакдир. Бугун тунда ғаввослар мурдани олиб чиқишади. Ёнида бирор ҳужжати бўлса-ку, дуруст. Бўлмаса, яқинлари қидиргунча номаълумлигича қолатуради.

Майор Солиев шуларни ўйлаб кетарди. «Агар ғаввослар кундузи иш бошлаганда пивохонада ҳозир барча шу воқеа ҳақида гапирётган бўларди. Бугун қотиллар бу ерга яқинлашишмаган. Агар мурда топилганидан, милиция иш бошлаганидан хабар топилса мутлақо яқинлашишмайди бу ерга». Майор қотиллар шу атрофда яшайдиган одамларми ё марҳумнинг изидан тушганларданми деган саволни кўп ўйлади. Унинг фикрича, қотиллар шу атрофда ўралашиб юрадиган бебош ёшлар бўлиши керак. Чунки қасддан қилинадиган қотиллик учун холи жой танланади. Бу ер — йўл усти, сал нарида гавжум пивохона. У одам пивохонадан чиққан. Пивохонага эса фақат шу йўлдан бориб-қайтлади. Йўлнинг нариги боши кавлаб ташланган. Ҳозирча Мақсуд Солиев қатъий қарорга келганича йўқ. Марҳумнинг шахси аниқлангандан кейингина бир хулосага келиши мумкин.

Ғаввослар тунги соат учда иш бошлашди. Анҳор сокин оқарди, шу учун иш узоқ чўзилмади. Мурдани экспертизага жўнатиб, анҳор ёқасида майорнинг ўзи қолди. Тонгда бу ерга Имомалиев келиши керак. У марҳум калтакланган жойни аниқроқ кўрсатиб беради. Балки ашёвий далил топилиб қолар? Ҳозирча майорга бир нарса аниқ: марҳумнинг чўнтагидан чиққан гувоҳномага қараганда Мирқосим Миртиллаев — самолётсозлик заводининг ишчиси. Эртага кундузи заводга бориб, маълумот тўплашни бошлайди.

Майор ой нурида жимирлаётган анҳор сувига тикилиб турган эди, одам шарпаси эшитилиб, орқасига қаради. Талъатни кўриб, ажабланди.

— Сиз нима қилиб юрибсиз? Сизга айтмаган эдим-ку?

— Ёрдамим керак бўлиб қолармикин, девдим.

— Сизга аниқ вазифа юкланган.

— Бажаряпман,— деди Талъат сал жонланиб,— ҳалиги кўрганларингиз ичкилик деса ўзларини томдан ташлашади. Қурилишда ишлашаркан. Кеча пиво кўп бўлибди. Пивохоно ўн иккиларда ёпилибди. Безори болалар ҳам ўралашиб юришаркан. Жанжал ҳам бўлиб тураркан.

— Безорилар бугун кўринишмабдими?

— Бир-иккитаси кўринибди. Менга ғилай йигитни кўрсатишди. Атрофига болаларни йиғиб юраркан. Яна олифта кийинган уч йигитча келиб ўтирди.

— Ғилай деганингиз болалар билан кирдимиз?

— Йўқ, бир ўзи. Уч шиша пиво ичиб чиқиб кетди. Кўп ўтирмади.

— Кўзатаётганингизни сездириб қўймадингизми?

— Йўқ, гап орасида шунчаки сўраб кўрдим. Лекин кечаги жанжални тилга олишмади. Кўрмаганга ўхшашади.

— Бўлиши мумкин. Аммо кўпинча кўришса ҳам кўрмаганга олишади. Сиз ҳали ишингизда бунақаларга кўп дуч келасиз. Сиз энди бундай қиласиз: безорилар якка-ёлғиз юришмайди сира. Ундан ташқари улар бир неча гуруҳ бўлади. Сиз зўравон гуруҳни аниқланг. Ғилайнинг гуруҳими ё учта олифтами, ё бошқами. Сиз зўравон гуруҳнинг зўри билан яккама-якка чиқишингиз керак. Шунда қолганлари ҳам қўлингизда бўлади. Эртага кундузи сизга колонияни кўрсатишади. Қамоқдан озод қилиш ҳақидаги қоғозни беришади. Сиз шартли равишда озод қилинган безорисиз. Бизнинг район милициясида рўйхатда турасиз.

— Ўртоқ майор, шартми шулар, ахир бунақа усуллар йирик жиноятларни фош қилишда қўлланилмайди?

— Йирик!— майор Талъатга бошдан-оёқ разм солди. Аммо ундан аччиқланмади. Бир у эмас, бошқа ёшлар ҳам шунақа фикрда юришади. Мақсуд Солиев эса жиноятни катта-кичikka ажратмайди. Бу ажратиш ишни қийинлаштиришга олиб келишини билади. Ҳозир шулар ҳақида гапиргиси келди-ю, бироқ вақти-соати билан ўзи фарқлаб олар деган фикрда қароридан қайтди.

— Шу атрофда жиноятлар кўпайпти. Сиз айтмоқчи «майда жиноятлар» бари. Қани, бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи? Аввал қотилларни топишимиз керак. Кейин адашиб, санқиб юрган бошқа безориларни тўғри йўлга солишимиз зарур.

— Биз тўғри йўлга солаемизми? Улар, менингча, сира тўғри йўлга туширмайди. Шартта обориб қамаш керак. Қотилларни шарт пешонасидан отиб ташлаш керак. Шунда тартиб бўлади.

Икки-уч йилдан кейин одамлар тақдирини ҳал қилиши лозим бўлган йигитдан бу гапларни эшитиб Мақсуд Солиев лол қолди. Демак, жиноятчига нисбатан унда фақат нафрат бор. Ана шу нафрат ҳақиқат йўлига ҳаммиша тўсқинлик қилиб туради. Жиноятчининг юрагига қўл солишга йўл бермайди. Адаш хулосалар, адаш ҳукмлар шундан келиб чиқади. Шу нафрат туфайли тўғри йўлга қайтиши мумкин бўлган жиноятчилар ҳаётдан аламзада бўлиб, қайта-қайта ўч олишга киришадилар. Талъатга бу нафрат қаердан юқди. Унга жиноятни очиш йўлларини эмас, аввал жиноятчини тўғри тушунишни ўргатиш керак экан.

Майор шуларни хаёлидан ўтказиб бир оз жим қолди. Кейин уни қўлтиғидан олиб аста юрди.

— Сиз Афғонистонда ўлим билан юзма-юз бўлиб қайтгансиз. Рўпарангизда ашаддий душманлар билан бир қаторда адашганлар ҳам бўлган, шундайми? У ерда ўқ ким душман, ким адашган — ажратиш ўтирмайди. Бу ерда ҳам ашаддий жиноятчилар бор, адашганлар бор. Биз бараварига ўққа тутасан, биласизми, нима бўлади? Биз адашганларга, ҳатто ашаддийларга ҳам, тўғри

йўлга тушиш учун имкон яратиб беришимиз керак.

— Улар-чи? Улар тўғри йўлга тушгунларича ўғирлик қилаверадилар, одам ўлдираверадилар. Биз эса имкон туғдириб бераверамизми? Унда бизнинг нима керагимиз бор?

— Иним, кўнглингизга олманг-у, аммо бир саволим бор: бу соҳага нима учун кирдингиз? Афғонистонга бориб келганингиз учунми?

— Мен у ерда ўлимларни кўрдим, ваҳшийликларни кўрдим, ўртоқ майор. Ушаларга нисбат қилсангиз — биз жаннатда яшаймиз. Шунақа ҳаётнинг қадрига етмаганларни отиб ташлагим келади. Нима учун ўғирлик қилишади, нима учун одам ўлдиришади? Нима етишмаяпти уларга? Меҳнат қилса оч қолмайди-ку ҳеч ким. Мен ҳарбийга чақирилмасимдан олдин ҳам шуларни ўйлардим. Аввалига ўқишга киролмадим. Кейин сиз айтгандай имкониятдан фойдаландим.

— Лекин бу кайфият, бу нафрат билан ишлаб бўлмайди,— майор шундай деб ҳозиргина кўнглидан ўтган гапларни тушунтирган бўлди. Талъат анчагина қайсар экан, ўзиникини маъқул деб тураверди.

— Мен хат олдим қуролдош дўстларимдан,— деди у гапни маъқуллаб,— улар бир порахўрни фош этишиб милицияни ҳам, бошқа идораларни ҳам огоҳлантиришибди. Улар эса, сиз айтгандай, имкон яратиб беришибди. Порахўрга чора кўрилмагач, уйига ўт қўйишибди. Ҳозир ишлари терговда эмиш.

— Дубровскийчасига иш кўришибди-да?

— Яна бошқа иложлари бормиди? Милиция жиноятчини тушунишга ҳаракат қилгунча у қанча одамнинг шўрини қуритади. Йўқ, ўртоқ майор, кескинроқ бўлиш керак. Шартта-шартта ишлаш керак. Аямаслик керак уларни. Уларнинг тузалиб кетишларига мен ишонмайман!

— Агар шу фикрда қатъий қолсангиз, мен сизни ишдан четлатишга мажбурман. Сизнинг ҳаракатингиз менинг иш услубимга мутлақо зид. Уйлаб кўринг. Менга халал берманг.

Майор унинг билагидан қўлини олиб нари кетди. Талъат унинг орқасидан анчагача қараб турди-да, кейин тез-тез юриб бориб унга етиб олди.

Улар тонгга қадар анҳор ёқасини кездилар. Талъат майор билан бошқа баҳслашмади. Афғонистондаги кўрганларини гапириб берди. Ун саккиз йил иссиқ ўринда улғайган йигитнинг уруш шароитига тушиб қолгандаги аҳвол-руҳияси ҳам маълум. Майор бунга тушунарди. Ўзи ҳам дастлаб жиноятчилар билан олишганда, биқинидан ўқ еганда мана шундай хаёлларга борган. Вақт ўтиши билан совуққонликка ҳам ўрганди. Ҳали Талъат ҳам кўникади бунга. Энг муҳими, бу йигитда мақсад бор: жамиятни тозалаш нияти бор. Бунақа одамни пора нима экан, дунё бериб ҳам сотиб олиш мумкин эмас. Майорнинг Талъат ҳақидаги дастлабки таассуроти шу.

**Давоми келгуси сонда**



# «Маънавий инқироз илдизлари»ни ўқиб



«Ешлик» журнаlining 1989 йил 3-сонида эълон қилинган Шухрат Ризаев, Раҳмон Қўчқоров, Мирзааҳмад Олимов, Мусурмон Номозовларнинг давра суҳбати мени қаттиқ ўйлантирди. Шу муносабат билан давра суҳбати хусусидаги баъзи шахсий фикрларимни айтмоқчиман.

«Маънавий инқироз илдизлари» деб аталган ушбу давра суҳбатида ёш мунаққидларимиз адабиётимиз ва адабий танқидчилигимиз, шунингдек, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романи ҳақида ўз мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Ушбу давра суҳбатида «Лолазор» яхши боҳоланди. Бу баҳо Умарали Норматовнинг «Кечаги кун одамлари» мақоласига ҳам оҳанг деб ўйлайман. Айни чоғда мунаққидлар бошқа бир танқидчи Аҳмад Отабоевнинг шахсий мулоҳазаларини буткул қораладиларки, очигини айтсам, мен буни «ҳазм» қилолмадим. Аввало, Аҳмад Отабоевнинг фикрлари шахсий мулоҳазалар. Шахсий мулоҳаза ҳақиқатга суянган ҳолда, бошқалар учун, хоҳ ёзувчи, хоҳ мунаққид, хоҳ ўқувчи бўлсин, бундан қатъи назар, мажбуран қабул қилинмайди-ку! Хўш, Аҳмад Отабоев роман ҳақида ўз мулоҳазаларини айтган экан, бунинг нимаси ёмон?! Нега бу мунаққидлар тиш-тирноғи билан Аҳмад Отабоевга қарши чиқмоқдалар? Нега «Лолазор» романидаги баъзи қусурларни кўрсатган Аҳмад Отабоев «калтак» остида қолди-ю, романини нуқул кўкларга кўтариб мақтаётган Умарали Норматовга нисбатан бирон оғиз танқидий фикрлар билдирилмади? Масалан, Аҳмад Отабоевнинг қуйидаги фикрларига тўла қўшилмоқ керак: «Қочирлиқлар, киноялар, топқирлигу тағдор гаплар — ўзимиз билган, эшитган, кўрган, «кечаги кун»да шивирлашиб айтиб юрган, эндиликда элларга дoston бўлаётган ўзбек ҳангомалари. Мурод Муҳаммад Дўст бу ҳангомалардан гап очиб, аслида «кечаги кун»имизни яна бир бор эсга солади. Саидқул Мардонов тилидан ёшларга камол ва имон тилайди, ахлоққа чақиради. «Лолазор» романи шу маънода қайта қуришга хизмат қилади.» Еки «... ора-

дан кўп ўтмай — тассуротлар совимай туриб, «кечаги кун» ривоятдан бугунги кун ҳақиқатига қайтгач — «ҳаммаси романдагидан сал бошқачароқми?» деган фикр, гумон идрокда «йилт» этса ажаб эмас. Англайманки, Саидқул Мардоновнинг гапи хомроқ — асардаги «латифа оҳангини олиб ташласа» бўлмайди! Роман шу оҳанг билан қизиқ!»

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни лозим деб ўйлайман: давра суҳбатида иштирок этган Мусурмон Номозовнинг ушбу фикрларига сира қўшилмайман: «Ҳеч бир одам жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уни шароит шунга мажбур қилади. Яхшибоев билан Ошно ҳам шундай бир муҳитда тасвирланадики, бу ерда истасанг-истамасанг ўзинг хоҳлагандай эмас, ўзгалар хоҳлагандай, шароит тақозо қилгандай яшашга мажбурсан. Яхшибоев билан Ошнонинг шундай бўлиб қолишида улар яшаётган (аслида яшаган, таъкид бизники — А. Р.) муҳит айбдор!»

Хўш, айтинг-чи, кеча эмас, балки ҳозир ҳам бор бўлган, иллатлари фош этилаётган айрим олғир ва тубан, оғирнинг устидан, енглининг остидан ўтадиган худбин, гуруҳбоз, таъмагир кишиларни қайси давр — турғунликми, ошкораликми, хўш қайси бири тарбиялаган?, десам, М. Номозов ва давра суҳбатининг бошқа иштирокчилари нима дейишар экан? Албатта, мен Аҳмад Отабоевни қўйлаб, бошқа мунаққидларни ерга урмоқчи эмасман. Давра суҳбати қатнашчиларининг қатор фикрларига қўйилиш ҳам мумкин. Бу ўринда ортиқча изоҳ талаб этилмаса керак. Бир ўқувчи сифатида шахсий мулоҳазаларимни айтдим, холос. Фикрларимни бошқаларга мажбуран эътироф эттиришга эса менинг ҳам ҳаққим йўқ.

Шу йил мактаб болаларининг қишки таътил кунларидан биринда оиламиз жам бўлиб телевизор қаршисида ўтирган эдик. Экранда шаҳарлик мактаб ўқувчилари таътил кунларини кўнгилли ўтказётгани ҳақида ҳикоя қилиниб, жумладан, болаларнинг шинам спорт залларида бокс, сувда сузиш ва енгли атлетика билан шуғулланишаётгани тўғрисидаги лавҳалар намоиш этилди. Экрандан кўз ўзмай ўтирган ўн тўрт ёшли жияним Мухлис кутилмаганда менга ўғирилди-да, таънали овозда: «Мақтанишларини қаранг... шундай яхши шароит бўлгандан сўнг кимнинг спорт билан шуғуллангиси келмайди. Бизнинг мактабда ҳам телевизорда кўрсатаётганидай афзалликлар бўлса эди, ўзимиз билардик... Қишлоқ болалари ўғайми, нега бизнинг истак-хоҳишларимиз билан ҳеч ким ҳисоблашмайди?» — деб қолди. Табиийки, мен, жиянимнинг сўровига жавоб беролмадим.

Ҳақиқатан ҳам мактабимиз ташкил этилганига йигирма йилдан ошди-ю, болаларнинг спорт билан эркин шуғулланишлари учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ. Ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари масъул раҳбар шахсларнинг эътиборидан мутлақо четда қолиб кетган. Билмадим, бундай бепарволик қачонгача давом этади? Ахир, келажакимиз бўлган болалар кўнглидаги орзу-умидларни сўндирмаслик, уларнинг камолоти учун курашиш биз — катталарнинг муқаддас бурчимиз-ку.

Акмаджон РАҲИМОВ,  
Ленинобод область,  
Пролетар районининг  
Қўрғонча қишлоғидаги  
8-ўрта мактабнинг  
8-«а» синф ўқувчиси.  
Тожикистон ССР.

Н. ЮСУПОВА.  
Советобод  
районидаги  
10-ўрта мактаб

Фароғат Камолова

# Сунбула сувида чайилган кунлар

## Шарқ аёллари

Менга айтдиларки, шарқ аёлининг  
Бўйнида кишанлар балки минг йиллик.  
Уларнинг тақдири — одамларга ҳам,  
Нозик гулларга ҳам бирдай сингиллик.

Ипакдан қатимлар тортиб умрга,  
Юракка сирқитиб кўз ёшларини,  
Кўчирар эмишлар турмушларига  
Энг оғир тошларнинг бардошларини.

Шарқнинг аёлида ўтмишдан мерос  
Сира очилмаган сандиқ бор эмиш.  
Унда ухлаб ётар гўзал малика,  
Озод қилай деса, дунё тор эмиш...

## Сунбула

Йиғлаётган аёл.  
Боғлар қўйнидан  
Шамол олиб қочган хазон товуши.

Узоқдаги соҳил.  
Денгиз сувларининг  
Сассиз чўкиши.  
Осмон.  
Бўм-бўш бағир.  
Озода кунлар.  
Сунбула сувида чайилган кунлар.  
Кетаётган дунё  
Ярим ой.  
Ёлғиз.  
Сунбулада узайган оғриқ.

### Фароғат КАМОЛОВА.

1959 йилда Жиззахда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозир ижодий иш билан машғул. «Осмон парчаси», «Узоқ сафарлар» шеърӣ тўпламларининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.



\* \* \*

Ишқинг йўлларида азобим мингдир,  
Кўнгил гоҳ тупроққа, гоҳ нурга тенгдир.

Бу дунё жоним сиғар бошпанам —  
Хаёлларим менинг — олий кошонам.

Йиғлайман, кўнглимда қадимий йиғи —  
Илоҳнинг мен билан қолган қўшиғи.

## Деҳқон портрети

Кўзларинг шу қадар кўникиб кетган —  
Пахтага ўхшайди осмон.  
Кўнглингдан ортиқроқ феълнинг синашта,  
«Кўнгил» «кўнмоқ» каби жўнгина калом.

Овозсиз айтилар сен билган қўшиқ.  
Қўшиғинг — бағишлов юрт тошларига.  
Кетмон дастасига суяниб туриб,  
Гинасиз қарайсан юртошларингга.

## Мен англаган ҳақиқат

Тушун, қувончдан ҳам ёруғроқ чеҳра,  
Севгидан ҳам руҳий устиворлик бор.  
Тушун, айрилиқдан узун қил кўприк,  
Умидсизликдан ҳам чуқур жарлик бор.

Уларни танидим ўттиз ёшимда.



\* \* \*

Туйғулар гул каби кўкарган ердан,  
Кўринмас ҳамроҳи моддий дунёнинг.  
Ҳар лаҳза гулларнинг пойига каби  
Томиб адо бўлмас менинг бу жоним.

Гарчи ер фарзанди, ернинг эркаси,  
Юрак тупроғида туғилган жойи,  
Гуллардек мантиқдан юқори улар,  
Туйғулар — гуллардек самовий.

## Номсиз қўшиқ

Шундай яқин эди сенинг қиёфанг.  
Шамоллар кўчиб ўтар  
Энг яқин боққа.

Намхуш хазон билан қоришган ҳаво.  
Осмонда юлдузлар  
Соясиз.

Юрардим ташқари ўз хаёлимдан.  
Эрки танимаган  
Ўйламас эрки.

Мен ҳатто учардим ҳаводан енгил.  
Ёқилган ҳавонинг кули—  
Ойдинлик

Кимдир йиғлар эди, овози таниш:  
Товушдан ҳимоя сўрар  
Одамлар.

Ҳайрон боқар эдим. Дилим таланган.  
Қароқчилар изи  
Узоқлаб кетган.

\* \* \*

Хайрлашув қўшиғини айтар дарахтлар,  
Кетаётган нарсаларнинг номлари унут.  
Ҳамма нарса айланмоқда вақтга, шамолга,  
Оёғимиз қўйилган жой пастлаган булут.

Тийрамоҳнинг сокин тиниқ кунлари аро  
Кетаётган нарсаларнинг илғаймиз шаклин.  
Ана, сенинг кўзларингга ўхшайди само,  
Дунёни шу баландликка кўтариш мумкин.

Қўлларимиз етган жойда тугамас умид,  
Овозимиз ўтиб борар сўнгги синовдан.  
Табиатнинг совиётган бағрида бу кун  
Бир руҳ кезар қолиб кетган ёнган оловдан.

## Эслаш

Ўша оқшом осмон кенг эди,  
Юлдузларнинг оралиғида  
Ортиб қолган жой эди жимлик.

Ўша оқшом боғлар феълида  
Ҳоким эди бир паришонлик,  
Дарахтларнинг ёйилган шохи.

Йўлда ётган бир қора тошнинг  
Узун эди ерда сояси,  
Сен кўзингни олмадинг ундан...

## Боболар юртида

Дунёнинг тубидан оқади қўшиқ,  
Тупроқда мизғийди мавҳум овозлар.  
Бунда қачонлардир сўнган ўчоқнинг  
Кулида исинар ҳали ҳам ёзлар.

Бунда муҳаббатнинг сочлари оппоқ,  
Сурати топилган ёрлар бағридан.  
Ватан — оғриқларнинг мағзидаги сўз,  
Хотира жой сўрар дарднинг қаъридан.

Ҳаёт давом этар, топталган ерда  
Қадимий ўчоқ бор, Ватан бор, кул бор.  
Тупроқнинг устида судралар бу кун,  
Тупроқнинг остида кечаги кун бор.

Мен нечун чўкмайман ҳамон тупроққа,  
Шамоллар очиқда йиғлаётган пайт?  
Ахир дардинг бўлса кўмар-ку тупроқ,  
Тупроқни кўмади жимлик — сукунат.

## Ёлғизлик

Ўзимга қолдириг ўзимни.  
Хира тортган кўзуга боқиб  
Кузатаман тун соясини.

Қулоғимда турфа товушлар.  
Вақт оёғи кўнглимга ботган  
Ва жимликда титрар лабларим.

Кўзим тушар дафъатан шунда  
Хонадаги бирор буюмга,  
Мен эслайман унинг номини.

## Чўлпон

Шеърингизни қарғаб отилган тошлар —  
Шаъни паст, бағри пуч, дарди йўқ сўзлар.  
Қон ҳидига келган қузғунлар мисол  
Номингизни талади ўнлаб дардсизлар.

Оғулар тўкилар халқнинг ёдига,  
Кўзга чалинади фалат туманлар,  
Халқимнинг энг сўнгги кунлари билан  
Яшаган эдикми, деган гумонлар...

Сиз айтган қўшиқда дилингиз доди,  
Сарғайган дафтарга занжирбанд нола.  
Ажалга юзма-юз аёл фарёди,  
Кўнгил — ихлосида алданган бола.

Сиз айтган қўшиқда тутқунлик — соя,  
Дилнинг қони билан ёзилган ғамлар.  
Сизнинг дардингизни тушунар фақат  
Дунёга эрк излаб келган одамлар.





Ҳабибулла ҚОДИРИЙ

# ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Хотира қисса

## ЖОСУСЛАР СОЮЗИ

Болохона уйимизда кечки таомдан сўнг дадам, Раҳимберди, Қудратилла амакиларим чой ичишиб, ундан мундан сўзлашиб ўтиришар эди. Дадам дедилар:

— Кеча мени ёзувчилар союзига чақирдилар...

— Нима янгилик, ака? — деб сўрадилар Қудратилла амаким.

— Ҳозир союзда ёзувчиларни «тозалаш», сарасини — саракка, пучагини — пучакка ажратиш ишлари қизғин боряпти... Тўрт-беш комиссия аъзолари бир ёзувчини чақирадилар-да, кўнгилларига келган саволни галма-гал бераверадилар. Бечора ёзувчи шўрва ичган кўрдай терлаб жавоб қилаверади. Ёзувчига бундан ҳам разолатлироқ жазо борми?

— Масалан, қандай саволлар беришади, ака?

— Нега миллатчи бўлгансан, ёзганларингда миллатчилик руҳи бор, шуни бўйнингга оласанми, йўқми. Совет ҳукуматини ёқтирмайсан, фалон вақтда фалончининг уйига боргансан, ўшанда нималар ҳақида гап бўлган, у сенга нима деди, сен унга нима дединг, қандай китоб кўрсатди, фалон вақтда уйингга фалончилар келган, ўшанда нима тўғрисида гап бўлган, фалончи ёш ёзувчи-

ни нима деб ранжитдинг? Шунга ўхшаш бачкана, мижи-мижи, ковла-ковла гаплар...

— Сизга ҳам савол беришдим, ака?

— Беришди... Анқабой дегани савол берди: «Сизнинг ким ва қанақа ёзувчилигингизни биламиз, саволимиз шу: «Худо борми, йўқми?»

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. «Бор», дедим. «Қандай исбот қиласиз борлигини?» Унинг эътиборсиз, юзаки, менсимагандай берган саволи ғашимни келтирди: «Дин борми йўқлигини исбот қилиш, ўйлаганингизча осон, бўёқчининг нили эмас. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, араб, форс, турк, рус тилларини мукаммал билишингиз ва билибгина қўймай, ўша тиллардаги диний манбаъларни синчиклаб ўқиган, ўрганган, фалсафий мушоҳада қилган бўлишингиз керак. Шундагина диний мунозарага кириша олишингиз мумкин. Масалан: «Ихлос сураси»ни\* ўқинг-чи, мен сизга муқаддима ўрнида шарҳ қилиб берай!..» — дедим. Анқабой анқайиб қолди. Раёсатда жим ўтирган сиёсий идора вакиллари: «Бунақа масалаларни қўйинглар!» деб луқма солишди.

Раҳимберди амаким дедилар:

— Дилингда бўлмаса ҳам тилингда «йўқ» деб қўя қолсанг бўларди, ука.

— Ўрисларни шундай зўр ёзувчилари борки, эътиқод билан яшайдилар ва ҳозир ҳам балки яшарлар. Уларга ҳеч ким бир нарса демаган, демайди ҳам. Ахир бу конституциямизда шундай кўрсатилган, — дедилар, — Энди мен бир кишининг икки оғиз сўзи деб, қирқ йиллик эътиқодимдан қайтайми? Мунофиқлик, виждонсизлик бўлмайдими бу!

Қудратилла амаким дадамнинг сўзларини қувватлаб, Раҳимберди амакимга дедилар:

— Диннинг фалсафаси ҳам шунда-да, ака, иродали бўл, мунофиқ, тухматчи бўлма, деб ўргатади.

Қудратилла амаким серзавқ эдилар. Бирор маъноли, тарбиявий гап айтсалар, завқлари келиб, дарҳол Шайх Саъдий байтларидан бирини ўқиб, изҳори фарз қилар эдилар:

Писари Нуҳ бо бадон бинашасту, хонадони нубувваташро гум кард,

Саки Асҳоби Каҳф рўзи чанд пайи некон гирифтум мардум шуд.

Маъноси:

Нуҳ пайғамбарнинг ўғли ёмонлар билан ўтириб пайғамбарлик хонадонини йўқотди, Асҳоби Каҳф<sup>1</sup> ити эса яхшилар билан бир неча кун юриб инсон бўлди.

— Қалай, ака, ўрнида ишлатдимми?! — Қудратилла амаким дадамдан сўрадилар ва қаҳ-қаҳ уриб кулдилар.

— Жуда ўрнида, — дадам кулиб қўйдилар.

Қудратилла амаким (савдо ходими) рус-тузем макта-

\* Қуръондан.

<sup>1</sup> Асҳоби Каҳф — афсоналарга кўра бир гуруҳ авлиёлар золим зулмидан қочиб бир горга яширинадилар. Шунда бир вафодор ит ҳам қувлашларига қарамай, Асҳоби Каҳфлар ортидан бориб ҳалиги горга киради ва улар билан бирга ҳалок бўлади. Шу йўсин ит гўё «инсон» қаторига киради — Ҳ. Қ.

бида ўқиганларида программа бўйича «Гулистони Саъдий» ўқиганлар. Бу байтлар менинг ёдимда шунинг учун қолганки, худди шу гаплар бўлган йилларда мен ҳам «Гулистони Саъдий» ўқир ва ундан баъзи байтларни ёдлаб юрар эдим...

Бу, Урта Осиёга томон эсиб турган бўронларнинг бири ва ашаддийси эди...

Биз юқорида Қодирий сўзларидан 1937 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар союзига қандайдир жиддий тадбирлар, ташкилий, «ижодий» ишлар бораётганлиги ҳақида узук-юлуқ бўлса-да, маълум тасаввур ҳосил қилдик. Энди, архив ҳужжатларидан фойдаланиб, бу тўғрида кенгроқ расмий маълумот бериб ўтмоқчимиз. Олдин Москвадан олинган бир хатдан парча берамиз. Бу парча хаёлимизни анча йироқларга олиб кетади, кўп муаммоларни очиб берган каби бўлади, машъум Сталин репрессиясининг бошланиб кетганлигидан дарак беради (Хатни қисқартириб, яъни мавзумизда керакли ўрнини олдик — Ҳ. Қ.).

**Ҳурматли ўртоқ БЕРЕГИН!**


Сўнгги воқеалардан хабарингиз бўлса керак. Троцкийчи-зиновьевчи бандитлар фош қилинган, СССР Ёзувчилар союзи аъзолари орасида бир қатор ўзгаришлар бўлди. Ҳозир бизда аъзолар рўйхатини синчиклаб текшириш ишлари кетяпти.

Союзга аъзо бўлган Ўзбекистон ёзувчиларнинг аниқ рўйхатини тузиб, фақат фамилия, исми, туғилган йиллари ва партиявий аҳволлари тўғрисида тезда бир маълумот йўллашингизни сўрайман. Агар бирор ўзгариш рўй берган бўлса, қачон ва нима сабабдан бўлганлигини албатта кўрсатинг...

СССР Ёзувчилар союзи Урта Осиё миллий секторининг инструктори:  
**А. ШАПАВАЛОВА**  
1936 йил, 9 сентябрь.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи 1937 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг IV пленумини ўтказишни белгилайди. Аммо бўлажак пленум бир-бир ярим ой олдин бир комиссия тузиб, барча ёзувчилар билан бирма-бир хотиржам «суҳбатлашиб», ким «сарак» — ким «пучак», кимнинг қўйнида нима борлигини билиб қўйишни маъқул топади. Яъни пленум чоғида ким билан қандай муносабатда бўлишни олдиндан аниқлаб қўймоқчи бўлади. Демак, бу пленумда катта ўзгаришлар бўлиши кутилади, кўп ёзувчиларнинг тақдирлари ҳал қилинади.

Тузилган комиссия деярли ҳар кун ёзувчиларни чорлаб, савол-жавоб ўтказди. Ким кимнинг ҳақида нима билса сўзлаб беради. Айрим белгиланган ёзувчилар эса бошқа ёзувчиларни сўроқ қилади. Бир ёзувчини сўроқ қилиш баъзан бир-икки, ҳатто уч-тўрт кунлаб давом этади. Мен стенограммада ёзиб олинган ана шу савол-жавоблардан кўпроқ Қодирийга тегишлисини, яъни Қодирий ҳақида гап борган ўринларни қуйида қайд этиб ўтмоқчиман. Шунинг ҳам айтиб қўймоқ керакки, Қодирий ўша юқорида ҳикоя қилинган савол-жавобдан сўнг қайтиб союзга мутлақо бормай кетдилар. Демак, бу ерда гапирилган гапларнинг барчаси Қодирий орқасидан бичиб-тўқилган, асоссиз, гувоҳисботсиз гаплар. Яъни гапирилган гаплар жуда жўн, Қодирий савиясига, шахсига, табиатига асло тўғри келмайди. Кап-катта ёзувчилар уялмай-нетмай арзимас бир гапни пленум муҳокамасига қўядилар-да, «Шундай бўлса керак-а?», деб ўз гапларини ўзлари маъқуллай-



<sup>1</sup> Қурбон Берегин — (1905, Хива — 1938) Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пропаганда ва Маданият бўлими мудири, таржумон, журналист, танқидчи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ва Президиумининг аъзоси — Ҳ. Қ.

дилар ёки «бу гапни аниқлаш, текшириб кўриш керак» деб ўтадилар.

Стенограмма ҳужжатлари бой бўлса ҳам, баъзи ўринлари архивдан топилмади. Масалан, Қодирийнинг шахсан ўзлари билан бўлган сўроқ-жавоблар йўқ, бўлса ҳам балки адашиб бошқа архивга ўтиб кетган ёки атайлаб йўқ қилинган бўлиши мумкин.

**Ўзбекистон Совет Ёзувчилар союзининг Пленуми томонидан тузилган комиссиянинг ўлтиришидаги сўзланган сўзлар стенограммаси<sup>1</sup>**

1937 й. 17 июль.

**Иштирок этувчилар:** Анқабой (раис), Яшин, Шамси,<sup>2</sup> Фатхуллин, Мамашова.

**1-масала. А. Қаҳҳор масаласи.**

**ЯШИН:**... Жулқунбой билан проза тўғрисида сўз бўлганми?

**А. Қаҳҳор:** Йўқ. Шоирлар тўғрисида сўзлашган эдим. Шунда у менга, шоирлар ичида фақат қолса Уйғун қолади (номи қолади, деган маънода — **Ҳ. Қ.**), деб айтган. Чунки Уйғун билан уларнинг муносабати яхши бўлса керак. Бир вақтда Ш. Сулаймон, Уйғун унинг боғига борган. Бир маротаба мени таклиф қилганда бормаганман. **Ҳ.** Олимжонни ёмон кўрар эди. «Аҳмоқ» деяра эди.

**ЦГА УзССР. Фонд № 2356. Опись № 1. Д. № 28. 6-бет.**

**ЯШИН:** Сиз ҳам бригадалар билан бирга Татаристон-

га<sup>1</sup> боргансиз. Шу вақтда Жулқунбой томонидан айрим масалалар тўғрисида қандай сўзлар айтилганлигини биласизми?

**А. Қаҳҳор:** Мен у ерда кўп турмадим. Лекин шундай нарса эшитдимки, Жулқунбой бирмунча жойларни кўриш учун кетаётган вақтда уни Жамшид деган аравакаш кўп хафа қилган, у тарихчилардан бири экан...

**АНҚАБОЙ:** Сизга шуни ким айтган?

**А. Қаҳҳор:** Ш. Сулаймон.

**ЯШИН:** Бу ҳақиқий сўз, ишонса бўлади.

**АНҚАБОЙ:** 1926 йилларда татарлар тўғрисида **А. Қодирий** Иброҳимовга<sup>2</sup> бир мақола ёзган, шуни биласизми?

**А. Қаҳҳор:** Шуни ҳам айтиш керакки, Татаристондан келгандан сўнг шу нарса тўғрисида **А. Қодирий**ни яна бир хат ёзган деб эшитдим, лекин уни аниқ билмайман.

**АНҚАБОЙ:** Албатта ёзган бўлиши керак.

**А. Қаҳҳор:** Тўғри, ёзган бўлса керак...

**ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 28, 8-бет.**

Бу сўнги мақола ва хат масаласи бутунлай сохта гап. Қодирийнинг энг ёмон кўрган бир нарсаси бировга хат ёзиш эди. Хўш, Иброҳимовга мақола-хат ёзишдан муддао нима бўлиши мумкин? Бу ифвогарлик, кишилар кўнглига қандайдир ваҳима, шубҳа солишдан ўзга гап эмас. Энг қизиғи шундаки, бировнинг бировга хат ёзиши билан ёзувчи одамнинг нима иши бор?!

<sup>1</sup> Стенограмма ёзувларини аслида қандай бўлса, айнан беряпмиз. Шу боис журналхонлар ундаги айрим ғализликларга ажабланмасинлар — ред.

<sup>2</sup> Хусайн Шамс.

<sup>1</sup> 1936 йилнинг июль ойида Қозонда Татаристон ёзувчиларининг қурултойи бўлади. Қодирий ҳам Ўзбекистондан вакил бўлиб борадилар.

<sup>2</sup> Олимжон Иброҳимов — татар ёзувчиси.

Партиямиз шахсга сиғинишни қаттиқ қоралади ва унинг мудҳиш оқибатларини батамом тугатиш йўлида бутун чоралар кўрилмоқда. Ошкоралик ва демократиялаш принципи барча соҳалардаги ишларимизни энгиллаштирмоқда, қайта қуришни, маънавий покланиш жараёнини тезлаштиряпти.

Биз ҳозир революцион ўзгаришлар даврида яшяпмиз, ўтмишда йўл кўйган камчилик ва хатоларимизни очиқ-ошкор айтаяпмиз. Шундай экан... ўттизинчи йиллардан тортиб, то эллигинчи йилларнинг бошларигача бўлган даврда бекорга азият чеккан, энг азиз умрларини бой берган ажойиб ёзувчиларимиз, олимларимиз ва санъаткорларимиз ҳақидаги бор гапларни билиш, жон сақлаш мақсадида уларга бўҳтонлар ёғдирган, тўхматлар уюштирган, фамилияларини яшириб лақаб остида иш кўрган, Ежов, Апресян, Леонов, Оғабеков деган қонхўрларга чин ихлос билан хизмат қилган, таъқибга учраганларнинг ҳисобига яшаганлар кимлар эканлигини ҳамма, айниқса, ёш авлод билиб қўйсин! Ушларнинг ёзма бўҳтонлари ва ўйдирма маълумотлари бегуноҳ қурбонларнинг тергов материаллари орасида сақланиб турган

бўлса ажаб эмас. Тегишли жойларда маҳкам сақланаётган ўша папкаларни варақлаш пайти келди. Фикримча, Ёзувчилар союзи раҳбар ташкилотларнинг бошлиқлари билан маслаҳатлашган ҳолда, ўзида ёки бирор алоқадор ташкилот қошида нуфузли комиссия тузиши ва унга репрессияга учраганларга боғлиқ материалларни чуқур ўрганишни юклаши керак. Токи ўша комиссия ёзувчилар ва журналистлар ҳақидаги бор гапларни синчковлик билан аниқласин, оқни оққа, қорани қорага ажратсин.

Ёзувчининг қалбини, яхши-ёмон ишларини бир бинода бирга нафас олиб, бирга йиғлаб, бирга хандон қилиб юрган ёзувчидан ортиқ биладиган яна ким бор! Шунинг учун бир замонлар Ёзувчилар союздан машинага босиб олиб кетилган папка-папка архив материаллари Олий суд, прокуратура, КГБда қалашиб ётган бўлса ажаб эмас. Улар орасидаги репрессияга учраганларга дахлдор материаллар ёзувчилар ўзлари сайлаб тузган, шахсга сиғиниш йилларининг даҳшатини кўрмаган ёш қаламкашларга ўрганиш учун топширилса адолатли иш бўлади. Кекса ва ўрта авлод вакиллари ўша комиссияга ёрдам берсинлар. Мабодо, гуноҳи борлар

аниқланса, тавба-тазарру қилишар, жамият ҳам уларни кечирар. Ахир, бунинг нимаси ёмон! «Ўз айбини билган — мард», деган халқимиз...

Юқорида айтилган комиссия тузилиши керак. Ушанда қаламкашлик никоби остида хиёнат кўчасига кириб ҳалол одамларнинг оёқларидан чалган кимсаларнинг башаралари аниқ кўринади. Жиноят орадан кўп йиллар кечганига қарамай бежоза қолмаслиги лозим. Ўтган муддат хиёнаткорларни оқлашга ожизлик қилади, «қилмиш-қидирмиш», дейдилар. Халқ бунинг бекорга айтмаган, албатта.

Биз шундай қилсак, ошкоралик замонида бор гапларни очиқ айтган бўламиз. Шунда кўпчилик, адабий жамоатчилик ҳам қаноат ҳосил қилади, халқ орасида юрган турли миш-мишларга ҳам ўрин қолмайди.

Ҳа, давр, замон, ҳозирги мазмундор кунларимизнинг қатъий талаби шундай. Бунинг бегуноҳ кетганларнинг пок руҳлари ҳам талаб қилади.

**Комил Яшин,**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
газетасининг

1988 йил, 16 декабрь сони

А. Қаҳҳорнинг шу қисқача савол-жавобларидан сўнг Элбек масаласи қўйилиб, унга савол беришлар бошланади.

✓ ЯШИН: А. Қодирий тўғрисида қандай қарайсиз?  
ЭЛБЕК: А. Қодирий ҳали тамоман совет позициясига ўзини қайтадан қура олган эмас...  
ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 28, 18-бет.

Элбек<sup>1</sup> билан бўлган савол-жавоблар катта машинкада икки интервалъ ёзилган қоғозда етмиш бетдан ошади ва қарийб беш кун давом этади. Бу узун савол-жавоблардан қисқача муддао шу: Элбекнинг миллатчи эканлигини фош қилиш ва ўз оғзидан иқроор этдириш. Элбек бу айбини инкор қилмайди. «Уша вақтда биз шундай тарбияланганмиз»,— деб гуноҳини дарҳол бўйнига олади ва аста-секин совет позициясига ўтиб келаётганлигини айтади. Лекин шундай бўлса ҳам савол берувчилар гап тагидан гап ахтариб саволларни ёғди-раверадилар.

Балки, савол берувчилар кимлар эди, деб сўрарсиз? Элбекка саволлар бериб айбини фош қилувчи ва бўйнига қўювчи асосан бир киши — Абдулла Қаҳҳор эди. Союз томонидан бу вазифани шахсан А. Қаҳҳорга топширилишининг сабаби эса, менимча, шундай эди:

Мен отам ҳақида ёзган хотираларимнинг бирида, 1936 йил ёзида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Инжиқободаги (Тошкент) ижод боғида икки-уч ҳафта дам ўрниларига дам олиб қайтганимни ёзган эдим. Ушанда боғда дам олувчилар орасида Элбек, А. Қаҳҳор, Уйғунлар ҳам бор бўлиб, А. Қаҳҳор билан Элбек жуда иноқ, бир палаткада ётишар (у вақтларда яшаш уйлари қурилмаган эди) бирга овқатланишар, бир майизни «бўлиб» ейишар, аста сўзлашар, ҳатто ҳовузда ҳам бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб чўмилишар эди.

Демоқчиманки, А. Қаҳҳор Элбекни яхши синаган-билганлиги сабабли ҳам бу комиссия мажлисида асосан унга (Элбекка) саволлар бериб, ички дунёси билан кўпчиликни таништиради.

1937 йил, 20 июль.

✓ А. ҚАҲҲОР: ... Яна бир масала: бу тўғрида ҳам А. Қодирий эшитган экан, у кимдан эшитган?

ЭЛБЕК: А. Қодирий Қўқонга борган вақтида эшитган экан.

А. ҚАҲҲОР: А. Қодирийга Қўқонга борган вақтида кишилар айтган эканми?

ЭЛБЕК: Ҳа.

А. ҚАҲҲОР: А. Қодирийни сиз ким билан сўзлашадидеб ўйлайсиз?

ЭЛБЕК: Билмадим.

А. ҚАҲҲОР: Демак, А. Қодирий уни Қўқондан эшитиб келган.

ЭЛБЕК: Ҳа.

А. ҚАҲҲОР: А. Қодирий билан шу тўғрида сўзлашдингизми?

ЭЛБЕК: Йўқ. А. Қодирийнинг ўзи Қўқонда эшитган экан.

А. ҚАҲҲОР: Сиз воқеани эшитганингиздан сўнгми?  
ЭЛБЕК: Йўқ, кейин эди.

<sup>1</sup> Элбек (Машриқ Юнусов, 1938 й. Тошкент область, Хумсон қишлоғи — 1939 й). Ўзбек совет шоири, прозаиги, тилшуноси, публицисти, танқидчи; дастлабки шеър ва ҳикоялари «Эл байроғи», «Турон», «Турк сўзи», «Улуғ Туркистон», «Иштирокиюн» газеталарида ва журналларда чоп этилган, кўплаб шеърый китоблар муаллифи, мактаб ўқувчилари учун дасрликлар ёзган, шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.

А. ҚАҲҲОР: Қаерда айтган?

ЭЛБЕК: Кўчада.

А. ҚАҲҲОР: Яна бошқа сўз бўлдимми?

ЭЛБЕК: Йўқ.

ШАМСИ: Сиз шу сўзни А. Қодирийдан сўрамадингизми, тўғрими ёки йўқми деб?

ЭЛБЕК: Йўқ.

А. ҚАҲҲОР: Чўлпонга ҳам айтилганми шу сўзни.

ЭЛБЕК: Йўқ...

ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 28, 37—40-бетлар.

Юқоридаги савол-жавоблардан орада қандайдир бир муаммо бордек кўринади. Англашилишича, ўттинчи йиллар бошида гўё қандайдир бир ташкилот фош қилинади. Айбдорлар жазо муддатини ўтаб келгач, кимдир «ташкилотни фалончи очиб берди» деб гап тарқатади. Юқоридаги савол-жавоблар ана шу «фалончи»ни аниқлаш устида бораётганга ўхшайди.

ЯШИН: Яна бир масала, кеча сиз бирмунча нарсаларни сўзлаб айтиб кетдингиз. Шундай бўлгандан сўнг, савол-жавобдан кўра, шу кишиларнинг сизлар билан бўлган суҳбатига ўзларининг идеяларини қилишлик учун нималардан норозилик билдирар эди. Мен ўйлайман, уларни сиз миллатчи деб айтиб турибсиз, албатта улар бизнинг қурилишимизга норозилик билдирар, албатта шулар тўғрисида факт бўлса керак, шунинг учун шуларнинг ишлари тўғрисида очик қилиб айтиб берсангиз. Қаерда айтилган ва қаерда ўлтирган вақтда, шуни билишлигимиз керак. Албатта сиз уларнинг устидаги бу сўзни бекордан-бекорга айтмайсиз.

ЭЛБЕК: Тўғри, ҳақиқатдан улар ўзбек халқларининг маданиятини кўзда тутиб, шу ҳақда сўзлаб келишликлари илгаридан бўлиб келган эди. Лекин ҳар ҳолда уларнинг ҳаракати шуни кўрсатар эди, мен шундай деб сезардим. Ундан ташқари Қаюм Рамазон тил соҳасида гарчи бирмунча ишлаган бўлса ҳам, грамматикага қарашларида соғлом ишламас эди. Мана мен шуларга қараб туриб айтаман. А. Қодирий бўлатурган бўлса, уни қандай эканлиги бутун асарларидан кўриниб туради. Лекин сўзлашмас эдим. Лекин уларнинг бутунлай майдондаги асарларига қараб туриб айтар эдим, аммо қандай иш олиб боради, уни била олмайман.

А. ҚАҲҲОР: ... Тўғри, ишларини билмаслигингиз мумкин, ҳар ҳолда сўз бўлиши керак.

АНҚАБОЙ: Албатта сўзлашган бўлиши мумкин.

....

АНҚАБОЙ: Шулар баъзи вақтда айрим таклифларини сизни олдингизга қўярмиди?

ЭЛБЕК: Йўқ, қўймас эди.

АНҚАБОЙ: Бошқа асарларни кўрсатиш, ўрганиш, би-лиш учун сўз айтармиди?

ЭЛБЕК: Сўнги вақтларда Қаюм Рамазоннинг тил тўғрисидаги китоби матбуотда танқид қилинди. Сингармонизм масалаларида. Мана шуларга Қаюм Рамазоннинг ўзи ҳам иқроор бўлди. Шу жумладан, ўша вақтда мен ҳам сингармонизм тўғрисидаги Қаюм Рамазоннинг фикрида эдим. Лекин сўнги вақтда ўзимнинг камчилигим деб билдим. Мана бу Қаюм Рамазон тўғрисида. Энди, А. Қодирий тўғрисида бўлса, унинг бутун асарлари унинг дунёга қандай қарашлигини кўрсатадир эдиким, мана шуларга қараб туриб айтаманким, улар кўпроқ ўзбек халқига қараб сўз айтар экан, кейинги вақтларда мен шу масалалар тўғрисида сўзлашганим йўқ...

ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 28, 42—44-бетлар.

**1937 йил 23 июлдаги Ўзбекистон Совет Ёзувчиларининг Президиумида Элбекнинг сўзлаган сўзи<sup>1</sup>.**

**ЭЛБЕК:**... Иккинчидан, менга қўйилган айблардан биттаси: «Элбек ёмон кишиларнинг уйига боради, ёмон кишилар унинг уйига келади» дейилган. Мана шу киши билан илгаридан ўртоқ бўлиб юришим орқасида қамоқдан чиққан вақтда ҳам уйимга келган. Лекин мен унга яхши рўйхуш бермаганман. Шу жумладан олганимизда Абдулла Раҳмат. У Тошкентга бир вақтда келган, ҳам муаллимлик қилиб юрди, шу вақтда мен ўйладим, бунга тузалиб келгандир, деб. Албатта бу нотўғри экан. Мен уни ҳақиқатан уйимга таклиф қилганман. Шунда Қаяом Рамазон ҳам бўлди. Мана бу тўғрида ўртоқ Анқабойнинг айтган сўзи тўғри, ҳақиқатдан мен сургунда бўлган, қамалган киши эканлигини била туриб чақирганман, бу мени хатоим, ўша вақтда А. Раҳматдан сўраган вақтимда ўзининг ишлаганлигини ҳам қамалишини айтиб, бир киши устида сўзлади, шу киши ташкилотнинг очилишига сабаб бўлди, деди. Ҳолбуки, мен шу киши билан илгаридан ўртоқ эдим.

**БЕРЕГИН:** Ким у, отини айтиб сўзланг.

**ЭЛБЕК:** Айтсам, Абдулла Қаҳҳор эди.

**ШАМСИ:** У сўз маълум муддаода айтилган бўлса керак.

**ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 28, 60—62-бетлар.**

**Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи пленумининг стенограф ҳисоботи. 1937 йил, 31 август, кечқурунги биринчи мажлис**

**ПРЕЗИДИУМДА:** Берегин, Черник, Ғайбуллаев, Яшин, Шамс.

**ЯШИН:** Абдулла Қодирий бу — бизнинг собиқ президиум аъзоси — Союз аъзоси. Лекин ўзининг совет воқеаларини бузиб кўрсатган, бизнинг халқларимизнинг бирлик руҳини бузиб кўрсатган, унга энд бўлган «Обид Кетмон» асари билан кириб келади. Бу асар асосан халқ душмани Анқабой (ажабланилмасин, ўзини кўрсатиш, оқлаш, сақлаб қолиш мақсадида президиумдан ёзувчиларга турлича саволлар ёғдириб ўтирган Анқабойнинг ўзи 31 августга (1937) қадар халқ душманига айланиб пленумдан четлаштирилган ва ҳатто балки қамоққа ҳам олинган эди — **Ҳ. Қ.**) таҳрири ва унинг раҳбарлик остида ишланади. Бу ҳам (гап Қодирий устида кетяпти — **Ҳ. Қ.**) бизни алдаш, фақат Союз ишида ёзувчилар орасида унга (Союзга — **Ҳ. Қ.**) қарши кураш олиб боради. Аксиланқилобчилар билан бирга ўлтириб, Советларнинг воқеаларига, мазмунига қарши, Советлар тулган сиёсатига қарши кураш учун турли метод йўлларини тутди. Бу ҳақда муҳокама қилинади. Бундан ташқари, ёшларни буза бошлайди. Соғлом ёзувчилар мамлакатига, партияга берилган ёзувчиларни ўз томонларига олиш учун тиришади. Масалан, унинг қўлига Ғафур Фулом ҳам тушади. Секин-секин Ғафур шундай касалли ўлтиришларга даллоллик қилади. Ҳақиқатан Ғафур Фулом шундай жойга бориб ўлтиради. Бу ерда Шоҳидов ҳам ўлтиради, шу ерда ҳар хил муҳокамалар, гаплар бўлади. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий очикдан-очик унинг 15 миллион қиммати борлигини айтади. Албатта, буларнинг нима эканлигини, яъни пайғамбар эканлигини айтади. Бунга Ғафур Фулом ишонмайди. Лекин қаттиқ отпор бермайди. Ул айтади — санинг ниманг бор, сани 1—2 мил-

лион халқина ўқийди, мени 15 миллион халқ ўқийди. Бундан унинг китобини чет мамлакатдаги савдогар, руҳоний одамларнинг ўқиганлиги билан мақтаниб ҳисоблаб кўради. Бунинг билан яна жанжал кўтарилади, спор кетади. Бу иккаласи ўртасида жанжал шунга борадики, энг охирида Абдулла Қодирий «Ман санинг жамоатчилигинга тупураман», дейди. Мана Жулқунбойни башараси. Шунда Ғафур Фулом айтадики: «Сиз тупурарсиз, агар жамоатчилик тупурса, у сизни кўмиб кўяди», — дейди (кулги овозлари). Фақат шунинг билан чегараланади, (Ғафур Фулом — **Ҳ. Қ.**) конкрет айтмайди, комиссия орқали айтиб беради.

Энди албатта мен Абдулла Қодирийнинг бундай бутун ишини айтиб ўлтирмайман. Бу конкрет халқ душмани сифатида бизнинг қаторимиздан ҳайдалди. **ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 16—17-бетлар.**

Уша чоқларида йигирма саккиз ёшларда бўлган ёш йигит — Комил Яшиннинг ушбу ўта ибтидоий, мантиқсиз, гувоҳ-исботсиз, тухмат, баландпарвоз, анов-манов гапларига жавоб бериб ўтиришнинг ўзи арзимас нарса. Лекин шундай бўлса-да, баъзиларнинг кўнглида шубҳа ғубори қолмасин учун, билганимча озгина изоҳ бериб ўтишни лозим кўраман.

**Ойбек Қодирий ҳақида шундай ёзади:**

«Абдулла Қодирий... доимо тўн ва бахмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишдан деҳқонларга ўхшаган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, синовчан боқувчи, гоҳо эса худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринар эди.

Сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринар, чунки у ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, оғзига келган ҳар бир сўзни айта бермас, секин ва худди ўзига халал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди».

Ойбекнинг бу гапидан Қодирийнинг қандай шахс эканлиги, унинг юриш-туриши, кишилар билан муносабат-муомаласи, хислатлари бир қадар маълум бўлади.

Абдулла Қаҳҳор бир кун шундай деган эди (бу гап Қаҳҳорнинг уйига борганимда бўлган эди): «Абдулла акам жуда салобатли шахс эдилар. У киши олдида беш ўшлар ҳуда-беҳуда гаплари сўзлайвермас эдик. Мен «Шўро адабиёти» («Шарқ юлдузи») журналинда ишлар эдим (1936). Бир кун Абдулла акам катта бир ҳикоя ёзиб келдилар. Уқидик. Маъқул бўлди. Бироқ ҳикоянинг номи бизга ёқинқирамади, номи «Коммунист» деб қўйилган эди. Бироқ, эътирозимизни у кишига айтишга журъат этолмас эдик. Ниҳоят кимдир шуни айтди... У киши ҳикояни «Шубҳа» деб номладилар».

Мана шу ёзувчилар Элбекни ҳафта-ўн кунлаб сўроқ қилдилар. Бечорага истаган саволларини бериб жавоб олдилар. Муродларини ҳосил қилдилар. Шунга ўхшаш Қодирийни ҳам нега ҳафталаб сургаб юриб сўроқ қилмадилар? Чунки, улар Қодирийни кўрсалар салобатидан чўчир эдилар... Наҳотки, шундай улғу бир сиймо «Менинг ўн беш миллион ўқувчим бор, сеники бир-икки миллион» деб мақтаниб, жанжаллашиб ўтирса ва ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ жамоатга тупурса. Ҳаммадан манавиниси ўртайдики, «Жанжал яна кўтарилади...». Ахир улар нимани баҳслашиб жанжал кўтардилар, баҳс шундай жанжал кўтарилишига арзийдими, сабаб бўла оладими? Мантиқ, гапнинг

<sup>1</sup> Шу кунги Президиум мажлисида негадир А. Қаҳҳор қатнашмайди — **Ҳ. Қ.**

тузи қани? Ундан ташқари, Қодирий ўзи ким билан баҳслашяптилар?..

Қодирий Ғафур Ғуломнинг қандай шахс ва ёзувчи эканлигини 1926—1927 йиллардан буён биладилар, бу тўғрида юқорида бир оз сўз бўлди. Шу ҳолда у билан бачканалашиб, баҳслашиб ўтиришларига ақл ҳеч бовар қилмайди.

Масаланинг яна шу жиҳати ҳам борки, Ғафур Ғулом пленум мажлисида Қодирий ҳақида жуда кўп «маълумот» ва «кўрсатма»лар беради (бу тўғрида сўнграқ гап бўлур). Бироқ Ғафур Ғуломнинг ўзи ўша «маълумот — кўрсатма»ларида «ўн беш миллион — жанжал — тупуриш» масалаларида лом-мим деб оғиз очмайди. Комил Яшиннинг ўзи ҳам бу тўхматга чандон ишонмайди, шекилли, гапнинг охирини» (Ғафур Ғулом) фақат шунинг билан чегарланади, конкрет айтмайди, комиссия орқали айтиб беради» деб гапни чувалатиб, андавалаб ўтади.

Юқоридаги далил-исботларимизга кўра шунга айта оламизки, «ўн беш миллион — жанжал-тупуриш» бу ҳаммаси тўқилган, «ижод» қилинган, Қодирийга тўхмат гаплардир. Хўш, борди-ю, айтган бўлган тақдирда ҳам, бу сўзнинг қандай сиёсий хато жойи бор? Мунаққид тўтиқуш бўлмай, аввал сиёсий хато нимадан иборат бўлишини ўзи обдон тушуниб олиши ва кейин минбарга чиқиши керак.

Агар, «Қодирий ўзини пайғамбар деб атади» деб айб қўймоқчи бўлсалар, ташвишланмасинлар, Муҳаммад пайғамбардан кейин ер юзида ўзга пайғамбар бўлмаслигини Қодирий яхши билар эдилар.

Бир вақт мен Дўрмонда, ёзувчилар боғида дам олдим. Қиш кезлари эди. Филология фанлари доктори, мунаққид Ҳафиз Абдусаматов ҳам шунда дам олар эди. Икков ҳар кун бирга ўтириб овқатланар, суҳбатлашар эдик. Шунда у бир гал менга деган эди: «Гапнинг очигини айтганда, Абдулла Қодирийдек сўз устаси, улўғ санъаткор ёзувчи дунёга беш юз йилда ё битта келади, ё келмайди...»

Бечора дадам ҳеч қаерга бормас, ойлаб кўчага ҳам чиқмас, меҳмон қабул қилмас, битта-яримта сўраб келганларни эшикдан муомала қилиб кузатар эдилар. Ахир у киши кейинги йилларда бутун умрларини «Обид кетмон» қиссасини ёзиш («Обид кетмон» қиссаси ҳозирда юз минглаб нусхада қайта нашр этиляпти. Лекин уни қайта-қайта ўқиган китобхоннинг ҳеч бири аксиланқилобчи, халқ душмани бўлиб қолаётгани йўқ), ер чопиб боғ обод қилиш, «Амир Умархоннинг канизини» романини ёзишга тайёргарлик кўриш, касал тортиш билан ўтказар эдилар-ку! Ғафур Ғуломни «қўлга тушириш», «унинг бундай бутун ишини айтиб...» тугатиб бўлмаслик сартапо кулгулик, ёлғончиликдир.

Тўғри, Сталин ҳокимияти кўпларни бундай тўхматларни тўқишга мажбур қилган бўлиши мумкин. Аммо шахснинг, айниқса, эр кишининг ўзида озгина бўлса-да, мардлик, виждонийлик бўлиши ҳам керак-да, ўзим омон қолай, деб бировни жарга итариш бу — номарднинг иши...

УЙҒУН: Энди Чўлпон билан Абдулла Қодирий тўғрисида: иккаласининг 23 апрель (1932) қароридан аввалги ўтмиши тўғрисида Ҳамид билан икковимиз ҳам бирмунча ишладик. Хатоларимиз бўлиши мумкин. Лекин, ҳар ҳолда ўйлайманки, асосан тўғри ёзиб кўрсатган эдик. Қўқон автономиясига иштироки, босмачиларга ёрдами билан юргани, шеърлари билан (юқоридаги гаплар Чўлпонга тегишли — **Х. Қ.**) ҳаммасини

кўрсатган эдик. Кейин, қарордан кейин РСФСРда ва бошқа жойларда бирмунча буржуа позициясида турган ёзувчилар бизнинг позициямизга ўтди. Шундан кейин Жулкунбойга йўл бердик, кейин Чўлпон келди. 23 апрель қароридан кейин қанақа ёзувчилар совет платформасига ўтаётир деганда мана шуларга ишора қилиб мен Элбек, Қодирий ва Чўлпонларни кўрсатганман. Мана шулар қарордан кейин бизга келаётирлар деган тезисни берганман. Уртоқлар бунинг нотўғри эканлигини айтдилар. Шамс, Ғафур ва бошқалар бор эди. Усмонов<sup>1</sup> шунда айтдики, шуларни яхши дейиш мумкин, лекин ҳар ҳолда буларнинг юраги қора, нариги томонга ўтиб кетишлари мумкин деган тезисни ҳам бериш керак, деди. Мен айтдимки, агар ундай бўлса биз булар совет платформасига ўтаётибди деган тезисни тамом олиб ташлашимиз керак, модомики, улларнинг юрагида қора бор деб тушунсак, буни олиб ташлайлик, дедим. Натижада биз шуларни совет позициясига ўтаётир деган тезисни тамом олиб ташладик.

ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 68-бет.

Бир ақлий позициядан иккинчисига ўтиш, бир одатни тарк этиб иккинчисига кўникиш, бир эътиқоддан юз ўгириб бошқасига сажда қилиш — бу бўёқчининг нили эмас. Бунинг учун узоқ йиллар керак. Айниқса, Қодирийдек нозик табиатли ёзувчиларнинг кўнглига йўл топа билиш керак. Ленин худди шу масалани таъкидлайди. Лекин Сталин ҳокимияти бундай таъкидларга тупурди.

«Фалон вақтгача позициянгни ўзгартирсанг — хўп, бўлмаса бошинг ўлимда, молинг талонда!» — деди. Бу саводсизларча, онгсизларча, ваҳшийларча берилган кўрсатма натижасида миллион-миллион совет халқларининг ёстиғи қуриди, инсонлар қамоқдан, отилишдан кўрқиб, хоҳ-нохоҳ Сталин ҳокимиятига хизмат қилишга, бир-бирларининг устидан «маълумот» етказиб туришга мажбур бўлдилар. Хуллас, халқ юраксиз, иродасиз, журъатсиз, мақсадсиз, тутуруксиз бўлиб қолди. Одамийликка путур ета бошлади.

Қодирий 1932 йилдан ёзувчилар союзига аъзо қилинадилар (Қодирий, «мени аъзо қилинлар» деб союзга бормадилар, союздагиларнинг ўзи «аъзо бўлинг» деб бизникига келдилар). Ҳар ҳолда, шу қисқа — беш йил муддат ичида у киши замонавий мавзуда — қишлоқ—колхоз ҳаётини ниҳоятда ҳаётини ва гўзал катта бир қисса — «Обид кетмон»ни ёздилар.

УЙҒУН: Яшин жуда тўғри айтиб кетдики, совет адабиёти, умуман совет ёзувчилари тўғрисида жуда кўп гаплар тарқалди. Бу гапларни синфий душманлар тарқатдилар. Масалан, Жулкунбой, ундан кейин Миён Бузруклар тарқатдилар. Совет адабиёти ўсмаётир, совет ёзувчиларининг ҳаммаси талантсиз, ёппасига миллатчилик йўлида, деган тезисларни тарқатдилар. Лекин бутун ҳақиқат, бутун ҳодиса кўрсатадики, совет адабиёти жуда тез ва жуда яхши темпа билан ва буюк идеялар билан ўсиб кетаётир. Совет ёзувчиларининг асарларининг бадиий куч-қуввати эътибори билан эски ёзувчилардан юксак туради. Масалан, Жулкунбойнинг «Обид кетмон»и билан Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романларини солиштириб кўрсангиз, идея жиҳатидан

<sup>1</sup> Усмонов Мўмин Усмонович — (1903, Қўқон — 1938) совет партия ва давлат арбоби, журналист, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, Ўзбекистон КП(б) МК маданият ва пропаганда бўлими мудири, Ўзбекистон КП(б) МК пропаганда ва агитация бўлими мудири. Шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлган.



бутунлай бошқа, лекин бадий жиҳатдан, техника жиҳатдан жуда юқори туради...

**ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д №31, 72-бет.**

**УЙФУН:** Жулқунбойнинг диндорлиги союзга маълум эди. Шундан хулоса чиқарилдими? Ундан кейин Ғафур билан Жулқунбойнинг жанжали, бунга ҳам аҳамият бермасдан ўтиб кетилаверди. Ундан кейин, Қозон масаласи. Қозон бригадасининг масаласи доклады кўйилганда, аҳамият берилмасдан ўтиб кетилди. Натижада буни ҳам қаттиқ қўйишга тўғри келди. Шуни раҳбарлар билганми, билганлар. Лекин ўша вақтда тегишли хулоса чиқаришга аҳамият бермаганлар. Ваҳоланки, Жулқунбой сўнги вақтга қадар президиум аъзоси бўлиб келди. Ҳолбуки, жаҳид Жулқунбойга ўхшаган «мен диндорман» деган одам совет ёзувчиси бўла олмайди. Ундан кейин раҳбарларимиз ёзувчилар оммасидан ажралиб қолдилар. Буни ўртоқларнинг ўзлари айтиб ўтдилар. Биз оммадан ажралмаслигимиз керак. Раҳбар қанча ёзувчи бор, шуни билиши керак. Нима қилаётирсизлар, кимлар билан улфатчилик қилаётирсиз, деб текшириши керак экан. Мана шуларни қилмаслик орқасида айрим ёзувчиларни миллатчилар ўз таъсирига олиб қўйганлар. Маиший бузулишларда бўлганлар.

**ЦГА. УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1. Д № 31, 78-бет.**

**ОЙБЕК:** Абдулла Қодирийнинг принциплари тўғрисида: унда ҳеч қандай лирика бўлиши мумкин эмас, агар бўлса, чиқиб гапиринг. «Обид кетмон» ҳақида. Жулқунбой эски қишлоқ турмушини, муллаларни яхши кўрсатган. Шуни ёзганда Абдулла Қодирий бадий усталикка киришади. Янги типдаги қишлоққа ҳеч бир алоқаси йўқ, деганман. Бу романнинг иккинчи қисми хроникадан иборат.

**Ҳ. ОЛИМЖОН:** Уша Қодирий тўғрисидаги асарни ўқиган вақтимизда яна бир нарсани устанowitz қила олмагансиз.

**ОЙБЕК:** Қодирийни критикасида нима деган, ҳар ҳолда уни устанowitz қила олмадик. Проза учун серёзний тема олиш керак эди. У вақтда қимматли асарни топа олмадим. Абдулла Қодирийни критикаси соҳасида ишланмагани учун Абдулла Қодирий возразять этар эди. Илмий мақсад жиҳатдан қизиқдим.

**САВОЛ:** «Совет позициясига ўтди» дегансиз, «Обид кетмон»да коммунистларнинг обрўсини кўрсатади, дегансиз, коммунистларнинг камчилиги билан бўлса ҳам беради, дегансиз?

**ОЙБЕК:** У вақтда бир хил танқиддан ҳаммамизни ҳам хатоларимиз бор эди. Чўлпонда ҳам, Элбекда ҳам бўлмасин, текшириш керак бўлса, «келаётибти, интилаётибти, узатилаётибти» деган гапларга ўхшаганлар ишлатилар эди.

**ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д №31, 127-бет.**

**ТҮЛҚИН<sup>1</sup>:** Союздаги носоғлом аҳвол ва бу кунда фош этилган халқ душманлари, миллатчилар тўғрисида ўртоқ Берегинга озмунча сигналлар берилдими?.. Тахминан ўн бешинчи апрелларда бўлса керак, Берегин бир мунча ёзувчилар билан ўз кабинетида фикр олиш ташкил қилди. Бу мажлисда иштирок қилган ўртоқлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Санжар Сиддиқнинг бузуқ ишлари ҳақида аниқ ва жиддий фактларни айтиб бердилар. Берегин бу фактларнинг жиддий эканини ва тез орада текширажагини баён қилди-да, бир-икки ўртоққа Абдулла Қодирий ва Чўл-

поннинг кейинги асарлари устида матбуотда чиқишни топширди. Албатта бу уюштирувчилик ташаббусини табриклаш мумкин. Лекин нима учундир ўша мажлисдан кейин бўлган икки-уч президиумда ҳам ўша мажлисда айтилган фактлар устида гап бўлмади, бостибости бўлиб кетди. Берегиннинг бу сусткашлиги одатмикин ёки ҳалол ва очиқ фактлар билан бўлган танқидларни менсимасликмикин? Ахир ўша мажлисда Абдулла Қодирий, Элбек тўғрисида озмунча жиддий гаплар бўлганмиди? Лоақал унинг гапларини эсга солганда ҳам Элбек билан Абдулла Қодирийни ўша вақтда фош қилган бўлар эдик. Мана бу факт Берегиннинг коллективдан қанчалик ажралганини, коллективни менсимганини, берилган сигналларга қулоқ солмаганини, ёшларнинг овозига эътибор билан қарамаганини кўрсатади. Йўқса ўртоқ Берегиннинг Абдулла Қодирийга кўнгилчанликда бўлиб келганини нима деб изоҳлаш керак? Ахир Чўлпонни жамоатчилик қаттиқ танқид қилиб, ҳам асарларини, ҳам юриш-туришини фош қила бошлаганда, Абдулла Қодирийнинг ҳам бўлмағур ишларини оча бошлаганда, Берегин «Чўлпон билан Абдулла Қодирий ўртасида ер билан осмонча фарқ бор», деб, Абдулла Қодирий миллатчилигини Чўлпон миллатчилигидан ажратиб, Абдулла Қодирийга нисбатан силликроқ муносабатда бўлишни талаб қилишининг сабаби нима?..

**2 сентябрь, эрталабки мажлис.**

**ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31. 139—140-бетлар.**

**МАТЁКУБ АБДУЛЛАЕВ<sup>1</sup>:** Мен Қозон масаласида шуни айтмоқчиман: Қозонга боришда раҳбарларимиз ким нима қилса шуни ёзиб юбор дейишди. Мен у ерга бориб Шокир ака (Шокир Сулаймон — **Ҳ. Қ.**), Ғафур Ғулом нима қилса, шуни ёзиб юбордим. Мана шу мен ёзиб юборган хатларни мен кимни ёзиб юборган бўлсам ўшанинг ўзига кўрсатибдилар.

Қозон масаласида биз ҳам, Мажидий ҳам, Ғафур Ғулом ҳам яхши настроениядэ эдик, планлар туздик. Бирдан Абдулла Қодирий бориб бутун настроенияни ўзгартириб юборди. У айтдики, «асар ёзиш осон эмас, бу ерда бир сатр ҳам ёзманглар» деди...

**4-мажлис. 2 сентябрь. ЦГА. УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31. 140-бет.**

**Ҳ. ОЛИМЖОН:** Ойбек 1934 йилда Абдулла Қодирий устида бир текшириш<sup>2</sup> ёзган. Шу вақтда Чўлпонни, Фитратни текшириш тўғрисида ҳам гап борар эди. Кейин шу асарни ёзиб бўлгандан кейин, илмий ходимлар ўртасида ўқиганлар ва қабул қилганлар. Мен буни ўқиш вақтида бўлган эмасман. Лекин шундай бўлганлиги ҳақида қарор бор. Кейин қарор билан таҳрир қилишни менга топширганлар. Мен шу асарни ўқиб чиқдим. Биринчи ўқигандан кейин шундай таъсир туғилади. Кеча шунинг учун Ойбекка савол бердим. Уша вақтда савол берган эмасман. Лекин гаплашганман. Абдулла Қодирий ижодини текширган вақтда нима мақсад қўйгансиз, деганимда Ойбек жавоб бердики, Абдулла Қодирий марказий фигура, шунинг учун текширганман деб.

Менимча, Абдулла Қодирий марказий фигуралиги учун текширишимиз тўғри эмас. Ойбек кеча ўзлари айтдилар: ленинизмдан дарс берганман, политэкономиядан дарс берганман, хато қилганман. Ле-

<sup>1</sup> Матёкуб Абдуллаев — хоразмлик, журналист, ёзувчи, туғилган ва ўлган йили номаълум.

<sup>2</sup> Тадқиқот.

<sup>1</sup> Тўлқин Рустамов — наشريётчи, журналист, ҳозирда ҳаёт.

кин биз билмаймиз, унинг қандай хато қилганини, ленинизм, марксизмдан дарс берган одамнинг ўлчови ҳалол бўлиши керак эди. Шу вақтда Ойбек «Энг... Абдулла Қодирий» деб, бошланар эди. Мана Абдулла Қодирийни текширган вақтда шундай деб тушунган. Унинг романларидан «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» бизнинг романларимиз эмас. Унинг совет адабиётига қўшилмоқчи бўлиб бугун «Обид кетмон»ини шундан кейинги иши деб қараганида, асарни таҳрир қилган бўлса, унинг главаларини тушуриб қолгани «кўркам» деган жойларини ўчирганмиз. Ҳақиқатан шу текширишдан маълум бўладики, Абдулла Қодирийнинг ижодига шундай қилиб қарашлик тўғри эмас.

ЦГА, УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 186—187-бетлар.

✓ **Х. ОЛИМЖОН:** Миллатчиларга қарши курашнинг моҳияти бизнинг олдимишга шунинг учун ҳам жуда катта вазифаларни қўядики, бу миллатчилар ҳозир ҳам, шу вақтда ҳам империалист давлатларнинг шўро ҳукумати-га қарши кураш очмоқчи ва совет ҳукуматини емирмоқчи бўлган империалист давлатларга сотмоқчи бўлганлар. Элбек, Чўлпон, Абдулла Қодирий, О. Ҳошимов, Усмон Носир ва бошқалар бизнинг ичимизда туриб, биз билан атайин кураш олиб бордилар ва ҳамон унинг усишини емириш, уни фашистларга сотиш учун курашдилар... Бу кун Чўлпон, Қодирий, Элбек ва бошқалар шундан тўппа-тўғри келиб чиқадиган хулосаки, любой вақтда мана шу аксилинқилобнинг аъзолари, жосус, диверсант қотиллари, шунинг учун миллатчиларга қарши кураш, миллатчилик мафкурасига қарши кураш, бундан кейин ҳам бизнинг олдимишда қаттиқроқ туради...

Шунинг учун жуда эҳтиёсиз равишда улар билан ишлашдик, уларнинг ҳар хил найрангларига ишондик. Биз ўйладикки, ҳатто шундай нарсалар бўладики, масалани мавзу ҳал қилади. Абдулла Қодирий колхоз тўғрисида ёзган экан, демак, дунёга қарашли ҳал. Биз ўйладик: тематика дунёга қарашли, идеологияни белгилайди деб, ҳолбуки бу хато экан. Одамнинг сифатини тематика эмас, балки совет воқелигига нисбатан бўлган актив ижобий иш ҳам ижодда, ҳам амалиётда тайин қилар экан...

Демак, бунда ўртоқ Сталиннинг жуда муҳим кўрсатмаси бизнинг олдимишга келади. Ўртоқ Сталин айтдики, «Зараркунданчилар, диверсантлар ҳамма вақт бу ёмон иш қилади, дейиш хато, улар кечакундуз иш қилиб турган бўлсалар, биз уларни дарров ушлаб олар эдик, улар ўзларини яхши кўрсатмоқчи бўлиб планларини бажариб ҳам кўядилар, улар ўзларининг сирларини шу билан яширмакчи бўладилар».

ЦГА, УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31.  
192, 193, 194-бетлар.

Сталиннинг юқоридаги сўзлари ҳеч бир ҳоким-ҳукмрон, раҳбар кишилар ахлоқига тўғри келмайдиган бемаъни гаплардир. Унинг бу гапидан шу маъно англашладикки, гўё ҳеч кимга ишониш керак эмас, ҳамма халқ душмани, аксилинқилобчи, жосус, кўпорувчидир. Инсонларни доим сергаклик билан кузатиб туриш керак... Ахир бу даҳшатли гап миллион-миллион софдил коммунистларга, партия аъзоси бўлмаган чин большевикларга, социализм ва коммунизм қурилиши йўлида самимий иш олиб бораётганларга қандай таъсир қилади?

Ҳамид Олимжон Қодирий (ва Қодирий кабилар)га қарата анча оғир, сиёсий, куракда турмайдиган бемаъни ҳақорат гапларни айтди. Бундай оғир, туҳмат

сўзларни айтишга унинг қандай тили борди экан? Бу гапларни айтаётганда «Мени Жулқунбой билан таништириб қўй» деб, боғ кўчамиздаги Фазлиддин Ҳошимовга (бу киши ҳозирда ҳаёт) ялиниб (улар Тошкент педбилим юртида бирга ўқишган) бизникига мулоимгина бўлиб келганларини, қўл қовуштириб таъзим адо этиб Қодирий билан кўришганларини, шийпонимиз тагидаги уйга кириб ўтириб, эски классик китобларни тоқчалардан олиб томоша қилганларини эсладимикан? Бу асоссиз, оғизда бору ҳужжатда йўқ гапларга гувоҳ-исбот керак. Агар бу гаплар ҳақиқат бўлганда эди, Қодирийни қайта оқламас эдилар...

Тўғри, Қодирийга қаратилган бу хил «айбнома»ларни кўпгина ёзувчиларнинг «нутқ»ларида кўрамиз. Лекин Ҳамид Олимжоннинг «айбнома»си, айниқса, ўзининг «тўлиқ»лиги, «жиддий»лиги, сиёсийлиги билан ажралиб туради, қўрқинч касб этади. Унинг бу гаплари тегишли жойларда кучли таъсир кўрсатгандир.

Шундай экан, кўнгилга бир андиша келади: «Х. Олимжон бу «айбнома»ларни ўзининг шахсий адовати, ғарази юзасидан айтмадимикан? Зеро, юқорида бир ўринда биз А. Қаҳҳорнинг «Абдулла Қодирий Ҳамид Олимжонни ёмон кўрар эди, «аҳмоқ» дер эди» деган иборасини келтириб ўтдик. А. Қаҳҳор бу гапни Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг 4-пленими арафасида айтади. Бу гапдан барча ёзувчилар, табиийки, Х. Олимжоннинг ўзи ҳам хабардор бўлган. Бироқ Қодирий бу гапни тор доирада, ўзаро суҳбатда айтган бўлишлари мумкин. Аммо бунинг сабабини у киши мантиқан ҳеч кимга айтмаган бўлишлари керак. А. Қаҳҳорнинг ўзи ҳам ёмон кўришлари сабабини билмас, бироқ «ёмон кўрарди» сўзига таяниб, у жўрттага бу гапни (низони) зўрайтиради, алангалатади.

Қодирийнинг Х. Олимжонни «ёмон кўриб қолиши» тарихи шундай: 1935—1936 йилларнинг ёз ойлари эди. Бир кун кечки пайт шоир Усмон Носир бир ўртоғи билан бизникига кириб келди. Дадам уларни қарши олиб шийпонга ўтказдилар. Мен ичкаридан дастурхон олиб чиқдим. Усмон Носир кўнғироқдек товуши билан «тўхтовсиз» сўзлар эди (чамаси озгина ичиб олган эди).

— Манави ўртоғим Қўқондан, бирга ўқиганмиз, ҳар гал Қўқонга борганимда «Тошкентда тушсак, мени Абдулла Қодирий билан таништирасан», дер эди. Мана, ваъдага мувофиқ уни хонадонингизга бошлаб келдим, вақтингизни олган бўлсак узр.

Дадам бўйдор, озғин, қорача йигит билан Қўқон тўғрисида анча сўзлашиб ўтирдилар. Гапга аралашмай ўтирган Усмон Носир суҳбат узилишидан фойдаланиб, гўё янгилик топгандай орага гап қўшди.

— Айтгандай, кеча Х.нинг никоҳ тўйи бўлди, биз роса ўйнадик...

— И-е, шундайми? Мен хабарсиз қолибман-да, бўл-маса борардим, — дадам кулдилар ва дедилар. — Кимга уйланибди?

— 3.га.

Дадам бир нарсанинг андишасига боргандай бир дақиқа жимиб қолдилар, кейин дедилар:

— 3. ҳар жиҳатдан ҳам етук қиз. Бахтли бўлсинлар. Х. ни кўрсанг, «Абдулла акам тўйингизни табрик-лаб борди», дегин! Унутма, хўпми!

— Хўп, албатта айтаман. Энди бизга рухсат. Абдулла ака, ўртоғим эрталаб поездга чиқиши керак. Безовта қилганимиз учун яна узр...

Улар жўнаб кетишди. Дадам картошкага оқма қилиб қўйилган сувни текшириб, яна шийпонга чиқиб ёнбошладилар. Ойим дастурхонни йиғиштириб олиб кетдилар.

— Дада,— дедим мен,— Ҳ. акани тўйини табриклаш сизга шартми эди? У, ахир, сизни тўйига таклиф ҳам қилмади-ку?

— Дадам ўсиб кетган соқолларини қашиб кулдилар:

— Қўявер, бу табрикнинг тагида гап бор.

Мен индамадим. Табрик тагида нима гап бўлиши мумкин, деб ўйладим.

Дадам ўтирдилар.

— Бир кун кечки пайт Коллезия театруси ҳовлисида Ҳ., мен ва яна икки ёзувчи — тўртов суҳбатлашиб ўтирар эдик. Кимдир З.нинг ижодини мақтаб қолди: «Шеърларидан дуруст шоира чиқадиган кўринади»,— деди. Мен ҳам: «Ҳа, унинг ёзган шеърларига баъзан кўзим тушади, бамаъни»,— деб ҳалигининг сўзини кучлаб қўйдим. Шу вақт тинч ўтирган Ҳ.нинг бирдан феъли айниди. У З.нинг шаънига анча нотўғри гапларни айтди. Мен «башаранг қурсин, башаранг қурсин» деб четга ўгирилиб олдим... Бу воқеа шу йил баҳорда рўй берган эди. Мана бугун олти ой ўтмай унга уйланибди...

#### 4 сентябрь.

ОВОЗ: Абдулла Қодирийнинг Қозонда қилган ишлари тўғрисида Амин Умарий гапириб беради, яна сиз гапиринг.

Ш. СУЛАЙМОН<sup>1</sup>: А. Қодирий Қозонда «Мен қишлоққа чиқаман, шунда ишлайман», деди. Қишлоққа Амин Умарий, мен унинг билан бирга чиқдик. Шунда Абдулла Қодирий баъзи бир ўртоқларга қизиқ масалаларни гапирган. Масалан, номерда турган вақтда Амин Умарий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий бошқа номерда эди. Шунда Амин Умарий йиғлаб келган. Абдулла Қодирий мани сўкиб, шундай-шундай деб. Конкрет натижаси шундай чиқдики, Абдулла Қодирий Амин Умарийни «Сен одам эмассан, сизлар бировнинг дўмбирасига ўйнайсиз, сенларнинг ижодинг ҳеч нарсага арзимайди, сендан шоир чиқмайди» деб. Энг ёмон гапи шундаки, Гитлер билан ўртоқ Сталиннинг сравненияси. Шундан сўнг биз Ғафур Ғулом билан гаплашиб, Абдулла Қодирий билан уришдик, у шундай гапларни гапиради, дейди. Мен (Шокир Сулаймон — Ҳ. Қ.). айтдимки, шу ёлғон, ёзиб бергин, биз уни яхши текшириб кўрамиз, деб. Амин Умарий шошилдим, Ғафур Ғулом билан кетиб қолди. Бу масала жуда катта масала эди. Шу масала союзга айтилди деганда, Усмонов олдида бу масалани қўзғата бошлаганда, Усмонов: нималар қилгансиз, маъноли қилиб қисқагина гапиринг, дейди. Шунинг билан қолди. Бизнинг хатомиз шундаки, бу нарсани шу ерда яхшилаб айтиш керак эди.

ПРЕЗИДИУМДАН ОВОЗ: Сиз ҳам индамасдан кетавердингизми?

Ш. СУЛАЙМОН: Мен илгари тушунмадим. Амин Умарий айтдики, мен союзга борганман, деди.

ЦГА. УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 266—267-бетлар.

(Амин Умарий Союз президиумининг қарори билан 11 сентябрда Союз аъзолигидан ўчирилади — Ҳ. Қ.).

#### 5 сентябрь.

АДҲАМ РАҲМАТ: Кеча Берегин ўртоқларга Абдулла Қодирий, Чўлпон, Отажон Ҳошим, шулар устида нима биласизлар, деб савол берди. Кўп ўртоқлар чиқишиб

<sup>1</sup> Шокир Сулаймон — (1900, Қўқон — 1942) ўзбек совет ёзувчиси, шоири, маорифчиси, матбаачи, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзиди бўлиш мудири, Ўзбекистон давлат нашриётининг редактори, кўплаб асарлар муаллифи. Шахса сифини даврининг қурбони бўлган.

сўзлаб берди, айниқса, мен Абдулла Қодирий Қўқонга борган вақтида мачитга кириб ётишлиги, чиппака чиққан кишилар билан алоқа қилганлигини кўрдим...

СОРОКИН<sup>1</sup>: Эски губернаторларга ўхшабти-да.

А. РАҲМАТ: Чўлпоннинг турк пластинкасини қўйганлигини айтдим.

ЦГА УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 268-бет.

ОҲУНДИЙ: Эсингизда борми, бир вақтда бизни ЦК га чақиргансиз, биз шунда Абдулла Қодирий ва шунга ўхшаш душманларнинг қолдиқларини фош қилиш тўғрисида бирмунча нарсаларни айтган эдик. Шулар тўғрисида қандай чоралар кўрдингиз?

Қ. БЕРЕГИН: Чўлпон, Абдулла Қодирий тўғрисида мақола ёзиш ва уларни танқид асосида кўрсатишни айтдим. Улар бизнинг ёшларимизни кучлилигига баҳо бермайди, деб айтганман.

Ҳ. ОЛИМЖОН: Пленумда Қурултойнинг яқунлари ҳақида қилинган докладда Чўлпон, Абдулла Қодирийлар тўғрисида сўз кетган эди. Шунда сиз Чўлпон, Абдулла Қодирий тўғрисида бир мунча сўзларни айтган эдингиз.

Қ. БЕРЕГИН: Айтганман, Абдулла Қодирийга қараб, аксилинқилобчи, миллатчиларни очиб бериш керак, деб қаттиқ танқид қилганман.

ЦГА. УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 302—303-бетлар.

Марҳум А. Раҳмат у чоқларда ёш бўлган, албатта ёзувчиликнинг нозик жиҳатларини тушунмаган. Ўша вақтларда улғу адиб Қўқон хони Амир Умархон тарихидан роман ёзмоқчи ва шу боисдан маълумот тўплагани Қўқонга борган эдилар. Аввало, масжидда тунаш, ётишнинг ўзи ёзувчига ўша давр руҳига киришга ёрдамлашар эди. Иккинчидан, ёзувчи масжидда ўзини жуда тинч ва эркин сезар, хоҳлаган кишини қабул қилар, суҳбатлашар эди. «Чиппака чиққан кишилар» масаласига келсак, ёзувчига худди ўшандай кишилар керак эди. Улар тарихдан энг керакли, қимматли маълумотларни бера оладиган кишилар эди.

#### 8-мажлис.

ОЙДИН: ВКП(б) Марказий Комитетининг 23 апрель қарори чиққандан кейин Союз атрофидаги кишилар, умуман ёзувчилар ўртасида икки хил оғмачиликлар пайдо бўлди, бири — ўнг, иккинчиси — сўл. Унг оғмачилар Марказий қарорига ён босиш бизга ялиниш деб тушундилар. Бизсиз совет ҳукумати ҳеч нарса қила олмайди, деб тушундилар. Мана бунинг яққол мисоли Абдулла Қодирий эди. Абдулла Қодирий бошида шу фикрда юриб (қандай фикрда, қаерда, кимларнинг олдида бу фикрни айтибди? — Ҳ.Қ.) кейин танқид қилингандан кейин «Мен ундай деганим йўқ» деган бўлса ҳам (демаган нарсасини демадим, дейди-да, гувоҳ-исбот керак — Ҳ.Қ.) ҳозиргача шундай фикрда юрганлиги маълум бўлди...

ЦГА, УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 313-бет.

Жулқунбойнинг аксилинқилобий фикрларини билмасдан келдик, десак хато бўлади. Октябрь инқилоби олдида Охундий келиб ёзувчилардан талаб қилди бирон нарса ёзиш тўғрисида. Шу вақтда Жулқунбой Уйғунга ёзишликни топширди. Шу ерда бир мунча илмоқлик сўзларни айтди. Буни на Охундий, на мен кўтардим. Мана шу нарсани ман билган эдим. Шунда,

<sup>1</sup> Сорокин Қосим Иброҳимович — (1899, Ульяновск обл. — 1939) журналист, партия ходими, 20-йиллар матбаачилигининг фаол қатнашчиси. Ўзбекистон КП МК матбуот бўлимининг мудири, УзССР Маориф халқ комиссари лавозимларида ишлаган. Шахса сифини даврининг қурбони бўлган.

Берегин аблах, деди-да қўйди, лекин мен шуни президиумда қўйишим керак эди, шуни ҳам қўймаганман.

ЯШИН: Ҳатто шу тўғрида мажлисда ҳам сўз бўлди.

Ойдин Собирова ўз сўзини ваҳималироқ қилиб кўрсатиш учун юқоридаги воқеани бўрттириб, шишириб кўрсатган. Йўқса, гапнинг қизиғи, «шираси» қолмас эди. Худди шу масалани, юқорида бир оз хабардор бўлганингиздек, Қодирийнинг ўзлари бундай ҳикоя қилган эдилар:

«Союзда Уйғун, Фафур Ғулом ва яна бир неча ёзувчилар ўтиришар экан. Икки-уч кун бурун ҳукумат тарафидан Уйғунга янги уй берилган бўлиб (Уқчи маҳалласи яқинида, МК биносининг рўпарасида, тўрт қаватлик уйдан — Ҳ. Қ.), гап шу уй тўғрисида борар экан. Мен ҳам Уйғунни янги уй билан табриқладим. Шу орада хонамизга биров кириб (демак, аниқланишича, Охундий экан — Ҳ. Қ.):

— Абдулла ака, Октябрь инқилоби сизга нима берди? Бир мақола ёзиб беринг,— деди. Мен кулиб:

— Октябрь инқилоби Уйғунга мана уй берибди, Уйғун ёзин,— дедим. Кулишдик».

ОЙДИН: Шунда ҳам қатъий фикрга келинмаган, бир йилга яқин бўлди, III пленумда Абдулла Қодирийни президиумга олиб чиқиб ўлтирдик. Берегин президиум мажлисида Абдулла Қодирийни машинада олиб келишликни айтган эди. Мана шундай қарашларга биз ишониб кетаверганмиз. Лекин буни жамоатчиликнинг ўртасига олиб келиб қўймаганмиз.

**ЦГА, УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д№ 31, 318-бет.**

Ойдин Собирова ёзувчи, лекин унинг нима ёзганини билмайман, ўқимаганман. Узи Союз аппаратида ишлаб юрар, умуртқа сили билан оғрир, букур аёл эди. Унинг отаси Собирхон ака (мен у кишини шахсан танийман) миллионер бойлардан, дадамнинг айтишларича, Финляндияда иккита магазини бўлган: бириси чармтери ва иккинчиси базозлик (ипак моллари) магазини. Ойдин Собирова юқоридаги қораловчи гапларни ўзини ҳар жиҳатлама эҳтиёт қилиш учун айтгандир. Жулқунбойнинг елкаси бақувват, жамики ёлғон-яшиқларни кўтараверади. Ишқилиб ёшлар омон бўлса, бурни қона-маса бас...

**1937 йил, 1 сентябрь, 3-ўлтириш, кечки мажлис.**

**Раис — З. Фатхуллин.**

ФАФУР ҒУЛОМ:— ...Энди ҳаммангизга маълумким, халққа мен ўттузлаб китоблар чиқардим, мана шу китоблар билан совет ҳукумати учун ва шу жамоат учун ва унинг талабини ижро қилиш учун хизмат қилдим. Шундай хизматларимни бўлишига қарамай мени жуда катта-катта хатоларим ҳам бўлди. Жумладан олган вақтда, Жулқунбой, шунга ўхшаган аксилинқилобчи, миллатчи кишилар мени ўз ёнларига тортмоқчи бўлдилар. Биз ҳақиқатан ҳам шу аксилинқилобчилардан Жулқунбойнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» ва ундан кейинги «Обид кетмон» китобларини олганимизда бунда унинг қандай киши эканлигини кўрдик. Мана шулар ўз идеяларини қандай эканлигини шу китоблар орқали кўрсатмоқчи бўлганлар. Энди мени ичкилик ичишлигимга келган вақтда, бу қандай пайдо бўлди? Бу ҳафаликдан бўлмай, балки хурсандликдан, шу кайфиятга киришдан бўлишим тийиш. Ҳар қайси кишилар совет ёзувчиси деб жуда ҳам катта ҳурматлар қилдилар. Мана бу ҳурматлардан сўнг босар-тусаримни билмасдан кетиб, катта-катта пуллар ола бошладим, эркалашлар кўп бўлиб кетди. Мана шулар орқасида ича бошладим, ёмон йўлларга

юра бошладим. Албатта мени шундай ичиб юриш-лигимни кўрган Жулқунбой ва бошқа миллатчилар бўлсин мендан фойдаланди, чунки ҳаммаларингизга маълум, мен жуда ҳам ичкиликка берилган эдим. Натижада Жулқунбой билан ҳам ичиша бошладим. Жулқунбой аста-секин мени ўзининг дўсти бўлган аксилинқилобчи миллатчиларга яқинлаштириб, ўзига тортмоқчи бўлди. Бир куни менга, бир жойга меҳмондорчиликка борамиз, деди. Мен ўйладим — бирон кишини уйига бориб меҳмон бўлиб қайтармиз деб. Натижада айтган жойга борсак, у ерда Чўлпон, Жўра Маҳкам (бу киши Чорсудаги катта бир китоб магазинининг мудир эди — Ҳ. Қ.) ва бошқа бирмунча кишилар ўлтирган экан. Мен буларни кўриб ҳайрон бўлиб ўлтиравердим. Мана бу ерда Жулқунбой бирмунча масалалар тўғрисида балиқ бўлиб суза бошлади (Қодирий нотик эмас эдилар. Бу гапни мен бир неча ерда таъкидладим ва бошқалар ҳам айтишди. Шу ҳолда балиқ бўлиб сузиб, ҳаммани ўзига қаратиб, маҳлиё қилиб, сўз сўзлашларига ҳеч ишониб бўлмайди. У киши мажлис, зиёфат бошқармас, бир чеккада камтарона ўтирар, гап сўрасаларгина жавоб берар эдилар — Ҳ. Қ.) Масалан, у ерда заём, гўшт (солиғи бўлса керак — Ҳ. Қ.) тўғрисида сўз бўлди. Мана шуларни тегишли идораларга маълумотини берган бўлсам ҳам, шу масалаларни ўз вақтида Союз олдига қўйиб фош қилмаганман. Хўш, агар мен шунинг билан юраверган вақтимда яна бошқа шундай жойларга олиб бориши мумкин эди (Гапнинг хулосаси қани? Уша мажлисда қандай сиёсий гаплар бўлди? — Ҳ. Қ.). Мана шунга ўхшаш хаталик Наманганда ҳам бўлди... (Фафур Ғуломнинг Намангандаги хатосида ҳайтовур Жулқунбойнинг иштироки бўлмаган экан — Ҳ. Қ.).

...Шунга ўхшаган Қозонда бўлган вақтда, бир кун Абдулла Ҳахшор, Абдулла Қодирий, мен — учовимиз пивхонада пиво ичишиб, қайтишда тожикча гапиришиб келишдик, ундан кейин менинг отимни булар «аффон» қўйишди, биз мағрур бўлиб, аффонмиз деб юраверибмиз. Лекин мени бунинг билан аффонни симпатизировать қилиб, совет граждани бўлишини унутганим йўқ эди. Лекин мана шуни сиёсий хато эканлигини тушуниб етмабман.

Хулоса, ўртоқлар, ичкилик деган нарса мени кўп оғир фожиаларга туширди, бориб душман билан оғиз-бурун ўпишишгача олиб бориб қўйди...

Миллатчилар бўлсин, аксилинқилобчилар бўлсин, кишига яқинлашишни ҳар хил йўлини топишар экан. Мен бунинг ўтган пленумда ҳам айтган эдим. Бир вақт сизнинг ҳафагарчилигингизни пойлар экан, шу маҳалда жуда юмшоқлик билан яқинлашар экан, бир вақт хурсандчилик вақтингизни топиб, сиз билан бирга таралатарала қилар экан. Бир вақт пулингиз йўқ вақтини топиб, сизга «ҳа, ўғлингни тўйда берарсан» деб пул бериб, шу баҳона билан сизга тез-тез учрашиб турар экан. Бир вақт пулингизни олиб, ҳар уч кунда истаб боришга мажбур қилар экан. Мана шуларнинг ҳаммасига ичиш сабаб бўлар экан. Мен комиссияда ҳаммасини яширмасдан айтиб бердим. Энди бундан кейин улар мендан қўғирчоқ чиқара олмайди. Мен энди уларни жуда ёмон қиламан.

Жулқунбойнинг яна битта нарсасини айтиб бераман, 1933 йилда Жулқунбойни Самарқандда кўриб қолдим. Уша вақтда Жулқунбойга ҳурмат катта эди. Ҳатто шу кунларда Союзга кириш учун Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Таваллолар ҳаракат қилиб юрган эди. Ғози Юнусга бирмунча ишлар топширилган эди. Ғози Юнус Фарғонада ярамасроқ жойидан ўқ еган. Жулқунбой бир куни менга шундай деди: «Ғози Юнус ўқ епти,

буни майна қиламиз», деди. Шунинг билан биз иккаламиз шунга бағишлаб шеър ёздик.

ЯШИН: Сенда ҳам борми?

Ғ. ҒУЛОМ: Йўқ.

Ҳ. ОЛИМЖОН: Чўлпонда бор.

ФАТХУЛЛИН: Санжардагини биламиз.

Ғ. ҒУЛОМ: Комиссия шунга сўраган вақтда мен айтдим, 29 йилда биринчи маротаба матбуотга чикдим (Сиз унинг 1928 йилда Қодирийни танқид қилиб ёзган каттагина мақоласини юқорида ўқидингиз — Ҳ. Қ.).

Шунгача баъзи бери нарсаларни ёзиб юрар эдим, лекин охириги вақтда бир ифлос учун мени қаламим қўлга тушди. Мен билан Ғози Юнуснинг нима алоқаси бор эди. Мен у билан маслақдош бўлмасам, ҳеч қандай қариндошлигим бўлмас, мен булар тўғрисида комиссияда айтиб берганман. Мен ишонаманким, бундан кейин шу муттаҳамларни ҳушёрлик билан сирларини фош қиламан, совет жамоатчилигига ҳам ўзимга ҳурмат билан бутун айбларимни иш билан юваман.

БЕРЕГИН:— Сен А. Қодирий, Чўлпонлар билан бир мажлисда бўлиб, сени ўзинг иқрор қилганингча, сени ҳар хил ахлоқлардан қутқариб, мана шундай бир шоир қилиб етказган ҳукуматга қарши сўкишда, нафратда, яъни шу ҳукуматга қарши суҳбатларда бўлиб-да, сени ўзинг иқрор қилганингча, ҳурмат қилган ҳукуматингга айтмаганлигинг, ёки мана шу Союзнинг олдида айтмаганлигинг, шулар билан ҳамфикр бўлиб кетганликни қандай айб деб ҳисоблайсан?

ҒАФУР:— Катта кечирилмаслик айб деб ҳисоблайман.

БЕРЕГИН: Миллатчиларнинг ҳукуматга қарши сўкишларида, мажлисларида бирга бўлсин-да, шунга билдирмаслик, демак, шуларнинг айтганларига рози бўлгансан.

ҒАФУР: Мен ризо бўлган эман.

БЕРЕГИН: Комиссия очқунча шунга айтмаганлигинг, албатта, шунга ризо бўлган бўлиб чиқади.

ҒАФУР: Комиссияга мен ўзим айтиб бердим.

БЕРЕГИН: Сен президиумда бошқача қилиб сиёсий характеристика бердинг, буни президиумда бўлган одамлар айтиб берар. Эсингдан чиқмаган бўлса керак, шу равишча қилиб айтиб бермаган эдинг.

ҒАФУР: Мен шуларни ўз вақтида келиб айтмаслигим, бу мени бефаҳмлигим, аҳмоқлигим. Шулар билан бирга қилиб кўятурган нарса.

БЕРЕГИН: Халқ душманларининг халққа қарши, халқнинг ҳокимиятга қарши ҳаракатларини бекитишликни нима деб айтилади?

ҒАФУР: Душманлик деб айтилади...

ОВОЗ: Қозонга Абдулла Қодирий борди. Шунда: «Совет адабиёти Абдулла Қодирий билан фахрланади»,— дедингизми, йўқми?

Ғ. ҒУЛОМ:— Дедим.

ОХУНДИЙ: Ичкилик ичиш вақтингда ёнингда пулинг бўлмагани ҳолда бирон киши сенга пул берганми?

Ғ. ҒУЛОМ: Бундай сўзлар кўп бўлган. Ичкилик учун ҳеч ким пул бермаган. Аммо қарз сўраб олишим бор, ичкилик учун эмас.

БЕРЕГИН: Камбағал бўлишликка ўзинг сабаб экансан-да. Ёзувчилар Союзи баъзи шароитларни туғдириб берган бўлса ҳам, сен шундай қилиб юргансан.

Ғ. ҒУЛОМ: Тўғри, шароит туғдирилган...

ОВОЗ: Абдулла Қодирийнинг дини қандай?

Ғ. ҒУЛОМ. Билмадим...

ОВОЗ: Қозонга борган вақтда Ғ. Зафарий ҳақида биз бир фикрга келган эдик. Ўзбекистонга боргандан сўнг тегишли жойларга билдиришлик тўғрисида. Шу нима бўлган?

Ғ. ҒУЛОМ: Гражданилик вазифасини адо қилишликка ҳаракат қилдик.

УСМОНОВ: Шунча айбларни, хатоларни асоси қаерда?

Ғ. ҒУЛОМ: Ўқимаганликдан.

УСМОНОВ: Яхшилаб ўйлаб сўзланг.

Ғ. ҒУЛОМ: Тўғриси, яхши ўқимаганман, лекин ўзимни ижтимоий келиб чиқишимга ҳеч қандай шубҳам йўқ. Миллатчилар қўлида ўқимаганман, совет тарбиясида ўқиганман, лекин мени шу қилган хатоларим сиёсий кўрлигим орқасида келиб чиққан нарса...

УСМОНОВ: Сизни гапирганларингиз, бутун фактларингиз бутун саволга жавоб бериб турибти. Бунинг асоси қаерда? «Мен юрагимни очиб ташламоқчиман», деганини сабаби қаерда? Нима учун сиз совет ёзувчиси деб шу душманларни раҳмсизлик билан фош этиб бермадингиз? Шуларга ён босиб кетавердингиз?

Ғ. ҒУЛОМ: Жулқунбой тўғрисида бўлатурган бўлса, ўшаларни тўхмат қилишади. Бу ерда президиумда сайлаган раҳбарлик ўринларда турганлар бошқа хатоларни тузатади, дейишади. Бизлар ўшалар кетидан кетабердик.

БЕРЕГИН: Ҳозирги савол берганлар, жавобга қаноатландингизми?

Ғ. ҒУЛОМ: Йўқ дейишади (кулги овозлари)...

АБДУЛЛАЕВ: Фош қилинган душманлардан бош орқа қилган кишиларингиз борми?

Ғ. ҒУЛОМ: Йўқ, мени бош орқа қилганларим сизлар.

САВОЛ: Шулардан бошқа йўқми?

Ғ. ҒУЛОМ: Йўқ.

САВОЛ: Зарарқунандачи Жулқунбой, Наби Шарипов қандай одам эди?

Ғ. ҒУЛОМ: Танимас эдим.

САВОЛ: Немис тили ўқиш тўғрисида гапирилган. Ушанда сиз Жулқунбой билан гапиришгансиз ва немис, руслар тўғрисида сиз нима дегансиз?

Савол очиқ қолган.

ҒАЙБУЛЛАЕВ: Жўра Маҳкамов Наби Шарифийга миллатчилар ташкилотининг фойдасига сарф қилиш учун 600 сўм берган экан, шундан хабарингиз борми? (Бу гап ҳақиқат эмас ва ёки иғво учун қўлланилган бўлиши мумкин. Чунки пул берувчининг ўзи давлатнинг ишончли кишиларидан бўлган. Бу аниқ — Ҳ.Қ.)

Ғ. ҒУЛОМ: Йўқ. Мен бундан кейин ўша аблаҳларни, сволочларнинг ҳаммасини фош қиламан, токи бундан кейин менга ўхшаган аҳмоқларни улар фойдаланиш учун ўзларининг йўлига солиб олмасин. Мен шу ишимни ҳам ҳаётимда, ҳам турмушимда партия билан бирга боришга ваъда берман. Сизлар менга дўстона ёрдам ва имкониятларни туғдириб беришингизни сўрайман.

ЦГА, УзССР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31. 90—105-бетлар.

К. Яшиннинг пленум муқаддимасида сўзлаган «оташин» нутқидан: ...Ёзувчиларнинг «ёзувчи» деган номи қанчалик баланд ном эканлигини билишимиз керак. Чунки совет ёзувчисидек бахтли ёзувчи ҳеч бир дунёга келган эмас, бўлган эмас. Бунинг тарихини суриштирганда, ўткандаги ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам бахт деган нарсани кўрмасдан, «бахт» деб йиғлаб ўтиб кетганлар. Бахт фақат совет ёзувчисиники. Шунинг учун бахт ғалабаларини куйлаш, унинг сурурини, лаззатини сезиш ва бошқаларга бериш бизнинг — совет ёзувчиларининг улуғ вазифаси бўлиб туради. Бизнинг олдимиздаги асосий вазифа бундан кейин бизнинг атрофимизни ўраган муҳитни яхши билишимиз керак. Душманларимизни то охиригача фош қилишимиз керак.

Совет ёзувчилари қаторидан душманга, совет платформасини менсимаган, эътибор қилмаган, советларга қарши, совет воқелигига қарши курашувчи душманларга қатъий зарба беришимиз керак. Бизнинг соҳамиздаги душманларнинг шу методларига қарши зарба беришимиз, пачоқлашимиз керак. Бунинг учун ўзимизнинг орамизда бўлган беғамлик касалини ҳар кимнинг башарасига, мансабига қарамасдан очиб ташлашимиз керак. Бунинг учун биз ўзимиздан бўлган инқилобий ҳушёрликни мустаҳкамлашимиз, большевизмнинг ва партия тарихини билишимиз ва ўрганишимиз керак... Биз шундай асарларни яратайликки, бизнинг бундан кейин яратган асарларимиз бизнинг адабиётимизни, драматургиямизни, поэзиямизни бўғмоқчи бўлган синфий душман, халқ душманлари З. Саид, Элбек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқа душманларга қарши иккинчи бир зарбали жавоб бўлиши керак.

Биз бундан кейин шундай асарларни беришимиз керакки, бизнинг ёзган асарларимиз бутун дунё меҳнатқашларининг диққатини, уларнинг муҳаббатини ўзига тортатурган, Сталин байроғи остида тўплайтурган бўлсин.

Биз шундай асарлар берайликки, бизнинг келажак бўғинлар одамизотни бахт-саодат йўлига етаклаган улғу доҳиймиз Сталиннинг йўлига қарши чиққан ифлосларнинг кирдикорларини ўқиб, уларга қарши нафратларини кучайтирсинлар. Шу асосда ижодий кураш учун мустаҳкам курашадиган бўлиб тарбиялансинлар.

Битсин бизнинг орамиздан ҳайдалган ва бизнинг адабиётимизни бузишга уринган халқ душманлари — троцкийчи, бухаринчи, миллатчи, аксилинқилобчи З. Саид, Элбек, Чўлпон, Фитратлар!

Яшасин бизнинг Ўзбекистон халқи ва унинг совет адабиёти! Олқишлар.

**ЦГА. ҲСРСР, Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 31, 52, 53, 55, 56-бетлар.**

Биз бу бобда Ўзбекистон ССР Марказий Давлат Архивида сақланувчи стенограмма материалларидан айрим, Қодирийга тегишли ўринларни кўчириб сиз ҳурматли ўқувчиларга тақдим этдик.

Баъзилар: «Улар бу ишларни мажбурият, тазйиқ остида қилганлар», дейишади. Бу гап балки тўғридир. Сталин ҳокимияти уларни бу ишга зўрлаган, тезлаган бўлиши мумкин. Хўп, у ҳолда бир савол: «зўрлади» деб, гуноҳсиз, айбсиз кимсаларга тўхмат қилавериш қандай одамнинг иши? Шу ўринда бир гап ёдимга тушиб кетди.

Шоир Шайхзода институт ҳовлисида уч-тўрт олимлар билан сўзлашиб турар экан. Буни кузатиб турган бир шогирд ҳалиги олимлар тарқалишиб кетгач, Шайхзода ёнига келиб дейди: «Домла, бу сиз сўзлашиб турган олимларнинг бари сизни қамоқда беш йил ўтириб чиқингизга сабабчи бўлган тўхматчилардир. Шу ҳолда, ҳайронман, нега сиз яна улар билан сўзлашиб турасиз?» Шайхзода дарҳол дейди: «Хафа бўлманг, ўғлон, бу кимсалардан гиналаб юришга арзймайди. Улар ожиз одамлардир...»

Яхшики, қодирийлар бор экан. Йўқса, қамаш нормасини тўлдариш учун Сталин маҳкамасига ожизларнинг ўзлари қамалар эдилар. Шундай қилиб, қодирийларни қаматиб ўзлари нажот топдилар. Бу жиҳатдан олганда ҳам ожизлар қодирийлар олдида яна бир бор қарздорлар. Бу гап кулгилик эмас, ҳақиқатдир. Юқорида ўқидингиз, қимда-ким Қодирийни қоралаган бўлса, жазодан омон қилади.

Масалан, хоразмлик покиза коммунист, моҳир ташкилотчи, нотик бўлмиш Қурбон БерEGIN 1937 йилга қа-

дар Ўзбекистон Марказий Комитетининг бўлим бошлиғи, зўр таржимон, Ёзувчилар Союзи ҳамда президиумининг аъзоси, Союз ишларининг назоратчиси бўлиб ишлаб келган. Бу инсон Абдулла Қодирийнинг қандай буюк эканлигини маънан тушунади ва бундай нодир кимсаларнинг Ўзбек Совет адабиётининг гуллаши, юксалиши, равнақи йўлида қандай бўлса-да асраб қолиш кераклигини теран англайди. Бироқ тўртинчи пленумда БерEGINнинг бу чуқур мулоҳазаларини тушунувчи кимса бўлмайди. Шунга қарамай БерEGIN илож борица Қодирийни ҳимоя қилади. Пленум, аксинча, «Миллатчи, аксилинқилобчиларнинг ҳомийси» деб, БерEGINнинг ўзини кескин қоралайди ва пленумнинг охириги куни қайта сайлов ўтказилиб, БерEGINни президиум аъзолигидан чиқариб, паства тушириб ўтказдилар ва Союз аъзолигидан ўчирдилар, шу кун кечқурун Марказий Комитетда унинг иши кўрилиб партиядан ўчирилади ва эртасига қамоққа олинади. (Бунда балки бошқа сабаблар ҳам бўлгандир).

БерEGIN Қодирийдан анча илгари қамоққа олинади. Шунда бир кун, қамоқда (қандайдир зарурат бўлган бўлса керак) терговчилар БерEGINни Қодирий билан юзлаштирадилар. Терговчи БерEGINга Қодирийни кўрсатиб дейди:

— Бу одамни танийсанми?

— Танийман,— дейди БерEGIN ҳеч иккиланмай, терговчига тик қараб,— бу киши Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, буюк ва машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий — Жулқунбой бўладилар!..

Қурбон БерEGIN<sup>1</sup> қамалганидан бир йил кейин отишга ҳукм қилинади.

#### «ШУ-УВВ!» ЭТИБ ЖАҲАННАМГА ТИК ШУНҒИБ КЕТДИ...»

Ёзувчилар Союзидан ўрта ёш бир татар аёл (исмини унутдим) ишлар эди. У хат ташувчилик қилар, Союздан ёзувчилар уйига хат-хабар етказиб турар эди. Сентябрь ойи бўлса керак, шу аёл бир кун елкасида сумка, пешин чоғида кириб келди. Дадам ўрик тагидаги супада ўтирар эдилар. Аёл саломлашиб дадамга деди:

— Кечирасиз, Абдулла ака, мени Союздан юбордилар, сизни Союз аъзолигидан чиқарган эмишлар. Союз билетини келтиришга буюрдилар.

— Хўп... мен буни кутиб ўтириб эдим,— дедилар дадам кулиб ва менга қути ичидан Союз билетини чиқариб беришни буюрдилар.

Мен тоқчадаги қути ичидан Союз билетини (удостоверение) олдим. У бир гугурт қутичаси катталигида, жигарранг муқовали, ичкарасида Максим Горькийнинг «М. Горький» деб имзоси қўйилган эди. Мен уни дадам ишораси билан аёлнинг қўлига бердим.

— Мана,— дедилар дадам аёлга,— олиб бориб беринг. Улар менинг билетимни тортиб олсалар ҳам қаламимни тортиб ололмайдилар. Барибир, ёзавераман, ёзганларимни Союзсиз ҳам нашриётда бостиравераман, бориб айтинг!

— Ёзинг, ёзинг, ёзгонларингизни севиб ўқиймиз,— деди аёл ва негадир йиғлаб чиқиб кетди...

\* \* \*

Сентябрь ойида бўлса керак, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари советининг Раиси Файзулла Хўжаев ва Ўз-

<sup>1</sup> Қ. БерEGIN ҳақидаги маълумотлар архивларда тўлиқ сақланади. Тарих фанлари номзоди Оллоназар Собиров (хоразмлик) БерEGINнинг ҳаёти, ижоди, иш фаолияти билан шуғулланади ва унинг ҳақида китоблар ёзган — Қ. Қ.

бекистон Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромовлар олдинмакейин қамоққа олиндилар. Бу хабарлар халқни яна ҳам ташвишлантирди, турли-туман миш-мишлар чиқишига сабаб бўлди. Иш кошки уларнинг ўзини қамаш билан чекланса эди. Уларнинг оиласи, қариндошлари — барчаси терговда, сўроқда, ҳатто қамоқда. Айтишларича, қамоқхоналар лиқ тўлиб кетган эди.

Масалан, ёзувчи Ғози Юнус ҳибсга олингач, хотини ҳам (бечора Хадича опа саводсиз, уй бекаси эди) қамалади, иккита ёш-ёш қизлари болалар колониясига жўнатилади ва уйларига қулф тушади. Уғли, менинг ўртоғим Тўлқин чекка районда ишлаб юргани учун омон қолади. Шу сабабли болалар оталарини, хотинлар эрларини, оталар болаларини инкор қилиб ёки фамилияларини ўзгартириб қутулганлар ҳам бўлди. Иш шу даражага етган эдики, баъзан боласи отаси устидан, куёви қайнотаси устидан маълумот бериб турарди...

Кўчаларда, йиғинларда, ишхоналарда кишиларнинг бир-бирлари билан очилиб сўзлашлари йўқ. Ҳамма бир-биридан чўчийди. Сўзлашганда ҳам шивирлаб сўзлашдилар. Шунда, ёғоч бозорда ўтин сотиб ўтирган икки кишининг ғалати суҳбатини эшитиб қулганман. Бириси: «Акмал билан Файзулла Ўзбекистонни Англияга сотиб боришига оз қолган экан-да, барака топкур Сталин хўб вақтида билиб қолибди...» — деса, иккинчиси: «Бизни Афғон эгаллаб олмоқчи бўлиб турган экан...», — дер эди.

Газета саҳифларида-ку, ҳар куни: «Миллатчи, аксил-инқилобчи, ватан хоинлари, халқ душманларига ўлим, бу икки хоиннинг (А. Икромов, Ф. Хўжаев) махфий ташкилоти бор экан, ўзлари иқрор бўлишди. Энди уларнинг қолдиқ — думларини охиригача фош қилишимиз, таг-туғи билан қириб ташлашимиз керак...» қабилидаги ваҳимали гаплар.

Мен бу хабарларни ёки газеталарни кўтариб уйга келар ва дадамга айтиб берар эдим. У киши ажабланиб тинглар ва «Шуларни ташкилоти бор эканми, а?» дея ишонқирамас, таажжубга тушар эдилар...

\* \* \*

Кузнинг бошлари эди. Кунларнинг бирида оғзим оғриб, милкимда ўйилган бир яра пайдо бўлди, ейишичишим қийинлашди. Уч-тўрт кун у-бу билан оғиз чайиб юрдим. Барибир тузалмади, оғриқ зўрайиб, яра катталашгандек бўлаверди. Дадам:

— Манноп табибга бориб кўрсат, у яра-чақага уста, — дедилар ва қўлимга ўн сўмлик пул бердилар.

Тошкентда Манноп табибнинг уйини билмаган киши йўқ эди. Себзор маҳалласига бордим. Табиб оқ-сарикдан келган, чўзиқроқ юзли, оқ-сарик соқол-муртли киши бўлиб, ташқари ҳовли-меҳмонхонасида икки-уч киши билан (беморлар бўлса керак) суҳбатлашиб ўтирар эди. Мен салом бериб, пойгакка тиз чўкдим ва одоб сақлаб жим ўтирдим. Табиб беморларни жўнатгач, менга юзланиб:

— Кел болам, нима бўлди? — деди.

Мен шикоятимни айтдим. У «бери кел-чи» деб мени ўз ёнига ўтказди (у кексайиб қолганиданми, ўрнидан қўзғалмас эди), оғзимни очиб қаради-да, бармоғи учини ярамга теккизиб ҳидлаб кўрди ва:

— Бўпти, ўғлим, сенга ҳозир бир дори бераман, уч кунда тузалиб кетасан, — деди.

Табиб ёнидаги бир қутини очиб, майдаланган аччиқ

тошга ўхшаш бир доридан кичкина қоғозга бир-икки отим носвой миқдориди тўқди ва ҳўлланган бармоғини кукун дорига теккизиб ярамга босди сўнг қолганини ўраб қўлимга берар экан: «Ҳар куни икки маҳал мен кўрсатгандай қилиб ярамга босгин», — деди. Мен дорини олиб раҳмат айтдим ва пулни узатдим. Табиб пулни олиб «бу кўп-ку» деди, кўрпачаси тагидан майда пуллар олиб етти сўм қайтим узатди ва «инсоф сари барака, ўғлим», деб қўйди.

Мен яна бир бор раҳмат айтиб ўрнимдан турдим. У:

— Қаердан келдинг, яхши бола кўринасан? — деб сўради.

— Самарқандарвозадан.

— Э, Жулқунбойлар маҳалласиданми, кимнинг ўғлисан?

Мен кулиб ўзимни танитдим...

— И-е, и-е, Жулқунбой оғайнимни ўғлиман дегин, ўзинг ҳам ўхшаб кетасан, ўтир! — Мен қайтиб ўтирдим.

— Даданг яхшими, қўлидаги яралари битиб кетдимми?

— Яхшилар, мени сизга йўлладилар.

— Дадангнинг яраси асабдан, ўғлим. — Табиб у ён-бу ён қараб олгач, шивирлаб сўради. — Ўзи тинчми, қама-қамадан омонми?

— Ҳозирча омонлар, — дедим мен.

— Бирон ерда ишляптимми?

— Йўқ, доим уйдлар.

— Бўлмаса-чи, ўғлим, — деди табиб овозини янада пастлатиб ва атрофга қараб олиб, — ўзинг тушунадиган бола кўринасан, гапимни ҳеч кимга айтма, дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин... Тожикистон томонларга бориб, тоғ-тош қишлоқларда соқол-муртини ўстириб, эшакарава миниб бир тирикчилик ўтказиб юрсин. Бир куни манови алғов-далғовлар босилиб, «омон-омон» бўлганда яна қайтиб келар. Бу сўзимни дадангга албатта айт, жон болам! Буларнинг арқонни узун ташлаб қўйганидан хотир-жам ўтиравермасин. Дадангни ҳам албатта қамашади. Ҳозир турмалар тўлиб кетган, отангни қамашга жой ҳам йўқ! Ўзим ана шу табибчилигим учун яқинда ўн бир ой қамалиб чиқдим, ўз кўзим билан кўрдим, билдим...

Хайрлашдим. Манноп табибнинг ўша кезларда қамалиб чиққанини ўзим ҳам эшитган эдим. Уйга келиб бўлган гап-сўзни дадамга айтдим. У киши анча вақт ўйланиб ўтирдилар, сўнг:

— Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак, — дедилар ва яна хаёлга бориб сўзландилар: — Йўқ гуноҳни бўйинга олиб ватанни тарк этиш, халқ кўнглига шубҳа солиш... аллақайси жойларда бўйин эгиб, сарғайиб юриш... Йўқ, бўлмайди!..

\* \* \*

Имтиҳонлардан ўтиб, Тошкент Медицина институтига ўқишга кирдим. 1937 йил биринчи сентябрдан ўқишлар бошланиб кетди. Бироқ икки ой ўқир-ўқимас яна эски бел оғриғи касалим зўрайиб кетди. Баъзи докторларнинг маслаҳати билан машҳур рус профессори, хирург Войно-Ясеницкий қабулига кирдим. Войно-Ясеницкий жуда қаранг қолган, салобатли киши эди. Мени текшириб кўриб, «Эртага даданг билан кел», деб буюрди. Эртасига дадам билан қабулига бордик. У, мени ташқарига чиқариб, дадамга: «Уғлингизнинг касали оғир, унда умуртқа суяк сили хасталиги бор. Агар олди олинмаса букри бўлиб қолиши мумкин. Давоси фақат тахтакач-гипсда камида олти ой ётиш», — дебди.

Профессор маслаҳати бўйича ўқишдан бир йилга касаллик отпускази олиб, ноябрь ойларидан гипс-тах-

такачга ётдим. Тахтакачда ётиш албатта оғир эди. Ўрнидан турмай, ўтирмай, ёнбошламай фақат осмонга қараб олти ой ётиш... Аммо шунга мажбур эдим.

Дадам уйимизнинг биринчи қаватида ишлардилар, мен иккинчи қаватида ётар эдим. У киши тез-тез чиқиб мендан хабар олар, зерикмасин деб турли бадий, тарихий, илмий китоблар келтириб берар, ёнимда суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Шу суҳбатларнинг бирида у киши менга, далда бериш учун бўлса керак, шундай бир воқеий ҳикояни сўзлаб берган эдилар (Чамаси у киши бу ҳикояни эски тиббий китоблардан менга даво излаб ўқиган бўлсалар керак):

Еш букри бир подшоҳ бўлар экан. У ўзининг ҳукмдор подшоҳ бўла туриб, букри эканлигидан ҳаммиша ғамгин юрар экан. Бир куни у: «Қимда ким букримни тузатса, хазинамнинг ярмини унга ҳадя қиламан...», — деб жар солдиради. Шунда Муҳаммад Зикриё исмли машҳур бир ҳақим узоқ мамлакатдан келиб, подшоҳни тахтакачга ётқизиб турли нодир дори-дармонлар билан муолажа қила бошлайди. Кўп вақт ўтмай подшоҳнинг қадди ростланади, аста туриб ўтирадиган, тик юрадиган бўлади. Муҳаммад Зикриё шоҳга дейди: «Мана, подшоҳи олам, энди тузалдингиз, ўзингизни эҳтиёт тутиб, манави дорилардан истеъмол қилиб юрсангиз аста-аста суяқларингиз яхши қотиб, мустаҳкамланиб, бақувват тортиб кетасиз. Энди менга рухсат».

Подшоҳ табибга раҳмат айтади, вазирни чақириб, ваъдага мувофиқ ярим хазинани бериб юборишни буюради. Шунда вазир: «Подшоҳи олам, табиб сизни оз кунда ортиқча меҳнатсиз тузатди. Унга чорак хазинагизни берсангиз ҳам кифоя», — дейди. Бу маслаҳат шоҳга маъқул тушади, хазинанинг чорагини туяларга ортиб бериб, табибни ватанига кузатади. Табиб хайрлаша туриб подшоҳ қўлига яна бир хил дори беради: «Подшоҳим, манави дорини уч кундан сўнг наҳорга истеъмол қилсинлар», — дейди ва хайрлашиб йўлга тушади.

Подшоҳ уч кунни ўтказиб, ҳалиги дорини ичади. Ичиши ҳамон унда шундай кетма-кет аксиривш пайдо бўладики, зинҳор ўзини тўхтата олмайди ва аксиривш зарбидан энди битиб келаётган умуртқа суяқлари қаттиқ-қаттиқ силкиниб эски ҳолига келади, подшоҳ яна букри бўлиб қолади. У ўз хатосини англаганда вақт ўтган, Муҳаммад Зикриё ҳақим узоққа кетиб қолган эди...

Шу кезларда бўлса керак, ҳар ҳолда мен ҳамон тахтакачда ётар эдим, Ўзбекистон ССРми ё СССРми Олий Советига сайловлар бўлди. Бизнинг Самарқанд-дарвоза сайлов участкасидан Усмон Юсупов номзод қилиб кўрсатилган эди. Сайловдан беш-ўн кун илгари маҳаллада депутат билан учрашув бўлди. Дадам учрашувга чиқиб, нохуш қайтдилар. У киши Усмон Юсуповни биринчи марта кўришлари экан, шекилли, шундай дедилар:

— Кўп сўзлайверганиданми, шамоллаганиданми, томоғи хириллаб қолган, товуши бўғилиб чиқади, бир гапни икки-уч қайтариб сўзлайди, йўталиб-йўталиб «томоқ душман, томоқ душман», яъни яхши гапиришга томоғим халал бераёпти, деб қўяди. Унинг бу сўзига балки мендан бошқалар тушунмаган бўлсалар керак... Депутат ташқи кўринишдан ҳам сал келишимли, маданиятли, сўзлари ёқимли бўлмоғи керак...

Сайлов бўлди... Менга уйга сайлов қутиси келтиришди. Дадам сайлагани сайлов участкасига чиқдилар. Қайтиб келиб яна ранжиб гапирдилар:

— Бюллетень, конвертларни олиб, палаклар билан безатилган, довод-қалам қўйилган кабиналардан бирига кирдим. Бюллетеннинг у ёғ-бу ёғини ағдариб қарайман, бир Усмон Юсуповнинг фамилиясидан ўзга номзод йўқ. Кабинада бир оз нима қилишни билмай турдим, кейин бюллетенни конвертга тиқиб, чиқиб қутига ташлаб, сайловхонадан чиқдим. Кулгулик, одамларни алдаш... Одатда сайлов рўйхатига номзод қилиб беш-олти кишининг номи ёзилган бўлиши, сайловчи улардан бирини танлаб сайлов конвертига солиши керак эди. Шу ҳам сайлов бўлди-ю, хоҳласанг шу, хоҳламасанг катта кўча, тамом. Қани бу ерда Ленин демократияси?..

Қодирий жин, ажина, чилтон, пари, дев каби гапларга мутлақо ишонмас, «булар ҳаммаси хаёлот» дер эдилар. Аммо туш масаласига бир оз мақбулроқ ёндашар, ҳатто оиламизда кўрилган тушларга кулиб таъбир ҳам айтиб ўтирар, «ёмон тушни ҳам яхшига йўйиш, туш эгасига далда бериш керак», дер эдилар. У киши бир кун Шайх Саъдийдан шундай ҳикоятни айтиб берганлари ёдимда:

Бир подшоҳ туш кўради. Тушида унинг тахти ёниб кетади ва ўттиз иккита тиши синиб тушади... Эрталаб подшоҳ хомуш чиқиб тахтга ўтиради ва кўрган тушини вазирларга айтиб, таъбир сўрайди. Вазирлардан бири дейди: «Эй подшоҳим, тушингиз бениҳоя бадбин, салтанатингиза завол етгай, ўзингиз шаҳид ва авлоди хонадонингиза ҳалок бўлғай...»

Орага оғир сукунат чўқади, подшоҳнинг қадди ҳам бўлади. Бошқа бир донишманд вазир рухсат олиб дейди: «Подшоҳим, вазирагиз тўғри таъбир айтди, лекин сўзларни ўрнига қўймади. Аввало, қайси подшоҳнинг салтанатига завол етмабди? Бир кунмас бир кун барча подшоҳларнинг салтанатига завол етгай... Кейин, сизнинг умрингиз шу қадар узоқ бўлғайки, барча авлодингиздан сўнг ўлғайсиз...» Подшоҳ кейинги вазир таъбирини маъқул кўради. Унга ҳадялар беради...

Бошқа гал дадам туш ҳақида сўзлашиб ўтириб, шундай деган эдилар: «Турмада бир хонада уч-тўрт киши ўтирардик (1926). Бириси кекса, гапи қўполроқ киши эди, лекин туш йўйишга жуда билағон эди. Эрталаб чой вақтида биз кўрган тушимизни айтар, ҳалиги киши уни таъбирлар эди. Бир кун мен тушимни айтиб, «дўппининг тагидан бир хат олдим», дедим. Таъбирчи: «Яқинда озод бўлиб кетасан...», — деди. Яна кимдир: «Тушимда эчкизмар узум едим», — деган эди, таъбирчи: «Яқин кунда отиласан», — деди. Тушларнинг таъбири дарҳақиқат кекса айтгандай тўғри чиқди.

Дадам баъзан кўрган «ваҳима»лироқ тушларини эрталаб чой вақтида Жосият бибимга кулги тариқасида айтар эдилар (ойим бечора туш тинглашга юмушдан ортмас эдилар). Бибим жаҳл қилар эдилар: «Кўрган тушинг қурсин, ўнг келади, ё биров ўлади, ё уруш чиқади...»

Бир кун эрталаб дадам тақсимда қазми, икки-уч бўлак гўшт, иссиқ нон кўтариб ёнимга чиқдилар. У кишининг машқлари пастроқ кўринарди. Мендан ҳол сўрадилар. Гўшт, қазини япроқлаб, ойим келтирган чойни пиёлага ва менинг махсус чойнагимга қўйдилар. Мен бир-икки япроқ қазми ва бир бурда нон едим. У киши:

— Бугун бир бемаза туш кўрдим, Ҳабибулла, — дедилар паришон ҳолда.

— Мен дафъатан нима дейишимни билмай қолдим. Чунки, юқорида айтганимдек, у киши бировлар ҳақидаги тушларни кўп ҳикоя қилган бўлсалар ҳам, ўзлари ҳақида биринчи гапиришлари эди. Кўнглимдан: «Энди юрак бўшатишга бибим йўқлар-да», — деган андиша кечди...



— Қанақа туш, ада? — дедим секин ва негадир бир нарса сезгандай сесканиб қўйдим.

— Тун эмиш, — дедилар дадам, — осмонда тилла жабдуқли от устида учиб борар эмишман. Кўкда юлдузлар чарақлар, от жабдуғига ўрнатилган жавоҳир тошлар жилоланар эмиш... Пастга эса ҳамма қўл силкиб мени олқишлар эмиш. Шу вақт бирдан ҳаво айнаиди, ҳалиги мусаффо осмон зулматга айланди. Оёқ оstim гўё тубсиз жаҳаннам, унда мудҳиш махлуқлар ғужғон ўйнар, оғизларини очиб, узун тилларини чиқариб, гўё менга ташланмоқчидай бўлар, баъзилари оғизларидан худди мушак отилган каби ўт сочар, мен бўлсам зўр бериб отни қамчилар эмишман. Лекин у энди қанот ёйиб уча олмас, чунки ўтлар ҳарорати уни куйдира бошлаган эмиш... Ниҳоят, от «шу-увв» этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди... Чўчиб уйғондим, терлаб кетибман...

Вужудимни аллақандай қўрқув қоплади. Бир нарса дея олмай, дадамга тикилиб ётар эдим. Дадам кулиб дедилар:

— Бир кўнгилсиз гап бўладиганга ўхшайди, Ҳабибулла.

— Бўлмайди, ада, — дедим ўзимни бир оз босиб, — сизнинг гуноҳингиз йўқ, бу бир туш-да...

— Йўқ, улар гуноҳинг борми, йўқми деб суриштирмаяптилар, чоғи. Хоҳласалар, бировнинг бўйнига гуноҳ ортиш осон бўлиб қолган ҳозир...

Дадам пастга тушиб кетдилар. Шифтга боқиб хаёл суриб қолдим. Юрагим уюшиб, негадир бирдан кўзимга ёш келди...

\* \* \*

Шу тушдан икки кун кейин, 31 декабрь — янги йил кутиш куни келди. Гарчи у чоқларда бизнинг уйда янги йил кутиш расм бўлмаса ҳам, барибир, ойим кечки таом — норин тайёрлаш билан банд эдилар (дадамга қазилик норин ейиш ман этилган бўлса ҳам, у киши мол гўштидан парҳез норин тайёрлаб ердилар). Мен эса ойим ёқиб кетган керосин лампада (у чоқларда биз томонларда электр чироғи йўқ эди) «Минг бир кеча»нинг туркийсини ўқир эдим. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, ойим бир коса норин шўрва ва бир тақсимча қуруғидан олиб чиқиб, шўрвани чойнакчага қуйиб тушиб кетдилар. Бир вақт мен ўқишга берилиб, шўрва совиб қолибди. Бир-икки ҳўпладим. Шу чоқ уйимиз орқасидаги Одил ота (дадамнинг амакиваччаси)нинг майдонидан «Абдулла ака!» деган таниш бир овоз эшитилди (Одил ота билан бизнинг ер ўртасида девор йўқ, ўзлари бунда яшамаганлари учун кўча эшиклари доим очик ётар эди). Мен ётган уйнинг деразалари бир қаватли бўлгани учун овоз менга жуда таниш — бу маҳалла комиссиямиз Тошпўлат аканинг (унинг лақаби «Қовоқ» эди) овози эди. Менинг юрагим «шифф» этиб кетди. Чунки келувчилар ўз эшигимиздан чақириб келишлари керак эди. Дадам паст уйдан чиқиб «Ким?» дедилар. Шундан сўнг Тошпўлат ака тез-тез «Абдулла ака! Абдулла ака! Абдулла ака!» деб дадам томон югуриб кела бошлади. Дадам ҳайрон бўлиб «Ҳа, ҳа» деб турар эдилар. Ниҳоят, қоронғиликдан бир неча киши — Тошпўлат ака ва иккита НКВД ходимлари келиб дадам ёнидан чиқдилар. Мен бу ҳолатни тасаввур қилиб ётдим. Худди шундай бўлиб чиқди. Бундай усул билан келишларининг сабаби «жиноятчи»ни қочириб юбормаслик эди. Шу чоқ соат худди ўн бир эди.

Бирдан уй жимжит бўлиб қолди. Чамаси, улар пастки уйга, дадам ижодхонасига кирдилар. Пастдан аҳён-аҳён бўғиқ овозлар эшитилар эди. Укам Масъуд

ёнимга чиқди. Унинг юзида қўрқув бор эди. «Уч киши келди, дадам билан ойимни уй ўртасига ўтқазиб қўйиб, нимадир қидиряптилар», — деди у. Мен уни юпатиб: «Майли, кўявер, товуш чиқарма, дадам билан ойимни ҳозир олиб кетишлари мумкин. Сизлар йиғламанглар, уч кундан кейин дадам, ойим қайтиб келишадди, қўрқманглар, мени бу ерда ётганимни айтманглар», — дедим. Чунки ётган хонамдаги икки тоқчада икки юздан ортиқ шарқ китоблари бор эди. Улар менга тегмаганлари тақдирда ҳам, шу китобларга қизиқишлари табиий эди.

Укам тушиб кетди. Яна оғир сукунат чўқди. Соат ўн иккидан ошди. Улар пастки хонани ҳамон тинтир эдилар. Бир вақт улардан бири ким биландир гаплашиб, мен ётган хонага кўтарила бошлади. Юрагим дукиллаб кетди...

Юқори хонамиз иккига бўлинган бўлиб, мен ички хонада ётар эдим. Тасодифки, биринчи хонанинг қўштавақа эшиги ланг очилганда бир тавақаси мен ётган хона эшигини деярли қоплаб қўяр эди. Вазиятга тушунган Қудратилла амаким (у киши хабар топиб, бизникига югуриб чиққан эди) лампа кўтариб, тинтувчини бошлаб чиқади-да, бир қисми кўриниб турган менинг хонам эшигига орқа ўгириб, «қопқоқ» бўлиб туриб олади. Биринчи хонада ерга тўшлаган бир шолчадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Биринчидан, асосий «ов»лари қўлларидан, иккинчидан, уйимизнинг қандай жойлашганлигини қоронғида яхши тасаввур қила олмаганлари ва учинчидан, кечикиб бўлса-да, уйларига янги йилни кутиб олиш учун этиб боришга шошганларидан бўлса керак, ҳайтовур мен ётган уйни пайқамай дарҳол пастга тушиб кетдилар. Улар бир чамадонга баъзи хат-ҳужжат, газета-журналларни солиб, ов милтиғимизни олиб дадам билан жўнаб кетадилар. Дадам устларига дўппи, жигарранг гимнастёрка, шим, махси-калиш, қизғиш пахталик кийиб, қўлларига бир пар ёстиқ билан битта аёл олибдилар-да, уйдан чиқаверишда Қудратилла амакимга секин:

— Қудрат, бизнинг уйга қараб тур... Ҳабибуллага салом айт, чиқиб хайрлашсам уни безовта қилишлари мумкин, — деб шивирлабдилар.

Ойим билан амаким дадамни кўчага кузатиб чиқадилар, улар қора машинага ўтириб жўнаганларидан кейин, ойим уйга қайтиб кирарканлар, чидай олмай, худди тобут кетидан йиғлаб қолган аёллардек уввос солиб юборадилар ва амаким икковлари тўғри менинг ёнимга чиқадилар. Укаларим ухлаб қолган (катта опам эриникида), тун ярим бўлгани учун қаттиқ йиғлаб бўлмасди. Биз бир-биримизга жимгина термулиб йиғлардик. Гўё уйимиз қабристонга айлангандек туюлди менга...

\* \* \*

Дадамни шу кетганларича бошқа кўрмадик, бир энлик хат ҳам олмадик ва ўзимиз ҳам ёза олмадик. Ойим бечора кун ора, баъзан Қудратилла амаким билан овқат тайёрлаб НКВДга ёки Олой бозори ёнидаги Тоштурмага борар, туйнуқлардан дадамни сўрар ва «бундай одам йўқ» жавобини олиб йиғлай-йиғлай қайтиб келар эдилар. Айтишларича, дадамнинг гуноҳлари жуда «оғир» бўлгани учун уйдан таом, кийим-кечак олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган эканлар. Туйнукдан жавоб-муомала қилувчиларнинг бириси бир кун ойимга: «Эрингизга таом, кийим келтирманг, ҳар ойда 45 сўмдан пул перевод қилинг», — дебди. Ана шундан сўнг биз ҳар ой пул жўнатиб турдик.

Дадамнинг қамалганларига бир ҳафтача бўлган эди. Кечки пайт пастда ойим ким биландир йиғлаб кўришди дилар ва бир оздан сўнг хонамга Лидия Соцердотова кириб келди (бу ажойиб аёл тўғрисида юқорида ҳам сўз бўлди ва сўнгроқда яна бўлур). У жимгина келиб қаршимга ўтирди, соғлиғимни сўради ва бирдан йиғлаб юборди. Мен дадам ўчун бунчалик куйиб-пишувчи аёлга ажабланиб қараб ётавердим. У йиғи аралаш деди:

— Отангизни қамалишига балки қисман мен ҳам айбдордирман... Мен Марказқўмга, «Қодирий касал, унга пул ёрдами берилсин», деб ариза ёзган, бўлиб турган бу ҳақсизликлар тўғрисида Қодирий номидан Сталинга хат битган эдим, бу хатимнинг қоралама тексти қандай йўллар биландир Ўзбекистон Ёзувчилар Союзига келиб тушибди... Шундан сўнг менга ва Қодирийга нисбатан тўнларини тескари кийиб олишди, «буржуа миллатчисини ҳимоя қиляпсан» деб мени айбладилар. Балки шундан кейин уни қасддан қамоққа олгандирлар?..

— Бундай ёмон хаёлларга борманг, Лидия опа, дадамнинг қамалишларига сизнинг асло алоқангиз йўқ. Асосий бало бутунлай бошқа ерда...

Бечора Лидия опа ўйлайвериб худди меровга ўхшаб қолган эди. Бир пиёла чой ҳам ичмасдан, дарров жўнаб кетди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг архиви текширилганда, 1937 йилнинг 19 октябрида Ўзбекистон ёзувчилари рус секциясининг активида (раис — Кавальчук, секретарь — Петров) Соцердотова Лидия Евгеньевнанинг Абдулла Қодирийга бўлган муносабати кўриб чиқилгани, унга «буржуа миллатчилари асарларини таржима қилиб оммалаштирган, уларни ҳимоя қилган», деган айб қўйилганлиги маълум бўлди. Соцердотова бунга жавобан: «Қодирий асарларини («Обид кетмон», «Меҳробдан чаён» — Ҳ. Қ.) мен ўз хоҳишимча таржима қилмадим, менга уни заказ қилишди ва ҳатто шоширишди. Таржимон таржима чоғида асарнинг сиёсий ғоясига қарамайди. У фақат асар аниқлигига эътибор беради. Абдулла Қодирий халқ душмани эмас», — деб очиқ айтади.

ЦГА, УзССР. Фонд № 2356, Опись № 1, Д № 27. Протокол № 1, 3-бет.

\* \* \*

Озгина олдинга кетамиз.

1956—1962 йилларда Тошкент Давлат Медицина институтида ўқиб юрганамда институт ректори Абдулмалик Ғуломов билан муносабатимиз яхши эди. У киши менинг ТошМИга қайтадан тикланишимга катта ёрдам берган эди.

Бир кун Ғуломовнинг кабинетида сўзлашиб ўтирсам, кабинетга кексайиб қолган, оқ сочли, кавказ халқларига ўхшаб кетадиган ўрта бўй бир киши кириб келди. Ғуломов у киши билан кўришиб, дарҳол мени унга таништирди:

— Мана, ўртоқ Содиқ Алиевич, бу йигит ўша сиз ҳикоя қилиб берган Абдулла Қодирийнинг ўғли бўлади...

Тошкент Давлат Медицина институти хирургия кафедрасининг раҳбари, профессор Содиқ Алиевич Алиев (озарбойжонли, ҳозир вафот этган) ҳикоя қилган эди:

— 1937—38 йиллар миёнасида сиёсий маҳбус сифатида мен ҳам ўн бир ой Тошкент НКВДси подвалларида ўтирганман... Камералар маҳбусларга тўлиб-

тошиб кетган эди. Мен ўтирган бир камерада етмиш киши ётар эди. Камерамиз етмиш кишига шу қадар торлик қилар эдики, ётганда худди тузланган балиқ каби ҳамма бир ёнбошга ётар, агар иккинчи ёнбошга ўгирилмоқчи бўлинса, ҳамма команда билан ўгирилар эди. Барча маҳбуслар камера оқсоқолига буйсунар эди.

1938 йил январь ойининг бошларида бўлса керак, тун ярмида эшигимиз қўли очиқчи, камерамизга бир кишини киритиб юбордилар. Ҳамма «яна ким келди», деб бош кўтариб қаради. Келган киши қирқ-эллик ёшлар орасида, соч қўйган, устида қизил пахталик тўн, оёғида калиш-маҳси, қўлида кичкина тўшаги бор эди. Мен у кишини танимадим. Аммо ёнимда ётган Муборак Шохов дарҳол уни таниди: «Бу келган киши ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулла Қодирий бўлади. Бу одамга ётиш учун амаллаб жой ажратиб бериш керак», — деди. Муборак билан иккимиз икки ёққа сиқилишиб, ўртадан амаллаб бир жой очиб бердик, кўришдик ва кўп сўзлашмай, бошқаларнинг уйқусига халал бермаслик учун уйқуга кетдик.

Шундай қилиб, ўзбекининг буюк ёзувчи «жиноятчиси» (Содиқ Алиев бу сўнги сўзини кинога қилиб айтар ва «буюк ёзувчилардан буюк жиноятчилар чиқишини тарихда биринчи эшитишим», деб кулар эди — Ҳ. Қ.) билан танишдик. Қодирий вазмин табиатли, камтар, камгап шахс экан. Доим бирга суҳбатлашардик, у киши бизни зериктирмасдилар. Муборак Қодирийдан бир гал: «Шундай қилиб, Абдулла ака, жиноятингиз нималигини билдингизми?» — деб сўраганда, у киши кулиб: «Жиноятим нималигини ҳозирча билайман. Мана энди началстволар айтишса, билсак керак», — деган эдилар...

Мен отангизнинг асарларини ўқимаганман. Айтишларича, «Ўтган кунлар» йигирманчи йиллардаёқ озарбойжон тилига таржима қилинган экан. Аммо у кишининг қизиқ суҳбатларини тинглаганман. Бир кун завқлари келиб, Шарқ адабиёти ҳақида узоқ сўзлаб бердилар. Мен ҳам Шарқ кишисиман, ўз адабиётимизни яхши билувчилардан саналардим. Бироқ у кишининг Шарқ адабиётини билиши олдида меникини йўқ деса бўлар эди. Қодирий араб, форс, турк тилларини, классик адабиётни тўла ўрганиб чиққан десам, балки янглишмасман. Қуръон таржимасини, ҳинд фалсафасини шу кишидан эшитдим ва «Шарқ адабиётининг билимдони» деган фикр кўнглимдан кечди.

Яна бир кун Ғарб адабиёти тўғрисида сўзлаб бердилар. Гегел, Фейербах, Кант, Маркс, Энгельс, Ленин фалсафаларининг асосий мағзини чақиб бердилар. Грек, француз, рус, немис, инглиз, испан, итальян классик адабиётлари ва улардаги турли оқимлар ҳақида сўзлаб бердилар. Мен бу жаҳон адабиётини теран билувчи инсонга ичдан офарин ўқидим ва суҳбатларни маҳбусликдаги энг мароқли онлар деб билдим.

Содиқ Алиевич давом этиб деди:

— Юз минглаб шундай нодир кишиларимизнинг гуноҳсиз бошлари уриб пачоқланди, отиб ташланди. Бу албатта нодон раҳбарларнинг ваҳшийлиги ва халқимизнинг ақлан ҳали етишмаганлигидандир...

Отангиз билан бир камерада апрель ойига қадар — тўрт ой бирга ўтирдик. Сўнг у кишини бир кун юклари билан қақириб олиб чиқиб кетишди. Биз у кишига хайрлик тилаб, «мана, энди уйингизга кетасиз», дедик. У киши йиғиштиринар эканлар, бош чайқаб кулиб: «Йўқ, булар мени уйга қўйиб юбормайдилар», — дедилар ва ёстиқ жилдларини чиқариб бизнинг олдимизга қўярканлар: «Анча вақт тамакиларингизни биргалашиб чекдим, бу арзимас нарсани олиб мenden ризо бўлинг-

лар, қарзларингиз бўйнимда қолмасин», — дедилар ва бизнинг: «Йўқ, биз ризомиз, ола кетинг», — дейишимизга қарамай хайрлашиб чиқиб кетдилар...

## КУЧ-КУЧ ФОЖИАСИ

Энди тагин воқеанинг келиб қолган жойига қайтайлик.

Ўн бешинчи майда, олти ярим ойдан сўнг гипсдан турдим. Докторлар рентгенга солиб кўриб, умуртқа суюқларимнинг яхши битганлигини, энди аста-секин ҳасса билан юриш, массажага қатнаш зарурлигини айтишди.

Каттакон боғ-уй хўжалигимизнинг барча ташвишлари уйнинг каттаси бўлмиш менга қолган эди: келган-кетганлар билан жавоб-муомала қилиш, уй-боғ ишларига қараш, рўзғор тебратиш, дадам ортларидан югуриш, иложи бўлса кийим-кечак, таом бериш — ҳамма-ҳаммаси мен — бир ҳассасга таянган бола бўйнига тушган эди.

Эрталаб докторхонага массажага бораман, ундан чиқиб дадамни излашга тушаман. НКВДнинг эшик, тешик, туйнуқлари ва Тошмурма қолмайди, ҳамма ерга бош суқиб кўраман, дадамни сўрайман. Ҳамманинг жавоби битта: «Бунақа одам йўқ, бошимизни қотириб ҳар куни келаверма!» Собитов фамилияли юзи чўтир, бир кўзи кўр, миллати татар бир киши бўларди. Бу киши, айтишларича, НКВДнинг прокурори, қамалувчиларнинг барчасига шу одам рухсат (санкция) берар экан. Собитов «Отангни сўраб келаверма, ўзи боради», дер эди. Бу жавобдан қувонишимни-да, хафаланишимни-да билмас эдим. Менга ўхшашлар унда сон-саноксиз, ҳаммалари ўз дардлари билан овора, биров билан бировнинг иши йўқ...

Маҳалламиздан кимдир: «Чўпоноталик Йўлдош ўғри турмадан чиқиб келибди, дадангни Тоштурмада кўрган эмиш», — деб қолди. Мен дарҳол Чўпонотага бориб, сўроқлаб Йўлдош амакини топдим ва дадам ҳақида сўрадим.

— Биз — маҳбусларни ҳар куни камерадан чиқариб, турма ҳовлисида очиқ ҳавода ўн беш-ийгирма минутдан айлантирар, дам олдиран эдилар, — деб ҳикоя қилди Йўлдош амаки, — шундай кезларда баъзан даданнинг ҳам камерасидагиларни ёнимиздаги ўров тиканак симга олиб чиқиб қолар ва биз йироқдан имошора қилиб кўришар эдик, бизнинг очиқ сўзлашимизга рухсат беришмас эди. Даданг бечора жуда озби-тўзи кетган, ҳеч ким билан сўзлашмас, фақат хаёл сургани сурган эди... Ҳой ўғлим, отанг бунақанги хаёл суришида ич-этини еб қўйса керак, узокқа бормаса керак, иш қилиб омон-эсон келсин-да... Бир гал қараб турсам, даданг кимнингдир чекиб турган мохоркасини сўраб олиб бир-икки тортди-да, қайтариб берди. Шундай табаррук бир одамнинг қадри шуми-а! — дедим ўзимча, жуда хафа бўлиб кетдим. Яна бир гал битта халтачада мохоркани липпамга урдим-да, прогулкага чиқдим. Бахтимга яна даданг билан духоб келиб қолдим. Тепамизда қараб турган қоровулга мохорканинг оғзини очиб кўрсатиб: «Ҳой қоровул ака, мана шу мохоркани анови кишига берай, ичида ҳеч нарса йўқ», — дедим. Бердирмади, номард! «Мен сенга ака-ука эмасман!» — деб қўйди хумсо (Йўлдош амаки шубҳа-чақиқ билан қамалган бўлади ва тергов чоғида оқланиб уйига қайтади — Ҳ. Қ.).

Гарчи рўзғор захираларимиз, сигир-бузоқ, ҳатто асариларимизгача бўлса ҳам, аммо дадам бизга бир танга пул қолдирмаган эдилар, йўқликдан, албатта. Пул

менга айниқса боғимизнинг солиғини тўлаш учун керак эди. Солиқларнинг номи кўп эди, масалан: иморат, даромад, гўшт солиқлари; охиргиси (гўшт) йилига етмиш икки кило тўланилар эди. Солиқлар вақтида тўланмаса, ижара (пеня)си жуда тез ўсар эди. Дадам, албатта, бу солиқларни қандайдир йўллар билан тартибга солар, у кишига қандайдир энгилликлар берилар эди. Энди-чи, ҳамма бизга халқ душмани деб қарайди, иложи бўлса солиқни қўшимча олсалар.

Бир кун кўчадан келсам, ойм: «Солиқчи келиб солиқни вақтида тўламаганимиз учун сигир-бузоқ билан гиламни маҳаллага олиб чиқиб кетди, пул топиб чиқиб молимизни ажратиб кел», — деб қолдилар. Чиқиб: «Эртага албатта пул топиб келиб солиқларни тўлайман», — деб ваъда бериб, чойхона олдидаги толга боғлаб қўйилган молларни ечиб келтирдим.

\* \* \*

1938 йилнинг июнь ойлари эди, шекилли, эртапишар шафтоли, гилос, оличаларимиз энди ранг келтириб, сотишга тайёр бўлган, боғимиз гўё жаннат каби чирой торган чоғ эди. Мен эрталаб ўрик тагидаги супада ўтириб чой ичар ва «бу меваларни эҳтиётлаб териб, сотиб, биринчи галда солиқ учун тоғаларимдан олган пулни тўлаш керак», — деб хаёл суриб ўтирар эдим. Дарвозамиз очилиб, икки киши кириб келди. Мен буларни дарҳол танидим: бири — рус йигит, у ёнимиздаги (бир боғ наридаги) Сталин номидаги пионер лагерининг бошлиғи, иккинчиси — ўзбек, у ҳам шу лагернинг ходими эди. Улар келиб мен билан саломлашишди. Сўнг лагер бошлиғи папкасидан бир қоғоз чиқариб менга узатди. Машилкада рус тилида босилган қоғозда тахминан шу сўзлар ёзилган эди:

## ҚАРОР

(Қарор райсполкомникими ёки райкомхозникими — хотирамда қолмаган — Ҳ. Қ.) Халқ душмани Абдулла Қодирийнинг Самарқанд Дарбоза маҳалла, проезд Термез, 19 рақамли уй-боғи Сталин номидаги пионерлар лагерига олиб берилсин, оиласи кўчириб юборилсин. Имзолар ва муҳр.

Мен бу қарорни ўқиб бўшашиб кетдим. Улар тик турган ҳолда мендан жавоб кутар эдилар. Мен:

— Биз қаерга кўчиб борар эканмиз? — деб сўрадим.

— Шаҳардаги ҳовлингизга.

— Бизнинг шу ўтирган уйимиздан бошқа ҳеч қаерда жойимиз йўқ-ку.

— Бўлмаса, биз жой топиб берамиз...

Менинг кўнглим бузилиб, аллақандай бўлиб кетдим. Узимни хўрланган, ўз уйимдан қувиб чиқарилган, кўчаларда бошпанасиз, шунча дов-дастгоҳ юкларим билан, укаларим билан тупроққа қоришиб ётган ҳолда тасаввур қилдим. Хўрлигим келиб, кўзимга ёш қалқди. Ахир бу паст-баланд ташландиқ жойларни — Қодир бобомдан қолган ва бир қисмини дадам ўз пулларига сотиб олган, саратоннинг қизғин кунларида қўлида кетмон, махсичан тепа бузиб, замбилғалтакда тупрок ташиб обод қилган жаннатдек бу жойларни наҳотки индамай ташлаб кетаверсак! Бошимга ҳеч бир эпака-ли фикр келмас эди. Шу вақт ичкари ҳовлидан ойм чиқиб келиб менинг паришон ҳолимни сездилар, шекилли:

— Булар нимага келибди? — деб сўрадилар.

Мен тушунтириб бердим ва «мана қарор» деб қўлимдаги қоғозни кўрсатдим. Ойм қоғозни олдилар ва

шартта иккига йиртиб, ғижимлаб-ғижимлаб ариққа ташладилар. Лагерь бошлиғи ҳай-ҳайлаб югуриб бориб сувда оқиб кетаётган қоғозни олди. Шу вақт ойим помидорларни сих қилиш учун тепага суяб тахлаб қўйилган сих-таёқлардан бирини олиб, «йўқол, босмачилар, бу жой меники, менинг меҳнатим билан обод бўлган!» деб «меҳмон»ларга ташландилар. «Меҳмон»лар илдам-илдам юриб дарвозадан чиқдилар. Ойим бечора таёқни ташладилару «дод, золимнинг дастидан!» деб чапак чалиб ичкарига кириб кетдилар.

Бу албатта бизнинг вақтинча муваффақиятимиз эди. Бу тикилган балони даф қилиш учун қандайдир қонуний йўллари излаш керак эди. Аммо мен ёш бола бўлганим, бундай қийин аҳволларни бошимдан кечирмаганим учун нима қилишни, қаерга мурожаат қилишни билмас эдим. Ойим-ку саводсиз, бундай ишларни умрида кўрмаган-билмаган бир аёл. Аммо бундай оғир кунларда дўстлар ҳам ўзларини четга олиб қочар эканлар.

Ўтираверган билан иш битмайди. Ҳаракат қилиш керак. Шу вақт кўнглимга бир фикр келди, туриб кийиндим, қўлимга ҳассамни олиб кўчага чиқдим. Аста-аста пиёда юриб Чорсуга, ундан трамвайга ўтириб Ўрдага, ундан Қашқар маҳалласига бордим. Қашқар маҳалласида, бир кишининг катта ҳовлисида, майдоннинг охирида, бир хоналик қилиб қурилган уйчада Лидия Соцердотова ижарага турар эди. Мақсадим Лидия опа билан маслаҳатлашиш, зарур бўлса, бирор ерга русча қилиб ариза ёздариш эди. Бориб қарасам, уйи кулф... Бўшашиб кетдим.

Лидия опа бирор ерда ишламас, доим уйда ёлғиз ўтириб таржима қилиш билан машғул эди. Демак, бирор ерга кетган бўлиши керак, кутиш лозим, келиб қолар. Қашқар маҳалласининг чойхонасига чиқиб, бир чойнак чой ичиб, қоринни тўқлаб олдим. Қайтиб келсам, у ҳамон қайтгани йўқ экан. Уй эгасими, бир рус аёлдан сўрасам, «эрталаб кўрган эдим», деб жавобни қисқа қилди. Кўчага чиқиб яна кутдим. У ён-бу ёнга юрдим. Кеч бўла бошлаган эди. Негадир бирдан кўнглимда аллақандай ғашлик пайдо бўлди. Уйда нима гап экан, деган савол миямга урилди. Бугун иш куни ҳам тугаб қолди, барибир бирор ерга ариза кўтариб боришга ҳам улгурмайман, эртага барвақт кела қолай, уйга тезроқ бораёй, етиб боргунимча ҳам қуёш ботиб қолади, деган фикрда ошиқиб уйга жўнадим.

Чорсудан Зангиота (ҳозирги «Аптека» бекати) маҳалласига пиёда етиб (у вақтлар автобус йўқ эди) келганимда қуёш ботиб қолган эди. Йўлни қисқартириш мақсадида «жин кўча»га бурилиб, зўрға юриб боряпман, кўнглим нима учундир ғаш тортгандан-ғаш тортган. Жин кўчанинг ярмига борганимда, тахминан уйимизга беш-олти юз қадам масофа қолганда, уйимиз тарафдан қандайдир бақир-чақир, қичқир-қичқир ва уввос солиб йиғлаган овозлар эшитила бошлади. Уйга гўё қушдай учиб етиб бордим. Э-воҳ! Нимани кўрдим, денг?! Уйимизнинг атрофини ўн иккита милиционер ўраб олган, тумонат қўшнилар томошага чиққан, иккита бўш юк машинаси дарвозамизга орқа ўгириб турибди, ичкарида ойим, укаларим дод солиб йиғлайдилар, раҳмлари келган қўшнилар ҳам уввос соладилар, пионер лагерининг бутун ишчилари чиқиб ашёларимизни уйдан ташиб чиқиш ҳаракатидалар, хуллас, бизни қаергадир кўчириб олиб бориб ташламоқчи, қиёмат ҳам, аросат ҳам шу ерда...

Юқори уйимизда бир милиционер (бригада бошлиғи экан) ойим ортидан юрар, ойим эса токчама-токча юриб ниманидир излар эдилар. Мен милиционерга (ўзбек эди) одоб билан салом бердим, чунки шундай

мулозамат қилмасам, иш яна ҳам чигаллашиб кетиши мумкин эди.

— Сен кимсан?!

— Мен шу уйнинг хўжайиниман, бу киши ойим бўладилар, нимани излаяпсизлар?

— Ойингнинг паспортини, уни милиция бошлиғига олиб бораман, ойинг бизга йўл бермаяпти!

— Нимага йўл бермаяпти?

— Сизларни кўчиришга.

— Менга қаранг, жон ака, шу кўчиришни эртага қолдириш. Бугун мен бир неча жойларга ариза бериб келдим, эртага натижаси бўлади, қоронғи ҳам тушиб қолди, — дедим ёлғонлаб, ялиниб милиционерга.

— Бўлмаса ўзинг мен билан бирга бошлиғимиз олдига юр, гаплаш... У менга сизларни кўчириб қўйиш учун икки соат вақт берган...

Мен яна ялиндим:

— Бошлиқ олдига эрталаб бораёй, бугун жуда чарчадим, кўринг, касалдан янги турганман, ҳасса билан юрибман.

— Мен сени машинада олиб бориб, қайтариб келтириб қўяман. Бундай бош оғриғига, жанжалга тобим йўқ, ука?

«Хўп» дедим. У пастга тушиб кўчиришни вақтинча тўхтатишга буюрди ва юк машинасига ўтириб милиция идорасига жўнадик. У вақтларда район милиция идораси Чорсу билан Қўшмозор ораллиғида Сирли мачит маҳалласидаги бир бойнинг ҳовлисида эди. Тўғри бошлиқ хонасига кириб бордик. Милиция бошлиғи кексайганрок, баланд бўйли, семиз рус киши эди. У беш-ўн милиция ходимлари билан қандайдир мажлиси, маслаҳатми ўтказмоқда эди. Бригадир доклад қилиб аҳволни тушунтирди ва «мана, ўғлини келтирдим», деб менга ишора қилди. Мен ярим-ёрти русча сўзлаб бояги бригадирга қилган илтимосимни қайтардим. У деди:

— Сизларни кўчириб юбориш тўғрисидаги буйруқни менга райисполком берди. Бўлмаса менда бекорчи ходимлар йўқ. Майли, ариза берган бўлсанг, натижаси чиққунча кутиб турамыз, бор, уйингга кетавер...

Мен раҳмат айтиб, хурсанд бўлиб кўчага чиқдим. Бригадир мен билан машинада келиб, бутун ўз кишиларини йиғиштириб, эҳтиётдан бир милиционерни уйимизни «қўриқлаш»га қолдириб, жўнаб кетди. Уйимиз бирдан сув қуйгандек тинчиб қолди. Ойим менга қосада таом келтириб қўйдилар. Ишнинг нима билан натижаланишини кутиб ухламай ўтирган битта-яримта жонкуяр қўшниларимиз билан гурун-ҳангома бошланди.

Кўчқорбой исмли, ўзи таги бизнинг мавзелик, баланд бўй, бақувват, ишчан, фақат меҳнатни биладиган чаққон бир киши бўлар эди. Унинг бир кўзи кўрлиги учун кўр Кўчқор, баъзилар ҳазиллашиб Кўр дўндиқ деб аташар эди. У ёнғоқ қоқишларга, дарахт кесишларга жуда уста, ўзи мазкур пионер лагерида ишчи бўлиб ишлар эди. Уйи йўқлигиданми, шу лагерь ичидиги бир хужрада тожик хотини билан яшар эди. Шу кун «Жулқунбоякамнинг бола-чақасини тезроқ кўчириб қўя қолай», деб Кўчқорбой акамиз ҳам чаққонлик билан бизни кича қиққан экан.

Айвон-ошонамизнинг бир чеккасида кўкракдан келадиган катта-катта сопол хумларда тўла-тўла цементлар турар эди. Бу цементлар қачонлардир ишлатилиб, ортиб қолгани намиқиб қолмасин деб шу хумларга солиб қўйилган, лекин болалар тушмагур ўйин қилиб хумларга сув қўйиб юборишган, цемент «жонивор»лар эса тош бўлиб қотиб ётар эди. Биз у хумларни қандай қилиб бўшатиб олишни билмай ҳайрон эдик. Ҳалиги Кўчқор ака чиқа солиб, «биринчи галда ана шу хумларни машинага чиқара қолай» деб, хумга орқасини

ўғириб чўнқайиб, қўллари билан хумнинг лабларидан азот кўтаради. Кўтаради-ку, бирдан «вой белим!» деб тахминан икки юз-икки юз эллик килограмм келадиган хумни ташлаб юборади ва ўзи ҳам шунда йиқилади. Хум синиб, ичидаги қотиб ётган цемент юмалаб чиқиб кетади. Қийқириқ... Милиционерлар юғуриб келган, бировлар «Хумнинг ичидан боласи чиқди», деб кулса, иккинчилари «Хумни синдирдинг, тўлаб бер!» — деб кўр Қўчқорга дўқ урар эмиш. Бечорани икки киши қўлтиғига кириб уйига чиқаришиб ётқизишади. Қўчқор ака бирор ой тахтакачада ётиб ўрнидан туради.

Ойим: «Ҳеч қаерга кетмайман, ўлигим шу ердан чиқади!» — деб, милиционерларга бўш келмай дод солиб йиғласалар, бир аёл кўшнимиз (бу кўшнимиз тўғрисида юқорида ёзгандим. 1933 йилда очликдан оиласи билан шабкўр бўлиб қолганда, дадам бечора уларни боқиб қўзларини очган эдилар) ойимнинг олдига келиб: «Ҳой, ҳукумат «кўчгин» дегандан кейин кўчиш керак-да, йиғлаганинг нима фойдаси бор!» — дер эмиш... Қудратилла амакимнинг хотини — Марҳамат келиноним жуда лаби тез аёл эди, ҳалиги «маслаҳат-гўй» аёл кўшнимизни дарҳол: «Ҳа-ҳа, энди қорнинг тўйиб, кўзинг очилиб қолибди-да... тўйғизганинг қорнига» деб шуни айтадилар-да, раҳмат маслаҳатингга, уятсиз!» — деб узиб олибди.

Мен оқатлиниб, дарҳол уйқуга ётдим ва эрталаб соат бешларда туриб яна тўғри Лидия опанинг уйига йўл олдим. Соат олтиларда етиб борсам ёзиб ўтирган экан. Мени кўриб шошиб қолди.

— Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик, — дедим ва воқеани айтиб бердим.

Бечора Лидия опанинг ранги ўчиб, суратдек қотиб қолди. Шу алпозда бир оз ўтиргач, қўлига қоғоз-қалам олди ва нималарнидир ёза бошлади, ёзиб бўлгач, менга қўл қўйдириб, биргалашиб кўчага чиқдик. Пиеда борар эдик. У менга бир сўз демас, мен ҳам ундан қаерга боришимизни сўрамас эдим. Соат саккизларда Ленин кўчасидаги «Пионерлар уйи» қаршисидаги «Жумҳурият прокуратураси»га келиб кирдик (ҳозирги Ф. Э. Дзержинский ҳайкали ўрнида). Ҳали иш бошланишига бирор соатча вақт бор эди. Биз айланиб юриб бир хона қаршисида тўхтадик. Унда эшик тепасига «Прокурор фалончи, уй-жойлар масаласи бўйича» деб ёзиб қўйилган эди. Энди мен қаерга келганимизни тушунган эдим. Лидия опа: «Прокурор келгандан кейин ўзингиз кирасиз, шу аризани қўлига бериб жим тураверасиз, ҳамма сўз бунда ёзилган», — деди. Ариза шундай бошланган эди: «Кеча кечқурун уйимизга ўн иккита милиционер келди...»

Соат тўққиз бўлди. Прокурор (рус киши) келиб кабинетига кириб кетди. Лидия опанинг имлаши билан кетидан аризани кўтариб мен ҳам кирдим. У индамай аризамни олиб жиддий ўқиб чиқди ва яна бир қайта ўқиб чиққач, мендан сўради:

— Бу жойлар сизга бобондан мерос қолганми ёки даданга давлат томонидан берилганми?

— Қодир бобомиздан қолган, — дедим дарҳол унинг мақсадини тушуниб.

Шундан сўнг прокурор аризининг бир чеккасига ёзиб имзо қўйди: «Агар мерос жой бўлса, эгалари кўчирилмасин». Кейин у қаёққадир қўнғироқ қилди (менимча, шаҳар прокуратурасига бўлса керак) ва аризани узатди. Мен олиб, раҳмат айтиб кабинетдан чиқдим. Лидия опа дарҳол туриб, дераза ёнига бориб (кутув хонасида фақат иккимиз эдик) прокурор ёзувини ўқиди ва бирдан қувониб, «Табриклайман, жойингиз ўзингизга қолибди!» — деди.

Лидия опа мени бошлаб бир кабинетга олиб кирди.

Унда бир машинистка хотин ўтирар эди. У аризининг имзо қўйилган ерига муҳр босди ва число қўйди, бир журнални очиб нималарнидир ёзиб қўйди. Кўчага чиққач, Лидия опа: «Энди тезроқ боринг, уйдагиларни хурсанд қилинг, аризани йўқотманг, ойингизга салом айтинг», — деди. Раҳмат айтиб, уйга югурдим. Борсам, уйимиз тип-тинч, «посбон» милиционер ҳам кетиб қолибди, гўё уйда ҳеч воқеа рўй бермагандай, ҳаммаёқ оҳиста, ораста эди. Ойим бўлса кечаги синган хум, цементларни укаларим кўмагида чуқурга олиб бориб ташлаш ҳаракатида эдилар...

Бу воқеа уйимизда гўё кутилмаганда бир портлаш каби бўлиб ўтди. Биламан, бу портлаш юқори идоралардан содир бўлмади. Аксинча, қуйи идора қузғунлари тарафидан, вақтдан, вазиятдан фойдаланиб, бизни уйимиздан қўрқитиб, доводиратиб, тентиратиб чиқариб юбориб, пионер лагери баҳонаси-ла ўзларига маишат маскани қилмоқчи, дадам яшаган ҳалол, покиза жойларни ҳаромхонага айлантирмоқчи бўлган эдилар...

\* \* \*

Бу бизнинг уйда бўлиб ўтган кўнғилсиз воқеа анча кенг доираларга тарқалган эди. Орадан бирор ой вақт ўтган эди. Самарқанддарвоза маҳалламизда яшовчи шоира Музайяна Алавия бир кун кўчада мени учратиш шундай ҳикоя қилди:

— Бизнинг бешоғочлик узоқроқ қариндошимиз бор. Узи ўқимишли, хўжа-саидлардан (исмини унутдим — Ҳ. Қ.). Шу киши қамалиб қолган эди. Ун бир ой ётиб, яқинда уйига қайтиб келди. Мен ўртоғим билан кўнғил сўрагани уларникига бордим. У ҳикоя қилиб деди: «Мен Абдулла Қодирий билан бир камерада ўтирдим. Бир кун у (Абдулла Қодирий) ўзидан-ўзи бизга деди: «Уйимдан болаларимни кўчириб чиқариб юбормоқчи бўлишибди. Лекин, болаларим бўш келмабди, уйдан чиқариша олмабди, мени болаларим-да...» Биз ҳайрон бўлдик. Бу хабарни у киши кимдан эшитди экан. Чунки шу кунларда камераимизга янги одам келмаган ва Абдулла акам ҳам сўроққа қақирилмаган эдилар. Ёки у кишига бу воқеа тушларида аён бўлди... Мен қамоқдан чиқиб келиб эшитсам, дарҳақиқат шундай бўлган экан». Музайяна опадан шу гапни эшитганимга икки-уч ҳафта бўлган эди. Бир кун ойимни район прокуратурасига қақирдилар. Ойим ўрнига мен бордим. Прокурор мендан қайси адресда, кимнинг уйда яшаётганлигимизни, уй-жойларимиз ўз тасарруфимизда, йўқлиги, уйимизда ўзга одамлар яшаётган-яшмаётганлиги тўғрисида сўради ва мендан шу саволларга жавоб бўларли бир хат ёздириб олиб, менга руҳсат берди. Аммо бундай хат уларга нега керак бўлганини айтмадилар ва мен ҳам улардан сўрамадим. Чунки, фаҳмлашимча, дадам тергов органларида бу адолатсизлик тўғрисида жиддий арз қилганлар ёки шикоят ёзганлар, шундан сўнг дадамни ишонтириш учун район прокуратураси орқали уйимизда ўзимиз яшаб турганлигимиз ҳақида дастхат ёздириб кўрсатиб, у кишини тинчлантирганлар...

Охири келгуси сонда

**Шукур Содик**

1959 йили Советобода туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Таянч нуқтаси», (1987) шеъррий тўпламининг муаллифи. СССР Езувчилар союзининг аъзоси.

**Сирлашув**

Инсоннинг мияси —  
Оламнинг кичик моделидир, деди шоир.  
Итнинг ёки товукнинг мияси-чи, деди олим.  
Мен биламан, аммо, айтолмайман, деди файласуф,  
айтсам кун кўришим қийинлашади.

**Абадият ва ҳаёт**

Бир сиқим тупроқсан  
Бир сиқим.  
Лозимдир тупроқни қизғониш.  
Яшаш — туш кўришдир аслида  
Ўлим — бу уйқудан уйғониш.

Тасодиф — келади бир куни  
Ширин тушларингнинг каззоби.  
Етилган бир сиқим тупроқнинг  
Уйқудан уйғониш азоби.

Вужуд — қамоқхона руҳингга,  
У озод бўлади бир куни  
Пиллақуртнинг капалагидай,  
Ҳис қилмай яшайсан сен буни.

Иккинчи умрни бошлайсан,  
Ўлим — туғилган кунингдир.  
Қул бўлиб яшадинг шоҳ — Вақтга,  
Энди шоҳлар сенинг қулингдир.

**Ўжиликка  
ўрадиқ юрагини...****Файласуфнинг қўшиғи**

Гегель ожиз, Форобий ожиз  
Аристотель ожиз бунчалар.  
Тошдан қаттиқ, темирдан қаттиқ  
Ҳаёт сенинг нонинг шунчалар.

Ибтидо — йўқ, интиҳо ҳам — йўқ,  
Йўқдир бизга сирли Оламсоз.  
Менинг мажруҳ муҳаббатимдек,  
Йўқликдаги борлиқ бор холос!

**Қушча**

Кукулаб санайди сайроқи қушча,  
Саноққа ҳамоҳанг санчади юрак.  
Шу қушнинг тилида турибди жоним,  
Шу қушнинг тилидан тушмасим керак.

Дўстларим ичида айтди; Алвидо...  
Ғанимларим айтди: Жони темирдан...  
Бу гаплар қушчага оғир ботди-да,  
Мени тили билан кўтарди ердан!

\* \* \*  
Сен кетдинг баҳорни менга бахш айлаб,  
Сенсиз баҳорни ҳам ортиқ биламан.  
Мен энди ўзимдан ўзим рашк айлаб,  
Ҳуснингни баҳорга тортиқ қиламан.

Ошиқлар измингда елса, гулбадан  
Айрилиқ ҳам этса мағрур бошингни.  
Мен энди ўзганинг бармоқларидан  
Рашк айлаб, шамолга бергум сочингни.

Мактублар йўлласанг қалбга юпанч деб,  
Ойдин умид бўлса дилда сўзларинг.  
Мен энди осмоннинг чиройига зеб  
Дея, юлдузларга бергум кўзларинг.

Кўклам келганида ҳар гал боғларга,  
Кўксингда пўртана урса бир туйғу.  
Мен энди ишқимни менгаб тоғларга,  
Тоғ каби сукутда яшайман мангу.

## Сенека Луций Анней

Сенсуализмнинг исканжасида  
Сен билан юзма-юз турибман Луций!<sup>1</sup>  
Жавдардан семирган мияси билан  
Инсонни камситди Конфуций.

Каттага итоат кичикка фарз деб,  
Сен айтмадинг, руҳни бўлдирдинг.  
Тенгсизликнинг кемтик жойини,  
Ўз ўлиминг билан тўлдирдинг.

Келажакка ёзган мактубинг,  
Етиб келган бўлса бизгача.  
Турли қарашларнинг ошқозонида  
Ҳазм этилмоқда ўзгача.

Қўрқувни енгиш шарт сенингча Луций  
Руҳни осойишта сақламоқ шартдир.  
Бир қултум Озодлик учун ўзини,  
Ҳайиқмай қоядан ташлаган марддир.



## Ўзлигидан кечган одам

Мени қадрлашса генийман!  
Осмоннинг калити қўлимда.  
Уларнинг наздида гўё жинниман,  
Ҳамроҳ қилолмайман йўлимда.

Ўтиб оламан-да, «У» ёққа,  
Қулфлаб кетаман Осмонни.  
Димиқиб ўз осмонлари остида  
Бой беришиб сўнги имконни —

Йиғлаб мени излайдилар сўнг,  
Қайдалигим тутаман сирли.  
Чунки, ақли ўткир бу «телба»ларга,  
Мен эмас, калитим бўлар қадрли...

\* \* \*

Ҳайкал бўлиб қотган сукунат,  
Қаро рўмол ёпинган осмон.  
Маҳшар куни яқинлашгандай,  
Кўзларимда акс этар армон.

Елғизликнинг оғуши совуқ,  
Шаҳар бўм-бўш, ер юзи бўм-бўш.  
Қанот қоқиб тегрангда юртим,  
Руҳим учар яраланган қуш.

Ярадор қуш, эҳ, ярадор қуш,  
Чаппар уриб бунча бўзлайсан?!  
Вужудингни хорликка ташлаб,  
Ватанингда ВАТАН излайсан.

<sup>1</sup> Қадимги Рим файласуфи. Император Нероннинг тарбия-  
чиси, унинг ҳукми билан ўз-ўзини ўлдирган.

## Гап

Муқаддас деб билганинг  
оддий нарса бўлиб туюлса,  
дилинг остин-устун бўлса-ю  
мияннга қон куйилса,

юрагинг ўзганинг юраги  
бўлиб яшаса-ю тузмасанг,  
шундай яшайверсанг бахт шу деб,  
ўлганигни эса сезмасанг,

ўзингимас, эркингни зимдан  
гирдобига тортганда тузоқ,  
бир умрлик армонинг бўлса  
кўм-кўк майса бўлиб яшамоқ!

## Чегарада

Чегарадан ўтаётганда  
Ечиб пойафзалин олди қўлига.  
Мухр солди яланг оёқ-ла,  
Ватанининг тупроқ йўлига.

Пайдо бўлди буюк бир сурат —  
(Рассомларнинг қаёқда кўзи?)  
Этиklarга параллел ҳолда  
Битта яланг оёқнинг изи...

## Жимлик


Сендан хавотирлар келар қоғозда,  
Мендан жимлик борар бошини эгиб,  
Йиғлаб шивирлайсан ички овозда,  
«Асло бу жимликка бўлмайди тегиб...»

Агар борар бўлсам эшигинг очиб,  
Шодликдан титрайди вужудинг, ўйинг.  
Вақт етар, кетарман бу бахтдан қочиб,  
Эшикда мунғайиб қолади бўйинг.

Ва яна жимликда кечар умримиз,  
Бир кунми, ўн кунми... бу ёғи сирли.  
Шу жимлик сақлайди бизнинг сиримиз,  
Шу жимлик туфайли қалбимиз нурли.

Жимликда сўзлашиб, жимликда куйлаб,  
Кўзда изҳор этиб тилагимизни,  
Аламдан қичқириб юбормасин, деб  
Жимликка ўрадик юрагимизни.









# НИИГОХ



# ШЕРАЛИ ЖҮРАЕВ

Ота-боболаримиз юрагини куйдирган сўзлар тош битикларга кўчиб ўтган, мозий солномаларидан маълу бў. Чунки СЎЗда инсон қалбининг аён-ноаён сир-асрори яширин. Мусиқа ҳам шундай. Чингиз Айтматов айтгани каби, ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз. Ҳақ гап: куй, оҳанг ҳеч қандай чегарага бўйсунмайди. Эҳтимол, мусиқа кўнгли-мизнинг ҳатто сўз ишғол эга олмаган кўчаларига ҳам кириб боришининг сирини шундадир?!

Шерали Жўраев мусиқавий оламиниз элчиларидан бири. Унинг овози халқимизнинг минг йиллик қўшиқларига ҳамоҳанг. Хонанда оламин бугун сир-синаоти билан овозида яшайди.

Шерали Жўраев нафақат суюкли хонанда, балки том маънодаги санъаткор. У «Юлдузча» нашриёти чоп этган «Бола дунёни тебратар» номли китобчанинг муаллифидир. Ўзига хош бастакордир.

Эл севган ҳофиз иқтидорининг ҳар бир қирраси ҳақида алоҳида сўз юритиш мумкин. Лекин биз ўзимизни бундан тийган ҳолда сизни бир янгликдан воқиф этмоқчимиз; шў кунларда бир фильм суратга олинмоқда. Эҳтимол, яқин орада у сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилар. Ушбу асарнинг сценарий муаллифи, бастакори ҳамда бош роль ижрочиси ҳам сизу бизнинг меҳримизга сазовор бўлган санъаткор Шерали Жўраев.

Абдуғани ЖУМАЕВ  
тайёрлаган





**«ЁШЛИК»** журнали  
хамда ЮНЕСКОнинг

**«ИНСОН ВА  
БИОСФЕРА»**

**ПРОГРАММАСИ**

**Ўзбекистон**

**Миллий Комитети  
конкурси**

Инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир асосий манба табиатдир. Бизга маълумки, моддий олам узоқ эволюцион тараққиёт ҳосиласи. Она табиат эса кўз илғамас мутаносиблик ва мувозанат асосига қурилган.

Серқуёш диёримиз табиати ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ноёблиги, нодир қазилмаларга бойлиги ва жозиб иқлими билан ҳамisha кўзларни яшнатиб келган.

Илмий-техника инқилоби даврида саховатманд бу табиат қандай ўзгаришларга дуч келаётир, зарур-нозарур бу ислоҳлар пировард натижада қандай оқибатларга олиб бормоқда? — бу савол, табиийки, ҳеч бир кишини лоқайд қолдирмайди. Зеро, табиатга янгича муносабатларни шакллантириш ва уни кўз қорачиғидай асраш, бойликларидан эса тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг, хусусан, биз—ёшларнинг она замин олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Шу маънода «Ёшлик» журнали ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биос-

фера» программаси Ўзбекистон Миллий Комитети билан ҳамкорликда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, она юрт табиатини тўғтиёдек ардоқлаш, унинг маъданларидан тадбиркорона фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, табиат жонкуярларини улуғловчи энг яхши шеърӣ, насрий, ҳамда публицистик асарлар учун конкурс эълон қилади.


Ҳолиблар йилнинг охирида маълум қилиниб, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» программаси Совет комитети Фахрий ёрлиғи, нишони ҳамда таъсис этган мукофотлари билан тақдирланадилар.

**КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!**



Едингизда бўлса, 1987 йил апрелда «Ёшлик» журнали ушбу конкурсни эълон қилган эди. Конкурсга тақдим этилган асарлари, шунингдек, бу йўналишдаги ташкилий ишлари учун шоир Омон Матжон, танқидчи Пирмат Шермухамедов, ёзувчи Владимир Соколов ҳамда қорақалпоқ адиби Ўразбой Абдураҳмоновлар ЮНЕСКО «Инсон ва биосфера» программаси Совет комитетининг Фахрий ёрлиғи ва нишонларига сазовор бўлишди.

Она табиатни кўз қорачиғидек асраш, уни келажак авлодларга бекаму кўст, бор чиройини сақлаган ҳолда етказиш бугунги кунда долзарб масалаларнинг энг муҳимиға айланмоқда. Шунинчбатта олган ҳолда биз конкурсни мунтазам давом эттиришга қарор қилдик. Қуйида сиз шоира Назира Йўлдошеванинг химиялаштириш оқибатлари ҳақида фикр юритувчи «Навойий нидоси» мақоласини ўқийсиз.



ЕКИ ХИМИЯВИЙ ОФАТ ҲАҚИДА

- ПРОФЕССОР БЎЛМАГАН «ПРОФЕССОР»ЛАР
- ЭЛНИНГ САЛОМАТЛИГИ АЗИЗМИ, ЕКИ...
- КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ!!

Ривоят қилишларича, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино она юртидан қувғин қилинган, орадан йиллар ўтиб, Бухоро осмонида бир жуфт лайлак пайдо бўлди. Ёз бўйи хас-чўплар териб келиб, Минораи Калон тепасига ин қуришди. Одамлар уларнинг узун, чиройли қанотларини оҳиста силкитиб, гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб учишларини мафтун бўлиб томоша қилишар, куз қут-баракали, юрт тинч бўлади, деб қувонар эдилар.

Бир замон Чингиз лашкарлари шаҳарга ваҳшиёна қийқириқлар остида мўр-малаҳдай бостириб кирдилар. Минораи Калон, масжид, муҳташам обидалар, қадимий ва машхур кутубхона атрофи бола-бақра, ўсмирлар, аёлу эркакларнинг жасадлари билан тўлди. Уч кунда шаҳар култпага айланди.

Кейинги асрларда ҳам лайлақлар Бухорода не-не қирғинбарот урушлар, одам тугул, қушларга ҳам емиш қолмаган қаҳатчилик йилларининг шоҳиди бўлдилар. Аммо шаҳарни ташлаб кетмадилар. Ҳар баҳорда улар минорадаги уясини «пардозлар», Лабиховуз сувига тўш уриб, учар эдилар. Фақат бизнинг замонамизга келиб, қут-барақа, меҳр-оқибат рамзи бўлмиш лайлақлар Минораи Калонни тарк этишди... Мана, бир неча йилдирки, бухороликлар бўм-бўш, ҳувиллаган уяга термулиб, бу диловар қушларнинг яна қайтиб келишини қўмсайдилар.

Лайлақлардан эса дарак йўқ. Сайраши дилларни яйратадиган

Бугунги кунда инсониятнинг ер юзидан қирлиб кетиш хавфи уч хил тарзда намоён бўлди: ядровий, экологик ҳамда маънавий ҳалокат хавфи.

Ядровий фалокат яшин тезлигида рўй беради ва ундан ҳеч ким омон қолмайди. Экологик ҳалокат ниҳоятда изтиробли бўлиб, аста-секин кечади. Кекса авлод — ота-оналар болаларнинг борган сари одам сиеқидан узоқлашиб, майиб-мажруҳ туғилаётганига гувоҳ бўладилар. Маънавий инқироз хавфи эса бир-бирини кўришга кўзи йўқ, бир-биридан нафратланадиган ёввойи одамлар жамиятига олиб боради.

Валентин РАСПУТИН

бошқа қушлар ҳам тобора камайиб бормоқда.

Аммо шаҳарда сочи буткул тўкилиб кетаётган ёш-ёш «профессор»ларнинг сони кўпаймоқда. «Бухоро ёмғирида бошланг қолдингми, сочингдан умидингни узавер». Бу огоҳлан-тириш ҳозир Навоий, Кармана шаҳарларида ҳам тез-тез эшитилади. Нега шундай? Ёмғир сувидан сочни ўсишдан тўхтатадиган зарарли модда борми? Нега ўн-ўн беш йиллардан буён Навоийда ёлчитиб қор ёғмай кўйган? Бу саволларга навоийликлар: ҳаммасига лаънати «тулки» дум сабабчи, деб жавоб берадилар. «Навоизот» ишлаб чиқариш бирлашмаси минорақувурларидан бурқсиб ётувчи бадбўй тутунни бу ерда катта-кичик ижирғаниб ана шу ном билан атайди.

Узоқдан Навоийга яқинлашар экансиз, шаҳар осмонида оппоқ парқув булутларни эмас, қуюқ қорамтир, сиеҳранг, малларанг тусдаги булут тўдаларини кўриб ажабланасиз. Тош отсанг етгудек баландликда сузиб юрган бу «булут»лар асло осмон қаърига сингиб кетмайди. Шамол билан Бухоро томонларга, Самарқанд областининг ғарбий районларигача бориб, ҳаво совий бошлагач, ёмғир томчиларига айланиб, боғроғларга, экинзорларга, дарахтларнинг япроқларига ва мевасига кўнади, аҳоли ичадиган дарё, ариқларнинг сувига сингийди. Бу захарли ёмғир далада қолган одамнинг бошини «силайди» ва у тезда «профессор» бўлади-қолади!

Шаҳар аэропортини ўраб турган Малик чўли ҳам ёванлар, бошқа ўт-ўланларнинг хушбўйи эмас, кимё саноти чиқиндиларининг ачқимтил ҳидига тўлиб кетади.

Аэропортдан бир қақирим шимолда Навоий район паррандачилик фабрикаси жойлашган. Аммо бу ерда боқилаётган товукларни кўриб, ажабланасиз: улар товук бўлиб товук эмас, жўжа бўлиб — жўжа. Патлари сийрак, тухумларининг катталиги ҳам, озгина муболага қилиб айтсак, мусичаникидан фарқ қилмайди. Уларнинг ичи ҳам, пўчоғи ҳам кўкимтир. Фабрика 70-йилларда аҳолига 70 миллион дона тухум, ўн тонналаб товук гўшти етказиб берган. Кейинги пайтларда у ҳатто ўзининг сарф-харажатларини ҳам қоплай олмаётир.

— Атроф-муҳит, ичимлик сувининг саннат чиқиндилари билан ифлосланиши одамлар билан бир қаторда, паррандаларга ҳам салбий таъсир қилмоқда, — дейди фабрика директори афсус-надомат билан бош чайқаб, — «Навоизот» бирлашмаси бурқсатаётган тутун тўдалари «Ленин йўли», «Қизил Ўзбекистон» колхозлари устидан сузиб ўтиб, тўғри фабрикамизга ёприлади. Оқибатда паррандалар бемаҳал туллаб, нимжон бўлиб қолди. Мутасадди ташкилотларга қанча шикоят қилмайлик, натижа чиқмади.

## Йўқолган мўъжиза

Карманадан тўрт қақирим олисда, куёш нурларига чўмилиб ётувчи пахтазорлар этагида ўн-ўн беш хўжалик яшайдиган овлоқ қишлоқ бор эди. Унинг ҳовлилари мевали дарахтлар билан ўралган бўлиб, анору олмалар қор ёққунга қадар шох-

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Бухоро областининг Навоий районида туғилган. Қатор шеърли китобларнинг муаллифи. Ҳозир «Гулистон» журналинда бўлим мудири вазифасида ишлайди.

ларда товланиб турар эди. Қишлоқ полизларида қорақанд, шакарпалак, новотранг каби ўнлаб қовун навларининг хушбўй ислари димоққа уриларди. Баҳайбат ва серҳосил балхи тутлар, ҳусайни узумлари кўзин олгувчи ишкомлар, сал нарироқда эса напармон бўлиб гуллаб ётувчи бедазор...

Икки ёнига гужум, тол, терак экилган сарҳовузга туташ торгина сўқмоқ йўл баҳор ойлари лиммо-лим бўлиб оқувчи Хонимконга элтади. Хонимконнинг икки рошида нафис, бинафшаранг ёввойи гуллар, жийда, наъматак, дўлоналар ўсиб ётар, тиллакўнеиз, ниначи, гул қанотли капалаклар кўниб-ўчиб юрар эдиларки, томоша қилиб, ҳатто катталар ҳам болалардек завқланишар эдилар. Биз ёз бўйи сойнинг икки ёнбағрида сизги боқардик.

Сумбула кириши билан Хонимконнинг суви зиллолашиб, камайиб қолар, тарвақайлаб кетган илдиэлари остидаги камарларга яширинган лаққа, зоғора, сазан балиқларни шундоқ қўл билан тутиб олар эдик. Қиш чиқиши билан эса сой қирғоқлари исмалоқ, чучмўма, жағ-жағ, қийчи, ялпизлар конига айланарди. Наздимда, у бизнинг онамиз эди. Ярим қақирим шимолда эса Зарафшон оқарди. Биз дарёнинг сўлим соҳилларига тўққиз метр баландликдан тикка йўл солиб тушиб келардик. Юлғунзорлар, яшил бахмалдай ёйилган майсазорлар, ўт-ўланлар оралаб катта ўзанга қуйилаётган биллур чашмаларнинг ўз қўшиқлари, эртақлари бор эди. Дарё икки ўзанга бўлиниб, бирида бўтана, иккинчисида шишадай тиниқ сув оқар, балиқлар думлари билан қамишларни силкитиб, шўх сузиб кетар эдилар. Биз қирғоқда ўтириб, уларнинг ҳаракатларини кузатар эканмиз, «Сув париси», «Олтин балиқ» эртақларидаги воқеаларни эслардик. «Ерилтош», «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» дostonларидан парчалар айттар эдик. Табиат билан мулоқот юракларимизга соф, бегубор туйғулар бўлиб кирар, тегран ўйларга чўмардик. Мен қандайдир болалик ишончим билан бу жойлар абадий шундай яшнаб тураверади, ҳали узоқ-узоқ шаҳарларга бораман, одамларга ўзим туғилиб ўсган бу маконнинг мангу гўзалликлари, мўъжизаларини сўйлаб бераман, деб ўйлар эдим...

Эндиликда ўша сирли Хонимкон ҳам, жимжит сеҳрли қишлоқ ҳам, минг афсуски, хотирамдагина сақланиб қолган, холос. Қишлоқ аҳли ҳамиша гавжум, сершовқин, Карманга олиб борувчи серқатнов магистраль йўл ёқасига кўчириб юборилган. Сой ҳам, қабристон сарҳовуз, балхи тутлар, чорбоғлар, ичкари-ташқари ҳовлилар ва улар билан боғлиқ не-не эзгу хотиралар — ҳамма-ҳаммаси бульдозерлар билан текисланиб, ўрнига пахта экиб юборилган. Бетон ариқлар ётқизилган. Келгусида эса дарё яқинидаги ўша қишлоқ ўрнида қандайдир сааноат корхонаси қурилиб эмиш...

## Хазон бўлган Хончарвоқ

Бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин Хончарвоқ деҳқонлари Кармана бозорида бўриқалла, шакарпалак, қорақанд каби қовунларни, анжир, ўрик, узум, нок, анор каби ширин-шакар меваларни мақтаб-мақтаб сотишар, нарх-наво ҳозиргидан анча паст эди.

Дўрмон зонасига кирувчи бу боғ-чарвоқларнинг мевасини кеч кузда ҳам териб тамом қилиб бўлмасди. Ҳатто 70-йилларда ҳам мазкур хўжаликлар пахта, сут, гўшт маҳсулотлари билан бирга, пойтахт аҳолисига ҳар йили ўн минг тоннадан ортиқроқ олма, узум, шафтоли ва бошқа мевалар етказиб берар эди.

Аммо эндиликда менинг болалигим кўмилган мўъжаз қишлоқ каби Хончарвоқдаги боғ-роғлар ҳам қуриб битган. Йўлларнинг икки тарафида тут ниҳоли, томорқаларда — маккажўхори, далада эса пахтадан бошқа нарсани кўрмайсиз. Айниқса, «Қизил Ўзбекистон», «Ленин йўли» колхозларида аҳвол жуда ачинарли. Бир пайтлар районда машҳур бўлган бу колхозлар эндиликда минг машаққату меҳнатнинг зўри билан гектаридан 20 центнердан ҳосил беради. Колхозчилар помидор, олма, ёки бошқа сабзавотларни харид қилиш учун шаҳарга тушадилар, сарсон бўладилар. Кўпчилик қишлоқ мағазинидаги макорон, ун, балиқ консерваси билан кун кечиради.

«Навоизот» бирлашмаси ёнида, «Ленин йўли» колхоз пахтазорлари атрофига чиқинди тўдалари тоғдай уйиб ташланган. Бу тўдаларда ёз бўйи оч пашшалар урчиб, қишлоққа ёприлади.

Ҳар хил чиқинди ва захарли моддалардан ҳосил бўлган бу «тоғ»лар ёнидаги пахта далалари бир пайтлар гектаридан

45 центнердан ошириб пахта берган Сиддиқ Жамолов бошлиқ бригадага қарашли.

Иссиқ шамоллар бурунни ёргудай, кўнгилни айнатгудай бадбўй ҳидни димоққа келтириб уради. Ана шу далаларда қиз-жувонларнинг оғиз-бурунларини маҳкам ўраб ишлашга-тинини кўрасиз.

## Дарёлиги қолмаган дарё

Улуғ Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonида ёзади: «Бу заминда Зарафшон деган бир дарё борки, уни жаннат наҳри десак, ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Унинг сувидан дармонсиз одам ичса, қувватга кириб кетади. Зарафшон киши умридек тез оқади».

Ўзбек Совет Энциклопедиясида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Зарафшон — олтин сочувчи дарё. У, асосан, Самарқанд ва Бухоро области ерларини сўғориб келади. Лекин унинг сувидан Жиззах области ва Қашқадарё ерлари ҳам баҳраманд бўлапти».

Зарафшон водийси Урта Осиё халқ хўжалигида муҳим ўрин тутади. Урта Осиёда сўғориладиган ерларнинг 16 фонзи, сўғоришга яроқли ерларнинг 12 фонзи шу водийда. Зарафшон водийсида чорвачиликни ривожлантириш учун ўтлоқлар кўп. Водий ўзининг кўркам ва маҳсулдор боғлари билан қадимдан машҳур. Йиллик ёғин миқдори бу ерларда 114—400 миллиметрни ташкил этади».

Ўзбек қомуси тайёрлана бошланган 60-йилларда ростдан ҳам воҳода аҳвол фахрланиб ёзса арзигулик эди. Уша вақтда Навоий район меҳнаткашлари «бизнинг қишлоқлар ҳам энди маданийлашиб, шаҳар қиёфасини олса керак», деб қувонишарди. Бўлажак шаҳарда кетаётган қурилишларга, ўзгаришларга зўр қизиқиш билан қарашарди. Ишчиларни сут-қатиқ, томорқаларидаги қовун-тарвуз, мева-чевалар, иссиқ нонлари билан сийлашарди.

Уша йиллари Навоий шаҳри бунёд этилиши билан бирга, Кармананинг ўнг биқинида каттакон ГРЭС қуриб ишга туширилди. Натижада ҳозирги Навбахор районининг Навоий номи, «Зарафшон», Свердлов номи колхозлари Зарафшоннинг тоза сувидан маҳрум этилдилар. ГРЭСнинг буғ қозонлари хлорид кислота билан ювилар ва бу оқова тозалаб-тозаланмай дарёга оқизиларди. Бу эса жониворларга ҳамда тупроқ структурасига салбий таъсир кўрсатаётгани сезилмоқда эди. ГРЭС билан бир вақтда ишга туширилган Навоий тоғ-металлургия комбинатининг атроф-муҳитга етказётган зарари ҳам ГРЭСникидан қолишмасди.

Ана шуларни кўра-била туриб, СССР Химия саноати министрилиги аҳоли гавжум жойлашган Кармана шаҳридан бир чақирим узоқликда янги кимё заводи қуриш лойиҳасини тасдиқлади. Атроф-муҳитга катта моддий зарар етказадиган бундай корхоналар аҳоли зич жойлашган марказлардан камиде уч километр узоқликда қурилиши лозимлиги ҳақидаги давлат қарорлари билан ҳисобланилмасди. Серҳосил далалар ўрнида улкан заводнинг цехлари пайдо бўлди. «Қизил Ўзбекистон», «Ленин йўли», «Коммунизм» колхозлари аҳлини ичимлик сув билан таъминлаб келаётган Дамихўжа ариғи бузиб ташланди. Урнига қувурлар ётқизилиб, химзаводдан чиқётган оқавалар дарёга туша бошлади. Хўжаликларда сув танқислиги кучайди. Деҳқонлар ариқ ўрнида ётқизилган қувурларни ўн икки жойидан тешдилар. Ҳам кулгили, ҳам қайғули ҳангома шундан сўнг бошланди. Таркибида ердаги биологик микроорганизмларга қирон келтирадиган, фақат пахта учун қисман яроқли аммиак селитраси ва бошқа химиявий моддалар бўлган техник сув пахтазорларга, боғ-роғларга, томорқаларга оқизилди. Бу сув баъзан оқ, баъзан кўм-кўк, баъзида эса устига ёғми, керосини тўкилгандай кўримсиз тусда оқарди. Кислота ҳиди одамнинг нафасини бўғиб, кўзини ёшлантиради.

Дастлаб томорқалардаги экин-тикин қуриди. Мевали дарахтлар кўкламда гулламай қўйди. Тўрт мингдан ошиқ хонадон ўз томорқасида сабзавот, мева-чева етиштиришдан маҳрум бўлиб қолди. Пахта, маккажўхори, тут дарахтидан бошқа ҳеч нарса битмай қолди. Ернинг юза қатлами оёқ боссанг, юпқа муз бўлақларидай қарсиллаб синади.

Колхоз раиси, бригада бошлиқлари бирлашма ётқизган трубадари тешиб, оқавадан фойдаланиб, катта хатога йўл қўйганликларини тушунишди. Аммо кеч бўлганди. Колхоз-

нинг деҳқончилик қилинадиган майдонларига ҳисобдан ташқари юзлаб гектар ер қўшиб олинган эди.

Бу қўшимча сувни талаб қиларди. Зарафшон сувининг катта қисми эса эндиликда Каттакўрғон ҳамда Навоий sanoat корхоналарида ишлатилмоқда, бошқа сув манбаи эса бу ерларда йўқ.

Колхозчилар оқаваларни тозалаламай оқизаётгани учун «Навоиозот» раҳбарлари устидан шикоят қила бошлашди. «Навоиозот»дагилар ҳам ўз навбатида: «Биз колхозларни сув билан таъминлашга мутасадди эмасмиз. Лойиҳада оқавани тозалаб, Зарафшон дарёсига ташлаш кўрсатилган. Колхоздагилар ўзбошимчалик билан тешган қувурларимизни тузатиб беришсин, деб маҳаллий ташкилотларга мурожаат қилишарди. Бу ёзишмалардан ўттиз йил давомда ёстиқдай-ёстиқдай папкалар тўлди-ю, аммо аҳвол ўзгармай қолаверди.

Шундай ёзишмалардан бири «Навоиозот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори М. Г. Плешков ҳамда Навоий область прокурори В. С. Сургановга юборилган:

«Навоий область СЭСи сизга шуни маълум қиладики, «Ленин йўли» колхози 4-бригадасидаги қувурлар яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли корхонадан оқаётган чиқинди сувлар ариқларнинг сувини ифлослантирмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида ўткир ичак касалликларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

1985 йил 9 сентябрда Янгиобод ариғининг суви текширилганда, сувдан вабо касаллигини тарқатувчи юқумли бактерияларнинг вируслари топилди. Бирлашма цехларида ишлатилган кимёвий моддалар билан ифлосланган сув биологик ҳавзаларда қайта тозалангандан кейингина колхозчилар билан келишилган ҳолда ишлатишга рухсат этилиши керак. Аммо ҳозирга қадар ҳам бу сувлар ифлослигича Зарафшонга ташланмоқда. Аҳоли ўртасида келиб чиқаётган ҳар хил кўнгилсизликларнинг ҳамда дарё ифлосланишининг олдини олиш, заҳарли кимёвий моддаларнинг сувга тушмаслигини таъминлаш мақсадида облСЭС куйидагиларни талаб қилади:

4-бригада майдонидаги тешик канализация қувурлари алмаштирилсин. Заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланаётган сувни биологик ҳавзаларда қайта тозалаш яхши йўлга қўйилсин. Ушбу огоҳлантириш юзасидан кўрилган чоратadbирларни шу йил 25 сентябргача маълум қилишингизни сўраймиз.

Д. БЕЛОЗЕРОВА.

Навоий область давлат санитария бош врач.  
16. IX. 1985 йил.

Ушбу хат ҳам мутлақо жавобсиз қолди-кетди.

## Ночор иншоот

«Навоиозот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли сувни биологик қайта ишлаш иншооти 1962 йилда қурилган. У йиллари Навоий ҳали шаҳар эмас, кичкина посёлка эди.

Тоғ-металлургия қўшма корхонага мустақкам ўрнашиб олгач, ўзининг эскириб қолган сувни биологик қайта ишлаш иншоотини «Навоиозот» ихтиёрига берганди. Бу иншоот бир кеча-кундузда 100 куб метр сувни қисман тозалаб бера олиш имкониятига эга эди, холос. Бу кўҳна иншоот эндиликда бутун бошли оқаваларини қайта ишлашга маҳкум. Шаҳар корхоналарида эса сув таъминоти оборот системасининг қуввати 1400 минг куб метрдан ошади. Бу сувнинг 90 фоизини асосан «Навоиозот» ҳамда Электрохимия заводи ишлатиб келади.

«Навоиозот» цехлардан чиққан оқаваларнинг бир қисмини тўғридан тўғри «Ленин йўли» колхози 4-бригадаси территориясидаги сув ҳавзаларига, қолган қисмини эса иншоотда баҳоли-қудрат қайта ишлаб, яна дарёга ташлайди. Заҳарли оқавалар ташланадиган сув ҳавзасининг атрофини оқава ернинг остки қатламга сингиб кетмайдиган қилиб бетонлаш, сувни ёпиқ усулда сақлаш ишлари амалга оширилмаган.

6-цехдан чиқадиган қора қурум аралаш сувлар ҳам лойиҳага хилоф равишда ана шу ҳавзага ташланади. Унча катта бўлмаган ҳавзага суткада лойиҳада кўрсатилган 500 куб метр ўрнига аммоний сульфат, синил кислотаси аралаш оқава, нитро-

лакшли кислота цехларидан чиқаётган 1200-1500 куб метр оқава ташланади.

Бирлашмада 1- ва 2-нитрон ишлаб чиқаришида ишлатиладиган, таркибида кимёвий бўёқ моддалар бўлган оқавани аҳоли пунктларидан узоқда бўлган махсус майдонга чиқариб ташлаш масаласи ҳам ҳал қилинмаган. Сувни биологик қайта ишлаш иншооти эса бу оқавалардан бўёқларни тўла тозалашни таъминлай олмайди. Натижада ҳатто таркибида катта миқдордаги родинийли натрий бўлган оқавалар ҳам иншоотда тозаланиб-тозаланимай дарёга ташланади.

Иншоот қаттиқ зўриқиб ишлаши натижасида унда нормал технологик режим тез-тез бузилиб туради. Санитар нормага мутлақо жавоб бермайдиган оқава сувлар дарёга ташлаб юборилади.

Бундан неча йиллар бурун ана шулар ҳақида маҳаллий ташкилотлар томонидан танқидий мулоҳазалар билдирилиб, бири-биридан нохуш маълумотлар қайд этилган хатлар бирлашма адресига юборилавергач, иншоотни кенгайтириш масаласини СССР Химия sanoati министригидагилар кўриб чиқишга мажбур бўлишди. 10 миллион сўм маблағ ажратилди ўшанда. Аммо ҳозиргача 500 минг сўмлик иш бажарилди, холос. Негаки, иншоотни кенгайтиришни ўз зиммасига олган буюртмачилар Навоий тоғ-металлургия комбинати ихтиёридаги ташкилот ҳисобланади. Бу комбинат учун эса иншоотни кенгайтириш масаласи учинчи-тўртинчи даражали иш ҳисобланади.

Карманада эса ҳалигача сувни биологик қайта ишлаш иншооти кўрилмаган, ҳатто шаҳарга канализация тармоқлари тўлиқ ўтказилмаган. Қишлоқми, шаҳарми, чинакам обод бўлиши учун унинг ўз хўжайини, жонкуяр кишилари бўлиши керак. Аммо Карманада ҳам, Навоийда ҳам аҳолини ўйлайдиган меҳрибон раҳбар топилмади. Маҳаллий газеталар, ҳатто марказий матбуот ҳам «Навоиозот» раҳбарларини ўттиз йил давомида фақат мақташди. Уларнинг айримлари ЎзССР Олий Советига неча бор депутат этиб сайланди. Кўкракларига орденлар қаторлаштириб тақиб қўйилди. Ҳозирги пайтда Зарафшон дарёси сувининг қаттиқлиги 1965 йилдагига нисбатан икки баравар, аччиқлиги уч баравар, хлоридлар миқдори 2,1 марта, сульфатлар 2-3 марта, шўрлик даражаси уч баравар ошган.

— Ифлосланган сув оғир касалликларга сабаб бўлади, — дейди академик Н. В. Новиков. — Бундай касалликлар, айниқса, болаларни мажруҳ қилиш, ҳатто ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, қорин тифи, ичбуруғ, вабо, суяк-бўғин касалликлари энг аввало одамларга ифлосланган сув манбаларидан юқади. Сув орқали одамларга ҳайвонлардан боткин, юқумли туяларимия, безгак, ичтерлама каби оғир, ўткир юқумли касалликлар ҳам ўтиши мумкин. Sanoat оқавалари аралашган сув таркибида туз ва олтингугурт кислотаси кўп учрайди. Улар сувга шўр ва аччиқ таъм бағишлайди. Бундай сувларни истеъмол қилиш ошқозон-ичак фаолиятини издан чиқаради. Бир литр сув таркибида хлоридлар — 350 мг, сульфатлар 500 мг. дан кўп бўлса, соғлик учун хавfli ҳисобланади...

«Навоиозот» маҳаллий аҳолини тоза ичимлик сувдан қандай маҳрум қилган бўлса, тоза ҳаво — кислороддан ҳам шундай қисиб қўйди. Бирлашма дудбўронларидан ҳавога тарқалётган тутун қишлоқ ҳовлиларига қора қузғунлардек ёприлади. Дераза, эшиклар тирқишидан уйларга кириб, бурчак-бурчакда муаллақ туради-қолади. Одамлар саратоннинг жазирама кунларида, дим ҳаволи тунларида «тулки дум» дастидан эшик-деразаларни маҳкамлаб, уйга қамалиб олишади. Пахтакорлар, асосан, аёллар ва мактаб ўқувчилари ана шундай шароитда ҳам далада ишлашга мажбур.

— «Навоиозот» этагида жойлашган бригадаларда ҳозир аёлларимиз пахтани чопиқ қилишяпти, — дейди «Ленин йўли» колхозни кадрлар бўлимининг бошлиғи Бобоқул Давронов. — Мабодо, ҳозир улар ишлаётган далаларга борсангиз, заҳарли тутун таъсирида ҳаво етишмай, йиқилиб қолишингиз турган гап. Аёллар эса ўрганиб қолишган. Химия корхоналарининг атроф-муҳитни ифлослантиришлари туфайли биз ҳамма нарсамиздан — соғлигимиздан тортиб ариқларнинг бўйида ўсадиган яллизларгача маҳрум бўлдик. Колхознинг 600 гектар умумдор ери яроқсиз бўлиб қолди.

Бундан бир неча йил олдин Москвадан, Тошкентдан мута-

хассислар келишиб, қирқта қуён устида тажриба ўтказишди. Қуёнлар заҳарли тутун таъсирида ўлиб қолишди. Мутахассислар: «зудлик билан атрофмуҳит ифлосланишининг олдини олиш шарт», деган хулоса билан кетишганди. Аммо орадан ўн йиллар ўтди ҳамки, кўриладиган чорадан дарак йўқ.

— Ҳовлимда ўзимни дўзахда ўтиргандай ҳис қиламан, — дейди «Ленин йўли» колхозси собик бригада бошлиғи Сиддиқ Жамолов. — Бутун колхоздан бир мевали дарактни топа олмайсиз. Илгарилари ҳар бир хонадонда олма, қароли, шафтоли, анжир бор эди, гилос, анор бор эди. Энди эса ёзинг жазирама кунни мева-чева у ёқда турсин, икки дона помидорга, бир боғ пиёзга, бир кило бодрингга зормиз. Томорқамизда экин битмайдиغان бўлиб қолганига неча йиллар бўлди. Дарахтлардан фақат тут ернинг шўрланишига бардош бериб турибди, холос.

Қаҳратон қишда ҳам, жазира ёз кунларида водопроводларимизда сув бўлмайди. Электрохимия заводининг заҳарли оқавалари ерости сувларини ичишга яроқсиз қилиб қўйди. Ичишга тоза сув бўлмаса, томорқангда экин-тикин битмаса, бошинг касалликлардан чиқмаса, шу ҳам яшаш бўлдимиз, ахир!..

Карл Маркс номли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Юлдуз Шодиеваннинг сўзларини эшитинг:

— Эрталаблари уйдан ташқарига оғиз-бурнимизни даструёмол билан маҳкам беркийтиб чиқамиз. Йўқса, заҳарли тутундан йўталганимиз йўталган. Бу тутуннинг сассиқ ҳидидан ёз кечалари ухлаёлмаймиз. Ўқитувчиларимизга шикоят қилсак: «Давлатимизга керакдирки, шундай қилишаётгандир...», деб қўя қолишади. Мактабимизда бир неча ўқувчи астма, сариқ каби касалликларга чалиниб ўлди. Бир нечаси ҳозир ҳам касалхонада ётишибди. Шундай пайтларда биз давлатимиздан ҳам хафа бўлиб кетамиз. Айтинг-чи, ростдан ҳам давлатимиз қилаптими шу ишларни?

Кичкина қизчанинг катта саволидан ўзимни ўнглолмайман. Мен ҳам бир вақтлари шу ерда туғилиб ўсганман. Лекин болалигимда мени бундай изтиробли саволлар қийнамаган эди. Бу қизалоқнинг болалигини ўғирлаганлар кимлар?

## Чернобиль фожиясидай оғир

Беш гектардан ошиқроқ майдонни эгаллаган «Навоиозот» бирлашмасида катта ёқиш хўжалиги мавжуд. Бирлашма цехларидан чиқадиغان заҳарли газлар шу ерда ёқиб юрдилади. Корхона раҳбарлари бу ёқиш хўжалигини реконструкция қилишни ҳанузгача орқага суриб келадилар. Буни Юлдузнинг ўқитувчилари билишмайди, албатта. Комбинатдаги асбоб-ускуналар ҳамда тозалаш воситалари шу қадар эскириб қолганки, беихтиёр Чернобиль фожиясини эсга солади. Айниқса аммиак ишлаб чиқариш цехининг 1- ва 2-навбати, кучсиз азот кислотаси ва уксус кислотаси ишлаб чиқариш бўлимларидаги аҳвол ниҳоятда қалтис ва хавфлидир.

Лойиҳа бўйича 5-кучсиз азот кислотаси цехида 14 та катализатор самарали ишлаши керак эди. Аммо бу катализаторларнинг икитаси бундан ўн йиллар олдин ишдан чиқиб бўлган. 10-ва 13-агрегатлар қонунга хилоф равишда ҳеч қандай тозалаш ускуналарисиз ишлаб, ҳар кун кўплаб тонна заҳарли газларни ҳавога тарқатади. Бирлашма СССР Химия sanoати министрлиги ва унинг қўл остидаги ташкилотлар билан иккита каталитик тозалаш реакторини тайёрлаб бериш ҳақида узоқ йиллар ёзишмалар олиб борди-ю, аммо ҳеч бир натижага эришолмади.

Қолган 12 та катализатор ҳам эскириб қолганига қарамай, нормадагидан икки-уч баравар ортиқ эксплуатация қилинмоқда. Бу эса уларнинг самарасиз ишлашига, ҳар йили атмосферага 1,866 тонна азот оксиди ва яна шунча углевод оксиди чиқариб ташланишига сабаб бўлмоқда.

— Иттифоқимизда бизнинг бирлашмамиз типидagi заводлардан 58 та бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол бизникидан яхши эмаслигини бориб кўрдик, — дейди цех бошлиғи Геннадий Овчаренко. — Бундан саккиз йил бурун бирлашмага СССР Химия sanoати министрлигидан акил келган, аҳволни ўз кўзи билан кўрган эди. У иккита катализатор ундириб беришни ўз зиммасига олди. Аммо кейин қорасини кўрсатмай кетди. Ниҳоят, ўтган йили украиналик дўстларимиз иккита катализатор тайёрлаб беришга рози бўлишди. 400 минг сўмга шартнома тузилди.

Бутуниттифоқ Газ sanoати Ўзбекистон бўлими ҳам бирлаш-

мага бераётган табиий газ таркибида сероводороднинг нормадаги миқдорини таъминламаётир. Бу газни қайта тозалаш катализаторларида иш маромининг бузилишига, чиқиндиларни тозалашнинг ёмонлашувига олиб келди. Чиқиндилар таркибидаги азот кислотасининг миқдори лойиҳадаги 0,005 ўрнига 0,03 фоз, яъни 6 баравар кўпроқдир. 3-, 23-цехларда аммиакли селитра чанги тозаланмасдан ҳавога чиқарилиши оқибатида ҳар йили атроф-муҳитга 3 минг тоннадан ортиқроқ аммиак зарралари ёғилмоқда.

Умуман, бирлашмада азот кислотаси, аммиак ва аммиак селитраси ишлаб чиқаришнинг дастлабки 1—2-навбати иқтисодий томондан фойдасиз ишчиларнинг меҳнат шароити нормадаги талабларга жавоб бермайди, цехларнинг ҳавоси чанг ва заҳарланган.

**1985 йили юқори назорат органларидан бирлашмага юборилган комиссия мана шу шароитларни кузатиб ва текшириб чиққач, мажбурий кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш тўхтатилиши, ўрнига кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш учун янги ускуналар қурилиши лозим, деб топган эди.** Комбинат раҳбарлари комиссиянинг бу фикрлари билан ҳам ҳисоблашмади.

Нитрон — 1 ишлаб чиқаришнинг полевизация цехларида нитролаккли кислоталарнинг миқдори нормадагидан беш-олти баравар ортиқ. Уксус ва нитролаккли кислоталарни ишлаб чиқариш эски услубда олиб борилади. Олинаётган кимёвий моддалар фойда келтирмайди. Цехларда газлини даражаси юқорилиги учун СССР Химия sanoати министрлиги 1978 йилдаёқ мажбурий ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳақида қарор чиқарган эди. Афсуски, бу қарор ҳам қоғозларда қолиб кетди.

Бирлашмада ўттиз йилдан бери жорий ва капитал ремонт ўтказиш муддатларига риоя қилинмади. Аксинча, корхонага зарарли ва заҳарли, ёнгин хавфини тўғдирадиган моддалар нормадагидан неча баробар ортиқ келтирилди, аммиак селитрасини кўпроқ ишлаб чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Раҳмон Каримов, 23-цех бошлиғи:

— Цехимиз 1971 йилда ишга туширилган. Ҳар йили 460 минг тонна аммиак селитраси тайёрлаб беради. Роппа-роса ўн беш йил ҳавога чиқариладиган селитра чангини пар билан концентрация қилиш қурилмасисиз ишлаб келдик. Яқин-яқинларгача цех қувурларидан бир қақирим узоқдан ўтсангиз ҳам оппоқ селитра унига беланар эдингиз. Лойиҳада бу қурилма кўрсатилган, албатта. Аммо биз 1985 йилнинг охиридаги лойиҳа бўйича ишлашга киришдик. Утган давр мобайнида ҳар йили ўн мартаб мурожат қилишимизга қарамай, СССР Химия sanoати министрлиги бирлашмадаги эски, самарасиз асбоб-ускуналарни алмаштириш, капитал қурилишга бир тийин ҳам маблағ ажратмай келди. Фақат ўтган йили янги қурилма ўрнатишга муваффақ бўлдик. У селитра чангини нейтраллаштириб, қисман камайтиради, холос.

Раҳмон Омонов; бирлашма ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи:

— Бирлашмамизда юздан ортиқ цех бор. Уларни қайта жиҳозлаш учун жуда катта маблағ керак. Биргина 5-аммиак цехининг капитал ремонтни 42 миллион сўмни талаб қилади.

Бирлашма ҳар йили ўртача 222 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Хомашёнинг асосий қисмини ҳаводан оламиз. Аммо бирлашма табиий газ ва электр токи учун давлатга ҳар йили 190 миллионга сўмга яқин пул тўлайди. Бирлашмада қоладиган даромад кўпи билан 25—30 миллион сўмни ташкил этади. Ишчи-хизматчиларга маош, қўшимча мукофот ва бошқа сарф-харажатлар ҳаммаси ана шу ҳисобдан тўланади.

1986 йилда айрим юқори ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўлидаги даъватлари туфайли бирлашмада қатор тадбирлар амалга оширилди. Жами 1 миллион 760 минг сўм, шундан сув манбаларини муҳофаза қилиш учун 800 минг, ҳавонинг мусаммақлигини таъминлаш учун 960 минг сўм маблағ сарфланди, деб ҳужжатлаштирилди. 1987 йилда эса сувни кимёвий қайта тозалаш иншоотларини кенгайтириш учун йингирма миллион сўм ажратилди. Аммо шундай катта сарф-харажатлар билан ҳам ҳақиқий аҳвол ўзгармаётганини фактлар тасдиқлаб турибди. Негаки, ҳар йилги атроф-муҳитни булғаетган 11,5 минг тоннадан ортиқ заҳарли модда, 13 минг тонна аммиак чанги ва бошқа чиқиндилар ҳамон заррача бўлсин камайгани йўқ. Бундан неча йиллар олдин бирлашмада ҳавони ифлослантирувчи 52 та ўчоқ бор эди. Ҳозир ҳам бу рақам камайгани йўқ.

## Эртаминз қандай кечади?

«Навоиозот» теварак-атрофдаги ҳаётни издан чиқараётгани 70-йиллардаёқ маҳаллий ташкилотларни қаттиқ ташвишлантираётган эди. Аҳоли ўртасида турли касалликлар кўпайиб кетаётгани учун медицина муассасалари тегишли ташкилотларни огоҳлантирганди. Шунга қарамай, 1982 йилда бу ерда янги электрохимия заводи ишга тушириб юборилди. Цехларда меҳнатқашлар учун керакли шароит яратилмади. Кучли заҳарловчи моддалар билан ишланадиган махсус хоналар ҳам хавфсизлик нормаларига жавоб бермасди. Каторан цехида хоналар, ишчи ўринлари ва агрегатлар заҳарли чанглардан мутлақо таъқиқланган усулларда тозаланарди. Ишчи ўринларида аммиакнинг қолдиғи нормадагидан беш баробар, реактор бўлимида эса ўн беш баробар ошиб кетди. Оқибатда заводда ишчиларнинг касалланиши кўпайди, кучли заҳарланиш ҳодисалари қайд этилди.

Завод ҳар йили қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши 78 миллион сўмлик заҳарли дорилар, гербицидлар ишлаб чиқариши зарур. Харажатларни қоплаш учун камида 5 миллион сўмлик даромад қилиш лозим. 1986 йилда СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариши министрлиги заводда фазолон цехини ишга тушириш ҳақида буйруқ берди. Заводнинг қуввати етадими-йўқми, бу билан ҳисоблашиб ўтирилмади. Цехда қурилиш-монтаж ишлари чала ётганига қарамай, йиллик план белгиланди. Планга кўра ўша йилиёқ 457 тонна фазолон тайёрланиши керак эди.

Топшириқ бажарилмасликка бажарилмади, лекин шовша-шовшарлик оқибатида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар кўндаланг бўлиб қолди. Завод сувни ифлослантириб, атроф-муҳитга жиддий зарар етказяётгани учун ўша йилнинг ўзида 2 миллион 939 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

Завод Зарафшон дарёсидан соатига 2 минг куб метр сув олади. Шундан 600-700 кубметр сув хўжалик ишларига, қолгани ишлаб чиқаришга сарфланади.

— Заводни франциялик мутахассислар қуришган, — дейди бош инженер Юрий Қўшов, — бош лойиҳада оқавани тозалаш ускуналарни ҳам назарда тутилган. Аммо улар кам қувватли бўлиб, завод ишга тушгандан бир йил ўтар-ўтмас ишдан чиқиб қолди.

Лойиҳада фазолон цехидан чиқадиган заҳарли оқаваларни 22 километр узоқда бўлган махсус сув ҳавзасига ташлаш кўрсатилган. Ҳавзанинг ёнида Тўдакўл сув омбори бор. Кўпинча оқава кўлга уриб кетиб, унинг сувини булғамоқда, Зарафшонга қуйилиб, ер остига сингиб, аҳоли саломатлигига катта хавф туғдирмоқда.

1985 йил 14 мартда электрохимия заводи билан «Навоиозот» бирлашмаси ўртасида тузилган оқаваларни тозалашга доир шартнома бекор қилинди. Завод бу масала ҳал бўлгунга қадар ўз фаолиятини тўхтатиши керак эди. Аммо корхонадан маҳсулот талаб қилинди. Натижада, заводнинг 1-навбати ишга туширилгандан то ҳозирги кунга қадар саноат оқаваларининг маълум қисми тиндирилиб, Навоий каналга ташлаб келинмоқда. Канал суви эса яқин атрофдаги колхозларнинг ерларини суғоради. Цехларда ҳар кун қанча сув ишлатилади-ю, қанча оқава чиқариб ташланади, буни ҳисоб-китоб қиладиган одам йўқ. Турли кимёвий моддалар аралаш оқаваларнинг каналга ташланаётганлиги оқибатида «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ерлари батқоққа айланди. Чорва моллари қирила бошлади. Бу фалокатни тўхтатиб бўладими-йўқми — номалъум. Назорат органлари эса нуқул жарима солиш билан овора. Атроф-муҳитнинг мусаффолиги, одамларнинг соғлиги билан уларнинг иши йўқ.

Заводнинг заҳарли химикатлар аралаш оқаваларидан 20 гектар майдонни эгаллаган сунъий кўл пайдо бўлган. Сув ой сайин, кун сайин кўпайиб, дамбаларни бузди ва атрофдаги майдонларни ишдан чиқарди. «Қизил Ўзбекистон» колхоз, «СССР 50 йиллиги» совхоз ва яна бир неча хўжаликларга катта моддий зарар етказилди.

Кейинроқ изофен цехининг заҳарли оқаваси Навоий каналига уриб кетди. Шунга қарамай, оқавани сунъий ҳавзга ташлаш давом этмоқда. Навоий районида бирорта кўкат кўкармайдиган ўлик майдонлар кўпайиб бормоқда.

— Колхозимиз территориясида электрохимия заводининг заҳарли оқаваси ташланадиган олтига ҳавза бор, — дейди

«Қизил Ўзбекистон» колхозини бош агрономи Ҳамид Муқимов. — Улар очиқ ҳолда сақланмоқда. Устидан қуш учиб ўтса, ўлади. Тирик жон яқинлашиши мумкин эмас. Аммо улар шундоқ пахта майдони ёнида бўлган, яқин бормай илож йўқ. Ҳавзалар атрофи, ҳеч бўлмаса, ўраб қўйилмаган. Заҳарли сувлар ер остидан узоқ-узоқларга оқиб, халқ ризқ-рўзининг заволи бўляпти. Аҳвол шу тарзда давом этaversа, беш-олти йилдан сўнг Навоий район территорияси тамоман ишдан чиқиши, боғ-роғлар тугул, гиёҳ ҳам ўсмайдиган ерга айланиши, 77 минг аҳолининг ҳаёти таҳлика остида қолиши турган гап.

## Ўлганнинг устига...

Икки йирик корхонанинг атроф-муҳитга етказяётган зарари камлик қилаётгандек, деҳқон дастурхони тобора қуриб бораётгани етмаётгандек, 1984 йилда Навоий цемент заводи ҳам ишга туширилди. Бу завод атроф-муҳитни ифлослашда аввалгилардан ҳам ўзиб кетди. Бошқа районларда сув билан ишлайдиган завод бу ерда қуруқ усулда цемент ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Завод мутахассислари лойиҳада кўрсатилган намлаш қурилмасини ишлата олмадилар. Республика Қурилиш материаллари министрлиги эса филътрловчи ускуналар топишга келганда уларнинг арзини тингламади. Ишлайвермайсанми, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан нима ишинг бор, бунинг учун сени жавобгарликка тортишяётгани йўқ-ку, қабилида иш тутилди. Оқибатда завод қувурларидан ҳар йили 22,8 минг куб метр цемент қуйқаси аралаш сув тозаланмасдан атрофга ташланаверди. Жанубий-шарқий томондан эсаётган шамол цемент чангини Уртачўл массиви хўжаликларига учираверади. Пахтадан тортиб дарахтлардаги мевага қадар цемент чангига булғанади.

Шундай қилиб, чорак аср мобайнида Алишер Навоий номи билан аталган шаҳарнинг ғарбий-жанубий қисми улкан саноат ўчоғига айлантилди. Улардан ҳар йили региондаги ҳаво қатламга 125 минг тонна заҳарли модда учиб чиқади. Бир йиллик чиқиндиларнинг 47 минг тоннаси цемент заводи, 17,6 минг тоннаси Навоий ГРЭСи, 11,5 минг тоннаси «Навоиозот» бирлашмаси ҳиссасига тўғри келади... Иқтисодий зарар йилгига қарийб 30 миллион сўмни ташкил этади. Шаҳар корхоналарида атроф-муҳитни ифлослантирадиган 281 манба бор. «Навоиозот»нинг ўзида тозалалгич ускуналари ўрнатилмаган манбалар 86 та. Электрохимия заводида 61 та. Хуллас, Навоий район атмосферасидаги ўртача йиллик чанг миқдори санитария нормаларидан беш-олти баравар, аммиак миқдори 1,5—2 баравар ошиб кетган. Айрим вақтларда ифлосланиш 10—15 баравар кўпаяди. Айниқса шамол саноат зонасидан аҳоли пунктлари томон йўналганда кескин газланиш ва чангланиш юз беради.

## Сабрининг чегараси

Қишлоқларда сурункали касалликлар, ўлим кўпаявергач, дўрмонликлар ҳақиқий аҳволни келиб текширишларини сўраб юқори ташкилотларга шикоятлар ёздилар. Вакиллар келиб, Хончарвоқ, Дўрмон қишлоқлари ва «Ленин йўли» колхозида яшовчи 18 минг аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди. Текшириш натижалари қон раки, камқонлик, тиф, вабо, сариқ касаллининг оғир турлари, туберкулёз, турли оғир ичак касалликлари, бронхал астма кўпайиб, одатдаги ҳолдан ўн-ўн беш баравар ошганини кўрсатди. Хулосалар ўша пайтда амалда бўлган Навоий область партия комитети ва область ижроия комитетига ёзма равишда маълум қилинди. Республика касб касалликлари илмий-текшириш институти мутахассислари бу касалликларни аниқлаб беришлари ва шу асосда СССР СЭСи, Республика Соғлиқни сақлаш министрлигига ташвишли сигналлар берилиши лозим эди. Аммо область партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари порохўрлиги учун ишдан олиниб, жиноий жавобгарликка тортилгач, янги тайинланган раҳбар бу масала билан қизиқмади. Тўплаб берилган маълумотлар ҳаммаси қудуққа ташланган тошдай бесамар кетди.

Оддий колхозчининг қўлидан нима ҳам келарди дейсиз? Унинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга на вақти, на имконияти бор эди ўша йиллари.

Раҳбарлар эса, фақат ўтаётган кунни ўйлашарди, ўз бурчларини фақатгина пахта планини бажариш деб билишар эди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамиятлари бор-ку, деб кўнгилларини хотиржам қилишарди.

Область СЭСи ходимлари шаҳарнинг икки жойидан куннинг биринчи ва иккинчи ярмида икки марта анализ олишади, холос. Навоий районидаги жабрдийда хўжаликларга бориш уларнинг вазифасига кирмайди. Район СЭСида эса атмосферанинг таркибини текшириб, ҳавонинг ифлосланиш даражасини аниқлаб берадиган асбоб ҳам, лаборатория ҳам, мутахассис ҳам йўқ. Шундай бўлгач, атроф-муҳитнинг заҳарли газлар билан ифлосланиши аҳолининг соғлигини зимдан келтириб бораётганини ким ҳам исботлаб бера оларди дейсиз? Ибтисиз, далилсиз тахминий гапларни тинглашга эса мутасадди ташкилотларнинг кўзи учиб тургани йўқ.

Бор-йўғи бир неча ходим ишлайдиган санэпидстанция шаҳарнинг бир четигади турар-жой биносига омонат ўрнашди олган. Районларда текшириш олиб бориш учун транспорт ажратилмаган. Хатирчида, Нуротада ичимлик сувнинг аҳолига қандай? Карманада, Навбахорда-чи? Нега бу районлардаги шифоналарда 4-5 кишига мўлжалланган палаталарда ўнлаб беморлар ётқизилмоқда? Корхоналар нега заҳарли чиқиндиларни аҳоли яшайдиган территорияларга ташлашмоқда? Тегишли транспорт бўлмагач, буларнинг қайси бирини назорат қилиб улгуришин улар!\*

«Одамзод бошига тушадиган кўпгина мусибатларнинг асл манбаи сусткашлик, журъатсизлик ва бўшанглиқда, деб билман. Жунгарироқ миллатлар ҳамisha озода ва бахтли бўлишган». — деб ёзади Г. Лихтенберг. Кейинги йигирма йил ичида Дўрмоннинг ўзидан беш минг одам ими-жимиди ўлди-кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ошини ошаб, ёшини яшаб, ўз ажали билан кетмадилар. Район касалхонасидаги ҳужжатлар буни узоқ келажақда ҳам исботлай олади.

— Раҳбарларимиз касалликлар кўпайиб кетаётгани учун айбни врачларга тўнкашаяпти, касалликларнинг келиб чиқиш манбаларини тугатиш учун эса ҳеч иш қилинмаяпти, — дейди район марказий касалхонасининг бош врач Куддус Абдулқодиров.

Бу беморхонада ҳеч қачон бўш ўрин бўлмайди. Дераза ойналари синиб, деворлари шўрлаб, тўкилай деб қолган бинода туғруқхона жойлашган. Инсоният космосга қадам қўйганига неча ўн йиллар бўлди. Аммо бу район касалхонасига ҳалигача канализация ўтказилмаган.

1975 йили районда янги касалхона биносига пойдевор ташланган эди. Аммо кучлар райкомнинг собиқ биринчи секретарига аталган муҳташам қаср қурилишига жалб этилди-ю, хайрли иш тўхтади-қолди.

— Болалар учун алоҳида касалхона у ёқда турсин, поликлиникамиз ҳам йўқ, — дейди педиатр врач Норбиби Қозоқова. — Район касалхонасидаги болалар бўлими эса атиги 40 ўринли, холос. Ваҳоланки, ҳар куни юзлаб болалар медицина ёрдамига муҳтож бўлмоқдалар. Ишлатиладиган ичимлик сув аҳоли ўртасида турли ичак касалликларини келтириб чиқармоқда.

Аҳолининг касалликларга чалиниши бўйича областда биринчи ўринда турадиган районнинг марказий касалхонасида аҳвол мана шундай. 1988 йилнинг биргина июль ойида ичтерлама билан оғриган 40 гўдакнинг ҳаётини сақлаб қололмадик. Қанча ҳаракат қилмайлик, ҳар куни тўрт-беш бола нобуд бўлаверди. Касал болаларни палаталарга сиғдириб бўлмасди. Врачларга ҳайфсан берилди, баъзилари ишдан олинди. Аммо ичимлик сув, атмосфера ифлосланишининг олдини олиш ҳақидаги муаммо кун тартибида кўндаланг қилиб қўйилмади. Сувни, ҳавони ифлослантирган сановат корхоналарини ҳеч ким жавобгарликка тортолмайди.

1987 йилнинг биринчи ярмида ўткир ичак хасталиги билан оғриган 258 та бемор касалхонага ётқизилди. Шундай оғир шароитда ҳам ўн йиллар олдин қурила бошлаган бино лойиҳаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди, деган баҳонада касалхона қурилиши орқага суриб келинмоқда.

## Заҳарланиш

Бу воқеа 1987 йил 16 май кунини «Нарпай» совхозидagi Эрнест Тельман номли мактабда содир бўлди. Ўқувчилар эрта-

лаб одатдагидай қувноқ синф хоналарига кириб келишди. Қўнғироқ чалиниб, дарс бошлангач, кўп ўтмай икки синфда ўқувчилар юқори нафас йўллари ачишиб, ўқчий бошлашди. Муаллимлар уларни мактаб ҳовлисига олиб чиқибга мажбур бўлишди. Шу пайт қўрқинчи ҳол юз берди: ўқувчилар алаҳлаб, ҳўшдан кета бошлашди. Икки кун орасида эндигина 15-16 ёшга қадам қўйган 200 ўқувчи район касалхонасининг тангу тор палаталарига, коридорларига амаллаб жойлаштирилди...

Заҳарланиш область ҳаётида янгилик эмасди! Икки йил олдин Зарафшонда балиқлар ёппасига қирилиб, сув бетиди қалқиб оққан, бир ярим йил илгарти эса 200 бош қорамол сувдан заҳарланиб нобуд бўлган, шунга қарамай, заҳарланишнинг олдини олиш борасида кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганди.

Навбат болаларга келган эди.

Одатдагидай яна республика ҳамда СССР СЭСига, Соғлиқни сақлаш министрлигига мурожаат қилинди. Москва, Ленинград, Киев шаҳарларидан врачлар, эпидемиологлар етиб келишди. Воқеа юз берган жойда меҳмонлар кўзларига ишонмай қолишди: уларга кўрсатилган бино мактабдан кўра кўпроқ бечораҳол деҳқоннинг бир амаллаб тикланган кулбасига ўхшарди. Алмисоқдан қолган эски парталар синф дарстахтасига тегай дейди. Мактабга табиий газ у ёқда турсин, лоқал водопровод ўтказилмаган. Буфет ёки ошхона нега йўқлиги ҳақида сўралганда, ўқитувчилар билмасак дегандай елка қисийди. Область ташкилотлари мактаблар, болалар муассасалари учун сут-қатик, гўшт, ҳеч бўлмаса, кондитер маҳсулотлари ҳам ажратмас экан.

Касалхонага келтирилган ўқувчиларнинг ошқозони ювилганда нитратдан бошқа нарса чиқмаганини кўриб ёқа ушлашди: болаларнинг ҳаммаси дарсга эрталаб нонушта қилмасдан келишган экан.

Ҳодиса область раҳбарларини сергаклантирди, албатта. Хўжаликларда заҳарли химикатлардан фойдаланишнинг аҳволи ҳақида маълумот сўраш бошланди. Биргина Навоий район территориясида 15 та минерал ўғит омбори борлиги, шундан бештасида заҳарли химикатлар сақланаётгани, 11 та майдонда бегона ўтларга қарши химикатлар, 7 та пунктда пахта дефолиацияси учун ишлатиладиган химикатлар сақланаётгани маълум бўлди.

Заҳарланиш юз берган «Нарпай» совхозиди заҳарли химикатлар омборлари авария ҳолатида, уларни ёпиқ сақлаш учун махсус бино йўқ экан. Улар аҳоли яшайдиган пунктларда, ариқ ва каналларнинг ёнида очиқ сақланмоқда. Бу химикатлар ёмғир сувлари билан тўғри коллекторларга, сўнгра эса Зарафшон дарёсига келиб тушмоқда.

Текширишлар биргина Қизилтепа районида кейинги беш йилда уч миллион сўмлик ҳар хил заҳарли химикатлар тўпланиб қолганини аниқлади. Районда 60 тонна заҳарли химикат фойдаланиш муддати ўтгани сабабли ерга кўмиб ташланибди.

1987 йили область хўжаликларига 19129 тонна азот, 10701 тонна фосфор, 5088 тонна калийли ўғит сотилган. Бир йилнинг ўзида ҳар гектар экин майдонига ўртача 191 килограмм азот, 107 килограмм фосфор, 50 килограмм калийли ўғит солинибди! 1988 йилнинг июнь ойига қадар эса яна областда хўжаликларга 17600 тонна азотли, 10663 тонна фосфорли, 5630 тонна калийли ўғит тарқатилди. Колхозчиларнинг хонадонлари текширилганда 711 килограмм заҳарли химикат топилди.

Масала облагопроминг коллегиясида қўрилиб, тегишли кишилар жазоландилар. Лекин... ҳеч ким бу қадар кўп миқдорда химиявий ўғит ишлатишга қарши сўз айтмади. Аксинча, областда 14,4 минг тонна минерал ўғитни сақлай оладиган омборлар, яна 11 минг тонна минерал ўғитни сақлаш имкони бўлган бостирмалар борлиги ҳақида мақтаниб гапирдилар. Жами 31 минг тонна минерал ўғитни омборларда сақласа бўлар экан. Қизилтепа районида эса 10 минг тонна заҳарли химикат сақланадиган омбор қурилиши ниҳоясига етай деб қолибди...

Заҳарланишнинг сабабларини аниқлашга келган медицина мутахассислари гапирётганларга ҳайрон боқишарди. Тиллари сўзга айланмай қолганди. Ниҳоят, йиғилиш охирида улардан бири сўз сўради. Сўз бердилар. У узоқ гапирмади. Фақат: «Бу ҳолда ўзингиз ўз болаларингизни майиб-мажруҳ қилиб қўясизлар, ҳаётига зомин бўласизлар-ку», деди. Афсуски, ҳеч кимни бу сўз чўчитмади...



## Фожианинг илдизи қаерда?

Бахтиёр Темиров, Навоий сув манбалари бошқармасининг бошлиғи: — Республика сув хўжалиғи министрлиги ташаббуси билан ҳар йили Уртачўлда 3 минг гектар ер ўзлаштирилмоқда. Кейинги беш-олти йил ичида Уртачўл ва Қарнабчўлдан 10 минг гектар ер ўзлаштирилиб, 9 та янги совхоз ташкил этилди. 40 миллион сўм маблағ фақат капитал қурилишга сарфланди. Аммо эндиликда Уртачўл ҳатто ўз сарф-харажатларини ўзи қоплай олмаётир. Зах сувлар юзага қалқиб, майдонларни қамишзорларга айлантирмоқда. Бу майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш эндиликда жуда мушкул бўлиб қолди. Аслида бизда ҳар йили минг гектар янги ер ўзлаштиришининг ҳам имкони йўқ. Бу ҳар хил етишмовчиликларни келтириб чиқаради. Республика сув хўжалиғи министрлиги эса аҳоли сони кўпайиб бораётганини рўқач қилиб, йилига 3 минг гектар янги ер ўзлаштиришни зиммаизга юклади. Бу ҳол ҳам жуда катта сув танқислиғига сабаб бўлаётир. Натижада оқавадан фойдаланмасликнинг иложини тополмаётирмиз. Биргина Конимех районида 4,5 минг гектар ер ГРЭСнинг буғ қозонларидан чиққан қайнаган кислородсиз ўлик сувдан суғорилади. Бу сувнинг пахтага ҳам, бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ҳам сира фойдаси йўқ. Аксинча, у экинни қуритади.

Усмон Иброҳимов, Сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғининг ўринбосари: — Республика Министрлар Совети сув таъминоти ёмон бўлгани учун область хўжаликларидан янги ерлар ўзлаштиришни давом эттирмаслик тўғрисида қарор қабул қилган эди. Аммо Маликчўл ва Уртачўл массивлари ўзбошимчалик билан ўзлаштирилиб, далалар заҳқашларнинг шўр сувидан суғориб келинди. Бундай ўзбошимчалик билан ўзлаштирилган ерларда на коллектор бор, на техника, на сув. Буларсиз ҳосил олиб бўладими? Ер ўлчаш пайтида бу майдонлар умумий балансга қўшилди-кетди. Оқибатда бир-бирдан мураккаб муаммолар туғилди.

Ато Бўтаев, «Қизил Октябрь» колхозининг собиқ раиси: — 1971 йилда Малик чўлини ўзлаштириш бошланди. Сув насослар ёрдамида чўлга ташланди. Бунинг оқибатида Маликчўлдан деярли қирқ метр пастликдаги колхозимиз ерлари шўрлаб кетди. Зах, шўр сувлар Ҳазорага келиб туша бошлади.

Бундан ташқари, Навоий ва Ҳазора оралиғида саккизта коллектор Зарафшонга қўйилади. Навоий ГРЭСининг хлорид кислотали оқавалари тозаланмай дарёга ташланади. Бу дарёдаги жониворларга, тупроқ структурасига, одамларнинг саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатаётир.

Колхоз ҳар йили 4 миллион сўмгача даромад қилар эди. Ҳозир бу кўрсаткич 1 миллион 800 минг сўмга тушиб қолди. «Навоиазот» бурқситаётган заҳарли тутун бизни ҳам тинч қўйгани йўқ.

Район касалхонаси бош врачлари Қуддус Абдуқодиров изоҳлайди:

— Уйга ўт тушгандан кейин уни ўчириш учун ўзингни оловга ташлагандан кўра, олдинроқ ёнғин чиқиш хавфини бартараф этган афзал эмасми? Касалхонада чирқираб ўзини тўрт томонга ураётган, бронхиал астмага чалиниб, йўталаётган болажонларни кўриб, кечалари ухлолмайман. Мутасадди ташкилотлар касалликларни келтириб чиқараётган сабабларни хаспўшлаганга уринмоқда. Гўё оғир касалликлар келиб чиқаётгани ва беморларни касалхоналарга сиғдириб бўлмаётгани учун шифокорлар айбдордек.

— Қани далил, қани исбот? — сўрайди «Навоиазот» бирлашмасининг инженери Ширинов. — Тутундан заҳарланган одамни ким кўрибди? Узим ёшлигимдан химия заводларида ишлаб келаман. Мана шу цехда ўн йил ишладим. Аммо, кўриб турибсиз, тўрт мучам соғ. Сиз бизга ёмон кўз билан қараб, ишимиздан фақат камчилик қидириш, қилдан қийиқ ахтариш учун келгансиз, биламиз. Химияни қораламоқчисиз, лекин бу химиясиз яшаб кўринг-чи? Эгнингиздаги қўйлак, қўлингиздаги узук...

Биз атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини камайтириш тадбирлари жадвалини ишлаб чиққанмиз. Ана шу схема бўйича беш йил ичида атроф-муҳитнинг ифлосланишига чек қўйилади. Масалани матбуотда кўтариб чиқишнинг нима ҳожати бор? — дейишади Навоийдаги заводларнинг раҳбарлари.

Чорак асрдан буён ерли аҳолини шу йўсин алдаб келдик. Энди бас. Химияга, химикларга теварак-атрофдагиларни ҳаётдан тўйдириш, саломатликнинг заволи бўлиш ҳуқуқи берилмаган. Селитрасиз, заҳарли химикатларсиз ҳам халқнинг куни ўтиб турган эди-ку. Чор атроф боғ, чор атроф мўъжиза эди...

Мен химия заводлари куршовида қолган мана шу заминда туғилдим. У қуёш нурларига чулғаниб, шууримни ёритди, қалбимни ҳисларга тўлдирди. Мен ўша, ёшлигимнинг сирдоши бўлган ям-яшил водийни, менга шеър берган, қўшиқ берган нилуфар шаҳарни беғубор кўришни истайман. Боболарим сув ичган дарёга бориб таъзим қилишни, қувноқ болалигим гувоҳи бўлган бедазорларни, Хончарвоқнинг сўлим боғларини мастона кезишни истайман. Мен бу шаҳарнинг буюк шоир номига муносиб бўлишни, Навоий ижодини миллион-миллион халқлар ҳайратланиб мутулаа қилаётганларидай, унинг номидаги шаҳарни ҳам ҳайрат, ҳаяжон билан томоша қилишларини, унда яшаётган ҳар бир инсон устоз орзу қилган қаҳрамонлардай маънавий гўзал инсонлар бўлишни истайман. Зотан, ер юзида ғазал мулкининг султони номи билан аталадиган шаҳар танҳодир. Устоз руҳи кезиб юрган ушбу шаҳар ҳаёти, одамлари изтиробига бефарқлик шоир сиймосига ҳурматсизлик, катта маънавий қашшоқликдир.



Тутунлар  
оғушидаги  
шаҳар...



А. С. Пушкин

# МОЦАРТ ВА САЛЬЕРИ

(КИЧИК ТРАГЕДИЯ)

1-САХНА

ХОНА

САЛЬЕРИ

Заминда ҳақиқат йўқ, дейди ҳамма,  
Ҳақиқат йўқ аммо тепаларда ҳам.  
Оддий товушлардек ойдин бу менга.  
Санъат савдосида келганман азал;  
Сағирлик чоқларим кўҳна черковдан  
Таралган арганун жаранги олиб,  
Гарангсиб, оташин хўрсинишларда,  
Ҳуш-беҳуш тўқардим кўзёшларимни.  
Ҳайит, сайилларга эрта ҳай бердим;  
Мусиқийдан бўлак, фанний ҳар йўлак  
Кўнглимга ёт эди; тихирлик билан,  
Бўйин товлаб, тутдим мусиқа барин.  
Илк қадам қийин лек, дастлабки йўл —  
зиқ.

Аввали азобдан амаллаб ўтдим.  
Хунардан узанги осдим санъатга;  
Уста косиб бўлдим: Бармоқда тинглаб,  
Кулоқда чалгудай бежой хунарманд!  
Оҳангнинг оғзини очирмай қўйдим:  
Товуш туғмай туриб, чистон — мусиқа  
Валфажрин алжабр чўтида қоқдим.  
Касби комил, ана, дилга қурч берди:  
Мен ҳам ижод шавқин тотсайдим кушод!  
Яширин яратиш пайига тушдим;  
Шухрат ҳавасидан абас, бежуръат.  
Кўпинча, кечалар мижжа қоқмасдан,  
Соқов бир ҳужрада, туз ҳам тотмасдан,  
Илҳом қанотида қаноат топдим.  
Баъзида ўт қўйиб, куйиб кузатдим,  
Ҳа, ўзим тўқиган товуш куйишин:  
Онг бир он ланғиллаб, тутаб тугарди...  
Ҳой, нима деяпман? Буюк Глюк келиб,  
Турфа тилсимларни очди-ку, сим-сим!  
Ҳар сим-сим тилсимки, ярқ этди кўзим!  
Барча топганларим, топинганларим,  
Бор илмим соврилиб, ҳовримдан тушдим...  
Ҳеч сўзсиз измимни изнига бериб,  
Изма-из эргашдим, саргашта бир зот  
Йўлчисин топгандай ўзимда йўқ шод!

Кунт билан, диққатни бир ерга йиғиб,  
Сарҳадсиз санъатнинг авжига етдим;  
Олий даражага эришдим, не бахт!  
Шухрат ишва билан олдимга тушди;  
Мен яратган оҳанг оҳанрабо си  
Одамлар кўнглида кўкарди озод.  
Иқбол кулган эди: Завқийёб эдим  
Ўзим у дўстларим чеккан машаққат  
Эйтироф, эйтибор келтирса ҳар вақт.  
Кўнглим тўқ тилсимий санъат бобида,  
Дўстлар ютуғидан бир бош ўсардим.  
Сад асло! Билмасдим нимадир ҳасад!  
Пиччини парижлик саркашлар хушин  
Мусиқийга асир туширганда ё  
Ифигениянинг<sup>1</sup> афсун товушин  
Тинглаб ҳам кўнглимга келмаган риё.  
Ким айтар, мағруру масрур Сальери  
Ҳасадхўр бўлган, деб? Қани, ким айтар,  
Назардан қолган, деб, мени? Алҳазар!..  
Оломон тириклай товонда эзиб,  
Тупроқ тишлаттирган ночор, нотавон  
Илондай нолон, деб?! Биров айтмас!..

Жим!

Мен ўзим айтаман: Ғайирман! Ичим  
Ҳасаддан ёнмоқда! Етмайди кучим...  
Ғайирман! Ақлимдан айирма! Осмон!  
Адолат тимсоли — тарозу қани?!  
Тани оҳанг билан оташда ёнган,  
Заҳматкаш, фидойи, адоий тамом,  
Мусиқий зот қолиб, бир ақли мажзуб,  
Тентиган телбага даҳо шуури,  
Илҳоми илоҳий ато этилса,  
Мен қандай чидайман? О, Моцарт,

Моцарт!

[Моцарт киради.]

МОЦАРТ

Эсиз, кўриб қолдинг! Эсанкиратиб,  
Кўққис ҳазил билан тузламоқчийдим.

САЛЬЕРИ

Сен!.. Шунда экансан! Қачон келувдинг?

МОЦАРТ

Ҳозир, Янгисини эшитарсан деб,  
Ҳузурингга шошиб ўтаётувдим,  
Ғижжак ғингшиб қолди... қаҳвахонадан!  
Ўв, дўстим, Сальери! Дунёга келиб,  
Бундай қизиқни ҳам кўр-да! Мўъжиза!  
Тикка кириб борсам, кўр бир ғижжакчи  
«Ҳой, сиз, сирдонлар»ни чалиб турибди.  
Бошлаб келавердим. — Кирмайсанми-а?

[Ғижжак кўтарган сўқир чол киради.]

— Сен ҳам санъатидан бир баҳраманд бўл. —  
Моцартдан чалсанг-чи, оғайничалиш!

(Чол «Дон Жуан»дан ария ижро этади.  
Моцарт кулади.)

САЛЬЕРИ

Кулганингни қара!

<sup>1</sup> «Ифигения Авлидада» (Глюк операси).

МОЦАРТ

Дўстим, Сальери!  
Ўзинг ҳузур қилиб кулмаяпсанми?

САЛЬЕРИ

Нусхакаш бир жаллоб Рафаэль чизган  
Мадонна — онамиз Биби Марямга  
Ранг чаплаб ўтирса; бир маҳмадана  
Шеърини пеш билиб, лофу қоф билан  
Улуғ Алигъерини калака қилса,  
Бунинг нимасига кулишим керак?  
Қани, туёғингни шиқиллат, пирсаки..

МОЦАРТ

Сабр. Соғлиғимга ичарсан, ушла.

(Чол кетади.)

Ҳозир кайфиятинг бузуқ, Сальери,  
Тузукроқ пайтида, келарман, уэр...

САЛЬЕРИ

Янгиси бор, девдинг?..

МОЦАРТ

Шунчаки... эрмак.  
Уйқусизлик қийнаб, қўймади, қурғур,  
Тинимсиз бир туйғу тирғалаверди.  
Тонг билан қоғозга тушириб, шоша,  
Фикрингни билгани келсамки, кўнглинг  
Ўлиб турган экан...

САЛЬЕРИ

Ох, Моцарт, Моцарт!  
Қачон сени кўриб кўнглим ўсмаган?  
Кел, қулоғим сенда.

МОЦАРТ

(фортепиано ёнига ўтириб.)

Хаёл қилгинки...  
Кимни дей? Ўзимни! Сал ёшроқ чоғим,  
Жиндай ошиқлик бор. Қаватда хуштор.  
Е бир дўст десамми? Мана, сен билан,  
Хушвақтману бирдан... гўрдан чиққандай,  
Қора босиб келса... кўзингни тўсса...  
Ўзинг эшитиб кўр...

(Чалади.)

САЛЬЕРИ

Шундай куй билан  
Қошимга келаркан, қовоқхонада  
Тўхтаб ҳам турдингми? Қандай чидадинг?  
Қандайлар тингладинг кўр фикржакчини?  
Е худо! Сен эси пастроқсан, Моцарт.  
Сен ўзинг-ўзингга лойиқ эмассан!

МОЦАРТ

Хўш, қалай, дурустми?

САЛЬЕРИ

Дуруст ҳам гапми!  
Теранлик! Таранглик! Йўқ, мен гарангман...  
Моцарт, сен худосан, ўзинг билмайсан,  
Сен буни билмайсан, мен биламан, мен!

МОЦАРТ

Ў! Ростданми? Ол-а! Рост эса эшит,  
Ўша худойингнинг қурсоғи пучроқ...

САЛЬЕРИ

Шошма, Олтин Арслон майхонасига  
Ҳушинг қалай?

МОЦАРТ

Соз-да! Ижозат берсанг,  
Аввал уйга бориб, билдириб келсам;  
Хотиним тушликка муштоқ бўлмасин.

(Кетади.)

САЛЬЕРИ

Куттирсанг, кўрасан. Йўқ! Қисмат менга  
Юклаган хизматдан бош тортолмайман.  
Уни тўхтатмасам, — ўлганимиз шу.  
Менинг девор ошмас донғим нимадир,  
Умр бўйи куй деб, ҳасратда куйган,  
Ҳазрати мусиқий мулозимлари  
Барчангизнинг бирдай унингиз ўчар!  
Моцарт яшайверса, яратиш билан  
Баланд чўққиларга даф қилса, не наф?  
У билан санъат ҳам юксалгайми? Ҳеч!  
Ўзи кўз юммасдан, бу ҳам кўмилар;  
Мубориз бир ворис қолдирмагай ул.  
Биз — қора тупроққа қайтгувчиларда  
Тўрт-бешта беҳиштий қўшиғи билан,  
Қанотсиз орзуни қўзғатиб қўйиб,  
Кўз куйгуси, бу ҳур учарда кетар!  
Учасанми? Бўл, тез! Учганинг тузук...

Ох, бу Узорамнинг сўнги совғаси —  
Оғу. Ўн саккиз йил уни муттасил  
Енимда асрадим. Тириклик минг бор  
Туганмас оғриқдай жондан тўйдирса,  
Душманам қаршимда ош-қатиқ бўлиб,  
Ҳамқошиқлик қилиб куйдирса ҳамки,  
Кўнгил васвосига кўнмадим. Зинҳор!  
Кўрққанамдан эмас. Яшаш шунча ҳам  
Ширин эмас, ахир. Таҳқир-чи? Тахир!  
Аммо ошиқмадим. Ўлиш истаги  
Тиқилинч қилса-да... Ўлиш ҳам ишми?  
Бир илинж қўймади. Зора, ҳаётнинг  
Атагани бўлса: Бир ҳайрат босиб,  
Бир кеча туғёнда дунё яратсам;  
Янги Ҳайдн туғса — туғини кўрсам!  
Бадҳазм кўноқ-ла қуаркан базм,  
Ёвузроқ ёвимни овларман ёхуд  
Баландроқ оламдан бир алам етса, —  
Узорам тўхфаси бухуда кетмас,  
Кор келар, деб эдим. Оре, рост экан!  
Душман чиқиб қолди оёқ остидан!  
Ҳай-ҳай! Янги Ҳайдн илҳомлантирди!  
Ҳозирлан, севгининг сирли ҳадяси  
Минбаъд жойинг дўстлик жомида бўлғай!

2-САҲНА

Қаҳвахонада фортепианоли хос кулба.  
Моцарт ва Сальери таом устида.

САЛЬЕРИ

Намунча хуфтонсан?

МОЦАРТ

Мен-а? Қўйсанг-чи!

САЛЬЕРИ

Моцарт, бир нарсадан хафагазаксан.  
Хуштаъм таом бўлса, офатижон май!  
Сен оғиз очмайсан, қовоғинг осиқ.

МОЦАРТ

Рости, марсиямдан ташвишдаман...

САЛЬЕРИ

Ҳа!  
Марсия демайсан?! Қачондан бери?

МОЦАРТ

Уч ҳафта чамаси. Аммо ажиб ҳол...  
Аввал айтмабмидим?

САЛЬЕРИ

Йўғ-а.

МОЦАРТ

Қулоқ сол.  
Уч ҳафтача бурун уйга кеч қайтдим.  
Биров йўқлаганмиш. Уйловда қолдим,  
Уйқум ўчди: Ким у? Нима иши бор?  
Эртасига яна йўғимда кепти.  
Учинчи кун уйда ўғилчам билан  
Тойчоқ ўйнаётсам, чорлаб қолишди;  
Чиқдим. Қора кийган бир зот астойдил  
Марсия буюриб, кўздан чекинди.  
Дарров ишга тушдим. Ул қора кишим  
Қайтиб қорасини кўрсатмай кетди.  
Мен-ку, хурсандман-а, марсия тайёр,  
Ундан ажралишга кўзим қиймайди.  
Шунга қарамасдан...

САЛЬЕРИ

Хўш, хўш?

МОЦАРТ

Айтгани  
Номус қиламан-да...

САЛЬЕРИ

Нимани, ахир!

МОЦАРТ

Туну кун тиндирмай ул қора кишим  
Изимдан соядай пойлаб юрибди.  
Ҳозир ҳам, билмайсан, бизга қўшилиб,  
Шундай ўртамизда ўтирибди у.

САЛЬЕРИ

Бўлди қил! Боладай ҳовлиқасан-а!  
Беҳуда ўйларни каллангдан ҳайда!  
Бомарше бир куни арзга айтганки:  
«Биродар, Сальери, қора ўй босса,  
Шампань шишасининг тиқинини оч  
Еҳуд «Фигаро»мни ўқиб, қил илож!»

МОЦАРТ

Бомарше ошнанг-а, «Тарар» сўзига  
Сен бир пайт мусиқа басталагансан.  
Нажиб куй! Ҳаводор! Бир навоси бор,  
Ҳар вақт хушбахт бўлсам, тилимдан тушмас:  
Ла ла ла ла... Миш-миш, Бомарше кимни  
Заҳарлаган, дейди, ростми, Сальери?

САЛЬЕРИ

Қулгизор бир одам... қассоблик қилмас.

МОЦАРТ

Худди сену мендек, у ҳам даҳо-да!  
Даҳо ва ёвузлик қовушмас, Асло!  
Қони қўшилмайди. Тўғрими гапим?

САЛЬЕРИ

Сен шундай дейсанми?

[Моцарт қадаҳига заҳар солади.]

Ичсанг-чи.

МОЦАРТ

Урток,  
Соғлиғингга! Соғлом иттифоқ учун!  
Мусиқийнинг Моцарт, Сальери деган  
Уғлонлари доим ёр бўлсин!

(Ичади.)

САЛЬЕРИ

Тўхта,  
Тўхта, тўхтасанг-чи!.. Ичдинг!.. Менсиз-а?!

МОЦАРТ

(лабини артиб)

Бас-э.

[Фортепиано олдига боради.]  
Марсиямни эшит, Сальери.

[Чалади.]

Йиғлаяпсанми-а?

САЛЬЕРИ

Илк бора шундай  
Кўзёш оқизишим. Ширин бир азоб...  
Энг мушкул бурчимни ўтагандекман.  
Оғриган аъзомни жарроҳ пичоғи  
Кесгандек. Сен, Моцарт, кўзим ёшига  
Парво қилма. Чал, ҳа, чалавер, шошил,  
Очофат руҳимни куй билан тўйдир!

МОЦАРТ

Кошкийди, сен каби сел бўлиб оқса,  
Жонни садқа қилса оҳангга ҳамма!  
Ол-а, унда олам хароб бўларди.  
Барча мусиқийга уриб ўзини,  
Ўйламай қўярди ризқи рўзини.  
Бир ҳовуч худодод<sup>1</sup> арзандалармиз,  
Оний бир садаго жонимиз адо,  
Ўз нафидан кечган назаркардалар.  
Ҳа, де! Мазам қочди. Лашкарим оғир...  
Тез бориб ухлайман. Хуш қол!

(Кетади.)

САЛЬЕРИ

Яхши бор!

(Ёлғиз.)

Бу гал жуда узоқ ухлайсан, Моцарт!  
Даҳо эмасманми? Наҳот ҳақ бўлса?  
Даҳо ва ёвузлик қовушмайдим?  
Буонарротти-чи? — Е ақли калта  
Оломон оғзида юрган маталми? —  
Ватиканнинг улуғ яратувчиси  
Одам ўлдирмаган дейсизми?<sup>2</sup> Елғон!..

1830.

Русчадан Саъдулла АҲМАД таржимаси

<sup>1</sup> Худо берган; туғма талант.

<sup>2</sup> Ривоятга кўра,  
Буонарротти Микеланжело  
жон узаетган Исо  
тасвирини табиийроқ  
чиқариш учун ўзидан  
нусха кўчиртираётган  
киши (натурачи)ни  
ўлдирган эмиш.

Абдуманнон Назаров

# Тасаввуф ва мусиқа

Тасаввуф — дорул-исломда кенг тарқалган, Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари маданияти тарихида чуқур из қолдирган фалсафий-диний ва маърифий оқимдир. Ўз даври миқёсида ва инсоният маънавий тараққиётида прогрессив роль ўйнаган тасаввуф таълимоти асосида учта рух (принцип) ётади: 1. Тангрини англаш, инсон томонидан фақат ўз-ўзини — ўз жисмоний, маънавий, нафсоний ва ижодий фазилатларини ўрганиш орқалигина амалга оширилади. 2. Инсоний руҳ — илоҳий руҳ инъикоси. Шу сабабли тангрини англаш инсон учун мужкин бўлган реал имконият. 3. Инсон илоҳий маърифат орқалигина бутун коинотни ўзида мужассамлаштирувчи илоҳий мавжудот маркази бўлиб шаклланади.

Тасаввуф ўз даври учун янги оламни — тангри, инсон ва коинот уйғунлиги рамзи бўлган ҳақиқат ва гўзаллик дунёсини кашф қилди. Суфийлар таълимоти бўйича маърифий жараён, асосан, уч босқичда давом этади: 1. «Илм ал-йақин» (чуқур, мустаҳкам билим) — ақлий-манتيқий воситалар ёрдамида эришилган билим. Масалан, «биламанки, олов куйдиради». 2. «Айн ал-йақин» (аён бўлган чуқур билим) — тажриба орқали исботланган чуқур билим. Масалан, «оловга яқинлашиб, тана аъзоларим ёки қўлим орқали бирдимки, олов қандай куйдиради». 3. «Ҳаққ ал-йақин» (ҳақиқий, тугал билим) — маърифатнинг олий босқичи. Бундай инсон бутун вуҷуди орқали борлиқ мавжудот, коинот билан руҳий — жисмоний бирлигини ҳис этади ва унинг онги энг юксак континуал (доимий) рамз-сиймолар оқими-га қўйилади. Масалан, «оловга яқинлашиб, унга кириб ёниб кетдим ва унинг куйдиришини тўлиқ билиб олдим». Суфийлар илоҳий маърифатнинг ана шу учинчи босқичи — «ҳаққ ал-йақин»га алоҳида эътибор қилишган. Бундай ҳиссий-маънавий илм махсус рамзий-шартли воситалар орқали — мусиқий-шеърий санъат ёрдамида ҳосил қилинади. Бу илоҳий илм дунёси — юксак санъат сиймолари, олий ҳиссийётлар оламидир. Юқорида келтирилган тасаввуф таълимотининг асосий рухлари субъектив-идеалистик олам жамолани васф қилиш, яъни уни эстетиклаштиришга йўналтирилган. Бунда бутун борлиқ эстетик мавжудот сифатида тасаввуф қилиниб, санъат, жумладан, мусиқа макро ва микро коинот уйғунлиги рамзи сифатида гавдаланади.

«Ҳаққ ал-йақин» — эзотерик билим, у ҳаммага эмас, балки фақат танланган, ҳассос ва маънавий баркамол инсонларгагина мансуб. Тасаввуф таълимотининг марказида баркамол инсон — «ал-инсон-я-комил» — гоёси туради. Суфийлар наздида баркамол инсоннинг фазилатлари ичиде унинг илм ва санъатга бўлган табиий лаёқати (фитрат) ва таланти (ғариза) энг муҳими ҳисобланади. Ҳамма ақлий фазилату имкониятлар, табиий қизиқишлар ва эстетик дид инсон вуҷудида илоҳият орқали киритилган бўлиб, улар яна қайта орқага — юксакликка, яъни илоҳиятга интилишади. Ана шу табиий-илоҳий интилишни

амалга ошириш жараёнида инсон буюк лаззат ҳис этади, завқланади. Якуний эстетик кечинмалар тасаввуф адабиётида «важд» (гоҳан «тараб», европа тилларидаги «экстаз»га яқинроқ) деб номланади.

«Бисми-л-лаҳи аййил бил-инсонил-комил» — «Оллоҳ, яъни баркамол инсон исми билан». Шайх Камолддин Абдураззоқ ал-Кошӣй ўз таснифларининг бирини бошлаган ушбу фотиҳа каломотини шарҳ қилишда уламолар анча қийналишиб, ҳазрати Маҳдум Абдурахмон Жомийга мурожаат этишади. Буюк тасаввуф мутафаккири «Оллоҳ баркамол инсоннинг қалбида намоён бўлади, баркамол инсон — оллоҳ исмидур» деб тушунтиради. Тасаввуф таълимотида шеърий, мусиқий ва рақс санъати турлари инсон маънавий камолотига эришни йўлида асосий воситалардан ҳисобланади. X—XI асрларда мусиқий-шеърий асарларни тинглаш жараёни тасаввуф назариётчилари томонидан маросимга айлантирилиб, «самоғ» (арабча — тинглаш, эшитиш) деб аталган.

Тасаввуф таълимотидаги «важд» тушунчасининг маъно чегаралари европача мистик «экстаз»га қараганда кенгроқ. У «самоғ» жараёнида бир неча даражада ҳосил бўлади. Тасаввуф назариётчилари орасида «важд»нинг моҳияти ва даражаларига муносабатда турлича фикрлар мавжуд. Масалан, Абу-л-Ҳусайн Дарроже важдни жуда оддий таърифлаб, қўйидагиларни ёзади: «Важд — самоғ жараёнида ҳосил этиладиган кечинма бўлиб, мухторликнинг (танланганликнинг) биринчи босқичи ҳисобланади. Важд — илоҳий парданинг очилишидур». Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий (вафоти 1111 й.) ёзишича, самоғ давоматида учта «мақом» бор: «биринчиси — оҳангни тинглаш ва тушуниш. Анинг моҳияти шундан иборатки, инсонга қандайдир бир лаҳн (оҳанг) ёқади. Бу мақом энг ибтидоий даража, чунки унда ҳамма махлуқлар, жумладан, туйлар ҳам, инсонлар ҳам қатнашади. Самоғнинг иккинчи мақоми Абу Ҳомид Ғаззолий таърифича, тингланган нарсадан гоёни, ёки сиймони (образни) англаб олишдир. Ва учинчи мақом тингланаётган нарсадан ўзининг «аҳволини» — тангри таоло билан мулоқот туғдирган кайфиятни уқиб олиш, бу мулоқот инъикосини ҳис этиш. Илк тасаввуф назариётчиларидан бири Зуннун ал-Мисрий (IX аср) ёзишича: «Важд — қалбларнинг ҳаққа интилишидан ҳосил бўлганлиги сабабли уни «ҳақиқат манзили» деб аташган».

Самоғ тўғрисидаги фикрларга хулоса ясаб, Абу Ҳомид Ғаззолий важдни музика ва рақс таъсирида пайдо бўладиган руҳий ҳолат деб таърифлайди. Фақатгина у ёки бу сабабларга кўра самоғ тингловчиларга таъсир қилолмаса, ёки инсоннинг салбий (масалан, шаъвоний) ҳисларини кучайтирса, ёки таъсир кучи жуда бўш бўлса, бу ҳолатни «важд» деб атаб бўлмайди. Бундай мусиқийни эшитиш ҳаром ва макруҳ деб эълон қилинади. Мусиқий, самоғ ва важднинг пировард натижаси — маънавий тозаланиш, қалблардан барча салбий туйғуларни чиқариб ташлашдир.

Муסיқий-шеърӣ асарларни тинглаб қабул қилиш имкониятларидан холи инсон суфийлик тағлимотидан ҳам маҳрумдир. Урта Осӣё тасаввуфининг илк намоёндаларидан бири шайх Иброҳим ал-Бухорий Калободий (вафоти 990 й.) ўзининг машҳур «Китоб ат-таарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф» асарида бу ҳақда ҳикоя қилади: кунлардан бир кун шохар қозиси тақводор уламолар ҳамроҳлигида кўчада кетиб бораётиб, ён ҳовлилардан бирдан руд асбобининг овозини ва ҳазин товуш билан айтаётган кўшиқни эшитишиб тўхтаб қолишади. Қози ҳамроҳларидан сўрайди: эшитган кўшиқ ҳақида нима дейсизлар? Ҳамма «муганнийга офари, кўшиқ хуш ва манзур бўлди» дейишади. Аммо бир тақводор эвтироз билдириб: «Кўшиқ — нохуш», дейди. Анча вақт ўтгандан сўнг бу тақводор қози олдига бир жанжалли воқеа устидан гувоҳлик бериш учун келади. Шунда қози ҳамманинг олдида «сенинг гувоҳлигинг вожиб эмас, қабул қилиш мен учун макруҳ» деб айтади. Шунда тақводор бунинг сабабини сўраганда қози жавоб беради: «Фалон кун кўчада сен ҳаммага манзур бўлган муסיқий овозини нохуш деб баҳоладинг. Агарда кўшиқ сенга манзур бўлган ҳолда «нохуш» деган бўлсанг — қозибсан. Қазобларнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди. Мабодо, кўшиқни эшитатуриб, лаззату заъқ тополмдэн бўлсанг, унда сенинг ҳиссиётинг ноқисдурурки, яхшини ёмондан, хушини нохушдан ажрата ололмайсан. Бу ҳолда ҳам сенинг гувоҳлигинг ўтмайди». Муסיқийни ҳис қилиш имконияти чегараланган кишиларга Абу Ҳомид Ғаззолий бошқача баҳо беради: «Кимки муסיқийни, важд ва самоз вақти суфийнинг кечинмаларини инкор қилса — бу инкор ҳиссиётнинг маҳдудлигидан келиб чиқади. Бундай кишини маъзур тутуш зарур. Масалан, гўдак қандай қилиб давлату салтанат сиёсатининг моҳиятини тушуниши мумкин, ёки висол дами лаззатин муханнас қандай қилиб тасаввур қила олади?»

Тасаввуф назариётчилари самоз маросими қатнашчилари ва ижрочилари учун ўзини тутуш қоидаларини тузишган. Бу қоидалар тингловчилар муסיқийни мумкин қадар тўлароқ англашига, унинг асосий маъносини тушунишига ёрдам беради. Масалан, шайх Иброҳим ал-Бухорий Калободий самоз маросимига фақат жисмоний ва руҳан соғлом кишиларни жалб қилишни тавсия қилади: муסיқий натижасида эришилган важднинг ҳамма юзак кўринишлари инсоннинг ахлоқий бузқўлиги ёки жисмоний ожизлигидан дарак беради. «Агар муסיқий ижро этилаётган мажлисда, — деб ёзади имом Ғаззолий ўзининг «Иҳқи улум ад-дин» асарида, — қалби муסיқийни танаввул қилишга ожиз киши келса, у мажлис аҳлига юк бўлади ва ҳақиқий тингловчининг вужуди анга чалғийди. Шунингдек, мажлисда суфийлардан бири ҳозир бўлса, у ўзида важд ҳосил қилиш ниятида либосини йиртиб, рақсу-ғарабга тушиб кетади ва аҳли мажлис эвтибори анга чалғийди». Самоз жараёнида пайдо бўладиган важднинг юзак кўринишлари суфийлар томонидан ҳар хил баҳоланади. Бухорий Калободий уларни инсоннинг жисмоний ожизлигидан дарак берувчи белги деб қараган бўлса, бошқа аксарият мутафаккирлар «мубоҳ», яъни руҳсат этилган, табиий ҳиссиётнинг намоён бўлиши деб баҳолашган. Абу Ҳомид Ғаззолий ёзишича, важднинг зоҳир бўлиши — йиғи, кулги, «зағруда», рақс, «хирқачок» (ёқа йиртиш) — агарда табиий, чин кўнгиладан, киши ўзи сезмаган ҳолда рўй берса — мумкин, аммо улар сунъий равишда, мулозамат юзасидан қилинган бўлса — макруҳ ва ҳаром ҳисобланади. Самоз маросими давомида «хирқачок» (ёқа йиртиш) одати кенг тарқалган бўлиб, бу ҳақда имом Абу Ҳомид Ғаззолий қуйидаги қизиқ фикрларни баён қилган: «Жома агарда беихтиёрӣ равишда, инсон иродасидан холи ҳолда йиртилган бўлса — бу одат мубоҳ, яъни мумкин». Маълумки, важд либоснинг йиртилишига олиб келиши мумкин, киши эса бунинг важддан маст бўлиб сезмайди. «Аммо, — деб ёзади Абу Ҳомид, — бу одат шундагина мақбул саналадики, йиртилган либос парчалари эски кийимларга қуроқ, ёки масжид жойнамозларини тикиш учун яроқли бўлса ва йиртилган либос парчалари кийим тикишига яна қайта ишлатилса». Урта аср шарҳ миниатюраларида самоз давомида зоҳир бўладиган важднинг тингловчиларга таъсири кўплаб тасвирланган. Бунда муסיқий таъсири тасаввуф мажлисида ҳам, бошқа

оддий «фоний» мажлисда ҳам, деярли бир хил тасвирланади.

Тасаввуф оқимининг тарихида, унинг ғоявий асосларининг шаклланишида аёллар, айниқса, шоира-муганнийлар муҳим ўрин эгаллашган. Абдурахмон Жомийнинг тасаввуф тарихи, фалсафасига бағишланган «Нафаҳотул-унс» асарида келтирилишича, илк тасаввуф саҳобаларидан энг машҳури, араб шоира ва муганнийса Робиъа бинт Адавия (вафоти 801 й.) биринчи бўлиб ижодий интиқилларининг ибтидоси ва интиҳоси — тангри таолодир деб эълон қилган. Унинг шогирди, тасаввуф шоира ва муганнийса Шағвана (VIII аср) ҳам муסיқий-шеърӣ санъат соҳасида анча машҳур бўлган. Жомий асарида эслатилишича, Туҳфа (VIII—IX асрлар) ҳам тасаввуф ғояларига мансуб ғазаллари, уларни уд ва кинор асбоблари жўрлигида ёқимли овоз билан ижро этиб ном таратган.

Илк тасаввуф назариётчиларидан энг машҳури, ватандошимиз Абу Исҳоқ Муҳаммад бин Иброҳим бин Яъқуб ал-Бухорий Калободий бизача етиб келган «Китоб ат-таарруф ли мазҳаби-т-тасаввуф» асарида муסיқий ва шеърӣ санъатларнинг тасаввуф тағлимотида қўлланилиши хусусиятларини шарият нуқтаи назаридан биринчи бўлиб асослаб берди. (1990 йил Бухорий Калободий вафотида ва унинг машҳур асари ёзиб тугатилганига минг йил тўлади).

Ўзининг ғоявий йўналиши жиҳатидан тасаввуф яхлит оқим эмас. Кўпгина муаммоларга, айниқса, самоз масаласига муносабатда суфийшунослар ҳар хил, аксарият ҳолларда қарама-қарши мавзё туганлар. Масалан, Шаҳобиддин Суҳравардий ал-Мақтул (1155—1191), Ибн ал-Арабий сингари назариётчилар тасаввуф мажлисида муסיқий ва рақсини мумкин қадар камроқ ишлатиб, унинг таъсир чегарасини торайтиришни тавсия қилишган. Шозилия силсиласининг (орденининг) асосчиси — Шайх Абул Ҳасан Шозилий мажлисда самозни умуман инкор қилган. Манбаларда келтирилишича, Хўжа Мусофир ал-Хоразмий бир кун бухоролик йирик тасаввуф арбоби — Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд мажлисида қаввол (ашулачи), даффоф (доирачи), созанда ва навозандларни таклиф қилади, улар бутун маҳоратларини, санъатларини намойиш қилиб мажлис аҳлини хушнуд этади. Мажлис тугагандан сўнг Хўжа Баҳовиддиндан самоз ҳақида фикрини сўрашганда у қуйидаги жавоб беради: «Виз бу ишни қилмаймиз ва инкор ҳам қилмаймиз».

Урта Осӣёда кенг тарқалган тасаввуф мазҳабларидан нақшбандия, кубравия, чийтия, қодирия каби тариқатлар ўз мажлисларида самознинг ҳамма турларини кенг қўллашган. «Мавлавия» тариқатининг асосчиси Жалолиддин Румий мажлисда самоз жараёнида муסיқий асбоблари ва рақсларига руҳсат берган. Хўжа Убайдулло Аҳрор ҳикоя қилишича, у 18 ёшлик пайтида Тошкентда Муҳаммад Жаҳонзир эмсли суфий мажлисида Самарқанддан маҳсуе таклиф этилган хонандаю созандаларни кўрдан. Хўжа Аҳрор айтишича, «эрталабгача улар фарғо азим кўтаришди, аммо чангу уд нағмаларидан, зикрдан бошқа ҳеч нарса англамадим».

Муסיқийнинг эстетик таъсир кучи, унинг амалий ва назарий масалалари тасаввуфга оид турли асарларда кенг ёритилган. Бу масалаларни, деярли ҳамма суфий муаллифлар шарҳ этишган десак, муболага бўлмайди. Масалан, тасаввуф ғояларини маълум даражада қабул қилган буюк ватандошимиз Ибн Сино ўзининг «аш-Шифо» қомусида муסיқийнинг қуйи интиқолларини (секевенцияларини) «илоҳий тажалли» (эманация) рамзи сифатида баҳолайди. Имом Ғаззолий ҳам тажалли тағлимотини тушунтиришда муסיқийга асосий урғу бериб ўтади. Унинг фикрича, муסיқий инсон қалбидаги илоҳий оташни кучайтирувчи воситадир. Бу фикр бошқа тарихий манбаларда ҳар хил кўринишларда тез-тез учраб туради. «Хушхон муганнийдин дард аҳлининг ўти тездир, — деб ёзади Мир Алишер Навоий, — агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлига рустохездур. Оташнинг юзлук муганнийки, халқидин мулойим суруд чиқоргай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорай!» («Маҳбуб ул-қулуб»). Зиёуддин Нахшабий ривоят қилишича, бир кун Хўжа Жунайд ал-Вағдодий мажлисида қалби дардманд бир дарвеш муסיқийдан таъсирланиб беихтиёр «оҳ»

тортиб юборади. Натихада мажлис аҳлининг фикри му-  
сиқийдан чалғийди. Хўжа Жунайд унга разд кўзи билан  
қараб қўяди. Дарвеш шунда жомасини бошига тортиб,  
бутунлай ёпиниб олади ва «қалб оташини беркитади».  
Самоз ниҳоясига етиб, бечора дарвешнинг жомасини очиб  
қарасалар, фақатгина бир уюм кулни топадилар...

Ҳар хил тарихий даврларда тасаввуф мажлисларида  
турли хил мусиқий турлари ва жанрлари қўлланилган —  
ғазал, қавл, қавволий, мадҳ, тартил, мақомлар, катта ашу-  
ла, мувашшаҳ ва ҳ. к. XI—XII асрларда тасаввуф маж-  
лисларидаги зикр маросимларига ҳамоҳанг тарзда мусиқий  
зикр туркуми шаклланади. Табиатан синкретик, яъни турли  
хил санъат турлари ва жанрларидан ташиқил топган зикр  
қарийб ҳамма мусулмон мамлакатларида тарқалган.  
Қўлэзма манбаларда келтирилишича, Урта Осиёда бир неча  
хил зикр турлари машҳур бўлган: зикри жаҳрия, зикри  
хуфия, зикри аллония, зикри ададия, зикри дил ва ҳ. к.  
Зикрнинг мағлуж таркибий қисмлари унда қўлланилган  
усул хусусиятига қараб махсус номлар билан аталади —  
Якзарб, Дузарб, Сезарб, Чорзарб. Таркибий қисмларнинг

ритмик вариантлари эса чопқин деб аталади (Чопқин I,  
Чопқин II ва ҳ. к.).

Тасаввуф маданият тарихимизнинг ажралмас қисмидир.  
У ўз даври руҳини мусиқий-шеърий шаклларда ва ўлмас  
асарларда акс эттирди. Мусиқий эстетикаси ва илмининг  
ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ибн Сино, Абдурах-  
мон Жомий, Алишер Навоий, Жалолiddин Давоний, Нур-  
асад Чишти, Жалолiddин Румий, Абу Ҳомид Ғаззолий ва  
бошқа буюк мутафаккирлар ўз асарларида мусиқий илми-  
нинг назарий ва амалий масалаларини тасаввуф тағлимоти  
нуқтаи назаридан ёритиб беришди. Шуни ҳам айтиш  
керакки, умуман инсоният тараққиётида прогрессив аҳа-  
миятга молик бўлган бу тағлимотнинг кўп қирралари,  
унинг эстетик моҳияти ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Бузун  
маданиятимизда, онгимизда содир бўлаётган қайта қуриш  
ҳаракати ана шу унутилган, сталинизм ва турғунлик йил-  
ларида қора тамға билан чапланган тарихимизнинг бой  
саҳифаларини ёритишга имконият яратади, деб умид қи-  
ламиз.

АШЛИК

Сувон Мелиев

## ЖОНЛИ СЎЗ ҚУДРАТИ

### («Шеърий матнда сўз ҳаракати» туркумидан)

Сўз кундалик ҳаётда фикр алмашув қуроли. Одатда ўзимиз  
айтаётган ёки эшитаётган сўзларнинг бутун моҳияти ҳақида  
кўп ўйлаб ўтирмаймиз. Бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Бизни гап зами-  
ридаги натижа қизиқтиради, холос. Шеъриятда эса бошқа-  
ча. Бунда сўз бор кучи билан кишлайди». Бир қирраси кўзга  
ташланиб турса, бошқа қирралари яширинган бўлади. Кўзга  
яққол ташланиб тургани — бош маъно. Қолган маъно шаҳоб-  
чалари унинг теварагида уюшади ҳамда тармоқланади. Бош  
ва тармоқ маънолар бирлашиб яхлит бадий мазмунни ву-  
жудга келтиради. Алишер Навоийнинг:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас моне,  
Бу боғ томига гар игнадан тикан қилғил, —

байти машҳур. Шоир Э. Воҳидов уни шундай шарҳлайди:  
«...яъни хазон лашкари бостириб келгач, эй боғбон, бу боғ  
деворларига қанча тикан босиб ғов қилмагин, барибир бу ғов  
кузнинг истилосига моне бўлмайди. Инсон умри ҳам шу —  
у ниҳоясига етгач, ҳеч бир тадбирдан фойда йўқ». («Совет  
Ўзбекистони санъати», № 9, 1981 йил.) Дарҳақиқат, кўзга  
ташланиб турган маъно шундай. Аммо байтнинг маъно уфқи  
бу билан чекланмайди.

Диққат қилинг, Навоий ўтар дунёнинг шафқатсиз ҳақиқати-  
ни ҳаётбахш нарсалар — боғ ва боғбон орқали бераётир. Шу  
сабаб, байтда икки зид ҳолат — яқна одам умрининг чеклан-  
ганлиги ва ҳаёт абадийлиги мувозанатда.

Хазон сипоҳи бокча муқаррар бостириб киради. Уни тўх-  
татадиган куч оламда йўқ. Аммо келгуси баҳор боғ яна  
гуллаб яшнайди. Боғ музаффар ҳаётдир. Дарахтнинг барглари  
сарғайиб тўкилгани билан танаси қиш изгиринларига бар-  
дош бериб баҳорни кутади. Баҳорда янги барглрар ўсиб чиқа-

ди. Боғ яшар экан, демак боғбон тирик. Одам ўлимга тобе,  
инсоният эса абадий. Вақт ҳужуми инсониятни маҳв этолмай-  
ди. Ёшини яшаб, ошини ошаган кексалар кетидан боғдаги  
нав-ниҳоллар каби ёш авлод етишиб келади.

Байтдаги боғ ва боғбон сўзларининг ҳаётбахш кучи хазон  
сипоҳининг сарғайтиришидан зўр. Не ажабки, инсон умри-  
нинг чекланганлиги ҳақидаги байт ўзининг олий маъносида  
мангу тирик инсониятни шарафлайди.

Қуйида таҳлил қилинажак икки сатр Ғафур Ғулумнинг  
«Алишер» номли шеъридан бир парча. Шеър, 1948 йил ёзил-  
ган. У пайтларда ўтмиш ва ҳозирги замонни қарама-қарши  
қўйиш урф бўлиб, нима қилиб бўлса-да, янги тузумнинг аф-  
заллигини кўрсатиш қатъий заруриятга айланган эди. Бу ўрин-  
да ушбу таҳлидан бош мақсад сўзнинг контекстдаги ҳара-  
кати, унинг бажарадиган бадий вазифасини кўрсатишдир.  
Сўз шоирнинг қуроли бўлганлигидан уни ўз ғоявий мақсадида  
бўйсундириши табиий. Хуллас:

Ильичнинг юз минг вольт чироғи ёниб,  
Байқаро саройини шамлабди ўчди.

Бутун маъно Ильич ва Байқаро таъсирланган сатрларнинг  
ёнма-ён туришида. Улар бир-бирини ҳам рад этади, ҳам  
яхлит бутунликда ҳаёт кечиради. Байқаро — зулмат ичидеги  
ўрта аср ҳукмдори. Ильич — эски дунёни бузиб, янги дунё  
қурган инсон. Ушбу зиддият бадий теранликни ҳосил қи-  
либ, бу теранлик икки босқичда намоён бўлади.

Биринчи босқич. Биринчи сатрдаги ҳар бир сўз, тушунча  
кейинги мисрада ўз зид жұфтига эга. Чунончи, Ильич ва  
Байқаро. «Ильич» доҳиймиз Лениннинг халқона атамаси. Кон-  
текстда бу сўз кенг маъно кўламига эга. У «чироғи» билан  
ҳамкорликда катта мазмун ташийдди. Маълумки, халқ электр  
нуруни «Ильич чироғи» деб ҳам атайди. Бунда шунчаки электр  
нури ҳақида гап бормай, ибора улў Ленин ғояларининг дунё-  
ни яшнатувчи, чароғон этувчи кучини англатиб келади.

Ленини ифодалаш учун айни «Ильич» сўзининг олиниши  
бежиз эмас. Бир томондан халқ ишлатадиган иборага суя-  
нилан бўлса-да, асосий сабаб бу эмас. Меҳнаткаш халқ Ленин  
ҳаётлигида ҳам, ҳозирги кунда ҳам ўз доҳийсини севиб, ўзи-  
га яқин олиб «Ильич» деб атайди. Бу сўз Ленинга нисбатан са-  
мимий муносабат ифодаси бўлиб қолган. Демак, «Ильич» сў-  
зи бу ерда бадий вазифа бажаради. Халқнинг Ленинга  
бўлган самимий меҳр-муҳаббати шеърий сатрларга кўчиб  
ўтади.

«Бойқаро»ни ҳам бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди. У «Ильич» сўзига қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади. Бу сўз бутун шакл-шамойили билан қоронғилик тимсолидек. Унинг ўрнига, масалан, Бойқаронинг исми «Хусайн» қўйилса, байтнинг ички маъно жипслигига пугур етарди. Зеро, «Бойқаро» таркибида «қаро» сўзи аниқ эшитилиб туради ва у шамлари ўчган саройдаги зулматни ифодалагандек бўлади. Хусусан, бизга берилган сабоққа кўра.

«Юз минг вольт» ва «сарой». Юзаки қараганда булар ўзаро зид эмасдек. Аслида «Юз минг вольт» чироқнинг ниҳоятда зўр қувватини англатиб, шундай улкан чироқ кичик, бекик бир жойни эмас, катта майдонни, бутун мамлакатни, ер юзини ёритишига ишора бор, шу жиҳатдан у саройга зид. «Сарой» эса халқдан узилган бир гуруҳ кишилар макони, маҳдудлик тимсоли. Ожиз шам маҳдуд саройга муносиб.

«Чироқ ва шам». Дафъатан онгимизда бирининг чарақлаб нур сочиши-ю, иккинчисининг ўчай-ўчай деб липиллаб туриши гавдаланади. Зеро, шам ёниб турган нарсани англатиши билан бирга хираликни, ожизликни билдиради.

«Ёниб» ва «ўчди» зид жуфтларнинг қарама-қарши ҳолатини, ҳаракатини тугаллайди. Икки мисра икки даврнинг — янги социалистик замон ва феодал ўтмишнинг гўёки ойнаси. Шамнинг ўчиб, чироқнинг ёниши ўтмишнинг қора зулмати тарқаб, ёруғ замонлар бошланганига рамзий ишорадир.

Иккинчи босқич. Шундай қилиб, фикр ўз-ўзидан Навойга келиб тўхтади. Шеър сарлаҳаси ва Байқаро номи муқаррар равишда матнда бўлмаган учинчи буюк ном — Алишер Навойни ёдга солади. Мазкур парчада шундай. Аслида аксинча, Навой «ҳиммати» билангина Бойқаро номи қайта тирилади. Тарихда талай подшолар ўтган. Кўпининг ҳатто номи ҳам билмаймиз. Байқаро номи аҳён-аҳён эсланар экан, муайян маънода бу Навой шарофати туфайли. Буюк шоирга бўлган умумхалқ ҳурмати унинг ўткинчи дунёдаги йўлдошлари — замондошларини буткул унут бўлиб кетишдан сақлайди.

Хуллас, байтнинг дастлабки маъносига Навой даҳоси аралашиб, унга янги тўлқин олиб киради.

Шоир Абдулла Ориповнинг «Авлодлар ҳикояси» шеърда сўзлар бир неча роль ижро этувчи актёр сингари турли қиёфага киради. Эшитинг:

**Ярим тун.**

**Овулдан йўлчи ўтмоқда.**

**Тулпор туёғидан чақнайди тошлоқ.**

**Ногоҳ от дупури кириб қулоққа**

**Чўчиб уйғонади кекса чол мудроқ.**

**— Кексалик қурсин-да...**

**Уф тортар узун.**

**Хотирада Бойсун,**

**Чақнаган ўқлар...**

**Чол то саҳаргача юймайди кўзин,**

**Набираси эса донг қотиб ўқлар.**

Бу воқеабанд шеър. Унда бир бадий асарга етгулик воқеа бор. Овулдан ўтаётган йўлчи отининг дупуридан уйғониб кетган кекса чол тун бўйи ухломмасдан ёшлигини эслаб кетади. Чол хотирасида тикланган «Бойсун» ва «чақнаган ўқлар» унинг граждандар уруши даврига тўғри келган жанговар ёшлигини, балки биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиев билан боғлиқ кечган ўтмишини тирилтиради. Зеро, А. Набиев айни Бойсунда босмачи тўдалари қўлига тушиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлгани бизга олдиндан маълум.

«Тулпор туёғидан чақнайди тошлоқ» ва «Хотирада Бойсун, чақнаган ўқлар» сатрлари орасидаги ички алоқа воқеанинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган айрим қирраларини очади. От туёғидан тошлоқ чақнаганда чол хотирасида «чақнаган ўқлар» пайдо бўлади. Зеро, босмачи замонларининг даҳшати чол онгиди шундай маҳкам ўрнашиб қолганки, тинчлик замоннинг кундалик ҳодисаси ҳам унга оловли йилларнинг «чақнаган ўқлари»дек эшитилади. Чўчиб уйғониши, «кексалик қурсин-да» деб ўзига-ўзи танбеҳ бериши шундан.

Набира эса янги — тинчлик даврининг фарзанди. Унинг хотирасида «чақнаган ўқлардан» нишон ҳам йўқ. Ота-боболари қақшатқич жангларда жон олиб, жон бериб, ушбу дорилмомон

замонни, ширин уйқуни унга ҳада этишган. Шунинг учун ҳам набира безовта бўлмай, донг қотиб ухлайди.

Бу шеърдаги биринчи воқеий қатламни ташкил қилади. Шеърдаги сўзлар воқеани баён этишдан бошқа, аниқроғи шу воқеага таяниб, яна нималарнидир англаётгандай бўлаверади. Шеърни яна бир қарра диққат билан кузатамиз.

Илгари воқеага занжирбанд сўзлар энди эркин ҳаракатга келиб, тасаввурни кўзғата бошлайди. Хаёлда уч асосий тиргак сўз, воқеа иштирокчилари — йўлчи, чол ва набира ажралиб қолади.

Шунда шеърнинг номи эсга тушиб, шу уч сўзда ҳаётда кетма-кет алмашиниб турадиган уч авлод — кекса, ўрта ва ёш авлоднинг ўзаро муносабатлари акс этмадимикин, деб ўйлаб қоламиз. Лекин шеър бу нуқтаи назардан айтарли муҳим маъно касб этмайди, ёки касб этганда ҳам воқеий қатламдаги мазмун билан чекланади. Бироқ авлод тушунчаси бежиз хаёлга келмагани, у янги — теранроқ маъно томон ташланган кўприк эканлиги аён бўлади. Негаки, даврнинг бирор бўлагига яшайдиган уч авлод вақтининг турли кўринишлари — ўтмиш, ҳозир ва келажакни рамзий маънода ифодалай олиши сезилади. Шунда чол — кекса авлод — ўтмиш, йўлчи — ўрта авлод — ҳозир, набира — ёш авлод — келажак ҳадлари пайдо бўлиб, чол ўтмишнинг, йўлчи ҳозирнинг, набира келажакнинг тимсолига айланадилар.

Шеърга шу жиҳатдан ёндашсак, у ўзининг бутунлай янги қиёфасини намоён қилади.

«Ярим тун», биринчи қатламдагидек, воқеанинг юз бериш пайтигина эмас, эски кун билан янги кун ўртасидаги чегара, вақтнинг йўл айирғичига айланади. «Овул» — вақт кечадиган макон — коинот қадар кенгайди. Олдинги қатламда йўлчининг роли жуда камтарона. Унинг бир хизмати чолни уйғотиб юбориш, холос. Энди йўлчи бош роллардан бирини ўйнайди.

«Йўлчи» ўз номи билан йўлчи. У фақат йўл юради, олдинги интилади. Шу хусусияти билан у «ҳозирнинг» тимсолий ифодаси. «Йўлчи» шеърдаги бирдан-бир ҳаракатдаги куч. Унинг шиддатли ҳаракати «чақнаган» сатр — «Тулпор туёғидан чақнайди тошлоқ»да бўртиб акс этади. Бу сатр йўлчининг ва у минган отнинг қуйма характеристикаси. Унда «т» ва «ч» товушларининг сўз бошида келиб жанан касб этиши отнинг тошлоқ ердаги туёқ овозини биз эшитадиган даражада аниқ гавдалантиради. Бу ўз навбатида «ҳозир»нинг ҳокими мутлақ шиддатининг жонли ифодасига айланади.

Бинобарин, вақтнинг уч ҳолатини солиштирганимизда «ҳозир»нинг қолган икки ҳолатга нисбатан ҳукмрон мавқеда эканини кўрамыз.

Император Павелнинг мустабид ҳарбий министри Аракчевга «кўзларингиз худди файласуф Кантникига ўхшайди» дейишганда, унинг жаҳли чиқиб кетган экан. Тўғри-да, олий мартабали Аракчев қарерда-ю, қандайдир файласуф Кант қарерда? У осмондаю, Кант — ерда.

Чунки, Аракчев «ҳозир»да турган мавқеи чўққисидан оламга боқар, шунинг учун Кант билан ўхшашлик жаноб олийларига ҳақорат бўлиб туюлганди. Лекин, унинг «ҳозир»и «ўтмиш»га айланди, одил вақт ҳаммани ўз тегишли ўрнига қўйди. Пушкин таърифича, «беақл, бефаҳм, бешарм, беор» Аракчев тарих дарсликларига ваҳшиёна ҳарбий жабр-зулмнинг рамзи сифатида онда-сонда эсланганда, Кант буюк донишмандлар қаторида бизга доим ҳамқадам.

Кундалик ҳаётда ҳам аксар нарсага «ҳозир»нинг, шу куннинг талаби билан қараймиз. Бу тўғри ва шундай бўлиши ҳам керак. Аммо, баъзан аслида ҳеч вақога арзимайдиган тасодифнинг «ҳозир»ига қараб, унинг асл қийматини унутгандай бўламиз. Бирор одам жамиятимизга ёт, кинғир йўллар билан мансабга мингудай бўлса, эришган сохта мартабаси сеҳрида «қандини урсин» деб ўйлаймиз, кўча-кўйда ҳурмати-ни жойига қўямиз. Бир кун келиб «миси чиққанда»гина унинг ҳақиқий башарасига бегараз баҳо бера бошлаймиз. Чунки унинг мартабаси энди ўтмишда, «ҳозир»и унинг аслига мос ҳолатидир.

Бу фикрлар яна шу билан тасдиқланадими, шу кунги воқеаларга аниқ, ҳар томонлама баҳо бериш қийин. Тоғнинг бутун салобати узоқдан кўринади, яқиндан айрим яккам-дуккам тош ва қоялар кўзга ташланади, холос.

Шунинг учун ҳам «тарих ҳукми», «тарих баҳоси» деган гаплар бор. Бу баҳо одатда энг адолатли баҳо бўлади. Тарих — бу ўтмиш, ўтган замонларнинг мажмуи, муайян вақт масофасидир.





Яхши-ёмон ҳодисаларнинг ҳаммаси «ҳозир»да кечади. «Ўтмиш» қанчалик даҳшатли бўлмасин, ростакамига даҳшатли эмас. Чунки у орқада қолди, «ҳозир»да кучга эга эмас. «Келажак», айтилиқ, жуда порлоқ дегани билан, порлоқ эмас. Чунки, у ҳали йўқ, етиб келмаган. Бу ҳодисалар реал воқеаликка — таъсирчан кучга айланиши учун «ҳозир» таркибида яшаши керак.

Йўлчининг тулпор миниб, на чол, на набирага «қайрилиб боқмай» жадал кетиб бориши «ҳозир»нинг юқорида айтилган белги-хусусиятларига мос тушади.

Чолнинг хатти-ҳаракати энди янги мулоҳазалар туғдиради:

**Ногоҳ от дупури кириб қулоққа  
Чўчиб уйғонади кекса чол мудроқ.**

Йўлчи бўлмаганда, чол уйғонмас, уйқусини бемалол давом эттирган бўларди. У ҳатто уйғонганда ҳам «мудроқ». Инсон ўтмишга, олдин кечган воқеаларга қайта назар солиб, уларни «уйғотар» экан, бу фақат «ҳозир»нинг талаби билан қилинади. Ўтмиш — ҳозирга хизмат қилиши, қай жиҳатдандир унга фойда келтириши зарур, акс ҳолда уни тирилтиришга ҳожат йўқ. Ҳозир ўтмишга баҳо берувчи бош ҳакам.

Ўтмиш «ҳозир»га мос бўлиши лозим. Чолнинг хотирасида «чақнаган ўқлар» йўлчи тулпори туёғидан «чақнаган тошлоқ» туфайли пайдо бўлади. Зеро, ўтмишдаги ҳамма воқеалар ёппасига эмас, балки «ҳозир» билан оҳангдошларигина ҳаёлда жонланиши мумкин.

Чол «мудроқ», ҳаракатсиз. Унинг бор бойлиги — хотираси. Бинобарин, ўтмиш инсониятнинг коллектив хотирасидир. Ўтмиш ҳаракатсиз бўлгани билан бизнинг ҳар босган қадами-мизни кузатиб, тергаб туради. «Чол... юммайди кўзин» ўтмишнинг шундоқ уйғоқлигини, бизни доим кузатиб боришининг кўчма ифодасидир.

Охириги сатр набира — келажак ҳақида. Набира ҳам чол каби ҳаракатсиз, аммо чолдек сергак эмас, парвойи палак. Унинг йўлчи билан ҳам, бобоси билан ҳам заррача иши йўқ, «донг қотиб ухлайди». Чунки, келажак ҳали етиб келмаган, олдимиздаги вақт, у — уйқуда. Аммо у албатта уйғонади, йўлчи сингари тулпор ҳам минади. Йўлчи унда чолга, ўтмишга айланади. Чунки ҳозир ўтмиш томон тинимсиз оқади. «Йўлчи» сўзининг маъноси ҳам ўтиб кетишига ишора. У қанчалик ҳокими мутлақ бўлмасин, барибир ўткинчи. Унинг ўзига хос томони шунда.

Бепарво ва вақтинча кучсизлигига қарамай, набиранинг бир устунлиги бор. Келажак — уники, у бир кун албатта «ҳозир»га — бош кучга айланади.

Иккинчи қатламда айтилган фикрлар шеър юзасида яланғоч кўриниб турганда, бу унинг қусури бўлар, шеър ғоялар жарчисидан нарига ўтмасди. Шеърнинг фазилати шундаки, унда реал ҳаётини воқеа бор ва бу воқеа ўз-ўзича ҳам бадий қимматга эга. Иккинчи қатламдаги фикрлар дастаси шу воқеа, уни ташкил этган сўзлар замиридан қўшимча равишда келиб чиқади.

Айтилганларга суюниб, асар фақат воқеабанд эмас, балки вақт моҳияти ҳақидаги том маънодаги фалсафий-лирик мушоҳада эканлигига амин бўламиз.

Бадий юксак шеърларда сўз жонлидир. У ўсиш-ўзгарошдаги тирик жон ёки ўсимлик сингари турланиш хусусиятига эга. Шеърни қатъий, узил-кесил тушунтириш кўпинча таҳлилда бир ёқламаликка олиб келади. Шу сабаб шеърдаги сўз товланишларини эътиборда тутиб фикр юритган маъқул.

Ўзаро таъсир натижасида сўзлар кучайиши, янги маъно халқларини ҳосил қилиши мумкин. Бунда биз сўзнинг жонли ҳаракатига гувоҳ бўламиз. Баъзан битта сўз турли қиёфада юз кўрсата олади. Бу оддий такрор бўлмай, аниқ вазифа юклатилган бадий воситадир. Шеърнинг таъсир кучини оширишда шу каби омилларнинг роли катта.

Ҳа, сўз ҳам жонли нарсас. Унинг қудрати ўқувчида ҳаяжон кўзгаб, юрагида эзгу ҳислар туғдиришида. Халқ бундай сўз-ни ардоқлаб кутиб олади: у энди маънавий бойликка айланади.

**Муродбой Низонов**



**Давоми, боши ўтган сонда**

Манғитбоевнинг курортга келгандан кейинги хизматлари ҳам оз бўлмади: Арслон Мирзаевични дам олувчиларга таништираётиб, донгини осмонга чиқариб юборди, шкафга, холдильникларга минг хил ейимлик-ичимликни, пачка-пачка сигаретни уйиб ташлади. Бу хизматларнинг бари аввалига пора олувчига жуда арзимас бўлиб туюлди. Эртаси куни Манғитбоев рухсат сўраб, уйига учиб кетгач, қадри ўта бошлади. Арслон Мирзаевичнинг ёнига ухлаганда елпиб, уйғонганда қўл ювдириб, сайр қилганда латифа айтиб бериб кулдирадиган бир шотир керак экан. Қаҳрамонимиз ширин гапларга учиб, рухсат берворганини билмай қолди. Пора олувчига Манғитбоевнинг қуруқ гап билан авраб, «пахта билан бўғизлаб» кетгани, бепулдан-бепул рухсат олгани туриб-туриб қаттиқ ботди. Ташлаб кетган сигарет қутиларини бирма-бир очиб, ахлат челака ташлайверди. Сигаретларни текширмасдан шундайича ташлаб юборса ҳам бўлардику-я, бироқ ўрганган кўнгил... Бу ҳам бир спринт лотереясидай гап-да... Йўқ, Арслон Мирзаевич янглишмаган экан, тўртинчи пачкани очаётганда ичидан тўрт букланган кўк қоғоз чиқди. Бу ўзининг номига ёзилган беш минг сўмлик аккредитив эди. Арслон Мирзаевич Манғитбоевнинг барча гуноҳларидан ўтиб, кўнгли ором топган ҳолда тоққа чиқиб кетди...

Бош қаҳрамонимизнинг тушида ҳам пора олаверадиган ғаройиб одати бор. Туши ўнгидан ҳам келмайди, чапидан ҳам. Бунга атеистлиги сабаб бўлса керак. Қизиг-а, тушида пора олаётганида пуллар кўз олдида аниқ-таниқ туради-ю, уйғониб киприк очган заҳоти йўқ — ғойиб бўлади. Шунинг учун ҳам у уйқуда пора олишни жуда ёмон кўради. Не қилсинки, райондаги баъзи пора берувчилар унга тушида пора беришга ўч.

Бундан Арслон Мирзаевич порададан бошқа нарсани ўйламас экан-да, деб хулоса чиқара кўрманг. Чунки қаҳрамонимиз ҳамма нарсани ўйлайди. Масалан дейлик, курортдан яхшилаб тинчиб боргач, ОПД бошлиғини бўшатишни кўнглига тугиб юрибди. У аҳмоқ берганларига ишониб, бурни кўтарилиб кетган шекилли, Арслон Мирзаевич бир куни районда янги қуриб битирилган умумҳожатхонанинг очирилиши маросимида лента кесаётганида шу одам ҳов нарда туриб пиқиллаб кулган эди. Бу пиқиллаш ўзига қанчалик қимматга тушганини у бир билиб қўйсин! Жадигеровдан ортиқ жойинг бор эканми сенинг?! Ана, Жадигеров гум бўлиб кетгач, шўрликнинг хотини ҳам магазинда камоматга учраб, Арслон Мирзаевичнинг олижаноблиги туфайли омон қолди. Бечора аёл миннатдорчилик билдириб, йиғлай-йиғлай болаларини олиб райондан кўчиб кетди. Сўнг алоқа бўлимининг бошлиғини банкка, банк бошлиғини алоқага қўйиб, ўринларини алмаштиришни ҳам ўйлаб кўриш керак. Иккови ҳам бир ўринда йигирма йилдан буён ўтирибди, деган гаплар чиқаётганга ўхшайди. Манғитбоев бунинг бир учини чиқарди-ю, мақсадини очиқ айтилмай кетди. Ундан кейин Социал таъминот билан Госстрах бошлиқларининг ўрнини алмаштириш ҳам планда йўқ эмас. Бунинг устига, ҳали биринчи кварталда қўшиб ёзиладиган рақамларни ҳам бир ҳисоб-китоб қилиб кўриш керак. Қолаверса, уйнинг ташвишлари-чи? Албатта, вақти-вақтида оила, бола-чақа, келди-кетдининг ҳам ғамини еб туриш керак. Иш деб, пора деб бола-чақани унутсанг, улар ҳам сени ёддан чиқариб, «ота»нинг ўрнига «амаки»лаб юбориши ҳеч гап эмас. Хотинининг айтганлари рост бўлса, ўғли Эльбрус университетда юриб Абди Турдиевичнинг қизи билан танишибди. Яшавор, ота ўғил! Кўз тегмасину, бўлажак қайночасини ўйлаган йигитга раҳмат! Қимсан, Абди Турдиевич билан бир куда бўлиб олсин, ана шундан кейин кўргин Арслон Мирзаевичнинг гуриллашини! Бу оласта унинг мушугини пишт дейдиган мард топилармикан шунда! Гап энди ана шу эзгу ишни тезлатишда қолган. Бундай куда-андачилик ҳаммага насиб қилаверадими дейсизми?

Мақтов деб тушунманг-у, лекин Арслон Мирзаевич дунёдаги энг қаноатли одамдан ҳам қаноатлироқ. У райондаги ўттиз идоранинг йигирма тўрттасидангина пора олади. Унда ҳам ой сайин эмас, вақти-вақтида. Қолган олтитасидан оғзига сув ҳам томмайди. Мардлик қилиб бу ҳам сўрамайди. Сўрамаслигининг сабаблари бор, албатта: олтови ҳам уруш инвалиди, ҳа десанг, таёғини олиб юради. Ўзлари-ку, пенсия ёшидан аллақачон ўтиб кетган қариялар — туртсанг йиқилиб, суясанггина ўрнидан зўрға турғудай ҳоли бор. Яна бунинг устига данғир-дунғир темирларини тақиб келганига ўласаним, қани энди уларни ҳам йиғилишларда турғазиб гап уқтириб кўр-чи.

Шундай қилиб десангиз, Арслон Мирзаевич тоғдан тушиб келаётиб, тўсатдан пахта қабул қилиш пунктининг бошлиғи Тойиров билан тўқнашиб қолди. Тойировнинг қўлида керамикадан ясалган чиройли гулдон бор эди.

— Ассалому алайкум, Арслон Мирзаевич! — дедию қўлидаги совғани бор бўйи ташлаб юбориб, икки қўлини узатди. Совға чил-чил синди. Одамлар орасида ҳам лаганбардорлик ҳақида турли-туман гаплар юради. Ҳеч тўғри эмас у гаплар! Лаганбардорликни ҳам қўлидан келганлар, эплаганлар қилади. Тойировнинг лаганбардорлиги туянинг нозига ўхшаб ўтаётганларнинг дарҳол эътиборини қаратди.

— Сен ҳали кетмовдингми? — деди Арслон Мирзаевич, ғазаб бетида тилиб. Тойиров баттар ҳовлиқиб қолди.

— Врачлар... беш кун қўшиб беришган эди, — қалтираб жавоб берди у. Бизнинг қаҳрамонимиз бир оз ўйланиб қолди. Бугунми, эртами кетадиган одам, ҳозир бақариб жонини олса, бегона юртва кўнгли алағда бўлиб уйига қайтади. Минг қил-саям, бир элдан келган мусофиримиз. Арслон Мирзаевичга дуч келиб кайфиятини бузгани — бунинг айби эмасдир. Лекин бари бир-да. Тўхта, тўхта... Пора олувчи хаёлига келган ажойиб фикрдан қувониб кетди.

— Майли, полвон, кечқурун «Кавказ» ресторанига кел, — деди у Тойировнинг елкасига ёлғондакам қоқиб, — бирга овқатланамиз. Бироқ белингни маҳкам беғлаб кел, ёнимда мехмонларим бўлади.

Тойиров унинг таклифини маъқуллагудай аҳволда эмасди. Арслон Мирзаевич эса ундан жавоб ҳам кутмай юриб кетди.

Тойиров — боя айтганимиздай, кўпинча тушида пора берадиганлар тоифасидан эди. Бўлмаса, бир муҳрга эғалик қилиб, банкка қўли етадиган бўлиб қолганига ҳам беш йилдан ошди.

Беш йилнинг ичида ёлчитиб пора берган эмас. Қабул қилувчиларига ишонадим, пахта сотиб олиш ишларига ҳам аралашавермайди. Мабодо шу беш йил ичида кўрсатган инжиқликларини бир ерга тўплаб келсангиз — ҳўкизнинг белини синдиругдек юк. Арслон Мирзаевич, одам бўлиб кетар, деб бари-га чидаб келяпти. Сабаби — бир вақтлар иккови девор-дармиён қўшни бўлишган. У пайтлар Тойировда амал қайда дейсиз, Арслон Мирзаевич эса РайПО бошлиғи, топиш-тутиш, еб-ичиш борасида ораларида ер билан осмончалик фарқ борлигига қарамай, бизнинг қаҳрамонимиз ҳиммат-мурувват кўрсатиб, Тойиров билан ҳар кун бўлмаса-да, кун ора ярим соат ҳамсуҳбат бўларди. Бир гал эса Новосибирскдан келтирган икки овчаркасининг бирини ҳеч бир таъмасиз Тойировга туҳфа қилди. Ушанда овчарка боқишга ҳам ҳоли келмаган эди Тойировнинг! Арслон Мирзаевич ҳар куни ўз кучугига ғўшт, колбаса ташлайди, симтўрнинг у ёғидаги ювиндига тўймайдиган бечора кучук эса буни кўриб осмонга улийди. Нима, Арслон Мирзаевич ҳам кучук совға қилсин, ҳам уни боқсинми? Охири, бу сингари ҳақсизликка, хўрликка чидамай кучук уч ойда чўпдай озиб, ерни тирнай-тирнай ўлди...

Арслон Мирзаевич Тойировдан бошлаб ўч олиб, бундан буён тушида пора бермайдиган қилишни кўнглига тугиб қўйди.

Кечқурун ресторонда бўладиган зиёфатни ўйлаб Тойировнинг ичини ит таталарди. Бир жойда тек туролмай, у ёқдан-бу ёққа чопди, ҳаво ваннасига борди, нарзан ваннасининг барча кабиналарига бош суқиб чиқди. Ниҳоят, пахта заводининг директори Шитайбековни массаж хонаси олдида навбат кутаётган ҳолда топди.

— Мен... мен Арслон Мирзаевични кўриб қолдим, — деди у энтика-энтика.

Шитайбеков чақмоқ ургандай чўчиб тушди.

— Дам олишга келибдимми? — сўради у ўзи ҳам сезмаган ҳолда ўрнидан сакраб туриб.

— Дам олишга келибди.

— Менинг борлигимни айтмадингизми?

— Йўқ. Лекин менга, кечқурун «Кавказ» ресторанига бор, бирга овқатланамиз, деб кетди.

Шитайбеков энгил нафас олди.

— Демак, бор деган бўлса, борасиз-да. Чўнтак кўтарамизми?

— Кўтармайди-да, — деди Тойиров. — Бир ўйим, тушдан кейин ҳеч кимга билдирмай уйга жуфтакни ростлаб қолсамми, деб турибман.

— Билет борми?

— Аэропорт бошлиғининг олдига кириб, «хотиним ўлиб қолди», десам-чи?

— Боламисиз, — деди завод директори кулиб. — Қани, телеграммангн кўрсат, дейишмайдими? Хўп, кетдингиз ҳам дейлик, кейин районда Арслон Мирзаевичнинг олдига қай юз билан кирасиз? «Кирар эшигингни қаттиқ ёпма» деганлар... Қанча пулингиз бор?

— Беш юздай қолди.

— Доим айтаман-ку сизга, курортга тийин билан келманг деб.

Шитайбеков гапини давом эттирмай ўтираверди. Тойиров бўлса эгасининг эркалаб нон ташлашини кутган кучукдай унинг оғзини пойлаб термуларди.

— Мен сизга ёрдам кўрсатай, — деди бироздан кейин Шитайбеков. — Бироқ бир шарт бор — менинг бу ерда эканлигимни Арслон Мирзаевичга айтмайсиз. Мен унга қишлоқда дам оламан деган эдим. Ҳозир массаждан чиқиб бирга хонага борамиз. Бир ярим минг сўм қарз бераман.

Улимдан бошқасининг иложи топиларкан. Тойиров кечқурун ресторонда тўйган тўқлидай ўйноқлаб келди. Огоҳлантириб қўйганидай Арслон Мирзаевичнинг ёнида ўзидай «қорнига ёсик боғлаб олган» тўрт одами бор эди. Олтовлон бир бўлиб столга ўтирдилар. Пора оладиган одамларнинг обрўйи чакана бўлади дейсизми — Арслон Мирзаевич гоҳ нариги столдагилар билан, гоҳ бериги столдагилар билан ияк қоқишиб, саломлашиб-сўрашиб ўтирибди. Тойировни-ку, сен ҳам бормисан, дейдиган одамнинг ўзи йўқ.

Столнинг усти турли-туман овқату емишларга, закускаю ичимликларга тўлиб кетди. Тойиров сир бой бермай қадаҳ тўлдирди. Арслон Мирзаевич қайси рюмкага нима қуйишни, кимга узатишни, кимга сўз беришни виқор билан эслатиб ўтиради. Ора-чурода, ирим учун дегандай, официант қизларга

ҳам қадаҳ тутқазиб, ўзининг соғлиғига кўтартиради. Шунинг орасида кўшни столлардаги кўзтанишларни ҳам унутмай, шоша-пиша коньяк, шампанларни боши устидан ўтказиб турибди. Бир йигирма бешталик қоғоз оркестр ўтирган бурчакни «забт этиб», ресторанда «Чимбой» навоси янгради. Қараб-сизки, Арслон Мирзаевич рестораннынг қоқ ярмини ёв босгандай эгаллаб, ўз нағмасига йўргалатапти. Атрофга назар ташлаб, кўз югуртган сайин Тойировнинг нафаси қайтиб, белбоғи тўпигига қараб туша бошлади.

«Кудуқни биров қазади, сувином бошқалар ичади» дегандай, ҳисоб-китоб пайтида ҳаммалари туриб-туриб кетишди. Тойиров ташқарига чиққанида, олиб келган икки мингдан биргина уличк ортиб қолган эди. Арслон Мирзаевич такси эшигини ёпмай кутиб турган экан.

— Эртага эртaroқ кел, полвон, — деди у. — Ешулларни куттираск уят бўлади.

Тойировнинг тили тугилиб, лом-мим деёлмай қолди.

— Ар... Ар... Арслон Мирзаевич, мен тонг азоналаб уйга қайтмоқчи эдим, — деб ёлдиради бир амаллаб.

Тажрибали пора олувчилар сезгир бўлишади, Тойировнинг сувга бўккан нондай шалпайиб туришидан аҳволини пайқаган бизнинг қахрамонимиз:

— Кўрқмак келавер, эртага Айтанов шу ерда ҳозир бўлади, — деди-да, эшикни тарс ёлди.

Айтанов — РайПО бошлиғи. У ресторандагиларнинг ҳаммасини боққанда ҳам бир мўйи қилт этмайди. Тойировнинг қарз ҳаволатмай, масхара бўлмай ўз оёғи билан чиққанини айтинг. Арслон Мирзаевич бу камбағални таксида олиб кетаверса ҳам бўларди, лекин «хайр қилсанг бутун қил» деганларидай, шу қилгани билан олган ўчи тўла якунланажагини билди.

Айтгандай, Айтанов эртасига етиб келди. Бироқ, бошқаларнинг таажжубига бу сафар кечагидай, маишат, маъмур-муруват бўлмади. Кўшни столларга ҳам «элчи» шишалар дўстона совға сифатида юборилмади. Ресторанда қорақалпоқча куй ҳам янграмади. Бир сўз билан айтганда, Арслон Мирзаевичнинг тош осилган қовоқлари очилмади. Бунинг сири шу — пора олувчилар «операцияга» тайёрланган пайда, худди сичқон пойлаган мушукдай, ғоят эҳтиёткор бўладилар. Уларга тажрибадан шу маълумки, кулдинг — тамом, сендан ҳеч кимнинг шайтони сесканмайди, бола-чақасиyo шарт-шароитдан гап очиб, поранинг ўрнига бир тонна ҳол-аҳвол айтиб беради.

Арслон Мирзаевич шу қовоқ уюши билан бир соатча ўтирди.

— Бу рестораннынг лойиҳасини чизган одамни олиб келиб икки чойнак қайноқ чой ичириш керак, — деди бир вақт.

— Тўғри айтасиз, — деб дувва маъқуллашди ёнидагилар, унинг нима демоқчи эканини сира англаб етолмай.

— Бино деган қанча баланд бўлса, ҳавоси ҳам шунча яхши бўлади, — давом эттирди сўзини Арслон Мирзаевич. — Ҳозирги ресторонларда оёғининг учиде юрсанг, бошинг тегиб қолади.

У сигарет тутатди-да, костюмини ечиб ўзи ўтирган ўриндиққа ташлаб қўйди. Бироздан кейин, қўйлақда ўтириб ҳам иссиқладими, индамай ташқарига чиқиб кетди.

Айтанов шундай пайт келишини пойлаб ўтирган экан, дарҳол бир пачка элликталикни чўнтагидан ҳеч кимга билдирмай олди-да, ўриндиққа ёпилган костюмнинг қўйин киссасига уриб юборди.

Бундан буёғи ўзингизга маълум гаплар бўлгани учун, шундай пайтларда айтиладиган беш-олти муроса-мадора сўзларни, хушомаду куллуқларни қисқартириб, олиб ташлаймиз. Сизларга маълум бўлмаган ери — Арслон Мирзаевич эрталаб Тойировни чақиртириб, қўлига минг сўм пул берди ва:

— Энди биратўла районга боргач учрашамиз, — деди.

Бу — Тойировга ўхшаган инжиқ пора берувчилар тушунавермайдиган чигал гапларнинг бири эди. Чигалнинг нималигини сизга аниқ айтишимиз керак: Арслон Мирзаевич порадан «қайтим» бердими — масала ҳал деяверинг, энди Тойировнинг бундан буён «ўтмайдиган майдони» бошқа ерларда...

гани йигирма тўрт кун, тонг отса тўрт куни қолади» десак — бу тўғри гап. Арслон Мирзаевичнинг ҳафта кам бир ойлиқ дам олиш муддати ҳам кўзни очиб-юмгунча ўтди-кетди. Бу орада у атиги тўрт одамдангина почта орқали пора олди, бир одам аккредитив билан қолдирди, беш одам келиб ресторанда зиёфат бериб кетди. Хуллас, азаматларнинг ками йўқ.

Пора олувчига райондан турли хабарлар ҳам етиб келиб турди. Бир йигит хотини билан қайнонасини уйда отиб ўлдирган. Бизнинг ахлоқ нормаларимизга сиғмайдиган жиноят! Бироқ жиноят қиладиган одам сенинг ахлоқ норманг билан ҳисоблашиб ўтирадимиз? Унинг танобини тортиб қўядиган суд бор, қонун бор! Энди унга ҳеч қанақа амнистиялар ҳам ёрдам беролмайди. Демак, боргандан кейин Арслон Мирзаевич ўша Изтурғановнинг ўзига ҳам ҳеч қанақа «амнистия», «имтиёзлар» бериб қўймайди. Итга бўйинбоғ тақдим деб керилиб юрган шекилли, бўйинбоғ эскириб кетганини эслатиб қўяди унга!

Яна бир хабар шуки, гастроном директори Жонгелдиев эллик икки минг сўм камомад қилибди. Бунинг ҳақиқати аввалроқ Айтанов ресторандан чиққандан кейин қўлоғига қуйган эди. «Қамоқдан қолишимга ёрдамлашса, — дебди у, — ўн етти яшар қизимни бағишладим!» Арслон Мирзаевич сир бой бермай Айтановни қайтариб юборгани билан бу хабарни ичиде маъқуллаб қўйди. Шунчалик тўлиб-тошган обрўйи бор экан, ўйнаш тутса айб бўлади дейсизми?! Уйнаш бўлмаса хотин бўлар! Нима қипти, ёш дилбарини тоғасининг номида турган ўн икки хоналик саройига обориб қўяди — олам гулистон! Арслон Мирзаевичнинг яқин-ёвуқлари, унинг ҳар ер-ҳар ерда биттадан ҳовли қурдираётганини эшитиб, ўртага олишган, «қўй энди»лаб тартибга чақирмоқчи бўлишган эди. Бор бўлса кўролмайдиган, йўқ бўлса беролмайдиган «қариндошлар» мана шулар-да! Иморат қўрсанг бор эканми — мана, ҳадемай биттаси олдингга пешвоз чиқаман деб турибди. Халиям у-бу ишлар рўй бермасин, фалокат босиб рўй берсами, Арслон Мирзаевич қариндошларига орқа қилмайди, орқа қиладигани — ҳар кимларнинг номида турган ўн саккизта омонат дафтарчаси, итётоқ остига кўмилган шейфдаги бир миллион сўм пули ва уч юз грамм тилласи. Ана шулар унинг қунига ярайди. Ярайди дейми, икки тегиримон тошининг орасидан мени бутун олиб чиқади, деб ишонади Арслон Мирзаевич.

Арслон Мирзаевич ҳақда «охиратни ўйламас экан», деб ўйловчи одамлар қаттиқ янгилашадилар. У ўлимини ҳам ўйлаб қўйибди. Отасининг қабри тепасига қўш гумбаз солдириб, ёнидан ич-ташини мрамар тошлар қоплатиб, ўзининг ўрнини ҳам созлаган. Дастлабки фикрига кўра бир тарафидан хотинига ҳам ўрин планлаштирган эди, «сочи узун, фаҳми қисқа» хотин эса уйни бошига кўтариб йиғлаб, ҳадемай битадиган лаҳаддан қуруқ қолди...

Арслон Мирзаевичнинг курортда қисқа вақт ичиде эришган обрўйини ҳам кам деб бўлмайди. Дам олишда юрган ўзи сингари пора олувчилар авваллари уни писанд қилмай гапиринишарди. Бир куни юзталикдан қайтим олмай кетаётган Арслон Мирзаевични кўриб, уларнинг дами ичларига тушиб кетди. Шушу бўлдиyo ҳамма унга биринчи бўлиб салом беришга интилади. Бизнинг қахрамонимиз олдида савдо қилишга ҳам тортинадиган бўлиб қолишди. Қахрамонимиз қаерга бормасин, ҳурмат-эҳтиром жойида — одамларнинг қўллари кўкракларидан тушмайди: Арслон Мирзаевич, сиздан бўлсин! Арслон Мирзаевич бошлаб берсинлар!

## Давоми келгуси сонда

«Бу дунё беш кунлик дунё, тонг отса уч куни қолади», деган экан қадимда машойиҳларнинг бири. Бу гапнинг қанчалик рост, қанчалик ёлгон эканлигини билмаймиз-у, бироқ «Курорт де-

# «ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИГА АРЗНОМА

«Ёшлик» журнали редакциясига Арзнома

«Ёшлик» журналининг 1988 йил 10, 11-сонларида босилган Шукур Холмирзаев ва Тоҳир Усмоновларнинг «Қизил командирнинг қисмати» номли ҳужжатли очеркида бизнинг бобомиз, деҳқон, Бойсун районининг Дуоба қишлоғида совет тузумининг фаол ташкилотчиси бўлган Саидов Рўзи (Саидзўр) ҳаётига нисбатан уйдирма маълумотлар берилган. У инқилобга қадар бутун Осиёни кезган, Россиянинг қатор шаҳарларида бўлиб, рус тилини яхши эгаллаган, Октябрь инқилобининг мақсад ва вазифаларини чуқур тушунган инсон эди. Шунинг учун биз иккала публицистнинг ҳужжатли очеркда келтирган факт ва маълумотларини тўла рад этамиз. Ҳозирги демократик ва ошкоралик шароитида собиқ деҳқон, етимликда ўсган, ўз ҳалол меҳнати туфайли Бухоро мадрасасида олий маълумот олган, қатор тилларни ўрганган, талантили, тараққийпарвар инсоннинг қадр-қимматини камситганликлари учун ҳар икки публицист устидан тегишли ташкилотларга шикоят қилишга ҳақлимиз.

Биз, барча дуобаликлар, бу сохта ҳужжатлар, фактларни қаердан олишди экан, деб ҳайрон қолдик. Улар, бор бўлса, ҳозир қаерда сақланмоқда? Бобомиз Саидзўрга «тегишли» бўлгани учун ҳам улар билан танишгимиз келади. Ш. Холмирзаев ва Т. Усмоновлардан талаб қиламизки, тез кунларда Саидзўр яшаган қишлоқ аҳлига, унинг қариндошларига бу ҳужжатларни келтириб кўрсатсинлар. Очерк босилиб чиққач, биз, табиийки, публицистларнинг қишлоғимизда кимларнинг суҳбатида бўлганликларини билан қизиқдик. Лекин бизга ҳеч ким ҳеч нарса айтолмади.

Биз мазкур очерк мазмунини Саидзўр бобони билган одамларга айтганимизда, улар қаттиқ ғазабланишди ва бу асар кинофильм яратиш, театр сахналаштириш, халқни, давлатни алдаш, тарихни сохталаштириш йўли билан катта миқдорда қаламҳақи олиш учун ёзилганлигини айтдилар. Ахир бундай йўл КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, қо-

лаверса М. С. Горбачевнинг ёзувчилар билан бўлган учрашувларида ҳам қаттиқ қораланган эди-ку. Ш. Холмирзаев ва Т. Усмоновлар бундан керакли хулосалар чиқариб олишмагани, «Ёшлик»да эълон қилмай туриб, Дуоба қишлоғида «Партия XXIV съезди» совхозида яшовчи оқсоқолларни ҳужжатли очерк билан таништириб, фактларни уларга тасдиқлатишмагани кўриниб турибди.

Муаллифларнинг энг катта ҳатоси шуки, гўё Эшниеъ командир 1926 йилда кўпхонлиги ва давлат маблағларини ўзлаштиргани учун Саидзўрни жазолаш мақсадида Дуобага келиб, одамлари билан уни қопга тиқиб, дарёга ташлаб, ўлдириб юборган эмиш. Шунингдек, гўё Саидзўр инқилобдан олдин қишлоқ қизларини Саид Олимхонга тортиқ этган, Бойсундан келишган қизилармиячиларни эса мусаллас билан меҳмон қилган эмиш. Биз буларни бобомиз Саидзўр номига очиқдан-очиқ туҳмат деб биламиз. Шу мумоцабат билан бобомиз Саидов Рўзи (Саидзўр) ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мухтасар баён этамиз: у 1885 йилда Дуоба қишлоғида туғилди, миллати — тожик. Отаси Саиднинг ўлимидан сўнг у, опаси ва укаси — учовлон етим қоладилар. Оғир қийинчиликлар кўрган онаси қайтадан турмуш қуришга мажбур бўлади. Орадан кўп ўтмай, укаси бедарак йўқолади. Ун икки ёшли Рўзи уни ахтаришга тушади. Узоқ ахтарини, охири ўзи ҳам тоғда чўпонлар ёнида қолиб кетади. Олис сафарларга чиққан карвонлар келишганида чўпонлар Рўзини Бухорога мол олиб кетаётган бир савдогарга берадилар. Савдогар эса уни Бухорода сарой хизматчисига сотади. Тўғрилиги ва қобилиги учун ёқтириб қолган хўжайин Рўзини тирноққа зор яшовчи синглисига фарзандликка беради, мадрасада ўқитади. У савдо карвонлари билан турли шаҳарларга саёҳат қилади.

Хуллас, бобомиз 1929 йилгача Бухорода яшайди. Сўнгра Дуоба-

га қайтиб, колхоз қурилишининг фаол курашчиси сифатида фаолият кўрсатади. Шу қишлоқлик Холмўминова Норойга уйланиб, беш фарзанд кўрадилар. Саидов Рўзи 1958 йил 22 августда вафот этган.

Агар Саидзўр (Саидов Рўзи) «Қизил командирнинг қисмати» очеркида ёшилишича, 1926 йилда Эшниеъ томонидан ўлдирилганида, ҳозир унинг 33 набираси, 26 чевараси ҳам бўлмас эди. Ҳолбуки, 1938-1940 йилларда у Термиз шаҳар ички ишлар маҳкамасида таржимон бўлиб ишлаган, Улуғ Ватан уруши йилларида унинг ташкилотчилиги туфайли минглаб дуобаликлар очарчиликдан омон қолишган, у 50-йилларнинг бошларида биринчилардан бўлиб Шеробод чўлини ўзлаштиришга отланади ва 1958 йилгача чўлда тер тўқиб ишлайди. Саидзўр ҳеч кимга ёмонлик қилмас, барчани ўз билим ва тажрибаси билан ўзига ишонтира олар эди. Табиийки, меҳнатсеварлиги билан ўз ғанимларини енгар эди. Шу боис халқ унга Саидзўр лақабини берган.

Шунинг учун биз:

1. Махсус комиссия тузилиб, мазкур шикоятда ва Ш. Холмирзаев, Т. Усмоновларнинг «Қизил командирнинг қисмати» ҳужжатли очеркида келтирилган фактлар солиштирилиб, ким ҳақ, ким ноҳақ экани аниқланиб бизга маълум қилиниши;

2. «Ёшлик» журнали саҳифаларида бизнинг арзнома ва комиссия хулосалари, шунингдек, жавобгар шахсларга нисбатан кўрилган чоралар ҳам ёритилиши;

3. Комиссия аъзолари ва муаллифларнинг Гагарин райони «Партия XXIV съезди» совхозида яшовчи, Саидов Рўзини биладиган Ҳамро Орипов, Раҳим Орипов, Муҳаммади Юнусов каби ўнлаб ва юзлаб кишилар билан учрашуви ўтказилишини сўраймиз.

Муҳаммади Рўзиев,  
Раҳим Исроилов,  
Жуманазар Мирзаев.  
Тожикистон ССР,  
Душанбе шаҳри

РЕДАКЦИЯДАН: тожикистонлик журналхонларнинг арзини муайян қисқартиришлар билан эълон қилдик. Худди шу мазмундаги хатлар Сурхондарёдан ҳам келган бўлиб, уларда асардаги Қора Пирман образи мумоцабати билан туғилган фикр-этирозлар ифода этилган. Биз арз ва мактубларни «Қизил командирнинг қисмати» муаллифлари ёзувчи Шукур Холмирзаев билан Тоҳир Усмоновга ҳавола этдик. Журналнинг навбатдаги сонларидан бирида сиз уларнинг жавоблари билан танишасиз.

## «Ёшлик»ка обуна чекланганми?!

Ҳар куни биз журнал муштарийлари ва адабиёт мухлис-ларидан юзлаб хатлар оламиз. Уларнинг аксарият қисми «Ёшлик»да эълон қилинган асарларга, теварак-атрофда содир бўлаётган салбий ҳодисаларга, ҳаётимизга кўрк бағишлаётган қайта қуришга муносабат билдириб ёзилган фикр-мулоҳазалардан иборат бўлса, қолганлари журналга обуна бўлишга имкон беришмаганлиги ёхуд муштарий бўла туриб, журналнинг бирор сонини олишмаганлиги, шунингдек, йилнинг бошида гарчи «Ёшлик»ка ёзилган бўлсада, ўрнига бошқа газета ёки журнал олаётганлиги ҳақидаги арзномалардан иборатдир.

«Мен Туркменистон ССРнинг Чоршанги районидаги Говурдак посёлкасида истиқомат қиламан, шу ердаги 8-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераман, — деб ёзади ўз хатида журнал ихлосманди Нортोजи Тонгиров — 1988 йил учун обуна мавсуми бошланганида мен «Ёшлик»ка обуна бўлган эдим. Афсуски, журналнинг бирорта сонини олиб ўқишга мўяссар бўлолмадим. Бу йил ҳам яхши ниятлар билан «Ёшлик»ка ёзилдим. Журналда эълон қилинаётган ажойиб асарлар ҳақидаги фикрларни, мушоҳадаларни эшитганда менга алам қилади. Чунки, афсус билан айтиш керакки, бу йил ҳам унинг бирор сонини ололмаяман, бориб алоқа бўлимидаги ўртоқлардан сўрасам, журналнингиз келса уйингизга олиб бориб берамиз, дейишди. Вақт эса ўтиб бормоқда... Журнал нега кам чиқмоқда, нега у бизгача етиб келмаётгубди?»

Қадрли Нортोजи Тонгиров! Журнал оз эмас, кўп эмас, роппа-роса 300 минг нусхада нашр этилади. Шу нуқтаи назардан иттифоқ ёшлар журналлари ичида у муайян нуфузга эга. Модомики у сизгача етиб бормаётган экан, бунга фақатгина алоқа бўлимидаги мутасадди ўртоқларнинг лоқайдлиги сабабдир...

«Ушбу хатни ёзишдан мақсад шуки, ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар мен «Ёшлик» журналинини қўлдан қўймай ўқир эдим. Ҳозир Мурманск областида хизмат қилмоқдаман. Афсуски, ҳар қанча ҳаракат қилмай, обуна бўлолмадим. Журнал Бутуниттифоқ обуна каталогиди йўқ, деб жавоб қилишди бизга. Қандай қилсак биз «Ёшлик» журналидан баҳраманд бўлишимиз мумкин?»

Насриддин Жўрақулов». «Менинг бирдан-бир ниятим «Ёшлик» журналининг ҳар бир сонини олиб ўқишдир. Афсуски, журнал Бутуниттифоқ каталогига киритилмаган деб ўтган йили бизни 1989 йил учун «Ёшлик»ка обуна қилишмади. Уша пайтларда Навоий шаҳрига сафарга борганимда журналнинг бултурги сентябрь сонини олишга муваффақ бўлдим. Унда «Ёшлик» Бутуниттифоқ каталогига киритилганлиги қайд этилган. Алоқа бўлимидаги ўртоқларга шуни кўрсатсам, улар обуна мавсуми тузган деб баҳона қилишди. «Ёшлик»ка муштарий бўлиш учун нима қилишим керак?»

Розиқжон Ҳайдаров,  
Конибодом районидаги  
Равот қишлоғи.  
Тожикистон ССР».

Редакцияга шу мазмунда жуда кўплаб хатлар келмоқдаки, ҳақли равишда у бизни безовта қилади. Туркменистонда истиқомат қилаётган журнал ихлосмандлари бир неча йилдан бери ҳар қанча уринишмасин «Ёшлик»ка обуна бўлишолмаётганини куйиниб ёзишади.

Биз шуни айтишимиз мумкинки, «Ёшлик» журнали ҳақиқатан ҳам 75241 индекс билан Бутуниттифоқ обуна каталогига киритилган. Унга нафақат ҳамюртларимиз ёки қўшни республикалардаги журнал мухлислари, Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ёшлар, ҳатто ҳорижий дўстларимиз ҳам ёзилиш ҳуқуқига эга. Журналга ёзилиш истагини билдирган бирор кишига алоқа бўлимидагиларнинг рад жавобини беришга ҳақ-ҳуқуқлари йўқ.

«Ёшлик» журналига обуна бўлиш чекланмаган миқдорда олиб борилади. Бир йил учун 6 сўм, олти ой учун 3 сўм пулни почтага олиб бориб тўлаш кифоя.

Хатлар бўлими





**НАСР**

Шодикул ҲАМРОЕВ. Оғриқ томирлар. Ҳикоялар . . . . .	8
Тоҳир МАЛИК. Алвидо, болалик. Қисса . . . . .	20
Ҳабибулла ҚОДИРИЙ. Қодирийнинг сўнги кунлари. Хотира қиссанинг давоми. . . . .	36



**НАЗМ**

Ойдин ҲОЖИЕВА. Эшит янграётган виждон кўнғироғини. . . . .	6
Мақсуд БЕКЖОН. Сени фикрларга ташлаб кетаман . . . . .	18
Фароғат КАМОЛОВА . . . . .	34
Шукур СОДИҚ . . . . .	56



**ПУБЛИЦИСТИКА**

Америкалик ўзбеклар. Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов билан суҳбат . . . . .	2
Мактабдан мактублар . . . . .	33
Назира ЙЎЛДОШЕВА. Навоий нидоси . . . . .	61

**А. С. ПУШКИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 190 ЙИЛЛИГИГА**



А. С. ПУШКИН. Моцарт ва Сальери. Кичик трагедия . . . . .	68
---	----



**АДАБИЙ ТАНҚИД**

Низомиддин МАҲМУДОВ. Тил мавқеи — эл мавқеи . . . . .	15
Сувон МЕЛИЕВ. Жонли сўз қудрати . . . . .	73



**САНЪАТ**

Абдуманнон НАЗАРОВ. Тасаввуф ва муסיқа . . . . .	71
--	----



**ОЙНА**

С. БЕКЖОНОВ. «Кичик Вера»нинг катта ишлари . . . . .	14
Тил сандиғи . . . . .	17



**НИГОҲ**

Шерали ЖЎРАЕВ . . . . .	58
«ЕШЛИК» почтаси . . . . .	78



**ЕЛПИҒИЧ**

Муродбой НИЗОНОВ. Пора. Ҳажвий қиссанинг давоми . . . . .	75
---	----



**ЕШЛИК**

«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник редактор: О. РАҲИМОВ  
Корректор: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош редактор — 78-94-05  
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83  
Масъул секретарь — 78-97-07  
Проза бўлими — 78-97-58  
Поэзия бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-31-44

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 24.04.89 й.да туширилди. Босишга 31.05.89 й.да рухсат берилди. Р—11808. Офсет босма, 1-офсет қоғози.

Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Қоғоз ҳажми 5,25 лист.

Шартли босма листи 8,82.

Нашриёт ҳисоб

листи 12,6. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76. Тиражи 300000 нусха.

Буюртма № 607.

Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

© «Ешлик», № 6, 1989.

Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.

**МУҚОВАДА:**

1-саҳифада болгариялик рассом Дмитр Янковнинг «Уйғунлик» асари. 4-саҳифада Владимир Глуховнинг «Водий» асари.